

ОЛЬГА ИПАТОВА

# НЕМЕЗИДА БИЛАН ЙИГИРМА ДАҚИҚА

*Ҳикоялар ва қисса*

Белорус тилидан таржима

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1985

**Ипатова Ольга.**

**И 70** Немезида билан йигирма дақиқа: Ҳикоялар ва қисса. Белорус тилидан тарж.— Т.: «Ёш гвардия», 1985.—160 б.

Белорус адибаси Ольга Ипатованинг ўзбек тилида илк бор нашр этилаётган китобига унинг энг яхши асарлари танлаб олинди. Улуг Ватан уруши даврида белорус партизанларининг жанговар ҳаёти, замондошларимизнинг кучли характерлари бу асарлар асосини ташкил этади.

**Ипатова Ольга.** Двадцать минут с Немезидой:  
Рассказы и повесть.

**С(Бел)**

И  $\frac{4702020000-19}{356 (04)-85}$  59—85

© Издательство „Мастацкая літаратура“, 1981  
„Ёш гвардия“ нашриети, 1985, (тарж.)





## ҲАЁТ ҚАРЗИ

Тўққиз яшар Вася Шкутькани областдан яна ўша район касалхонасига олиб келишди. Жонидан умиди йўқ эди унинг.

Турли-туман эмлашлар, текшир-текширлардан безган Вася тўмтоқ бармоқли қўлларини тиззасига қўйиб, қабулхонада оқиш деворга беҳол суяниб ўтирарди.

Дераза олдида «тез ёрдам» машинаси тўхтади, ундан юзлари тўладан келган, барваста аёл тушиб, боши врач хонасига ўтиб кетди. Вася бир титраб, зўрға ўрнидан турди-ю, яна ўтириб қолди. Юпқа фанер девор ортидан онасининг совуқ, ёқимсиз товуши эшитилди. Боланинг ҳида оч-қизил доғлар пайдо бўлди. Онаси кимгадир ҳадеб гап уқтирарди.

— Қараб туришга вақтим борми? Биласиз, эртаюкеч бетўхтов зиғир келиб турса, ҳисоботини олиш керакми ё йўқми?.. Шу ерда қолаверсин. Қайтариб юборамиз?.. Ҳаққингиз йўқ! Доктор бўлсангиз — даволанг. Гап тамом-вассалом!

Навбатчи ҳамшира Васяга бир қараб қўйиб, радио қулоғини буради. Лекин жигаранг қутичадаги заиф бир куйни девор нариёғидаги шанғиллаган овоз босиб кетди:

— Тушунаман, у — кераксиз матоҳ эмас, одам бола-

си у ҳам,— аммо — аввал тузатинг, кейин... Иложимиз йўқ? Бу нима деганингиз?..

— Э, садқан она бўлмай кет,— ҳамширанинг кўм-кўк кўзларида ёш кўринди.— Яна қоладиган бўлдинг, йигитча...

У бош врачнинг буйругини кутмаёқ, эшикни очиб чақирди:

— Энага Ивановна! Қаердасиз? Боланинг кийимларини олиб келинг. Ваннани ҳам иситинг...

Васяни учинчи палатага ўтказишди. Бир чеккадаги мўъжаз хонада тўртта каравот қўйилган бўлиб, ён тарафдаги қўшни хонада беморлар операция қилинар ва яраси бойланар эди. Ҳафтада бир марта бош врач — ёш, тўладан келган рангсиз йигит — ҳамшира ва ёрдамчилари билан шу хонага ўтиб кетишар, кейин ярим тунгача у ерда нималардир шитирлар, шиқирлар, ғивирлар, палата ёнидан оқ аравача уёқдан буёққа келарди. Баъзан зудлик билан операция қилишар, шунда Вася уйғониб кетиб, узоқ вақтгача ухлай олмас, бенхтиёр операция хонасидан чиқиб келган врачларнинг гапларига қулоқ солиб ётарди.

Сўнг асбоб-ускуналарни йигиштириб, ҳамширалар чиқиб келишар, улардан бири — Наташа эснаб, ўзича дерди:

— Энди Юрка уйдан ҳайдайди мени, нуқул ярим кечаси уйғотасан деб...

Кейин ҳаммаёққа сукунат чўкади, фақат дераза ортидаги қарағайнинг шовиллаши эшитилади, холос.

Касалхона ён-вери қарағайзор, аммо бу пастак, бе-ўхшов қарағай улардан бир четда, бино қаршисидаги тепаликда ёлғиз ўзи ўсар эди. Шимолдан шамол турса, шохлари эгилиб, учлари буралиб-буралиб, пояси нақ ажралиб кетгудек қарсилларди, лекин анови қарағайлар у билан ўчакишгандек салобат билан гердайиб туришаверарди.

Бу изгирин шамол Неман оқими бўйлаб хуруж қилар, айниқса, февраль ойида дарёнинг тик қирғоқларида шиддатли бўронга айланарди. Лекин унча баланд бўлмаган тепалик касалхонайи шамолдан асраб туради, осмонни қора булут босган совуқ кунлардагина ҳўл қор уюмлари деразага келиб урилади.

Ҳамиша — осмонда янги ой тиллини ярқиратиб турганда ҳам, ёхуд шамол қутуриб ҳуштак чалиб ўтганида ҳам пакана қарағайининг аллақасери ғижирлаб, қисирлаб қўяди. Эҳтимол, бу битта-яримта қуриган-чириган ёки

• синган шохидир. Эҳтимол, бу ўз тақдирин билан чиқишолмаётган ўжар қарағайнинг нолаасидир.

Бундай пайтларда Вася ўрнидан туриб қарағайнинг ёнига боргиси, гадир-будур қўнғир поясини силаб, юпатгиси келади. Ахир, беморлар ҳам ўз дард-ҳасратларини тўкиб-солиб, бир-бирларига тасалли берадилар-ку! Вася ҳам шу дарахт билан отамлашиб, яқинда ёруф оламдан кўз юмажagini, уни даволашдан докторлар воз кечганини, бош врач Томаш Кузьмич бўлса ачинганидан касалхонада олиб қолганини айтмоқчи бўлади!..

Эрталаблари, тирсагидан юқори қилиб резинка боғланган озғин, дармонсиз қўлини ярқиратиб турган ўтқир нинана тутаркан, Вася салмоқланиб дерди:

— Бекор дори сарфляяпсиз менга. Фойдаси йўқ энди...

Бу гапни у бир эмас, бир неча бор айтганига қарамай, ҳамшира Саша сал-пал кўришиб турган кўк томичани зўрга топади-да, нинани суқиб олгач, зарда қилади:

— Жуда доно бўлиб кетибсанми-а? Қани, қўлингни қимирлат-чи!

Беморлар касалхонага келган кунданоқ дарров Васянинг кимлигини, қаерданлигини суриштиришар, ҳамширалар ўтиб кетаётиб шивир-шивир қилишар, қўшни палатадаги аёллар у-бунин олиб келиб, пешонасини силаб, ачиниш бош чайқашар, Вася ҳам бунга кўникиб қолганди.

Аслида-ку, у ҳозирги ҳаётидан нолимаса ҳам бўлади. Ахир, мактабда икки ой ўқиганида озмунча азоб чекмади. У диққатини бир жойга жамлай олмас, уй вази-фасини сўраганларида уялиб, огиз очмай, тураверар, шунда юзларини қизил доғлар босиб кетарди.

Уйда ҳам жони қийноқда эди. Тез-тез ҳушини йўқотиб, ранги оппоқ оқариб кетишини писанд қилмай, онаси икки марта — сентябрь ва октябрь ойларида Васяни мактабга ҳайдаб чиқарди, «мени уятга қўйма, сен фақат «аъло» баҳоларда ўқининг керак», деб дағдага қилди. Мактабдан уйга қайтаркан, дастурхондаги ярми бўшатилган шишага, панирос қолдиқларига кўзи тушиб қоларди. Онаси сира чекмас эди-ку?

Касалхонада эса Васяга ачинишади, яхши муомала қилишади. Орқасига укол қилишганида узоқ вақтгача қимирламай чалқанча ётишини ҳисобга олмас, ҳамма иш жойида. Докторлар бошқа беморларни бирпасда

кўриб бўлишади, бироқ Васянинг тепасида худди қийин бир масалани ечаётгандек, узоқ ўйланиб қолишади. Айниқса, бирон салобатли профессор бош врач билан бирга келиб қолса борми, дарҳол каравотининг бир чеккасига ўтириб, касалини яна бир карра обдон суриштиришади, ниманидир ўзаро таъкидлашиб, ташвиш аралаш қизиқиш билан қараб-қараб қўйишади. Бу эса Васяга хуш ёқади, у беихтиёр жилмаяди...

...Февраль бўронлари тугаб, март ойига хос осойишталик бошланди. Оппоқ, момиқ қор остидаги табиат аста уйғониб, одамзод кўзи илгамайдиган илк гиёҳлар пайдо бўлди, дов-дарахтларнинг илдизларига жон кирди, ҳайвонларнинг мудроқ танасида қон тезроқ айланди.

Шу ўйнинг охирида кўз ўрганиб қолган кулранг-қора қарағайлар (пастак қарағайнинг ҳам) устини илим-илиқ туман қоплади, қишнинг бутун қолган-қутгани бир неча соат ичида эриди-қўйди.

Худди шу кун палатага янги бир одам келди. Васянинг қўшнилари — ошқозон ярасини даволаётган сапсарик сочли Семёнич ва уйқусида ўн икки бармоқли ичагини босиб олган Александр унга диққат билан қараб қўйишди.

Бу қалин қошли, силлиқ тарашланган оппоқ мўйлабли, озгин, муштдеккина бир чол бўлиб, йўл-йўл кенг халат ва кулранг галифе шим кийиб олганди. У ҳамма билан бир-бир саломлашиб чиқди, қизғиш адёлни учидан букиб, бўш каравотга ўтирди-да, қўнжидан тўла халтачани олди, ичидан оппоқ майин думба ёғи, бир бўлак нон ва пиёз бошларини чиқариб, тумбочка устига қўйди.

Етиб келгунимча қорин қурғур очди, — деди у думба ёғини нон устига қўйиб еярган, — илгарилари беш-олти километрни писанд ҳам қилмасдим, энди бўлса дарров сезиляпти.

— Ҳа, сезиляпти, — гап қотди Семёнич асабий равишда оёғига адёлни тортиб:

— Оёғингда туролсанг бўлди-да, нега касалхонага келасан?

— Оёқ-ку ҳали бақувват-а, лекин лаънати осколька қўймаяпти-да — нафас олиш қийин бўляпти. Эрталаб йўтал тутса борми, қон оқади, деявер.

— Демак, сени операция қилишади, — деди лўнда қилиб Александр.

— Йў-ў-ўқ, операция қилдирмайман. Бир оз даво-

лашса, қон оқмаса бўлгани... Операция эмиш! Бусиз ҳам етмиш йил яшадим, буёнга ҳам бир амаллаб...

Вася чолнинг бу гапига жилмайди.

— Ҳа, болакай, нега қараб турибсан,— деди чол Васяга қараб.— Нондан ол, ёғдан ол, уялма, бемалол...

— Иштаҳа йўқ,— бош чайқади Вася.

— Бе, қўйсанг-чи! Сен қўпроқ овқат ейишинг керак. Қара, тахтакачга ўхшаб кетибсан...

Семёнич адёл устидан хира кўзларини ялтиратиб, пичинг қилди:

— Энди болакайга ҳеч нарса кор қилмайди...

Чолнинг жаҳли кўзгади:

— Мендан ёш бўлсанг ҳам нодон экансан,— деди у Семёничга тик қараб.— Нима қиласан боланинг миясини заҳарлаб?

— Э, қўйсанг-чи,— қўл силкиди Семёнич.— Унинг ўзи ҳам билади яқинда ўлишини!.. Яхшиси, чол, пиёзинг билан палатани саситмай, чиқиб кет. Шусиз ҳам зўрға нафас оляпмиз.

— Одам сасийди, пиёз эмас,— жавоб қилди чол.— Пиёз етти дардга даво у, билдингми? Менинг дардим — саккизинчи, уни ҳам даволайди...

Тунда Вася йнглади: Семёничнинг сўзларидан эмас, йўқ, у бунақа гапларга кўникиб қолган...

Унинг фикри-зикри ташқарида эди. Ҳа, дераза ортида ажабтовур ҳодисалар бўлаётганди. Оппоқ туман пакана қарағайни қалин ўраб олган, у энди ялнимасди ҳам, титрамасди ҳам, фақат шохлари қирс-қирс қиларди — у баҳорни чорларди.

Узоқда, пастда дарё гувуллаб оқмоқда, охирги муз парчалари бир-бирига гум-гум урилади, қирғоқнинг оқим ювиб кетган жойлардан қум шувиллаб пастга кўчади.

Ҳа, ташқарида зўр ўзгаришлар бўляпти. Уларни жон қулоғи билан тинглаб ётган Вася негадир ҳаётга, шу ўзгаришларга алоқаси, умуман ҳеч кимга кераги йўқдай ҳис қилади ўзини. Ёнида хуррак отиб ухлаётган Александрнинг ҳам, Васяни кўргани касалхонага атиги бир марта келган онасининг ҳам, баҳорга муштоқ ўша пастак қарағайнинг ҳам Вася билан ишлари йўқ.

У йнғисини ҳеч ким эшитиб қолмасин учун мушти билан оғзини ёнади, кўз ёшлари эрталаб ёрилиб кетган лабларига тегиб, ачишади, уларни тили билан яламоқчи бўлади-ю, аммо тили гадир-будур, оғзида базўр айланади.



Шунда у ҳовлига эмаклаб бўлса ҳам чиқиб кетгиси, чўккалаб ўтириб, дераза нариёғидаги дарахтдан оқиб тушаётган оғир томчилар билан қуруқшаб кетган лабларини ҳўллагиси келади.

Аммо, палатадагиларнинг уйғониб кетишидан: навбатчи ҳамшира — серзарда Сашанинг кўриб қолишидан чўчиб, фикридан қайтди, дори иси анқиб турган адёлни бошига тортиб, оёқларини ғуж қилиб ётиб олди.

Тун зулматидан қоронғи хонада батареядан қандайдир кишини лоҳас қилувчи нохуш бир иссиқлик тараларди. Васянинг тасавурида ўлим ҳам шунга ўхшайди: зим-зиё, диққинафас жойда ётасан, қимирлашдан, йиғлашдан ҳам қўрқасан, атрофингдан бўлса — бегона, бепарво одамлар...

У йиғидан тўхтаб, адёлдан бошини чиқариб, ён-верига қаради. Александр боягидек хуррак отиб ухлар, Семёнич кўкрагини чангаллаганича ётиб қолган, янги келган Тимофей бобо аҳён-аҳёнда йўталиб қўяр, кўкрагида нимадир худди газмол йиртилгандек «ширт-ширт» қилар, шунда у ўрнидан туриб, кўзларини бир нуқтага тикканича ўтирар, сўнг яна ётарди. Вася баттар қўрқиб, «у қачон ухларкин?» дея пойлар, чол ухлаб қолгач, адёлга бурканиб, гоҳ хўрлиги келиб йиғлар, гоҳ тун шовқинига қулоқ солиб, тонг отишини пойларди.

Эрталаб Вася жуда дармонсизланиб қолганини ҳис қилди. У нина санчиб ташланган қўлидан яна укол учун жой танлаётган ҳамшира Сашани, суюққина сутли шўрвани иштаҳа билан тушираётган беморларни, тепасида пешонасини тириштириб турган Томаш Кузьмични таниб-танимай, бемалол ётарди.

Дераза ортида қуюқ оқ туман тарқалиб кетмаган, палатадаги лампа ҳам ўчирилмаганди.

Тимофей бобо Васянинг атрофида парвона бўлиб, ниманидир суриштирар, Семёнич бўлса сўкиниб, «чет элдан келтирилган дори бериш керак» деб вайсар, аёллар палатасидан ёқимтойгина жувон — Василиса хола боланинг аҳволини ҳамширадан сўраб кетарди. Александр Васядан кўзини узмасди.

Кечга яқин Тимофей бобо қаердандир намхуш, сербутоқ дарахт шохини кўтариб келганида қатроннинг сезилар-сезилмас иси болани ҳушига келтирди. У тим қорайиб кетган кўзларини очди. Бобо шохни тиззалари орасига олиб, сирли шаклларни ўяётганига бир оз қараб ётди. Шу топда хонага Саша кириб, бобога ўшқириб берди, лекин унинг нима қилаётганини кузатиб,

чеҳраси очилди. «Врачлар палатага кирадиган пайтларда жимжимадор таёқни бирон жойга яшириб қўйинглар», деб чиқиб кетди.

— Қара, нима ясадим,— деди эртасига Тимофей бобо таёқни Васяга узатиб.— Ҳар хил ҳайвонлар суратини ўйиб чиздим. Қалай, ёқадими? Бу — сенга. Биламан, катталар орасида бир ўзинг зерикапсан...

Таёқнинг мис қўнғир тусдаги ингичка пўстида ўрмон қуш ва ҳайвонларининг жажжи шакллари усталик билан ўйилган эди. Ён тарафда, қуйироқда гўё «еб қўяман» дегандек қараб турган Семёничнинг қора қарғани эслатувчи қиёфаси чизилганди. Вася жилмайиб қўйди: «Нақ Семёничнинг ўзи-я!»— Шунда Тимофей бобо ейилиб кетган тишларини очиб, хандон отиб кулди:

— Ўзи кўрмасин,— деди у Семёничнинг бўш каравотига имо қилиб.— Кўзи тушса борми — ғажиб ташлайди.

— Манави нима,— сўради Вася ғалати бир махлуқ шаклини кўрсатиб. Буниси таёқнинг узунасига қараб йирик-йирик қилиб ишланганди.— Балиқми, дейман?

— Баракалла, топдинг. Ўзиниям бошқа жониворларга ўхшамайдиган қилиб чизганман.

Тимофей бобо хурсанд ҳолда қўлларини бир-бирига ишқади:

— Бу, Васюта, дунёда энг қадимги балиқ — осётр бўлади. Бир вақтлар унга ҳайкаллар ҳам қўйишган экан, зўр балиқ-да! Бўйи десанг уч метрдан ошади, вазни-чи, ўн-ўн икки пуд деявер.

— Уни ўзинг кўрганмисан,— гапга аралашди Александр.— Бизда, Белоруссияда бунақа балиқ йўқ бўлса кераг-ов. Ҳар ҳолда эшитганман.

— Ҳа, осётр — жуда кам учрайди. Сендақалар қириб ташлаган,— ғамгин бош чайқади бобо ва давом этди:

— Дарёларимизда ҳозир ҳам осётр борликка — бор, лекин жуда ноёб-да... Одам ҳам аввал осётрдан пайдо бўлиб, кейин қирғоққа чиққан экан. Одамга ўхшаб чучук сувни ёқтиришини айтмайсанми, унинг!

— Неманда ҳам осётр борми?

— Бўлмасам-чи! Дарёмизга у денгиздан тухум қўйгани сузиб келади. Камдан-кам одам кўради уни. Тухуми ҳам, гўшти ҳам жуда ширин бўлади... Қўлинг сингур ўғрилар бекорга уни овлашмайди-да.

— Умримда осётрни кўрмаганман,— деди Александр.— Қани, қария, таёқни узатиб юбор-чи, бир кўрай, қанақа бўларкин ўзи.

— Бермайман,— деди базур Вася қонсиз бармоқлари билан таёқни ушлаб.— Меники бу, ўзим томоша қилиб ётаман...

— Меники, дейсанми? Демак, ҳали-вери ўлмайсан,— юзини буриштириб, киноя қилди Александр.— Урнимдан туролсам эди, бир адабингни бериб қўярдим... Майли, яшаб қол.

— Нуқул ўлади, ўлмайди, дейсанлар,— жаҳл билан деди Тимофей бобо.— Нега энди ўларкан? Болакайнинг ҳали иши кўп бу дунёда. Ҳаётдан қарзи бор, узиши керак... Бурчини бажарйши керак.

— Қанақа қарз?— кулиб юборди Александр.— Қанақа бурч? Нима деб алжираяпсан? Улим — у ҳаммани бир текисда жўвалайди. Бурч-пурч билан иши йўқ унинг... Мана, мени ол — аллақачон асфаласофлинга жўнатса бўлади, лекин...

— Ҳа, баракалла, ўлим сени бу гал огоҳлантирган. Ҳаётдан қарзини узсин, деб тегмаган.

— Хўп, қизиқ бўлибти-да,— яна кесатди Александр.— Нима, ҳаёт — омонат кассаи ёки хизмат жойи-мидики...

— Хизмат, дедингни?— унинг гапини бўлди бобо.— Ана энди топиб гапирдинг. Худди хизматнинг ўзи-да бу ҳаёт! Урнингни топсанг, наф келтирсанг — хизматда олиб туришади, йўқ ишламайман, десанг — бўшатишади-қўйишади.

— Мен-чи, мен қарзимни нима билан узаман?— занф овоз билан сўради Вася.

— Билмадим, болакай... Лекин, ҳар кимнинг мақсадни, ўрнини ҳаётнинг ўзи белгилаб беради. Ҳа, шундай.

— Хўш, қария, Семёничнинг мақсади нима? Урни ҳам борми уни оламда?— сўради Александр тумбочка-сидан сигаретани пайпаслаб.

— Семёничми?— Тимофей бобо бир оз ўйланиб, жавоб қилди,— уни бўри дердиму бўри ҳам фойдали-да. Урмонда ўз ўрни бор. У бўлмаса, қуёнлар бепарво, беғам бўлиб қолишади, хавф-хатар борлигини унутишади, сергакликни йўқотишади...

— Бобой, кимни бўри деяпсан?— остопада пайдо бўлди Семёнич.— Алжирайвер, майли...

— Сени гийбат қиляпмиз,— илжайди Александр...

— Мени-я,— бир сапчиб тушди Семёнич.

— Нима, бўримасмисан ҳали?— шаштидан тушмай деди Тимофей бобо.— Хотининг келса, дакки беравериб ҳол-жонига қўймайсан, турткилайсан. Бечора аламидан

йиғлагудек бўлиб қайтиб кетди... Э, сендақалардан бўри аёло. Сен — шақолсан, ҳа, ўлаксаларни еб кун кўрадиган шақолсан...

У шошиб қолган Семёничга бир қараб қўйди-да, давом қилди:

— Сендақалар яхшилик нималигини билмайди. Адёлни бошнингга буркаб, ҳаром-ҳариштани суриштирмай ейиш бўлса бас! Қўрқма, сенга тегмаймиз, насибангга ҳам зор эмасмиз. Берсанг ҳам олмаймиз. Узингга буюрсин!

Орага сукунат чўкди.

— Нима кўп дунёда — сендақа аҳмоқлар кўп, — бевандиша тиржайди Семёнич бир оздан сўнг. — Одам бошқалар учунмас, ўзи учун яшайди, ёлғиз ўзим бўлай, дейди. Тушундиларингми?

Вася Шкутъканинг қовурғалари саналиб турган кўкрак қафасидаги ўжар ҳаёт учқуни сира-сира ўчгиси келмасди.

Тимофей бобо ўша жимжимадор таёқни Васяга туҳфа этгандан буён орадан кўп кунлар ўтди. Қарағай шохлари ўсиб, ям-яшил барг ёзди, тепаликнинг ёнбағрида ёввойи ўтлар кўринди, ҳовлидаги мажнунтол новдалари патсимон исирға тақиб, атрофида асаларилар гўжғон ўйнай бошлади.

Александр тузалиб, касалхонадан чиқди, аммо Саша ишлайдиган хона деразасидан бот-бот кўришиб, навбатчиликда турган кунлари унинг таниш овози, Сашанинг хандон отиб кулгани эшитилиб қоларди.

Ошқозон ярасини даволаётган Семёнични операция қилиб, бошқа палатага ўтказишди.

Тимофей бобо ўзига ўзи қанчалик далда бермасин, бари бир операциядан тез-тез оғиз очиб қўярди. У баттар озиб кетди, халати гавдасида бутунлай шалвираб қолди. Лекин уқайин ва арча шохларидан ҳайвонларнинг қизиқ-қизиқ шаклларини ясаб, кўнгли тусаган одамига совға қилар, уларнинг «рахмат»ини эшитиб, оунарди.

Нонуштадан сўнг хоналар бўшаб қолар, юрадиган ёки қўлтиқтаёқда юришнинг машқини олган беморлар ҳовлига, қарағайзорга чиқиб кетишарди. Қум устида, янгигина бўялган ўришдиқлар бўлиб, остида ёғоч қўзиқоринлари қип-қизариб турарди. Баъзан касаллар узоқроққа, мустаҳкам чўян панжара билан тўсиб ажратилган жарлик ёқасигача бориб, баҳор офтобиде ўзларини тоблашарди.

Шундай қуёшли кунларда касалхонанинг диққина-фас ҳавосидан асар ҳам қолмас, ялпиз ва қатрон иси дарёдаги сув ўтларининг намхуш ҳиди билан қўшилиб, димоққа уриларди.

Сашани айтмайсизми? У очилиб-сочишиб кетди. Хушбахт, бир оз паришонхотир бўлиб кириб келар, уколлари билан Васянинг жонини баттар оғритар, негаки нинадан безган қон томирлари қоқсуяк қўлларининг аллақаерига яширниб олган эдилар.

Тимофей бобонинг совғасини Вася сира қўлдан қўймас, таёқдаги балиқ шакли вақт ўтиши билан қорайиб, ялтираб, яна ҳам жонли, қадрдон бўлиб қолганди.

Вася касалхона кутубхонасида тасодифан эски қомусни топиб олди. Унда балиқлар ҳаёти тўғрисида ҳам кўп нарсалар ёзилганди. Осётр қадимда муқаддас ҳисобланиб, унинг сурати танга ва гербларга зарб қилинган экан.

Улар ҳар йили уч ой бепоеъ денгизлардан тор, майда дарёчаларга сузиб келиб, тухум қўйишади. Лекин шундай зўр балиқ одамлардан четда яшашга мажбур. Ахир, дарёда уларни ёвуз одамлар тутиб олиб, ўзини ҳам, уруғини ҳам сотиб юборишяпти. Қандай адолатсизлик!

Қани энди, Вася лоақал бир марта осётрни кўрса, тўйиб-тўйиб томоша қилса эди!

Ана, узоқ-узоқлардан, ҳадсиз-ҳудудсиз денгизлардан тезоқар Неман дарёсига гала-гала осётрлар сузиб ўтмоқда. Овчилар пана жойда пусиб, улар йўлини тўсишмоқчи, нобуд қилишмоқчи. Йўқ, осётрларни дарҳол огоҳлантириш зарур! Қани энди, Васяга уларни хавфхатардан ҳоли қилиш насиб этса! Ушанда Тимофей бобо айтмиш ҳаёт қарзини узган бўларди Вася.

Шу хаёллар билан у бободан сўрайди:

— Осётрлар қаерда тухум қўяди?

— Қаерда бўларди — Неманда-да! — Бу ердан атиги уч километр нарида, дарёнинг саёз жойида каттакон харсангтош бор. Осётрлар худди шу саёз жойга тухум қўйишади. Узиям жаннатдай жой. Дарё бир текисда тип-тиниқ оқади. Нарёғи кета-кетгунча эманзор... Эҳ, нимасини айтасан, болакай.

— Ахир, шунча жойни оқимга қарши қандай сузиб ўтишаркин?

— Уларнинг иккита худди акуладагидек жўкрагида ҳам, қорнида ҳам сузгичи бўлади. Бамисоли машина-

нинг рули, деявер. Қаёққа хоҳласанг — бурилиб кетаверади. Тушундингми?!

Баҳор авжига мина борди, мўъжазгина район касалхонасини шумурт гуллари тутиб кетди. Операция хонасидаги спирт билан ювилган махсус стакандаги чиннигул шишадек оппоқ гуллади. Операция пайтида уни ташқарига олиб чиқиб қўйишар, кейин яна у тоқчада пайдо бўларди. Ланг очилиб, тоза артилган дераза ойналари офтобда ярқирарди...

Шундай кунларнинг бирида Вася яна балиқлардан сўз очди:

— Бобо, осётрлар тухум қўядиган пайт келдими?

— Эҳтимол, шу топда бошлангандир? Ахир, кунлар илиб кетди, ҳадемай ёгингарчилик бўлади,— жавоб қилди Тимофей бобо.

У ҳорғин кўринар, аввалги сергаклигини ташлаган, аксинча, уззу-кун лом-мим деб оғиз очмасди, негаки нафас олиши тобора қийинлашиб, «ичимда нимадир узилиб кетганга ўхшайди», дерди.

Тунлари палата димиқиб кетар, ташқарида қарагайзор узра қора булутлар йиғилиб, шамол турса тарқалиб кетар, момақалди роқ бўлса, ерга бутун газабини тўкиб юборгудек эди. Шунда Тимофей бобо билан Вася ярим кечгача пастак қарагайнинг кимгадир ялиниб, шитир-шитир қўшиғини тинглаб ётишарди.

Кейин ташқарида «тез ёрдам» машинаси келиб тўхтар, йўлакни ҳамшира ва энагаларнинг дупир-дупур оёқ товушлари босиб кетарди. Сўнг Томаш Кузьмич залвор қадамлар билан юриб, операция хонасига ўтар, у ердан сувнинг шовуллаб қуйилиши, пўлат асбобларнинг жаранглаши, бош врачнинг овозини баландлатиб, «Пинцетни узатсангиз-чи, ойимқиз», дегани эшитиларди.

Зум ўтмай ҳаммаёқ яна жимиб қолар, ёлғиз аравача ғижирлаб Наташа йўлакка чиқар, кимгадир:

— Е худойим-ей, бунча ҳовриқишмаса, нақ машинанинг остига ташлашади-я ўзларини,— дерди.

— Биров ўлдими, дейман,— тахмин қиларди Вася.

Тимофей бобо жавобга оғиз жуфтламасданоқ йўтали тутиб, каравотида ўтириб олар, кейин ётиб тезда ухлаб қоларди. Вася бўлса осётрни кўриш хаёли билан тунни ярим қиларди: хўш, осётрлар тухум қўядиган жой унчалик узоқ эмас экан, наҳот Вася у ерга боришнинг бир иложини қилмаса?

Уша кечаси ҳам шундай бўлди: Тимофей бобо йўтала-йўтала уйқуга кетди. Шунда Вася дадилланиб ўрни-

дан турди; чувагини, кўк йўл-йўл халатини, қизил пахмоқ шинелини кийди. У ҳеч нарсадан чўчимас, гўё қандайдир бир сирли куч касалхонанинг хира яшил деворларидан ташқарига, эркинликка чорларди. Билардики, бундай пайтда ҳамшира бошини столга чирмашган қўлларига қўйиб, қалин лабларини ярим очиб, ухлаб ётади. Қоровул бўлса, диққинафас ҳаво ҳамда мензуркадаги сув қўшилган спирт таъсирида қотиб бўлади.

Вася йўлакдан тез юриб, қабулхонага чиқди, эшик турумни очиб, ҳовлига, сўнг баланд чўян панжара орасидан қисилиб ўтиб, кўчага қадам ташлади.

Совуқ шамол эсиб турар, қоп-қора булутлар нақ ернинг устини қалин қоплаб олганди. Вася тор, шағалли йўлдан юриб бораркан, ўйларди:

«Ишқилиб осётрлар ўша тухум қўядиган жойга етиб келишган бўлсин-да! Тимофей бобо айтди-ку, бу ердан уч километр нарида, сув айланиб оқадиган саёз ерда, деб».

Вася қумликдан пастга, дарё томон сирғалиб туша бошлади. Шундай тезлик билан сирғалдики, нақ дарёга тушиб кетаёзди, аммо қорни билан ётиб олиб, ўзини базўр тўхтатиб қолди. Қирғоқ бўйидан тошларга қоқилиб, баъзан йиқилиб, ҳолсизланиб ўтириб қолар, кейин куч йиғиб, ўрнидан қўзғалар ва яна юриб кетарди.

Қўм-кўк дарё суви оғир шалоплаб, қирғоққа урилади. Қарағай шохларидаги зағизғон одам шарпасини сезиб, ўз тилида чуғурлайди, эрта уйғонган қушлар унга қўшилишади. Мана, бир қалдирғоч жарлик устидан паст учиб бормоқда, кетидан бир тўда болалари сувга шўнғиб кетгудек бўлиб, тез қайрилишади-да, дарё буриладиган жойда кўздан ғойиб бўлишади.

Қирғоқ тобора пасая борар, дарё кенгайиб, Васиёнинг кўзига яна ҳам эркин ва салобатлироқ оқаётгандек бўлиб кўринарди.

Дарёнинг саёз жойи яқинлашиб қолганлиги ҳар қадамда сезилиб турарди. Сув юзасида кўпиклар кўзга ташланар, бир-бирига яқин тошлар уюми орасидан ўтаётган сувнинг шовуллаб оқиши эшитиларди.

Вася қирғоққа яқин жойда ғуж ўсган буталарни четлаб ўтаркан, беҳосдан тўхтаб қолди: дарё қирғоғида аравачали мотоцикл турар, ёнгинасида икки киши энгашиб олиб, тугунни ечарди. Сувнинг шовқинидан овозлари яхши эшитилмаса ҳам Вася айрим сўзларни узук-юлуқ англаб олди:

— Бу ер чуқурроқ... эҳтиёт бўл... тўрни буёққа ол...

Вася улар томон кела бошлади. Шу пайт бири бо-  
шини кўтариб, Васяга кўзи тушди, бир оз қараб туриб,  
бамайлихотир яна ишини давом эттираверди.

Вася дарров фаҳмлади: уларнинг қўлларидаги тўр  
дарё билан қирғоқ оралиғига ташланади, шунда осётр-  
лар ноилж тўрга илинишга мажбур бўладилар...

Узун қўшжли этикни кийиб олган овчи чўғир билан  
дарё чуқурлигини ўлчамоқчи бўлар, ammo сув чўғирни  
оқизиб кетгудек тез оқарди. Бошқа бир гавдали киши-  
ни эса (Вася даров таниди: у — район судининг тергов-  
чиси Иванчук эди) тўрнинг чигалини ечиш билан овора  
эди.

Вася тез-тез юриб узоқ йўл босиб келганлиги учун  
нафаси озига тиқилиб, ҳансираб, овчиларнинг хатти-  
ҳаракатларини диққат билан кузатарди. Буни сезиб  
қолган Иванчук ўшқирди:

— Нега тикилиб қолдинг бизга? Бор, йўлингдан қол-  
ма! Нима, умрингда одам зотини кўрмаганмисан?

— Ҳа, браконьерларни ҳеч кўрмагандим, энди...

— Нима дединг,— Васянинг гапини бўлди Иван-  
чук.— Яна бир қайтар.

Иванчук қўлларини муштлаб, болага яқин келди,  
Васяни ёқасидан олиб, бир-икки силжитди.

Қўлида чўғир ушлаб турган киши шеринининг шаш-  
тини қайтарди:

— Қўйвор уни! Кўрмаяпсанми — қип-қизил жинни-  
ку! Жиннихонадан қочган бўлса керак.

— Жинни бўлса — жойида ўтирсин-да, — сўкинди  
Иванчук.

У Васяни мушук боласидек кўтариб, нарироққа олиб  
бориб қўйди-да, елкаси билан бир туртди. Вася нам  
қум ерга учиб тушди.

Иванчук бориб, яна тўр олдида уймалашаркан, Вася  
аччиқ сўлагини ютиб, қичқирди:

— Биламан кимлигингизни... Қонунсиз осётр овла-  
япсиз... Ҳозироқ бориб телефон қиламан...

Вася қаёққа боришини, кимга хабар қилишини ўзи  
ҳам билмасди, албатта. Лекин, ҳар ҳолда Иванчукнинг  
қалин лабли юзи оқариб кетди. У баттар асабийлашди.

— Эсинг борми ўзи?— бақирди у Васяга.— Қанақа  
осётрлар? Ҳозироқ сени жиннихонага элтаман. Кетинг-  
га икки-учта укол қилишса, миянг жойинга тушиб қо-  
лади.

— Жуда соз,— салмоқланди иккинчиси,— болакайни  
аравачага босамиз-да, кейин...



— Тўхта, ахир бу — Аниютанинг ўғилчаси-ку... Уша, касалхонадаги... Демак, қочиб келган кўринади,— деди Иванчук.

— Ҳа, худди ўша! Онасига тортибди... Қани, бу ердан бир туёғнингги шиқиллат-чи... Ё ўзим олиб бориб қўяйми, а?

Вася онаси тўғрисидаги гапларни эшитиб, қўрқиб кетди, бир оздан сўнг ўзига келиб, тинчланди: аслида, овчиларнинг Вася билан ишлари йўқ эди. Улар негадир шошишар, нуқул бир ерда уймалашишарди. Эҳтимол, дарёнинг шу жойида осётрлар бўлишидан беҳабардирлар? Ахир, балиқлар тухум қўядиган пайтда тўр билан овлаш ман этилган-ку! Тимофей бобо худди шундай демаганмиди?

Васянинг бутун вужудини аллақандай титроқ босди, у нуқул «эс-ҳушимни йўқотиб қўймасам бўлгани», деб ўйларди.

Аллақачон тонг отган эди, лекин уфқдан келаётган қоп-қора булут нақ Васянинг тепасида қуюқлашиб ваҳима солар, қирғоқни тутиб чабрецнинг чучмал ҳиди ноҳуш таъсир этарди... Нима бўлса ҳам осётрларни қутқариш зарур!

Вася бор кучини тўплади, танглайида қотиб қолган тилини оғзида базўр айлантириб, деди:

— Мен... хабар бераман ҳозир... Ҳаммага айтаман... Сиз — браконьерсиз... Тағин терговчи эмиш... Уят...

— Бошга битган бало бўлди-ку, бу занғарча,— яна сўкинди узун қўнжли этик кийган одам.— Кел, нарироқ кетайлик, қўшни, тағин гап-сўзга қолиб ўтирмайлик.

— Қўйсангиз-чи,— деди Иванчук жаҳл билан,— додини кимга ҳам айтарди? Қўрмаяпсанми — ўзининг жонини узилай, деб турибди.

Шу пайт узоқдан моторли қайиқнинг овози эшитилди. Овчилар бошларини кўтариб, доғ қотишди.

— Ким экан у — уйқуси чала?

— Балиқчилик назоратига ўхшайди-ку? — деди Иванчук.

— Айтувдим-а сенга — бугун овимиз ўнгидан келмайди, деб. Тушим тўғри чиқди.

— Туш эмиш! Хотинимсан — тушга ишонасан?.. Майли, кетсак кета қолайлик. Ёмғир ҳам тезига олпти....

Вася қуюқ кўк туман орасидан овчилар шоша-пиша тўрни йиғиштиришганини, уни аравачага солиб, устига брезент ёпиб, мотоциклга ўтиришганини кўриб турарди.

Улар тезроқ жўнаб қолишини, бир ўзи дарё ёқасига бориб, омади келса болтиқ осётрини умрида лоақал бир марта кўришни жуда-жуда хоҳларди.

У оёқлари титраб, базўр ўрнидан турди ва дарёга қараб юрди. Ёмғирнинг йирик-йирик томчилари сувга шувуллаб туша бошлади...

Шунда дарё юзасида узун бир балиқнинг гавдасини кўриб қолди Вася. Е унга шундай туюлдимики? Бу чиндан ҳам осётрининг ўзгинаси бўлса-я?! О, нақадар зўр бахт бу! Ҳа, омадинг келди, Вася!

Шу пайт кучли момақалди роқ янграб, яшин чақди. Ёмғир кучайди. Вася панароқдаги кўм-кўк илиқ майса устига бориб ўтирди. Бутун табиат Вася билан бирга жунбушга келиб, шодлигига шерик бўлаётгандек, «сен албатта ҳаётдан қарзингни узасан» деяётгандек эди. Вася шу топда ўлим гирдобидан батамом ҳалос бўлганини ўзи ҳам билмасди.



## НЕМЕЗИДА ҲУЗУРИДА ЙИГИРМА ДАҚИҚА

Бу куннинг ҳам ўтган бошқа кунлардан сира фарқи йўқ. Мен шошилмай, бамайлихотир уйни йиғиштирдим, китоб жавони чангларини авайлаб артиб чиқдим. Кейин тикувчи аёлникига йўл олдим. Аслида кутубхонадан хабар олиб ўтсам бўларди, кўпдан бери янги чиққан китобларни кўрганым йўқ, лекин иложим қанча... Вера белгилаган муддат билан ҳисоблашмасанг бўлмайди, бизга ўхшаган уй бекалари кўпу яхши тикувчилар озчилик, танқис... Хуллас, уйга қайтиб келиб, пальтомни ечишга улгурмаёқ Татьяна қўнғироқ қилиб қолди. Сирли товушда, деярли шивирлаб янги орттирган танишининг исмини айтди, унга қандай қиёфада кўрниниш маъқул эканлиги ҳақида маслаҳат сўради. Татьяна билан гаплашиб бўлгунимча қоронғи тушиб қолди, энди қиладиган ишим — кечки овқат тайёрлаш, кўйлакни ечиб, халат кийиб олиш, радиола ёнига ёки диванга ўтириб Сергейни кутиш.

Гессенинг янги романини ўқиябману хаёлим қизимда. Таътил пайти онам уни Москвага олиб кетган. Гоҳ эримни ўйлайман. Янглишмасам телестудияга қўнғироқ қилиб, у билан қандайдир икир-чикирлар хусусида баҳслашиб ҳам олдик. Девор соати эринчоқлик билан чиқирлайди. Кексалар ҳар бир уйнинг фариштаси бўлади дейишарди. Агар рост бўлса у ҳам шкаф ортидаги қайсидир уячасида мириқиб ухлаб ётибди. Қиладиган иши шу-да... Фаришта бўлиб туғилган, ухласа ҳам, ухламас ҳам фаришталигича қолаверади, демак ўз-ўзидан вазифаси адо этиляпти... Тўсатдан қўнғироқ жаранглаб қолди. Нимагадир хунук эшитилди унинг овози бу сафар. Хунуклигича бор экан: касалхонадан телефон қилишибди. Бир оз шаддод қиз овози чарслик билан, назаримда такрорлайвериб жонига тегиб кетган сўзларни тўтиқушдек тўкиб солди. «Эрингиз қўнғироқ қилишимизни илтимос қилди. У ҳозир жарроҳлик хонасида. Хавотир олманг».

Касалхона номерини сўрашга аранг улгурдим. Телефон трубкаси худди биров калласига мушт туширгандек «ув» тортиб юборди. Бир дақиқа ўтмаёқ ўзимиз турадиган кўчанинг номини эслаёлмаганим учун таксихона диспетчеридан танбеҳ эшитдим. Очиги, агар сўрашиб қолганда ҳозир ўз номимни ҳам эслаёлмаган бў-

лардим... Апил-тапил кийинганча, эшикни ёпиб, кўчага отилдим. Телефон қўнғироги шунчалик эсанкиратиб қўйганига ўзим ҳам ҳайронман. Худди гирдобга тушиб қолган одамга ўхшардим шу пайтда. Ташқарига отилиб чиқдим, қўшнилари бекорчиликда офтобга товланиб ўтирадиган ёғоч ўрнидиққа ўзимни ташладим. Тобора ҳолсизланиб бораётганимни сезиб турибман. Қўлимни орқага узатиб, ўтирган жойимда ўридиқ суяничиғидан бир чапгал қор олдим, оғзимга тикдим. Кўкрагимда қон шақиллаб қайнаётгандек, кўнглим озиб, борлигим алаңгаю оташ бўлиб борарди. Нима бўлди менга ўзи? Паҳотки Сергей учун шунчалик ташвиш тортсам? Ё бу ташвиш — ўзимнинг ташвишиммикни? Ўз тақдиримдан хавотир олишми?

Тўғри, Сергейга суяниб қолганман. У менинг ишонч тоғим. Бу гапни унинг ўзи айтган, танишларимиз ҳам нуқул шу гапни такрорлашгани-такрорлашган. Қолаверса ўзим ҳам шу фикрдаман. Заб эрга учраганман-да ўзимам! Омадим келган... Ишқилиб, кўз тегмасин.

Такси намунча кечикиб кетди? Соатга кўз ташладим. Энди бор-йўғи уч дақиқа ўтибди-я. Бўлмаган гап! Юрагим ҳаприқиб кетяпти. Уримдан ирғиб туриб кетганимни ўзим сезмай қолдим. Кейин яна жойимга келиб ўтирдим. Бетоқатлик деганлари шунақа бўлса керак-да... Кўчага чиқиб, ўткинчи машиналарга қўл кўтариб кўрсатмадик... Йўқ, бу ҳам бемаънилик. Бари бир ҳеч қайсиниси тўхтамайди. Қуриб кетсин ҳаммасиям! Қутишдан бошқа иложим йўқ. Сабр қилиш керак... Сабр... Сабрнинг уйи куйсин. Номалумлик аслида ваҳиманинг уяси. Эҳтимол унчалик эмасдир... Кўзга илинмайдиган нарсалар доим ваҳималироқ туюлаверса керак шунақа. Нималигини билмайсан-да... даҳшат босаверади. Одамлар ажина-ю, девларниям шу ваҳима, мубҳанлик даҳшати сабабли ўйлаб топишган бўлса керак... Нималарни ўйлаб ўтирибман ўзи? Тавба!! Жарроҳлар хонаси... Бордию? Йўғ-э, унақа бўлиши мумкин эмас. Мен яна бева қолмаслигим керак. Истамайман. Етар. Шундай ҳам пешонамга ёзилганини кўриб, тўйганман. Ҳа, ҳеч кимга кўрсатмасин... Уруш кўрганлар айтишади-ку, бир снаряд тушган жойга иккинчиси тушмайди деб...

Йўқ, йўқ, бу ҳақда ўйламаслигим керак, яхши ният ярим мол... Бундай хунук сўзларни ҳатто ҳеч ким йўқ жойда, бўш ҳавога ҳам айтиб бўлмайди. Бўшлиқда шаклланиб, жисмга айланиши, воқелик бўлиб тақди-

рингга урилиши ҳеч гапмас... Э, бор-э! Яна нима балоларни ўйлаябман ўзи! Вос-вос касалига учраб қолмадиммикин? Ўзимни қўлга олишим керак. Бундай хаёлга боришнинг ўзи тентаклик. Жиннилим ҳам бор бўлсин... Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ... Нималар деябман ўзи! Тўғри, биз аёллар доим бошимизга оғир иш тушганда ўзимизга суянчиқ излаб қоламиз, ўзимиздан кучлироқ одам топгимиз, илтижо қилиб, айтганимизга кўндиргимиз келиб қолади...

Елғиз қолишни истамайман. Елғизликдан ёмони йўқ дунёда. Елғиз қолган бева аёлларни жуда кўп кўрганман. Елғизлик нималигини биламан. Кўпинча тахминан шундай бўлади: жонкуяр дугоналаринг тепакал, ёши ўтиброқ қолган Есенин мухлисларидан бирини бошлаб келади, у чимирилиброқ ўтиради, олифтагарчилик билан чой хўплайди. Уй бекасининг ҳаракатларини зимдан кузатади, қадди-қоматини, семиз-ориқлигини, турар-жойининг кенг-торлигини хаёлан салмоқлаб кўради. Уни бошлаб келган дугоналари ҳам ҳар иккаласидан кўз узмайди, ҳар бир ҳаракатини назорат қилиб еб қўйгудай тикилишади. Бундай учрашувлар асосан янги йил кечаларида ёки бошқа бирон байрам муносабати билан уюштирилади. Бунақанги байрам «учрашув»ларига тоб-тоқатим йўқ. Ғамхўрликлари ордона қолсин... Синовчан назарлар таъқиби, мустақиллик имтиҳони... ўлганим яхши бундан кўра. Жудаям ғалати ҳолат — ўйлаган сари бошим қотади. Аёллар аслида бор кучлари билан мустақилликка интилишади. Ниҳоят бунга эришишади. Эришишга эришишади-ю, орадан кўп ўтмай бўйнингга осилволиб, елкангни кўз ёшлари билан ҳўл қилиб юборишади ёки телефон трубкасини чакақларига тираганча энтикиб-ҳўнграб, жонига теккан Отелло ўрнига топган бошқа бир Отелло билан яраштириб қўйишингни, ёрдам беришингни сўрашади. Йиллар шундай ўтаверади. Отеллолар ўзгара беради, бора-бора эрга тегиш — умид қилса бўладиган, лекин эришиш қийин мақсадга, яни олис орзу бекатига айланиб қолади. Шунинг учун ҳам мен бутун оилавий ҳаётимиз давомида Сергейни паноҳ тутиб келдим, иложи борича барча кўргиликлардан хаспўшладим, ўз-ўзимиздан, бегона кўзлардан асрадим... Бизни тинч қўйинглар, ички ишларимизга аралашманглар, маслаҳат керакми — марҳамат! Пардоз-андоз ёки пазандалик бўйича кўрсатмалар керакми — олинг истаганингизча! Фақат қалбимга йўл излаб, тимирскиланиб юрманг, ўзингиз ҳам юрагингиз-

ни очиб-тўқиб ўтирмай қўя қолдинг. Мен яшаяпман. Ўз Сергенм билан яшаяпман... Бир вақтлар жўп жинилик қилганман. Яраштирганман, елиб-югурганман, куйиб-пишганман... Ўз хаёлимча, одамзодга хизмат қилганман. Ҳатто киностудияда ишлайдиган қандайдир жафокаш бечорага уйимдан жой ҳам берганман. Вақтинча, албатта. У ёш, келишгангина эди. Уни деб атайин қозон осар, ёқтирадиган овқатларини қилиб берар, ўзимнинг яхши кўрган кўйлақларимни кийдириб қўярдим. Хуллас, қўлимдан келганича кўнглини олишга, овутишга, кайфиятини кўтаришга уринардим. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ўша Светахонга менинг ғамхўрликларим камлик қилгандай, эрим билан кўнгилхушлик истаб қолди. Мен йўғимда у билан ўзини овута бошлади... Йўқ, жанжал кўтариб ўтирмадим. Уй олдидаги скамейкада ўтирадиган ғийбатчи амма-холаларга янги мавзу бўлиб хизмат қилишни истамайман! Уша куни бахтимга Сергей уйда йўқ эди. Жононнинг ҳамма лашлушларини йиғиштириб, чамадонига жойладиму эшик ортига одоб билан чиқариб қўйдим. Қани, яхшиликча марҳамат қилсинлар, оиламизни бузмасинлар, ҳа, даф бўлсинлар! У шўрлик киприклари пир-пир титраганча тирноқларимдан кўз узмайди. Гинг дейиш йўқ. Оппоқ, позик бармоқлари қалтирайди. Ранги оппоқ оқариб кетган. Қуриб кетсин, намунча чиройи ошиб кетмаса! Ўзням келишгангина, қурғур, илгарй ғамхўрлик билан овора бўлиб, унчалик эътибор бермаган эканман. Унга қараб туриб, гапининг очиғи, бир оз иккиланиб қолдим. Раҳим келди. Борди-ю, ораларида муҳаббат бўлса-чи? Илма бало, юрагим тошга айланиб кетдими? Аёл қалби эҳтирослари мен учун бегона бўлиб қолдими? Муҳаббат туйғуси наҳот мен учун тушуниб бўлмайдиган нарсага айланиб қолди! Шу ондаёқ Евани эслаб қолдим. Эсладим у яна тошбағирга айландим. Мен опаман. Уни отасиз қолдиролмайман. Бунга ҳаққим йўқ. Даф бўлсин. Мен ёлғиз эмасман. Ёлғиз қололмайман! Ушандан буён ҳеч ким билан ўзимни дугоналарча яқин тутмайман. Иложи борица нари юришга уришман. Аёлларни ёқтирмайман. Тўғрироғи, ёмон кўраман. Йўқ, бу фақат Света билан бўлган воқеадан кейинги туғилган кайфият эмас. Светани жўнатганимдан кейини ўйлаиб қолдим. Борди-ю, Евани эслаб қолмаганимда, унга нисбатан аввалгидай муносабатда бўлаверармидим? Йўқ, Ева фақат менга оналигимни эслатди. Аслида, аёллигим сабаб бўлди уни қувиб юборинимга, сочларини юлмадим,

дод-вой қилмадим. Ұзимни тутдим. Шу холос. Аёлларни ёмон кўришим — онамнинг ҳаракатлари ёрдамида кинематография институтига кирган пайтимдан бошланган. У ерда шунақаям гўзалларга дуч келдимки... Попукдек қошу киприклар, қимтинган, ақиқдай лаблар, бежирим кўкраклар гўё эҳтирос тўла йўлбарс юрагини ниқоблаб тургандай... Ҳар бири биринчилик учун тиш-тирноғи билан олишишга тайёр. Гапнинг очиги, мен ўшандаям жамиятга кўпроқ фойда келтиришим мумкин бўлган жойга эмас, бошқа жойга тушиб қолганимни билардим. Қобилияти борми, йўқми, кўпчилик қизлар киноактриса бўлгиси, экранда машуқалар ролида ўйнашни орзу қилади. Авваллари, мендан бошқа ҳам қобилиятсиз қизлар ўқиб юрибди-ку деб ўзимни овутирдим. Кейинроқ ёмон киноактриса бўлиш — ёмон кинотанқидчи бўлишданам даҳшатлироқ деган хулосага келдим. Шундай қилиб курсдан курсга бамайлихотир эмақлаб ўтавердим. Курсдошларим бунга ҳайрон бўлиб, елка қисиб кўяқолишарди. Ахир Эйнштейн билан Эйзенштейнни фарқлай олмасдим-да! Баъзан ҳазил қилиб, кулишарди-ю, ўзлари билан ўзлари овора бўлиб кетишарди. Охирги курсга келганда пиқир-пиқирлар анча камайди. Бунга сабаб, ўлиб-тирилиб ҳаракат қилишим, ундан ташқари, ёрдам берадиган одамим пайдо бўлгани эди...

Негадир юрагим зарб егандай, увишиб кетди. Қачон келақоларкин бу қуриб кетгур такси!

Доим шу аҳвол. Зарурат билан иложи борича тезроқ такси юборишларини сўрайсан, илтимос қиласан, такси эса кам деганда икки соатдан кейин келади. Онам бўлганда-ку, шу дайтгача бутун таксопаркни оёққа турғизиб юборган бўларди. Олдин директорга қўнғироқ қилар, ишида бўлмаса, уйига... Хуллас, айтганини қилмагунча қўймасди. Эҳтимол ҳозир мен учун қўлини совуқ сувга урмасди. Яхши кўрмаганидан эмас, йўқ, шунчаки субут юзасидан. Ўз ҳақингни талаб қила бил, ўзинг учун; оиланг учун жонингни жабборга беришни ўрган... Ана шунақа унинг субути. Кинематография институти масаласига келганда эса у ўзини тийиб туролмади. Бутун фаолиятини намоён қилди. Аёл киши ҳар қандай шароитда аёллигича қолаверади. Онам эса «Орасталик салони»да хизмат қиларди. Унинг интилишларини афрофдагилар яхши англашар, иложим борича ёрдам беришарди. Онам менинг бахтли бўлишимни истарди. Дипломни эса ана шу бахтнинг асосий масаллиғи деб тушунарди. Ўзим ҳам шундай ўйлардим. Тўғри, баъзан

онамнинг жон койитишларига қарамай, дипломниям, ўшанақа бахтниям истамай қолган пайтларим кўп бўлган. Дарвоқе, у шўрлик севикли эрка қизи Стелланинг ўша йиллари оч-юпун юрганидан беҳабар эди. Чунки отам билан онам чет элдан юборган пулларини, лашлушларини, ҳатто омонат касса дафтарчасидаги жамғармаларигача бир йилнинг ўзидаёқ тагига сув қуйиб бўлгандим. Тўғрироғи, бир йилга ҳам бормаган ўша унутилмас йил...

Юрка Смелченко, жингалак соч, тишлари оппоқ йигит, биз сени ҳоли-жонингга қўймай лўли деб ҳазиллашмасмидик. Сендан ёдгорлик бўлиб биттагина фотосурат қолибди. Ҳалигача уни эски чамадон тагида, газета остида асрайман. Ҳеч қачон ҳеч кимга кўрсатмайман. Уша жомадон билан биз иккимиз бутун Урта Осиёни, Болтиқбўйини, Соловец оролларини кезиб чиқмаганмидик. Тўғри, бу сурат мени билган, хаёлимда қолган лўли йигитнинг ўзи эмас... Бу ҳали сенинг ўзинг эмас, Юра! Иложи борича сени эсламасликка уринаман. Уринаману хаёл қурғур ўша узоқ ўтмишга олиб қочаверади. Ғалати бўлиб кетавераман. Иситма тутгандай, ҳаммаёғим увишади, титроқ бошланади, алаҳлайман. Наҳотки сен бўлгансан бир вақтлар, ёки буларнинг ҳаммаси хаёлдагина рўй берган рўёмиди? Сен чинданам бормидинг-а? Икки вужудим бирлаштирган ўша илиқлик, ўша ҳарорат бош устида ёниб турган қуёшдек порлаб кетгани, алангаю оташга айлангани, узоқ-узоқларга, етиб бўлмас орзулар уфқига чорлагани... чиндан ҳам шундай бўлганмиди?

Мен сени эсламасликка уринаман. Бунинг сабаби бор. Чунки умрим занжиридан ўша бир йил ҳалқасини олиб ташлаганда, ўша бир йил умуман бўлмаганда мен хотиржамроқ, яхшироқ ҳаёт кечирган бўлардим. Эркак ва аёл ўртасида шунақанги ишлар бўлишини билмасдим, турмуш ташвишларига қарши иттифоқдош бўлиши керак деб юраверардим. Оёқости бўлиб қолмаслик, биргаликда курашиш керак деб ўйлардим. Она сифатида турмушнинг безаги, рутубатларидан қутулиш йўли, жонлантириб турувчи ягона нарса — бу, болалар деб билардим. Онагинамнинг муносиб қизи бўлиб қолаверардим... У ҳали-ҳануз мени бахтиёр деб ўйлайди, ишонади, таниш-билишлари олдида мақтаб, мақтаниб юради. Тўғри-да, негаям мақтанмасин? Ўтган ўн йил давомида бирон марта ўртамизда жанжал кўтарилгани йўқ. Майда-чуйда гаплар, тўқнашувлар, желишмовчиликлар



ҳисобга кирмайди. Қайси оилада бўлмайди дейсиз бундай гаплар? Менинг эрим студияда ҳаммадан орастароқ юради. Яхши кийинади, озода, оҳори кетмаган, дазмолланган кўйлак келишган қадди-қоматига ярашиб туради. Ахир беҳуда уй бекаси бўлиб ўтирибманми? Киношунослик мавзусидаги мақолаларим эса, буни ўзимам яхши биламан, киношунослик терминларини ёдлаб олган тўтиқушнинг чуғурлашларидан фарқ қилмайди. Лекин онам бунинг фарқига бормайди, билмайдиям, ўзича ҳамма ёзганларимни йиғиб, худди қизиқарли роман ўқигандек, ғурур билан қайта-қайта ўқиб юради. Бор ҳақиқатни айтган одам Юрка эди. Фақат угина шундай қила оларди. Ҳеч нарсани яширмай рўйи-рост айтиб қўяқоларди-ю, гапи сираям оғир ботмасди:

«Менга қара, олтин балиқчам, яхшиси институтни ташла! Сенинг қўлларинг шу пайтгача не-не қизларнинг бошини гулдек қилиб ясатиб қўйган бўларди. Институтга киришинг уларнинг шўри бўлди, шундай бахтдан маҳрум қилдинг. Ишон, сен сартарошликнинг пирисан. Истеъдодингни хор қилиб юрибсан!»

У атайлаб тантанали оҳангда гапирар, гапираётганда жилмайиб, кўзимга тикилиб турарди. Биз ўшанда Вильнюсда, «Неринга» ресторанида ўтиргандик. Бор-йўғи икки кофега етадиган шулимиз қолган. Пешонамни тириштириб ўтирибману у зўр бериб кўнглимни олишга, пешонам тиришини ёзишга уринарди. Эрта баҳорнинг ҳузурбахш ёмғирли куни. Дарахтларнинг нам, яланғоч шоҳлари шамолда чайқалиб турибди. Шифтда, Юрканинг шундоққина тепасида ҳар хил созлар гоҳ бир-бирига эшилиб, гоҳ ажрашишиб жаранглайди. Менинг эс-ҳушим эртага лекцияга қатнашишим кераклигида. Акс ҳолда институт билан хайрлашишимга тўғри келади. Бир амаллаб тўғрилаб олган бюллетенни муддатиям тугади. Юркани ҳам бир вақтлар худди шу сабаб билан институтдан ҳайдашган. Лекин Юрканинг бошлиғи, бутун жаҳонга машҳур режиссёр «Омельченкога ўхшаш ноёб талантларни тарбиялаш керак», деб бир неча бор уни ректорат ғазабидан асраб қолган, институтда ўқишини тиклаб олишга ёрдам берган бўлса, мен ҳайдалгандан кейин тикланишимга мутлақо умид қилиб бўлмасди. Шуларни ўйлаб тош қотиб ўтирардим.

«Қани, жилмаяқол энди, кабутаргинам,— шивирларди Юрка нуқул.— Ҳадеб ўйлайверма ўша лашъати темир-терсак чақалар ҳақида. Шу бугун кечқуруноқ телеграфдан керакли миқдорда пулни жарангдор тангалари

билан қўлга киритамиз. Кеча Лешченкога қўнғироқ қилдим. У панд бермайди, ишонаман. Ахир Приморскда қандайдир официантка бир-икки кунлик маншат эвазига менга уйланасан деб туриб олганда чангалидан асраб қолганман-ку уни!»

Ушанда биз биринчи марта пулсиз қолишимиз эди. Уйламасдан қилинган саёхатга розилик бериб, енгил-таклик қилганим учун ўзимни ўзим койиб, ичимни еб ўтирардим. Онам мени пулга пишиқ бўлишга, ҳар бир тийини эҳтиёткорлик билан сарфлашга ўргатган. Шунинг учун Юрка билан деярли гаплашмайман. Гаплашмайман-у, лекин биламан, агар Юрка ҳозир жаҳаннамга йўл олгудай бўлса, орқасидан қолмай боравераман. Унинг ўз гуноҳлари учун тортган азобларига шерик бўлишни ўзим учун бахт деб биламан. Борди-ю, бирор-та билан ўтиришиб, карта ўйинига тушиб кетгудай бўлса ҳам мен хотиржам, пинағимни бузмай хонани супуриб-сидирган, ёки иккаласи учун овқат тайёрлаб берган бўлардим. Ёнимда бўлса бас эди. Шуларни ўйлаб-ўйлаб Юрканинг тиззамда ётган қўлини силтаб ташлаган бўламан:

«Нима, институтни ташлаб жетишимни хоҳлайсанми? Онам роса таъзирингни бериб қўяр, билиб қолгудай бўлса... ундан ташқари, яна ўзи жойлаб қўяди, ўша институтни тугатишга мажбур қилади. Бор-йўғи бир ярим йил қолди. Қўрқма, яқинда қутуласан». Ижодий семинардан бошқа ҳамма фанлардан баҳоларим «беш». Шунга қарамай ижодий иш бизнинг институтда асосий ҳисобланади. Семинар пайтларида мени кўп мақташарди-ю, курсимиздагилар бунга шубҳа билан қарашарди. Барча муваффақиятларимда Юрканинг — бўлажак киноюлдузининг қўли борлиги маълум бўлиб қолганди. Бу бўлажак киноюлдузи эса ҳозир худди товуқ ўз тухуми устига энгашгандек энгашиб, тирноқлари қорайиб кетган қоқсуяк қўли билан пешонамни силаб ўтирибди. Қўк жинсий курткасининг енги сийқаланиб, шўрлаб кетган. Юзимни, пешонамни силайди-ю, енги билан кўзимни тўсиб қўймасликка уринади. Кўрсаткич бармоғига қаҳрабо кўзли олтин суви югуртирилган эски мис узук тақилган. Унинг сирини кўп жойидан кўчиб кетгани учун силаётганда юзимни тирнайди. Парво қилмайман. Хуш ёқади. Қўлидан тамаки, елим ҳиди анқийди. Яқинда почтага кирганмиз. Елим ҳиди ўшандан. Озгин бармоқларига юзимни босгим, уларни ўпгим келади. Атрофдагилардан уяламан. Биринчидан, қўшни столда

Ўтирган офицер биздан негадир кўзини узмайди, иккинчидан, Юркага сир бой бергим келмайди. Ҳаддан ошмасин, майли... Нега, нега энди шу хаёлларга бориб ўтирдим-а! Нега қўрқдим, нега уялдим ўшанда! Шу-шу ўша оқшом унга бағишланган ҳароратдан бенасиб бўлиб қолаверди, айтилмаган сўзлар ичимда қолиб кетди! Ахир у ҳеч қачон кулгили аҳволга тушиб қолишдан қўрқмасди-ку! Кўнглига нима келса шуни қиларди. Кейин ютқизиб қўймаслик учун олдиндан режалаб олишни билмасди. Ўз истагига қарши боролмасди. Ҳатто майда-чуйда ишларда ҳам шундай эди. Яшаб қолишга шошилганмикин! Балки шу шошқолоқлиги учун ҳаёт унга қисқа муддат ажратганмикин? Истаганча яшаш ҳаммага ҳам осон тушавермайди. Тагин Юрка истеъдодли эди. Катта, даҳшатли истеъдод эди. Инсон қалбига бемалол кириб бора олар, қаттиқ таъсир жўрсатарди. Сеҳргар эди у. Бунақаси ҳаётда кам учрайди. Ҳатто учрашига ҳам ишонмай қоласан киши. Биз бир маромда яшашга, ўзимизда бориға қаноат қилишга кўнижиб қолганмиз. Ишчилар ётоқхонасида, студентлар билан бўлган учрашув кечаларида Юрканинг чиқишларини эшитиб ўтириб, мен ҳамма тингловчилар қатори борлиқни унутиб қўяр, қандайдир тўлқинлар гирдибодидида қолиб кетгандай сезардим ўзимни. Ҳаво етишмай нафасим сиқила бошларди, қаршимда даҳшатли теранлик — инсон қалби, илҳоми теранлиги пайдо бўларди... Юрка Шекспирни, Пушкинни, Дантени, Гётени севарди. Кечагина қишлоқ клуби хизматчиси бўлган йигитда қаёқдан пайдо бўлдиёкин бу хусусиятлар. Шу қадар ҳавасни қаердан олди? Ҳавас? Йўқ, бунини ҳавас деб бўлмайди. Ҳатот севги сўзи ҳам ожизроқ туюлади. Бу қандайдир чуқур дард ва бахтиёрлик қоришмаси... Йўқ-йўқ, ифодалаб бўлмайдиган даҳшатли руҳий тўфон бу! Бундай ҳолат фақат даҳо мутриблардагина ўз чолғу асбоби, айтайлик, аргун билан бир бутун вужудга айланиб кетгандагина рўй беради. У ўз чолғусига жон ато этади, юраги билан биргаликда сингиб кетади, навога, фарёдга инграшларга, шоднёнга айланади. Юрка нимаси биландир аргун эди деб айтишим мумкин эди. Лекин риторикага берилиб кетишдан қўрқмади. Ўзи, биз доим шунақамиз. Кўп нарсалардан қўрқиб юрамиз. Юрка бўлса қўрқмасди. Табиат улардан ўз ифодасини, интилишларини, мақсадларини излайди. Бундайлар бутун борлиғи билан табиат даҳоси бўлиб кўзга ташланадилар. Улар қисқа умр кўради — ижод қийноғида ёниб,

эриб кетади... Санъатнинг нозик томонларига, гапнинг очиги, у қадар ақлим етмайди. Шунинг учун талантни доим бирор музыка асбобига ўхшатиб юраман. Табиат ана шу музыка асбоби орқали бизга ўзлигини, сирли камолотини очади. Ун олти ёшлик Надя Рушева «Мастер ва Маргарита»га безаклар чизганида унинг қўлидан тутган, йўлга солган куч — табиат ҳукми бўлмай, нима бўлмаса! Ҳамма нарса табиийликда, табиийлик эса табиат билан бирикиб кета олиш. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Уша безакларни кўрган одамнинг бадани жимирлашиб кетади, сочларинг тиккайиб қолгандай бўлади, ваҳм босади. Баъзан ҳамма гап меҳнатга боғлиқ дейишади. Агар меҳнатга боғлиқ бўлса, бошқа бир Надяни олиб кўрайлик. Балерина Надя Павлова. У ҳам ўн олти ёшда. Ақл бовар қилмайдиган даражада табиий жозоба қаердан келди унга! Йўқ-йўқ, кулсангиз кулаверинг, бу — танҳо табиат иши. У биз бандан-ожишларни ўз даҳолиги билан, камолоти билан банд қилмоқда. Худди шундай!

...Ё товба, эрим қаердадир жарроҳлик хонасида, тиф остида ётибди — ҳали нима бўлиши номаълум бўлса-ю, мен нималарни гапириб, нималарни ўйлаб ўтирибман! Такси кутсаммикин ё яхшиси йўловчи машина излаб кўрсаммикин? «Яхшимисиз, қўшни! Йўқ, ҳеч гап бўлгани йўқ, сизга шундай туюлгандир. Такси кутиб ўтирибман!»

Қор учқунлари юзимга, бўйнимга, қўлларимга қўнади. Қўнади-ю, шу заҳоти эриб кетади. Чироқларнинг ёрқин нурида енгил қор учқунлари бошқача кўринаркан! Бир-бирини қувлашиб, ўйнашаётганга ўхшайди. Бу ҳам табиат ўйини. Унинг биз билан, ичимиздан нималар ўтаётгани билан иши йўқ. Қувончимиз, дардимиз уни қизиқтирмайди. Узини табиатнинг бир бўлаги деб ҳис қила оладиганлар чиндан ҳам бахтли. Мен — шаҳар қизи бўлганим учун буни ҳис қилолмасам керак. Узимни қуршаб турган оламга, муҳитга сингиб кетолмайман. Менинг гирдимда торлик, деворлар бўлмаса ваҳм босади. Суянчиқсиз қолгандай бўламан. Эсимда, бир пайтлар кенг далада ёлғиз қолиб кетганимда ҳали ёп-ёруғ бўлишига қарамай қўрққанымдан юрагим ёрилай деганди. Аслида қўрқадиган ҳеч нарса йўқ эди... Назаримда, табиат биздан қасос олаётганга ўхшайди. Пайларимиз бўшашиб кетган. Дўхтирларсиз тугишни ҳам унутиб юборганмиз... Қўлимиздан ҳеч бало келмайдди. Узимга келсак, доим баланд пошналарга қул бўл-

масдан, кўчадан бемалол катта-катта қадам ташлаб бораётган аёлларни кўриб, ҳавасим келади. Лекин бунақа аёллар кам, жуда кам... Ева бўлса маймунга ўхшаб, мен нима қилсам — ўшанга тақлид қилади. Ҳамма атирларнинг номини билиб олган. «Лондатон» таъсиридан ҳам хабардор, аёлларга хос назокат усуллари билан қизиқади. Қўни-қўшниларимнинг айтишича, мен ана шу назокатга бой эмишман. Турмуш қуришдаги омадларим ҳам шунданмиш...

Эсимда, илгари таниш аёллар Сергейни қандай қилиб қўлга олганим сирини сўрашгани-сўрашган эди: Ичмайди, бегона хотинларга кўз олайтирмайди... Эркаклар эса мени кўрибоқ, бир овоздан, «юксак камолот эгаси» эканлигини тасдиқлашарди. «Бундай аёлдан ўзни олиб қочиниш — қип-қизил аҳмоқликнинг ўзи!» Лекин менинг назаримда гап бошқа ёқда эди. Сергей ўз ишида жуда тезлик билан кўтарилиб борар, кўтарилиш учун эса бутун дунё аёлларидан воз кечишданам қайтмасди. Мен эса эримга ўхшаш одам учун айни муддао эдим. Хизматини ўрнига қўйиб, майда-чуйда билан бошини қотирмасдим.

...Наҳотки Москвада, Шабаловкадаги киностудияда олдимга келишдан олдин ҳаммасини режалаб олган бўлса? Кейинроқ мен билан қандай қизиқиб қолганини, суриштирганини Мария айтиб берувди. «Уч соатдан бери анови бурчақда қоғоздан кўз узмай ўтирган қиз ким, айтиб беролмайсизми?» Мария танишларининг ҳаётини сир тутиб туrolмайдиган кўнгли бўш аёллардан. Шунинг учун ҳам янги келган йнгитчадан ҳеч қарсани яшириб ўтирмайди. Беш минут ичида ҳаётимнинг асосий нуқталари билан батафсил таништириб, ахборот бериб чиқади-да, кейин «уф» тортиб, қўшиб қўяди: «Уч йил бурун бечорагинанинг қаллиғи ҳалок бўлди...»

Ҳалок бўлган қаллиғига уч йиллик садоқат менинг қадримни яна ҳам ошириб юборганди, фариштанинг ўзи деяверинг. Шу уч йил давомида тубанликдан асраб турган нарса — онамнинг қаттиққўллиги эканлигини улар қаёқдан билсин. Аслида мен ҳам ҳамма каби тирик жонман-ку. Онам ич кўйлақда кўчага чиқармади, сирка ичиб қўймасин деб, зиндан пойлаб юрди, ҳоли-жонимга қўймади. У менинг кўйлақларимни дазмоллар, қандайдир ҳашамли кийимлар олиб берар, буларнинг ҳаммаси дугоналаримнинг ҳавасини келтирарди. Кийим жавоим тўлиб кетган эди: онам чет элларда юрганида бу жавонда бир-икки кўйлақдан бошқа

ҳеч нарса йўқ эди. Агар ўқишга боришимни ўйламаганимда уларнинг ҳам қолиши даргумон эди...

Онам келганда Юрқадан бир сиқимгина кул қолганди холос. Кулни пластмассада қилинган оқ қутичада чиқариб беришди. Қутичанинг орқа томонида адреси битилган қоғоз ёпиштирилган. Мен уни қўлимга олдим, ерга ташлаб юборишимга сал қолди. Ундан елим ҳиди келарди. Худди «Неринге»да ўтирганимизда Юрқанинг қўлидан келган ҳиднинг ўзи... ўшанда унинг кулгили узук тақилган қўлларида ўпгим келгани, наридан кузатиб ўтирган офицердан уялганим эсимга тушиб кетди... Бўёқлари кўчиб кетган ёғоч ўриндиққа холам иккаламиз келиб ўтирдик. Холам шўрлик қутичани қандай тутишни билмай қийналарди назаримда. Мен ўзимни тутолмай, бирдан кулиб юбордим. «Шамолга совурсак қандай бўларкин шу кулни, а, хола? Ахир кимнинг кули эканлиги номаълум-ку! Балки чинданам ўтин кулидир? Қизиқ, ўтин қўшиб ёқин шармикни ё шундай?.. Холам шўрликнинг капалаги учиб, қизарган кўзлари пиррираб кетди. Нима дейишини билмасди. Мен эса бир бало бўлгандек, жиним қўзигандан қўзиёверди: кунлар, минутлар метсордек ялт-юлт этишиб кўз ўнгимдан ўта бошлади. Гўё ҳар бир кун, ҳар бир минут айтилмай қолган сўз, эҳтиёткорлик, қўрқоқлик бўлиб шаклланади, бор овози билан танали қичқирарди. Мана, Хива. Мачитнинг офтобда қақшаб кетган девор кесаклари, қандайдир ўсимликнинг ўткир ҳиди. Кафтими остида зангори-яшил — тиллоранг нақшли тошларнинг совуқ, ёқимли тафти... Юрка иккаламиз баҳслашамиз. Мен: «Эртага кетишимиз керак. Билет олиб қўйганмиз, тушунсанг-чи, Тошкентга етганимизча...» Юрка: «Улгурамиз кетишга, менгаям қулоқ солсанг-чи! Нима, менга ишонмайсанми? Самарқандни кўрмай кетиб бўладими? Холамга телеграмма бераман!» Мен: «Шундаям бечорани қоқлаб бўлди! (Овозим чийиллаб қолади. Ёнимиздан ўтиб кетаётган қизлар қизиқиб, қараб-қараб қўйишади). Бошқа вақт кўрармиз Самарқандни! Олдинроқ қаёқда эдинг. Билетга ўттиз сўмни қаёқдан топамиз?»

Юрка бирпас ўйланиб қолади. Кейин шартта қўлимдан сумкачамни тортиб олади-ю, ўша пайтларда роса урф бўлган янгигина кофтамни чиқаради. Сумкада термос билан ўша кофтадан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Уни яқинда онам чет элдан юборган. Камида тўқсон сўм туради... Юрка кофтани икки қўлига ёйиб ташлаганча, ҳозиргина ўтиб кетган қизлар ортидан югуради:

«Қизлар, армонда қолманг! Бор-йўғи ўттиз сўм! Олинг, бутун Хива ҳаваси келиб, йиглаб юбормаса, мени айтди деяверинг!»

Мен қотиб қолдим. Кўчанинг нариги бетида турган семиз одам ҳовлиқиб келди-ю, бир қўли билан кофтани чангаллаб, иккинчи қўли билан чўнтагидан учта ўн сўмлик чиқарди. Мен қараб турдим-турдим-да, тўсатдан йиглаб юбордим. Ўзимга ачиниб кетдим. Оғзимга келганини аямай Юрканинг бетига тўкиб солдим: «Қаллоб! Уятсиз! Эғнимда битта кўйлак билан кўкракбандим қолди, ўшаним сотиб қўяқол! Япониядан келган, ноёб мол! Ундан кейин нимани сотаркансан!» Юрка миқ этмай қўлимдан ушлаб, автостанция томон судради. Билет олиш учун бўлса керак. Кейинги сўзларимни эшитиб, жонланиб кетди. Чарчоқ кўзларида шумлик ярқ этди: «Э... кўкракбандни нима кераги бор сенга? Шундай дирқиллаган кўкракларни нима қиласан қийнаб!»

...Холамнинг қўллари қалтирайди, қутичага кўз ташлайди, қутичада бир сиқим кул, фақат бир сиқим. Наҳотки Юрканинг табассумидан, юриш-туришидан, узун-узун сезгир бармоқлари, сарғиш, сертомир бўйнидаги ингичка оқ жароҳат изидан фақат шугина қолган бўлса? Юрагимни тўлқинлантириб юборадиган хириллоқ овози, сўзлаётган пайтида пешонасига тушиб турадиган тимқора сочлари — наҳотки, мана шу бир сиқим кулга айланган бўлса! Бир сиқим кул! Энди унга айтган аччиқтирзиқ гапларим учун узр сўрашга илож йўқ, Хивада, автовокзал олдида туширган тарсакимни қайтиб ололмайман. Дақиқаларни ортига қайтаришга кучим етмайди!

«Нега менга мунақа қарайсан? Бунинг менга нима кераги бор?»

Холам қутичани қўлига олди, унинг бармоқлари йўғон-йўғон, қўпол, кўрсаткич бармоғи қадоқли. Мен ўзимни кулгидан тўхтатолмасдим. Кулгиларим то қуёшни қалқитиб юбормагунча, сўнг у қип-қизариб, кенгая-кенгая бошимга келиб урилмагунча кулавердим.

Қуёш менинг оёқ-қўлларимни чангаллаб олди, қанча типирчиллаганим билан унинг чангалидан қутулолмадим, ниҳоят у Юрканинг лаблари билан оғзимга ёпишди.

«Тез ёрдам» касалхонасидан мени фақат эрталаб чиқариб юборишди. Эсимда бор, қандайдир уколлар қилишди, сумкамга справка солиб қўйишди. Ҳали қарахтлигим тарқамаган. Таниш кўча бўйлаб боряпман. Эрта баҳор, дарахтларнинг яланғоч шоҳлари совуқдан

дилдираб турибди. Хазон япроқлар юпқа кўлмаклар юзида музлаб ётибди. Қизғиш, зангори, оқ булут тўдалари қуршовида қуёш зўрға кўринарди. У жуда хира, ҳолдан тойган, худди минг-минглаб йиллар давомида одамларни, уларнинг ташвиш-дардлари, интилишлари, тақдирни ўзларига бўйсундириш учун қилган ҳаракатларини кузатишдан чарчагандек кўринди менинг кўзимга Юрканинг ҳалокати кимга, нима учун керак бўлиб қолди! Менинг тирик қолишим-чи? Бордию бу тасодиқ бўлса, Юрка бевақт ҳалокатга учрамай, узоқ умр кўрганда-чи? Унда шунчалик эҳтирослару қайнаб-тошишларнинг нима кераги бор эди... Қизиқ, назаримда мияга говлаб, кўксимдаги ғам эриб йўқолаётгандай туюларди..

Юрка ҳамкурси, сал бепаросатроқ Ирнанинг квартираси деразасига ўт ўчирувчилар нарвонидан ошиб ўтаётганда йиқилиб тушди. Ирина калитини қаердадир йўқотиб қўйган экан, Юркадан ичкарига кириб, эшикни очиб беришни илтимос қилибди. Юрканинг одати маълум, ҳеч кимга йўқ дея олмайди. Айниқса, мовий кўзли, ўзини бечораҳол қилиб кўрсата оладиган Иринага. Ҳозиргача у бирор роль ўйнаган кўрсатув қўйишса, мен ўша заҳоти телевизорни ўчириб қўяман. Кўргани кўзим йўқ. Аслида у ёш, романтик руҳдаги юнгалар ролида чиқади. Бундай ролларни ўйнаш Ирина учун йилдан-йилга қийинроқ бўлиб борар, йиллар ўз ҳукмини ўтказиб берибди. Шунга қарамай ёшлигидагидек романтик руҳини йўқотмаган. Кейин менга айтиб беришларига қараганда Юрка «Современник»ка бориш учун атайлаб кийган рангдор кўйлагини қизини тўлқинлантириб юборган, Юрка нарвондан деразага осилиб ўтаётган пайтда ўзини тутолмай, завқ билан унинг номини айтиб, қийқиниб юборган. Юрка алаҳсиб, ўша сунъий олтин узук тақилган қўли тутиб турган дераза руҳини қўйиб юборди, қалқиб, мувозанатни тутолмай пастга қулайди..

Илгарилари ғашимга тегавергани учун Юрканинг махорка ҳиди сингиб кетган бармоғидан ўша узукни олиб ташлашга кўп уринган эдим. Айниқса институтга кетаётганимизда у менинг қўлимни маҳкам ушлаб олар, шунда узук қўлимга ботиб, оғритарди. Бир куни кечаси билан ташқарида ёвуз шамол ув тортиб чиқди. Биз иккаламиз мушук болаларидек бир-биримизнинг пишиқимизга тикилиб ўтирдик. Шунда у Ленинград блокадаси даврида болаларни қандай қилиб Ладога кўли орқали олиб ўтганларини айтиб берди. Уша болалар орасида Юрка ҳам бор экан. Изғирини совуқ, бомбалар гоҳ у



ёнда, гоҳ бу ёнда портлаб турибди... Улардан бири шундоққина Юрка кетаётган машинанинг рўпарасида портлайди. Юрка тарбиячи аёлнинг ёнида, унинг қўлларига ёпишганча ўтирган экан, кейин машинадан туширишаётганда аллақачон кўз юмган тарбиячисининг жонсиз қўлларини қўйиб юбормади. Ахийри куч билан ажратиб олишга тўғри келибди-ю, Юрканинг қўлига тарбиячи аёл бармоғидаги ўша узук сирғалиб чиқибди. Бу воқеани шу пайтгача айтмай юриб, энди айтаётганига олдин бир оз ҳайрон бўлдим. Ахир у очикқўнгил, саховатли ўст эди-да! Ҳеч нарсани яшириб ўтирмасди. Мен бунинг маъносини анча кейин тушундим. Юрка ўзи учун янги қадрли нарсалар ҳақида гап-сўзни ҳам, мақтовни ҳам ёқтирмасди. Бу нарсалар унинг учун муқаддас, муқаддас нарсаларни эса кўздан ҳам, сўздан ҳам асраш керак деб тушунаркан. Мен ҳақимда ҳам бировлардан бирон сўз эшитишни истамасди. Ўзимизнинг кичкина салтанатимизда унинг ўзи менга ҳам, ўзига ҳам ҳукм чиқарарди. Мен эса унга эргашардим, гарчи унга бўйинсунишга, ўзимнинг ҳаётим билан эмас, унинг ҳаёти билан яшашга мажбур бўлсам-да, ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис қилардим.

Дугоналарим, турган гап, мендан кулишарди. Чунки бундай тушунча улар учун галати туюларди. Бўлмасамчи, ҳамма тенглик ҳақида гапириб юрганда мен фақат туйғуларимнинг қули бўлиб, бировнинг иродасига бўйинсунишни бахт деб юрсам... Мабодо иккаламизнинг суҳбатимизни катта ёшдаги аёллар эшитиб қолса даҳшатга тушиши аниқ эди. Чунки бу суҳбатлар уларнинг нағариди ахлоқ мувозанатларига ҳеч тўғри келмасди. Масалан, мана ўшандай суҳбатлардан бири. Мен: «Уни қара, соч эмас, эски супурги дейсан! Ҳув анави қорача қизнинг бошидаги тасқарани айтяпман... Сал ёнбошга олса, жудаям кетворган бўларди. Шуниям билмайди-я!» У: «Сенга неча марта айтдим, ҳеч қулоқ солмайсан, қалбингга қулоқ солиб иш тут, киношунослигининг ниғиштир. Бари бир фойдаси йўқ. Истасанг кечки курсардан бирига кириб ўқи. Мен бир тўғарақдан иш топдим, иккаламизга стади. Сенинг ҳаётдаги ўрнинг кинога эмас...»

Мен: «Бир айтдимми-тамом. Институтни ташлашимга онам ҳеч қачон руҳсат бермайди. Ундан ташқари сенинг хотининг оддий сартарош аёл бўлишини истамайман». У: «Мени сенга уйланади деб ким айтди ўзи?» Мен: «Уйлансанг нима бўлибди? Нега энди албатта уй-

ланмаслигинг керак экан?» У: «Сен менга эҳтирос жйҳатдан тўғри келмайсан. Мен аёл киши эҳтиросдан титрашини, яқинлашган пайтларимизда бутун вужуди билан берилиб, сочларимни чангаллаб олишини истайман. Оловдек чуриллаб кетиши керак. Сен эса совуққон, мешчансан. Қачон қараса қандайдир кийим-кечакларга, чойшабларга ўралиб юрасан. Сенда соғлом, тараққиёт буза олмаган одамнинг табиийлиги етишмайди». Мен: «Бузуқ!» У: «Мен эмас, ўзинг бузуқ аёлсан. Чунки яланғоч баданга қараганда нимяланғоч бадан кўпроқ эҳтирос уйғотишини жуда яхши биласан. Фрина Праксителдан уялмаган. Соғлом танинг уяладиган ери йўқ деб тушунган. Тўғри қилган».

Мен: «Мен сенга фоҳиша ҳам, Фрина ҳам, худога шукурки, хотининг ҳам эмасман! Овора бўлмай қўяқол, ҳеч қачон олдинда яланғоч юрмайман!»

У: «Гўё ҳозир яланғоч юрмагандай гапирасан-а! Мини юбкангга, кофтангга бир қараб қўй, ҳаммаёғинг мана ман деб чиқиб турибди! Нима, бошқалардан уялмайсану, мендан уяласанми? Қани энди ўзинг айт, ким бузуқ? Ҳов апови йиғитларга қара, сендан кўз узишмаяпти.

Юрка бундай суҳбатларнинг сўнггида ўзи бошлаган гапнинг бутунлай тескарисини исботлай бошласа ҳам, бари бир, мақсадига эришган бўларди. Кейинги сафар юбкам узунроқ, кофтамнинг олди торроқ бўлиб қолар, йўловчилар ҳам унчалик кўз тикишмасди.

Бир куни кечаси иккаламиз диванда, кўзимизга уйқу келмай, жимгина ётгандик. Деразадан янги чиққан ой ва юлдузларнинг нурлари қуйилиб турибди. У тўсатдан гап бошлаб қолди. Мен қимир этишдан чўчийман. Чунки яқин кишинг қалбини очаётган дақиқалар қадрини яхши биламан. Биз қанчалик яқин бўлмайлик, қалб яқинлигинг меъёри бўлмаслигини тушунардим. Хуллас, Юрка гап бошлади:

— Мени Савонаролла ёки бошқа бегона кўзлардан яширин ҳазинаси учун қўрқиб-қақшайдиган рашкчи ҳукмдор деб ўйлайсанми? Эҳтимол бунинг ҳаммасини сенга тушунтириб беришим қийин бўлар, лекин билиб қўй, сенинг ҳозирги кийинишинг худди ихтиёрний равишда таслим бўлишга розиликдек гап. Буни, тўғри, ўзинг ҳам яхши билмасанг керак. Чунки ўзингга бегона нарсалар олдида таслимсан. Уйлаб кўр, қадди-қоматингдаги энг кўзга ташланиб турадиган жойларингни, ўзинг бил-

маган ҳолда, бўрттириб кўрсатишга уринадан. Гапимни бўлма. Шуниси ёмонки, сен ёқимли бўлишни истайсан. Лекин ҳақиқий руҳий гўзалликка, ёқимтойликка эришиш ҳозирча сенга қийин. Ҳа, қийин, гарчи шуларнинг ҳаммаси ўзлигинда, қаерингдадир чуқур ўрнашган ва яшириниб ётган бўлса ҳам. Ахир мен чиройли кўғирчоқни севиб қолганим йўқ-ку, шундай эмасми? Сенинг хаёлингдаги эркинлик — гўзаллик, черков тили билан айтганда, бегуноҳ вужуд эркинлиги эмас, қулликнинг ўзгинаси холос. Сенда, айтишларига қараганда, стадионга яланғоч келадиган юнон қизларининг улуғворлиги ҳам, спорт кийимида кўчалардан тантанавор, мағрур саф тортиб ўтадиган ўттизинчи йилларнинг спортчи аёллари соддадиллиги ҳам йўқ. Гапимни бўлма, биламан. Бунда фақат сен айбдор эмасан! Сиз аёллар учун ҳозирги давр — чиндан ҳам олтин давр. Қандай истасанг шундай юравер. Нима кийсанг — киявер. Ҳеч ким гинг демайди. Лекин худди шу эркинликни сизлар баттарроқ қулликка тушишга сарфляяпсизлар. Шароит ва модалар қулига айланиб қоляпсизлар. Кечқурунлари ёшгина қизчалар сайр қилгани чиқишганда бир кўчага назар ташлагин-а, Манекенлар, кўғирчоқлар батальони келяпти деб ўйлайсан. Ҳар бирининг бошида «сассон»лар! Кўзлари ҳам бир хил бўялган! Бир-биридан ажратиб бўлмайди. Сен эса мен учун ягона бўлиб қолишинг керак. Тушунаяпсанми? Яго-на! Сенинг қудратинг ҳам шундаки, сенга ўхшагани дунёда йўқ. Борди-ю, ўхшашроғи учраса ҳам, унда бунақа табассум йўқ, табассуми ўхшаса ҳам, сеникичалик эмас, у сенга ўхшаб эсанкираб, айбдорона аланглаёлмайди. Семинар пайтида дарсни билмай қолганингда биров айтиб беришини кутиб, аланглашингни биласанми ўзинг? Худди ана шунга ўхшатолмайди ҳеч ким. Бу — фақат ўзингсан!

— Ҳазиллашяпсанми? Ўлгудек индивидуалистсан, Юрка!

— Тўғри, индивидуалистман,— у яна жиддий тортди.— Ҳа, чиндан ҳам даҳшатли индивидуалистман. У суратдан бу суратга ўгирилиб, экскурсоводнинг орқасидан эргашиб юрадиган экскурсантларни ёмон кўраман. Коллектив талабномалари билан билет сотадиган бўмбўш темир йўл кассаларини ҳам, оддий кассалар олдида навбат кутиб турганлар тўдасини ҳам кўргани кўзим йўқ. Пионерларнинг катталар томонидан ёзиб берилган яхши ўқиш, одобли бўлиши ҳақидаги ёқимтой, сохта овоз билан йиғилишларда айтадиган табрикномаларини

ҳам ёқтирмайман. Умуман сохталикни кўрсам жиним кўзийди. Сен... менга қара, сен ҳам шундай сохта маданият ҳосиласи бўлиб қолишингни истамайман. Пушкиндан озгина, Гоголдан озгина... Маркесми! Оҳ! Пикассомни! Оҳ! Фи—рюма! Оҳ! Йўқ, истамайман! Ҳаммасидан бир-икки сўз юлқиб олишади-ю, эстетика ҳақида сафсата сотишгани сотишган! Жойс ҳақида, унинг ижоди ҳақида ҳеч вақони билишмайди-ю, учрашув кечаларида ёқимтойлик билан кўкракчаларини кўз-кўз қилиб чуғурлашишади. Сени ўшанақалар қаторида кўргим йўқ. Жонгинам, илтимос қиламан, ялинаман, фақат ўшаларга ўхшаб қолма, яхшиси ўзинг кўпроқ ўйла, фикр қил! Эҳтимол, жонингга теккандир, лекин мен биз ўзимизда ҳақиқий инсон, камолотга эришган одам яратолсак дейман. Ҳақиқат бизнинг ўзлгимизда эканлигини англасак, ишонсак, бас! Уйлаб кўр, ўзинг яшаб турган муҳит жонингга тегиб кетади, киночиликнинг йўналишлари, ривожланиш йўллари ҳақидаги фикр-ўйлар сочлари чиройлигина қилиб таралган бошгинангни оғритиб юборади, кучинг етмайдиган, ўзинг билмайдиган нарсаларни ўйлайсан, излайсан. Ахир излаш учун нима излаётганингни билишинг керак-ку! Нима, умр бўйи мана шу тавқи лаънатни бўйнингга осиб юрмоқчимисан! Албатта, сен ўзингни, қарашларингни, дидингни тарбиялай олишинг мумкин. Бунинг учун эса фидойилик керак бўлади. Билишимча, фидойилик сенинг ҳам, меҳрибон она-жонингнинг ҳам программасига кирмайди, шундай эмасми? Ўз касбингни севишга ўзингни мажбур қилолмайсан-ку, мажбуран эришилган севгига эса мен ишонамайман. Билмадим, нима билан тугаркин буларнинг ҳаммаси?..

Юрка илгари ҳеч қачон бунчалик узоқ гапирган эмасди. Мен эса... мен аввал қимир этмай ётиб, нафас олмай тинглаб ётдим, кейин эса ўзим ҳам сезмаган ҳолда уни секин-секин ўпа бошладим... Меҳрим тошиб кетди, лабларимни аввал чаккасига босдим, кейин яноқларимни тикондек ўткир соқоллари тирнади, у қоқилиб кетган одамдек, бирдан гапдан тўхтаб, жимиб қолди. Ой ҳамон кумушдек товланиб турарди, хона ёришиб кетди. Ётган жойимдан бир оз кўзғалиб, пастдан юқорига, Юрканинг юзига қараганимда, унинг бир оз ғамгин ва истеҳзоли тус олганини, туннинг нимранг сояси унинг кўз атрофларига соя солиб турганини кўрдим. Бир дақиқагина вужудимни қандайдир сарни шабада нафаси силаб ўтгандай бўлди. Бошимни силкитдим, энгашиб

дивандан сирғалиб тушдим-да, қўлидан ушлаб тортдим:

— Сени биламан, ўзингча маржон сочяпман деб ўйлайсан... Унчалик эмас, тушунаман, майли, сен айтгандай бўлақолсин... айбимни бўйнимга оламан. Лекин, яхшиси, кел, чой ичиб олайлик. Жиддий насихатларнинг эшитавериб томоғим қақраб кетди!

У истар-истамас кўзғалиб, кўрпадан чиқди-да, ўтирди. Қўлимни қўлига олиб, тирноқларимни силлади. Уларни яқиндагина бўяган эдим. Сўнг тўсатдан, жиддий оҳангда, худди бошқа бир муҳим нарса ҳақида гапирётгандек илтимос қилиб қолди:

— Стелла, сўз бер... йиртқич бўлмайман деб менга сўз бер...

— Ним-м-ма!— мен ҳайратдан довдираб қолдим, қўлимни шарт тортиб олдим елкасидан ушлаб силкидим, юзига тикилдим. Эси жойидами ўзи...

— Йиртқич деганинг нимаси! У қанақа касб ўзи, Юрка! Нима, мени масхара қиляпсанми? Шу пайтгача бирон руҳоний гуноҳкор бандаларидан тавба қабул қилиш маросимида шу ҳолатда турмаган бўлса керак. Мана у, менинг руҳонийим — озғин, жун босган оёқлар, соч-соқол ўсиб кетган... Бояги гапини худди шу овоз, ўша оҳангда, бир оз ҳушёр тортиб, ғамгинлик билан, фақат ўзигагина эшитиладиган қандайдир ички товушга қулоқ тутгандай, оҳиста такрорлаганда, мен ўзимни тугтиб туролмай, кулиб юбордим.

— Йиртқичга айланиб қолма деяпман!

Мен энди унинг гапига қулоқ солмай, қўлидан ушлаб, ошхона томон тортқилардим. Газни ёқиб, плитага чойнакни қўйдим. Гўё унинг овозидаги бегона оҳангни сўзлар тўдаси билан кўмиб ташламоқчи бўлгандай тинимсиз жаврардим.

— Овора бўлма, сенга кўз олайтирадиганларнинг ҳаммаси, ҳаммаси учун мен йиртқич, ваҳший бўламан, бўлавераман. Бурда-бурда қилиб ташлайман. Биламан, менга уйлангинг йўқ, бари бир ўзимники бўласан! Ҳеч кимга бермайман, яқинлаштирамайман! То ўлгунимча меники бўлиб қоласан!

...Қизиқ, ўшанда фаришталар омин деганим ёки баъзан тақдирнинг ўзи бизнинг номимиздан тилга кирармикин... Худди дилимга солгану, тилимга чиққандай-а! Мен эса ҳамон дам куламан, дам жаврайман. Юрка чой тўла пиёлани нари суриб қўйди. Юзидаги туннинг нимранг сояси электр чироғи ёруғида ҳам тарқаманган.

ди. Боягидек паришонлик билан бир нуқтага тикилганча:

— Мен ҳам шунақа бўлса керак деб ўйлайман,— деди.

...Ё парвардигор, қанчалик содда... тентакларча содда эканман-а ўшанда! Ғойибона қандайдир куч ўз ҳукмини менга айтиб турибди, мен эса фарқига бормай, оғзимга келганини валдирайверибман, маржон сочгандай сўзларни бефарқлик билан сочаверибман. Ушанда улар сассиз мавҳум бир теранликка чўкаверибди-чўкаверибди... Мана энди, орадан шунча вақт ўтгандан кейин қалқиб чиқяпти. Уч йил — мотам йиллари бўлди мен учун. Уч йил давомида ярадор йиртқич ҳайвондек яшадим. Эндигина яраларим битай деганди... У билан бирга яшаган кунларим, дақиқаларим сўзсиз суратлардай бир-бир кўз ўнгимдан ўтаверди. Сўссиз... Сўзлар бор эди-ку ахир! Ушанда... Унинг соқоли ўсиб кетган юзида туннинг нимранг соясини кўрдим. Ғозининг бурчида ёпишиб қолган чой шамаси ҳеч эсимдан чиқмайди. Уша чой шамасини мен лабларим билан олиб ташлагандим. Чўккалаганда кўрпанинг изи тушиб, қизариб қолган тиззасининг кўзи ҳам ёдимда. Лекин сўз йўқ. Унутганга ўхшайман... Йўқ, унутмабман. Бир вақтлар ўрганиб олган, сўзма-сўз тушунмаган ҳолда такрорлашга устаси фаранг тўтининг ёдида қолгандай, ўшанда айтилган сўзлар хаёлимда, қалбимнинг чуқур ерида яширишиб ётган экан. Мана, ўша гапларни энди сўзма-сўз эслаяпман. Уша юлдузларнинг совуқ нурлари дераза ойнасини тирнаб ётган кечада унинг нималар деганини яхши биламан, тушунаман. Йиртқич... қачондир қайнонам менга шундай деганда кулиб қўяқолгандим. Ўзиниям унчалик фаришта деб бўлмасди. Сергей учун ҳар қандай одамни бурда-бурда қилиб ташлашга тайёр эди... Э, энди бари бир эмасми!

«Муқаддас» деб аталадиган она меҳри ҳақида кўп ўйлайман. Назаримда бу борада жудаям омадӣм борга ўхшайди... Опамнинг ҳам, қайнонамнинг ҳам жонкуярлиги Гобсекнинг жонкуярлигини эслатарди. У ҳам ўз бойликлари устида шунақаям ўлиб-тирилардики, худди бойлиги хавф остида қолса, ҳаёти хавф остида қолаётгандай бўларди. Ахир менинг романтик руҳдаги қайнонагинам бир вақтлар уйларига келган ёшгина аёлни ўғлига «тегиб олмоқчи» бўлгани учун секингина, шовқин-суронсиз кўчага чиқариб қўймаганмиди! Онам-чи! Келишига қадар бўшаб қолган жавон олдида турганча у

марҳум қаллоб шаънига нималар демади! Бир қўлини бошига тираб,- бир қўлини силкитганча қичқираётган қалин пошнаги италян туфлисидаги шу аёл — менинг меҳрибон, «жафокаш» онам эди. Бу баланд пошналар шу қадар мустаҳкам эдики, жавоннинг бўшлиқдан дриллаши уёқда турсин, зилзила ҳам жойидан қўзгатолмасди. Ўша пайтда, ўн икки йил бурун у қирқ етти ёшда эди. Лекин у табиатга ҳам, йилларга ҳам чап беролган ўн йилга алдаган эди деса бўларди. Рақс ўқитувчилариникига ўхшаш қадди бежирим, ошқозони ҳали темирдек мустаҳкам, оёқлари бақувват. Сарғиш парик толалари пешонасига тушиб, дўнглигини яшириб турарди. Мен уйни тўлдириб юборган чамадонлар уюмидан ҳам, унинг ўткир товушидан ҳам эсанкираганча диванда ҳушсиз жимгина ўтирдим. Сезиб турибман, унинг ҳар бир гапи, қалдироқ овози суриб чиқараётган эди. «Балки шуниси ҳам тузукдир», деб ўйлайман ўзимча. Юрканинг арвоҳини бизнинг уйда олиб қолишга уриниш беҳуда эканини яхши билардим. У бари бир яшаёлмасди бу ерда. Қололмасди. Йўл чарчоғини тарқатиш учун бир соат дам олиш мақсадида ётоққа кириб кетган отам уни ётоқдан қувғин қилиб бўлди. Меҳмонхонага ҳеч қайсимиз қадам қўймаймиз. У ерда ҳақиқий хўжайин — оқ қайиндан ишланган гарнитур. Онам уни ҳеч нарсага алишмайди. Иккаламиз чой ичиб ўтиришни яхши кўрадиган ошхонада энди онам ягона ҳукмдор... Кваттира энди менинг назаримда бизнинг уй бўлмай қолган. Қандайдир бегона. Совуқ, ёки истаган одам киравериши мумкин бўлган оддий Москва кваттираларидан бири, холос. Юрканинг ўлиmidан кейин на танишлар, на қўшнилар кирарди. Фақат мен ва унинг руҳи яшарди бу ерда...

— Ҳамма гапни билиб юардим,— вайсарди онам қизил сурган юзлари ғазабдан баттар қизариб. Фақат бу ерда юз бераётган воқеаларга аралашмайман деб ўзимга сўз берган эдим. Уйдан қочиб кетишданам тоймайсан сен. Ўзимни билиб-билмасликка олиб юрдим анавининг... ўша сенинг...— гап шу ерга келганда онам бирданига ўзига келиб, ерга қараб қолди.

— Ойижон, бас энди...

Мен икки кўзимни полга қадаганча ўтирар, полда ҳам кўзимга ўша пластмассадан ясалган қутича кўринарди. Руҳ бўлса, ҳалиям бирор нарсадан умидвордек, эшик олдида турарди... Онамнинг сўзлари эса бошимга урилгани-урилган...

— Узимнинг айтганим бўлди бари бир. Уйланмади. Келажагинг ҳақида хотиржам бўлавер. Мен бўлмаганимда-ю... Тўғри, мендан ҳам ўтди... Нима кераги бор эди ўша ёққа кетишининг? Шундай хавфли ёшингда ёлғиз ташлаб кетдим! Унга, ўхшаган қаллоблар худди сенинг ёшингдагиларни излаб юришади. О, парвардигор, ўзинг кечир... Тилимни тийиб туролмадим... Яна эсладим ўша... Нимайди... ўша сенинг... Смоктуновскийнинг... Бутун бошли шафони бўшатиб кетибди-я!

Юрка хонадан аллақачон ғойиб бўлган, мен эса ниҳоятда ҳолдан тойгандим. Онам жаврай-жаврай, охири чарчади, кейин мени ечинтириб тўшакка ётқизди-да, отам билан маслаҳатлашиш учун кириб кетди. Иссиғим 38,4 га кўтарилиб кетибди, Отам тепамга келди, нимадир деб минғирлади, қўлини пешонамга қўйиб кўрди, кейин хотиржамлик билан ўз газеталарига, масъул, ниҳоятда масъул ишларига қайтди. Унинг бу ишлари шу қадар масъул эдики, на менинг, на онамнинг ақли етар, шу сабабли ноиложликдан онам шўрлик ўз бурчларини, оналик бурчларини астойдил адо этишга киришиб кетарди. Мен эса аста-секин тошга айланиб, охири тубсиз, зангори тубанликка шўнғиб кетардим. У ерда квартирамиз ҳам, онам ҳам, Юрка ҳам йўқ. Бўм-бўшлик.

Онам ўзининг узоқ сафаридан қайтиб келганидан кейингина мен бир оз бўшашган бўлсам керак. У бизни бирин-кетин жон-жаҳди билан ўзимизга келтира бошлади. Мен эса ҳеч қаршилик кўрсатмай дори ичиб, ҳар хил уколлар қилишларига хотиржамлик билан туриб берардим. Кейин Сочига бориб, дам олдим, ярим йилдан кейин Шаболовкадаги телестудияга ишга желдим. Чунки кинода шундай ҳам талантлар тўлиб-тошиб ётарди. Менсиз ҳам етарли. Сергей билан мени тасодиф йўлиқтирган бўлса керак. Лекин тасодиф ҳам кутган жойингда пайдо бўлади одатда. Менинг бўлажак эрим Москвадан ана шу тасодифни кутарди. Соғлом идрок ғалаба қозонганидан сўнг эса эришиб бўлмайдиган юксак орзуларидан воз кечишга тўғри келади. Энди кечикканди у. Иккаламизнинг онамиз бир бўлиб, уни шундай исканжага олишдики, шўрлик, чекинишга ҳам жой тополмай қолди. Чекиниб ҳам нима қиларди? Дўстлари, танишбилишлари қолди. Чекиниб ҳам нима қиларди? Дўстлари, таниш-билишлари олдида мени улкан муваффақият билан кўз-кўз қилди десам бўлади. Назаримда мен кўпчиликка маъқул бўлдим. Ёш, соқолдор интеллектуаллардан тортиб, кино, адабиёт атрофида ўралашиб юрган



қизчалар, хотинларга қадар онамнинг меҳмони бўлишди. Бу синовлардан ҳам мен осонгина ўтдим. Мана, ниҳоят кўп йиллардан сўнг яна ўзимга суянчиқ топдим (онам бу ҳисобга кирмайди, албатта). Яна суянадиган одамим бўлмаса ҳолим нима кечарди деган гап айлана бошлади бошимда. Тўғри, эримнинг орқасидан мен жаҳаннамга ҳам боришим мумкин, лекин бу гал фақат бошқа ҳамма йўллар берк бўлсагина боришим мумкин... Шундай яшайтганлар бор-ку, ахир. Ақл-идрок билан, хотиржам яшайверишади. Нима, бу етарли эмасми? Қизиқ, ўзимни ўзим оқлаяпманми?

Қаёқдан пайдо бўлди бу гуноҳкорлик туйғулари? «Нега! Нима гуноҳим учун?!» деган қичқириқ — одамнинг қон-қонига сингиб кетган тунги даҳшатга нисбатан айтиладиган нидо. Демак, сабаби бор. Гуноҳ жазосиз қолмайди.

Менинг юксак ишончим, намунали хотин, меҳрибон оналигим, гўзал аёллигим ғойиб бўляпти ўзи... Нега чекиняпти! Қандай куч суриб ташляпти четга! Ҳаммаёқдан мени кўзлар кузатиб тургандай... Онамнинг кўзи, қайнонамнинг кўзи, энг муҳими — ошпоқ қоронғиликда Юрканинг милтиллаб турган кўзлари...

«Стелла, йиртқич бўлмайман деб сўз бер!» Юраска, нима бало, пайғамбармидинг! Ўзининг яқинларини бурдалаганларгина йиртқич бўлмайди. Бурдалашга йўл қўйиб берган, бошқалар юлқалаб, бурдалаб олиб келган гўшт ҳисобига яшайдиганлар ҳам йиртқич! Улар хотиржамлик ниқобидаги йиртқичлар. Гўштни пишириб, товоқчага солиб беришса бас, бамайлихотир тушираверадилар.

Юрка қалб амри билан яшади. Ушанда мен бунни қиролларча яшаш деб атагандим. Ахир Икар ҳам шундай яшамаганмиди? Қалб амри билан қанот боғлаб кўкка кўтарилди, қуёшни яқиндан кўрди, шунга лойиқ жазосини олди. Мен-чи? Нима учун жазо олишим керак? Қанот боғламаганим учунми? Учолмаганим учунми?

Менда жасорат кўрсатиш қобилияти йўқ, учадиганлар тоифасидан эмасман.

Тўғри, ҳар кимнинг ўз юксаклиги бўлади. Мен ўз юксаклигимга кўтарила олармиканман? Кўтарилишга уриниб кўрдимми?

Эслолмайман.

Назаримда, ҳеч қачон уриниб кўрмаганман. Ҳеч қачон...

Қачонлардир институтда антик дунё санъатидан имтиҳон топширгандим. Ушанда эсимда бор, қасос маъбудаси — Немезида тушган эди. Тақдир билан олишишга бел боғлаганларнинг хўп таъзирини бергандида ўзиям! Прометей, ўлимга чап бермоқчи бўлган. Сизлар, тақдир ардоқлаган Поликрат, Крезларнинг ҳоли нима кечди! Худо бўлишни орзу қилган, мағрур Салманей-чи?

Немезида, наҳотки сен худо бўлишни истамаганларни ҳам жазоласанг!

Дарвоқе, инсонга улкан олам, қудрат нима учун берилган? Бу олам кун сайин инсон учун буюк, афсонавий армуғон ҳозирлайди. Унга муносиб бўлиш керак. Фақат учишдан қанотларингни куйдириб олмасанг бас.

Мен эса энг оддий нарсалардан, инсон дунёга нима учун келганини ўйлашдан, шу оламни англашдан, унга таъзим қилишдан ҳам қўрқиб юрибман...

Ниҳоят, такси ҳам етиб келди. Қанча кутдим? Бор-йўғи йигирма дақиқа вақт ўтибди. Ҳа, йигирма дақиқа холос. Ҳаётингда тубдан бурилиш ясаш учун шугина вақт етарлими?

Эҳтимол етарлидир. Немезида билан жуда истаган тақдирда ҳам ҳеч бўлмаса йигирма дақиқа юзма-юз туриш ҳаммагаям насиб қилавермайди-ку ахир...



## ОЁҚЛАРИМИЗ ОСТИДА :

*Триптих*

У қишлоқларни ва шаҳарларни кезиб юрарди; роҳиб эди у. Ҳар йили баҳорда ва ёзда саёҳат қиларди, дунёда бўлаётган воқеаларга қулоқ осарди, қиш яқинлашиши билан эса ибодатхонага қайтарди ва чеккадаги хужрасига беркиниб китоб ёзарди — у солнома деб аталарди.

Кунлардан бирида роҳиб қишлоқдан ўтаётиб, Лазаревойнинг ўғли заргар Степаннинг ҳовлисига кирди.

Заргарнинг шуҳрати чор атрофга ёйилганди, бу даражага у ўз истеъдоди билан эришганди, кўплаб ажнабий савдогарлар унинг ясаган буюмларини княздан сотиб олардилар.

Роҳиб Степанникида меҳмон бўлди. Энди кетишга чоғланиб тургандики, бирдан қишлоққа душман ёпирилди.

Улар ҳеч кимни — на болаларни, на аёлларни ва на оппоқ соқолли қарияларни аямадилар. Ғайридиннинг ўқи роҳибни ҳам ерга қулатди ва унинг қонига майсалар шудрингдек бўялди. У навқирон заргарнинг ўзини қандай мудофаа қилаётганини, уни ҳар томонидан ёв қуршаб олганини ва ғайридинларнинг қиличидан йиқилганини кўрди.

Роҳиб эса снгил яраланиш билан қутулди. Бир оздан сўнг ўзига келди ва асо ўрнига бир куйган калтакни олиб, култепадан узоқлашди.

Ибодатхонага қайтаётганида эса хароб ертўлада бир ўспиринни учратди. У қўлида билагузук ушлаб турар ва нақшларидан нусха кўчирарди.

Роҳиб энли биринж билагузукда Степаннинг тамғасини кўрди.

Роҳиб қўлига қалам олишдан аввал, кўрган-кечирган ҳамма воқеаларини ибодатхона нозири Пафнутийга сўзлаб берди. Нозир эса уни калака қилиб кулди ва мабодо солномада лозим ва жоиз бўлмаган нарсалар ёзилгудек бўлса, роҳибни жазо кутишини уқдирди.

Шундай қилиб, солномачи князьларнинг низолари ҳақида, номаълум ёритгичнинг шуъласи ҳақида ва хорижлик меҳмонлар ҳақида ҳикоя қилди.

Аммо заргар Степан ҳақида ёзмади.

Кечқурун эса, емакхонада сули бўтқа еб ўтирган пайтда чексиз ғуссадан юраги ёрилгудек бўлди ва ўридан туриб роҳиб биродарларига мурожаат қилди:

— Йўлларда юрамиз, оёқларимиз остида эса қанчадан-қанча ажойиб нисонларнинг хоклари ётибди...

— Шу йўлларни очган одамлардан нималар қолди? Фақат суюкларни қолди, бироқ улар ҳам чириydi ва кунга айланади...

— Балки улар абадий яшашлари ва шуҳратлари осмон қадар кўтарилиши ҳақида ўйлаб, ғайратлари жўшиб очгандирлар бу йўлларни...

— Аммо алдандилар — наҳотки бу ишлари беҳуда кетган бўлса? Мана, энди бу йўлларда биз уларни, бошловчиларни эсга олиб, миннатдор бўлиб юрибмиз...

— Энди биз, руҳи занф, продасизлар чекинаётган бўлсак — не тонг?..

— Подшоҳликлар нурайди, шамол тош иморатларнинг кулини кўкка совуради — аммо бошловчилар қолдирган из абадий қолади...

— Ва агар кишилар уларнинг исмларини ва сиймоларини унутсалар — не тонг!..

## I. СВЯТОСЛАВА

Кечадан бери таъқиб этиб келинаётган ва ҳолдан тойган буғу бирдан ер ёрилиб, остига кириб кетгандай ғойиб бўлди. Гарчи Рогволод улкан қарагайлар аро отини ниқтаб, кўзини шох-навдалардан паналаш учун гоҳ-гоҳ эгилиб ҳамон елдириб бораётган бўлса-да, энди



аввалгидай шашти йўқ эди; ёш қарағайзорда ора-чора кўзга чалиниб турган буғунинг кенг сағриси энди кўринмасди.

Рогволод қувиш жазавасидан ҳансираб қолган ва темир юганини тишлаб ерга қонли кўпик сачратаётган отининг тизгинини текис тортиб тўхтатди.

На овчи итларнинг ҳирқироқ ҳуришлари ва на овчиларнинг қичқириқлари эшитилмасди. Учларидаги барглари сўлиган тераклар ва қайинлар, ёввойи мевали буталар ва малиназорлар қуршовида ўсган қарағайлар бир маромда тебранар, юқорида эса нимадир узлуксиз, секин ғувилларди, гўё чиндан ҳам у ерда қандайдир тирик, қудратли бир нарса яшаётгандек... Сарбозлар орқада қолиб кетдилар ва ўрмонда бойвуччанинг бир ўзи қолди.

Рогволод хуржунидан бурғусини олди. Унинг қудратли овозидан ўрмон ларзага келди: дарахтлар қўйнида қушлар патирлади, буталар орасида қандайдир оч малларанг нарса йилт этиб кўринди, теракларнинг баргларига яна ҳам кучлироқ титроқ кирди. Бироқ жавоб бўлмади: бойвучча ўз одамларидан ҳийла олислаган, таъқиб уни узоққа олиб кетганди. У толган қўлини тушириб, яна бир оз олға юрди — ва кутилмаганда одам қиёфасига кўзи тушди. Бу — этаги лойга буланган дағал кўйлагининг устидан нимча кийган ўртабўй, кулчаюз бир қиз эди. У маймунжон тўла сават ушлаб турар, чиптакавуши ботқоқ балчигига ботганди. Арзон темирдан ясалган пешонагардиши кузги гулчамбар орасидан йилтираб кўринарди. Қизнинг қиёфасида биқинидаги ўқлари чиқиб турган садоқни мустасно қилганда диққатга сазовор айтарли ҳеч нарса йўқ эди. Садоқ суяк қоплама билан шундай ажойиб қилиб безатилгандики, княззоданинг хаёлидан деҳқон қиздан кўра менга муносиб экан, деган фикр ўтди. Қизнинг елкаси оша ёйнинг бир учи чиқиб турарди. Буни кўриб бойвучча маъжусий маъбуда ҳақидаги ривоятни эслади. Ана шу маъбуда чўмилаётганида унга қараб қолган йигитни итларга талатган экан. Бу ривоятни унга ҳар хил матоҳ, идиш-товоқ ва атторлик буюмларини зиғир ва мумга айирбошлагани келган, византиялик бир хушчақчақ меҳмон сўзлаб берганди. Рогволод бу ўхшатишидан кулимсираб қўйди.

— Ҳой қиз!— деб қичқирди у.— Шаҳарга бу ердан узоқми?

Қиз мулоийм кулимсиради:

— Бойвучча қуёш тарафга ўгирилиб юрсин, шу ҳолатда қуёш бирор соатча бўйнига тушиб туриши керак.

У бўш қўли билан ярим доира ясаб, қай тарзда юриши лозимлигини кўрсатди ва унинг келишган қадди-қомати беихтиёр бойвуччанинг диққатини жалб қилди. Роголод у билан яна суҳбат қурмоқчи эди, аммо қиз асилзодаларни ҳар куни кўриб юрадигандек орқасига бепарво қайрилиб кетишга чоғланди.

— Ҳой... тўхта!— деб қичқирди довдираб қолган Роголод қизнинг орқасидан ва шу заҳоти ўзидан ғазабланиб, иложи борича қатъийроқ қилиб деди:

— Сен нега таъзим қилмадинг? Қаршингда ким турганини кўрмаяпсанми?

Қиз тўхтаб елкаси оша унга қаради.

— Қани, бўл, тиз чўк! Сенга айтяпман!

— Мен сенинг чўринг эмасман, бойвачча,— деб жавоб берди қиз кўзлари чақнаб.

Жаҳлдан Роголоднинг кўзлари қонга тўлди. Устига от тортди ва зилдай қамчисини азот кўтарди, аммо бирдан кўзи кўзига тушиб жойида қотиб қолди.

Қиз кўрқмади, ортига тисарилмади, фақат очиқ, қуёшда қорайган юзига ярашиб тушган мовий осмон рангидаги тиниқ кўзлари бир лаҳзага қисилди.

Сулув экан тушмагур. Лекин қайлиғи — қўшни князьнинг қизи Васильковна билан тенглаштириб бўлармиди! Роголод қуруқшаган лабларини ялаб оғир жимликка барҳам бериш мақсадида сўради:

— Ота-онанг сени нима деб чақиришади, қизалоқ?

— Святослава, бойвучча.

Қизнинг овози хотиржам эшитилди, унда Роголод ва ҳаяжонни, ва на кўрқувни пайқамади.

— Нега сенга эркакча исм қўйишган?

— Дадам ўғил бўлишини кутган эканлар,— деб жилмайди Святослава ва шу заҳоти ҳолатида қандайдир ўзгариш содир бўлди: гўё у бойваччани биринчи марта кўриб тургандай, гўё илгари ҳам у билан суҳбатлашгандай. Шу боис қиз туғилганига кўнникиши истамабди.

Қиз гапидан тўхтаб, Роголодга савол назари билан қаради. «Яна нима дейсан? Сўрайвер»,— дер эди гўё унинг кўзлари, аммо бойвачча қиз билан яна нима ҳақда сўзлашишни билмасди. У жуда ёш эди, қиз эса, гарчи у билан тенгқур кўринса-да, ўзини эси паст ва ўжар бир тирранча билан гаплашаётгандек тутарди. Святослава йингит шу пайтгача учратган: қаршисида довдираб

қоладиган, биргина нигоҳидан қизариб кетадиган боён. қизларига ва ёнидан ўтиб кетаётганларида гўё чўкиб, бўйлари кичрайиб қолгандек туюладиган чўриларга сира-сира ўхшамасди.

У Святославанинг орқасидан эргашиб кетаётганини ҳам сезмай қолди.

— Ўрмонда ёлғиз юргани қўрқмайсанми?

— Нега ёлғиз бўлайин, бойвучча?— қиз унга бир қараб олиб ёй оснғлиқ елкасини қоқиб қўйди.— Мана менинг дўстим ва ҳимоячим!..

Святослава Рогволоднинг боғлаб қўйилгандек эргашиб келаётганини эндигина пайқади ва бирдан тўхтаб қолди.— «Оббо, бувамдан балога қолдим: мендан хавотир олиб ўтирган бўлса керак!»

Қиз сўқмоққа тутшиб ўсган қайинзорга шундай тез ва кутилмаганда шўнғидики, Рогволод уни на тўхтатишга ва на қаёққа гоийб бўлганини пайқашга улгурмай қолди, ва узоқ вақт жойида гарангсираб туриб қолди.

Рогволод уйига ярим кечада кириб келди. Князьнинг қасри чароғон ёритилган, машъала ушлаган хизматкорлар ва сарбозлар ҳовлида югуриб юришарди. Бойваччани излагани аллақачон сарбозлар ҳар тарафга жўнаб кетишганди. Ҳовлида қувончли хитоблар янгради. Ўрмонда узоқ тентирашлардан силласи қуриган Рогволод ҳеч кимга эътибор бермай отидан тушди ва меҳмонхонага кириб ечинмасдан ўзини тўшакка ташлади.

У ўрнидан кеч турди ва дарҳол ўрмондаги учрашувни, қиз билан суҳбатини, унинг қўққисдан гоийб бўлганини хотирлади. Кўз олдида қизнинг қиёфаси жонланиб, номи эсига келганида эса Святославага нисбатан алами ҳам ёдига тушди. Уни зудлик билан кўришни истади, қиз унинг олдида чуқур таъзим қилсин, ундан нимадир сўрасин, илтижо қилсин — нимани сўраши ва илтижо қилишининг аҳамияти йўқ, нишқилиб шундай бўлиши керак, вассалом...

Бир ҳафтадан сўнг бойвачча ўзи билан Медведь сарбозни олиб ўрмонга йўл олди. Маълум бўлишича, Медведь невараси ясаган буюмлари билан тез-тез князьнинг даргоҳига келиб турадиган кекса Нежилани яхши билар экан. Қизнинг бобоси билан бирга яшашини эса бойвачча Медведдан билиб олди: опаск туғиши билан ўлган экан, отасини эса атрофи неча чақирим жойгача кимсасиз бўлган ўрмоннинг энг хилват ерида жойлашган кулбаси ёнида айиқ гажиб кетган экан.

Медведь Нежиланинг кулбаси жойлашган дарё қир-



ғоғини эслади. Бу жойни улар узоқ изладилар ва топишдан умидларини узиб энди қайтмоқчи бўлиб турувдиларки, вақт таъсири билан букчайган кулбани кўриб қолдилар.

Рогволод эшикни шаҳд билан ўзига тортди.

Дастлаб у ҳеч нарсани кўра олмади, аммо секин-ас-та кўзи қоронғиликка ўрганди: Рогволод дарё тошларидан қурилган мўрисииз пастак оташдон, қўпол қилиб йўнилган, оғир қўй териси ёпилган ёғоч супани кўрди.

— Одам борми бу ерда?— қичқирди у қоронғиликка қараб.

— Бор,— қиз боланинг оҳиста овози эшитилди.

Шу заҳоти бойваччанинг кўзи Святославага тушди. У супанинг ўнг томонида, бурчакда, қайин ғўласининг устида чақирилмаган меҳмонларга тикилиб ўтирарди. Эғнида ўша мовут кўйлак, елкасида нимчаси, фақат бошини пешонагардиш ўрнига тор тўқима тасма билан танғиб олганди. Тиззаларининг орасида тарвақайлаган буғу шохи турарди. Рўпарасида, чўғ устида бир нечта кесик айри солинган махсус идиш тутаб ётарди. Бу ерда яна чарм ипли ёйпарма, темир паргор, бир нечта тош кескич — наққош устанинг иш асбоблари ётарди. Оташдоннинг қаршисида, санамнинг пойида, катта эман тўнканинг устида тайёр маҳсулотлар: нақшикор бандли тароқлар, курак соплари, чиройли тугмалар, қопламалар ва ёғочдан ясалган ўймакор санам ётарди. Санамнинг бир-биридан узоққа жойлаштирилган кўзлари Рогволдга шундай ваҳимали ва кучли таъсир қилдики, у ҳатто сесканиб тушди.

Рогволод журъатини йиғиб қатъийлик билан қўлини силтади ва Медведь уни қиз билан ҳоли қолдириб ташқарига чиқиб кетди.

— Сени излаб келдим... олиб кетгани... сени ўзим билан қасрга олиб кетмоқчиман,— сўзини энди дадилроқ тугатди.— Сени ардоқлаб юраман, ҳеч кимга хафа қилдириб қўймайман...

Қиз индамас, Рогволоднинг кўнглидагини билишга интилаётгандек юзига тик боқиб турарди. Ниҳоят, иккиланибгина, оҳиста жавоб берди:

— Мени хотинликка олмайсан!.. Чўри бўлишни эса хоҳламайман...

Жаҳлдан ўзини йўқотган бойвачча қиличсини суғиргудек бўлди, кейин сузмоқчидек бошини эгиб бўкирди ва шарт бурпилиб эшикка отилди.

...Эртасига азонда, қуёш нурлари дарахтларнинг учи-

ни эндигина ёрита бошлаган маҳалда ўрмончининг кулбаси жойлашган қарағайзорга князь сарбозлари ёпирилиб кирдилар.

Қаттиқ зарбаларга дош беролмаган эшик ошиқ-мошиғи билан суғирилиб қулади. Медведь биринчи бўлиб ичкарига отилди. Қаттиқ турткидан Нежила нарига учиб кетди ва йиқилаётиб оташдоннинг ўткир қиррасига боши билан урилди. Кўзини сўнгги марта юмар экан, бир неча кишининг қизи ётган тўшакка ташланганларини, уни ерга улоқтириб эшикка қараб судраб кетганларини кўриб қолишга аранг улгурди...

— Бува! Бу-ва-а! — дарахтлар узра қизнинг қичқириви янгради ва тинди.

Қизнинг беҳуш танасини от чойшабига ўраб, эгарга кўндаланг қўйдилар. Бир неча дақиқадан сўнг, гўё ҳеч нарса юз бермагандек, ўрмонга осойишталик чўкди. Фақат ўтакаси ёрилган олмахонгина юқоридан ланг очик эшикка, ер билан битта бўлиб ётган турли хил буюмларга, оппоқ сочлари тўзғиган боши орқасига беўхшов қайрилган Нежиланинг жонсиз танасига тикилиб турарди.

\* \* \*

Бири бирига ўхшайдиган, ниҳоясиз кунлар ва ойлар ўта бошладилар. Святослава бойваччанинг асираси сифатида келганидан бери яшаётган уй — асосий биполарнинг ўнг томонида, жами хизматкорлар: чўрилар, малайлар ва товонхоначилар турадиган ёндош уйларнинг қаторида жойлашган эди. Бу ер маъшуқа учун қулайроқ эди: ҳеч ким уни синчков саволлар билан безор қилмас у ҳатто кекса князьнинг нафратли нигоҳларидан ҳам ниҳон эди. Энди унинг бошини олтин пешонабанд безаб турар, қуёш нурларида қип-қизил бўлиб товланиб турувчи ҳилол сирғалари чаккасида шокила бўлиб осилиб ётарди. Қуёшда қорайган бўйнига қимматбаҳо сариқ тошлардан маржон ўралган, илон шаклли олтин биллагузуклари билакларида нозиккина жарангларди.

Бойвачча Святославасиз яшаёлмаслигини сеза бошлади. Кеч бўлди дегунча унинг ёнига ошиқар, бир талай чиройли нарсалар олиб келар, чўриларига совғасалом улашар, асиранинг юзида табассум уйғотишга, овозини, кулгусини эшитишга бутун вужуди билан ҳаракат қиларди. Унга гоҳ қўполлик ва раҳмсизлик қилар, гоҳ ҳаддан ташқари мулойим ва меҳрибон бўлиб қолар

эди ва шунда Святослава бир муддат ўзини ёш бойваччанинг ихтиёрига топширарди...

Аммо қуёш чиқиши билан бойвачча унинг оромгоҳини тарк этарди. Уй яна ҳувиллаб қолар, Святослава оғир ғуссадан руҳи чўкиб яна ўзининг асиралигини ҳис қила бошларди. Қўллари билан бошини чангаллаганча фарёдини, ғуссасини ва дардини бўғиб, ерга тўшалган кимсасиз ўрмоннинг, ернинг, яна аллақандай азиз нарсанинг ва юнг ҳиди келиб турувчи айиқ терисининг устига ўзини ташларди.

У ерда қарағайзорлар ора̄сида қизнинг аввалги ҳаёти, кулбаси қолганди. Деразасининг ёнидан кичик бир дарё оқиб ўтарди. Святослава деразадан ошиб ўтар ва тиниқ ўрмон суввида чўмиларди. У ўзини эркин ҳис қиладиган ўша жойларда бир кунгина, бир соатгина бўлишни жуда-жуда хоҳларди.

] Святослава қўлларига худди бегонаникидек тикиларди. Улар гўё ҳеч қачон қора меҳнат билан шуғулланмагандек, ёй ипини тортмагандек, ўлдирилган ҳайвоннинг терисини шилмагандек майин, юмшоқ ва сўлгин бўлиб қолгандилар. Улар гўё оташкуракни ҳам ушламагандек эдилар... Ана у — князь қароргоҳида ҳукм сурган беҳол эринчоқлик ичра қалбига ором бермаган, Роговоднинг қайноқ қўлларида ўзини унутишга йўл бермайдиган энг муҳим нарса! Санамнинг тик боқувчи даҳшатли кўзлари тушлари келиб қалбини мислсиз ғуссага тўлдириб кетарди. Кўзлар бирдан кўҳна эманнинг пўстлогидан ирғиб чиқар, чигал томирлар орасидан илоннинг боши мўралар, қора пўстлоқ орасидан алвасти айёрона кўзини қисар, ўрмон маъбудаси келишган, нолик оёқларини босиб рақсга тушарди.

Бир гал Святослава севган иши билан шуғулланишга уриниб кўрди — аммо бойвачча бир чўри орқали бундан огоҳ бўлиб ғазабланди ва қора иш билан шуғулланишни ман қилди. У қизнинг орзу-хаёлларини бир ўзи тасарруф қилишни истарди, шунинг учун ҳам у муҳаббати билан рақобатлашувчи жамики нарсалардан рашк қиларди. Святослава фақат ов бурғусини ғаройиб нақшлар билан безашга улгурди.

Хизматкорлари унинг ҳар қадамини кузатардилар, фақат бир нарса улар учун номаълум ва пинҳонлигича қолган — бу қизнинг фикру хаёли эди...

Қизнинг қарори секинлик билан, ўз-ўзидан, ич-ичидан етилиб борарди, аммо бирдан, зарур нарсага қандай эришишни англаганида, Святослава қандайдир ички

нур билан ёришгандек дарҳол жонланиб кетди, хушчақчақ бўлиб қолди, ҳатто қўшиқ айтадиган, хизматкорлар билан суҳбатлашадиган одат чиқарди. Бу ҳолни кўриб Рогволод хотиржам бўлди: кўникди, деб ўйлади.

Аммо бир куни эрталаб князь бир ўзи уйғонди. Кўзини очини билан одати бўйича ёнини пайпаслади — бўм-бўш. Сапчиб ўрнидан турди.

— Святослава! — чақирди бойвачча, аммо саволи жавобсиз қолди. У йиртқичдек ўкирди, қуюндек ҳовлига отилиб чиқди. Аллақачон унинг қичқиригини эшитган сарбозлар уйқуга тўймаган кўзларини ишқалаб ҳар тарафдан югуриб келмоқда эдилар.

— Қув-винг! Кел-ти-ринг! — қичқирарди ғазабга минган бойвачча суворийларга.

— Ё ти-ри-ги-ни, ё ўли-ги-ни-и!..

Рогволоднинг олдига изқуварлар галасидаги энг тажрибали етакчи итни олиб келдилар.

— Қани, Лочин! — У ақлли итнинг тумшугига Святославанинг гижим рўмолини тутди. — Изла!..

Рогволоднинг қулоғида шамол ғувилларди.

— Олга, олға, олға! — у итларни ва сарбозларни ҳайдаб борарди.

Қочқонинг изи Двина бўйлаб кетганди. Рогволод қизни қаердан топишини, унинг изи қасрга олиб боришини англади. Нарироқда, қир ортида, ёш қайинзор ёқасида бир кўприк бор, агар ундан ўтилса, кичик бир қишлоқ дуч келади. Унинг аҳолиси ҳунармандчиликлар билан бутун вилоятга машҳур эдилар. У ерда Святославанинг қариндошлари орасида ёлғиз холаси яшарди, Святославанинг ўзи бу ҳақда бойваччага сўзлаб берганди...

— Дарралансин, қийноққа солинсин, оёқ-қўлидан дарвозага миҳлаб қўйилсин!

Ушанда, кулбада Святославага ўзи билан кетишни таклиф қилганида вужудида ёнган ўша ваҳший, қасоскор туйғу ҳозир ҳам алангаланиб, уни илгари ҳайдар ва қидиришга ундарди. Ниҳоят, у қизни кўриб қолди. Святослава шошмасдан, секин юриб борарди, чамаси энди ўзини ҳавфдан ҳоли сезаётганди. Шу пайт у орқасида итнинг бўғиқ, акиллаган товушини ва от дупурини эшитиб, бўздек оқарган юзини бойваччага ўгирди ва катта очилган кўзларини таъқибчиларга қадаб жойида қотиб қолди.

Аммо ғазаб ва аламдан ақлини йўқотган Рогволод жазаваси тутиб ҳураётган итларни бўшатиб юборгунча

бўлмай, Святослава даҳшат билан чинқирганча ўзини пастга — бўшлиққа қараб отди.

Ҳавода чирпираб тушаётган, қўллари чорасиз эгилиб-букилаётган тана Рогволоднинг касалманд онгини яшиндек кесиб ўтди, кейин шалоплаган товуш эшитилди. Жўш уриб оқаётган дарё ёш, кучли танани ўз қаърига торта бошлади... У оқимга таслим бўлишни истамас, гирдобдан қутулиб чиқишга, сув юзида сақланиб қолишга уринарди... Кейин фарёд эшитилди... Яна фарёд... — кейин жимжитлик чўкди, дарёнинг сатҳи яна текисланиб, ўзининг алдамчи кўринишига қайтди: гўё оламда ҳеч қачон Святослава яшамагандек, унинг бой ва гўзалликни нозик ҳис қиладиган қалби, чаққон ва моҳир қўллари бўлмагандек...

...Васильковна — Рогволоднинг хотини рақибасининг қўллари билан зийнатланган эрининг бурғусини ўғринча девордан олди ва гарчи Рогволоднинг ҳафта ўтибдики, уйга келмаётганини, ўрмонда ҳайвонларни ҳам, одамларни ҳам қувиб юрганини билса-да, худди эри шу онда кириб келадигандек ҳадиксираб эшикка қаради. Фақат гоҳида сарбозлардан бири отини чоптириб келиб қолар, кекса князни хотиржам қилар ва озик-овқат олиб, яна ўрмонга равона бўларди. Бойваччаниннг қачон уйга қайтишини эса ҳеч ким билмасди!..

Хонимнинг юзи буришиб кетди. Хотинларча бемаъни алам билан бурғуни ерга отиб юборди, деворга тиралиб турган ойболтани олиб санамни чопа кетди.

Йиллар ўтди.

Бепарво замин кекса князни ҳам, Рогволодни ҳам, унинг хотинини ҳам, етти пуштигача ўз қаърига олди, уларнинг авлодидан ном-нишон қолмади...

Аммо санам — инсон хотираси каби мангу ва собит бўлиб қолди. У бирин-кетин ўзгараётган эгаларига сирли, ҳеч нарсани унутмаган ва тушунувчан нигоҳ билан тикилади. У ҳеч нарсани, айниқса қўллари билан унга жон бағишлаган қизни унутмайди. Санам сукут сақлайди, аммо ўзининг иштироки билан ҳозир биз юраётган йўлларни очган бошловчилар ҳақида, қонлари томирларимизда, кўпириб, хотирамизни жонлантираётган ва ёд этишга ундаётган кишилар ҳақида гапирди...

## II. ОНАМНИНГ ҚУШИҚЛАРИ

— Дилимдаги ҳасратларни гапираверсам адо бўлмайди. Аммо нафаси қисилиб, йўталиб Вильно кўчала-

рида судралиб юрувчи ва ҳар қадамида нафасини ростлаш учун тўхтайдиган қарн, тинкаси қуриган арганунчининг ҳаёти кимни ҳам қизиқтирарди дейсиз? Кейинги пайтларда худди биноларнинг елкалари тобора кенгайиб бораётгандек, уларнинг ёнидан ўтгани кўрқиб қолганман: ким билсин, балки улар аянчли танаси билан аслзодаларнинг кўчаларини булгатмасин деб мени бирдан қисиб, эзиб қўйишар.

Агар... агар бу воқеа юз бермаганида эди... агар қалбимни бир сир ўртамаганида, ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган, жон-жаҳдим билан ичимга ютиб, барчадан яшириб,— одам ҳаётидан ҳам ортиқ кўрган энг махфий сирини қандай сақласа, шундай асраб юрган бир нарса ўртай бошламаганида эди, бундан буён ҳам ибодатхона қарамоғида кун кўриб юришим мумкин эди, албатта. Менинг нима сабабдан иссиқ жойимни совутиб Вильонинг чекка қисмига кўчиб ўтганимни ибодатхона хизматчиси билиб қолганида борми,— у хуфиядек роҳатланиб дарҳол сиримни нозирга маълум қилган бўларди, у эса зудлик билан мени ҳузурига чақиртириб ранжиганини доимий илқ табассуми билан яширганча: «Сизни қарангу, пан Улашчковский, оббо, пан Улашчковский!»...— деб насиҳат қила бошлаган бўларди. Мен эса зукко одам қаршисида эси паст бир боладек бош эгиб турган бўлардим. Бунинг устига ўзимдан аччиқланиб, нозирнинг ҳар битта сўзини маъқуллаган, ҳатто «йўқ, йўқ, ундай эмас!» деб ўзимни оқлашга уринган бўлармидим...

Нимасини айтасиз, у ҳозир ҳам менга қандайдир пинҳона ачиниш билан қарайди — менсиз у бирмунча қийналиб оқларди, ҳар ҳолда мендек арганунчининг шаҳарда топиллиши осон эмас. Қолаверса, кўплаб пан ва паниларни (улар орасида ҳатто қирол ҳазрати олийларининг саройида хизмат қилувчилар ҳам бор) ўз қавмимизга ва сахий ҳомийларимизга айлантирган нарса — менинг истеъдодим эканлигини ким билмайди дейсиз? Неча марта ибодатдан сўнг улар мени хорнинг ёнида кўзларида ёш билан кутганлар, миннатдорчилик билдирганлар ва сахийлик билан муқофотлаганлар, мен эса совғаларни ибодатхона хизматчиларига берардим...

Кейин эса, шаҳарда дуч келиб қолишса пайқамай ўтиб кетишарди. Агар мен дўмбоққина, басавлат пани Шибильская, ёки дуҳоба ва қимматбаҳо безакларга чулганган нозикниҳол пани Вольская ёки жингалак юнгли болонка кучукка ўхшаб кетадиган жажжигина

пани Юзафович ўтирган файтунга таъзим қилгудек бўлсам — улар менга худди шаҳар учун янгилик бўлмаган бир шарпа ёки туманга қарагандек ажабланиб қарардилар...

Ҳа, бу шукуҳли хонимлар биби Марямнинг ёки Исо пайғамбарнинг ҳайкаллари қаршисида тиз букиб турганларида жонларини фидо қилишга тайёрдек кўринадилар, фақатгина жаннатга тушсалар бўлгани, аммо ўрниларидан турдилар дегунча, ҳамсояларининг кўйлаги ўзлариникидан қимматроқ туриши ҳақида, эрининг сердаромад мансабга мингани ҳақида, яна нозирнинг юзи ксендз учун ортиқ даражада пушти ва гўзал эканлиги ҳақида ўйлай бошлайдилар. Бу хонимларнинг эрлари ҳам ўзларидан қолишмайдилар, фақат уларнинг ўйлари қиролнинг муруввати, маъшуқалар ва бошқа шу каби нарсалар ҳақида бўлади...

Э худо, қуббанинг остида сўнгги оҳанг тинганида ва тепкени кўйиб юбориб клавишлардан қўлимни олганимда ўзимни шу қадар ёлғиз, чарчоғдан вайрон ва эзилган ҳис қиламанки...

Умуман бу жанобларда юракни ўртовчи мангулик ҳиссини уйғотишнинг ҳожати борми? Мабодо биронта довюррак киши уларнинг руҳларини имконларидан ортиқроқ юксалтиришга урикса, нима қилишаркин?

Эҳтимол улар ерга тушишлари биланоқ ғазабга тўлиб уни ибодатхонанинг дарвозасига миҳлаб қўйишармиди?

Мени муттасил тинглаши мумкин бўлган ягона мавжудот — Мацелиусдир. У ора-чора учқун сочадиган ақлли зангори кўзларини менга тикканча соатлаб оёқларим остида ётарди. Арғануннинг тантанавор оҳанглари тинглаётган пайтида у нималар ҳақида ўйларкин? Учли қулоқлари диккайиб турадиган паҳмоқ бошида қандай тасавурлар пайдо бўларкин? Кўзларидаги учқун қайси аланганинг учқуни — бу кечаю кундуз оёқларимиз остида ёнадиган аланганинг учқуни бўлмасин яна?.. Косасига зиғирдек овқатимнинг ярмини солиб бераётганимда у кўзларини катта-катта очганча менга тикилиб туради, сўнгра, унга бўлган муҳаббатимнинг даражасини аниқлаб олгач ея бошлайди, қорни тўйиши билан эса думини масхараомуз ликонглатади ва назаримда ғамхўрлик қилаётганимдан ич-ичидан кулаётгандек бўлади. Ахир, ҳаммаси учун — ҳаётни учун ҳам, жиққа ҳўл, аянчли мушукчадан чиройли, ипакдек майин юнгли улкан мушукка айлангани учун ҳам у мендан

миннатдор бўлиши керак-ку! Аммо ўшанда унинг ёнидан ўтиб кета олмасдим, зеро ўзимни ҳам унга ўхшаб очликдан ўлаётган ва совуқдан қотиб қолган аҳволимда қутқариб олганлари ёдимга тушганди...

Гўё ярим аср ўтмагандек, ўша кун ҳанузгача ёдимда. Эсимда, онам биринчи марта менга ваҳшиёна, телбаларча тикилганида юрагим қинидан чиқиб кетаёзганди. Ўшанда қичқирганимча унинг ориқ қўлларидан юлқиниб чиққандим. Унинг ақлини қосир қилган ноумидлик ва касаллик чангалини қўйиб юбормас эди. Мен эса Азяродини, кўл бўйидаги кулбани, остида арғимчоқ учиш нақадар мароқли бўлган самбиттолни шундай софингандимки!..

Азяроди худонинг қаҳрига учраганини, у ерда ўлат тарқаганлигини билардим, албатта: тез орада отам ҳам, опа-сиңгилларим ҳам ва бошқа кўп кишилар оламдан ўтдилар, ўлатдан қутулиб қолганлар эса чор атрофга тарқалиб кетдилар. Пап хўжайинимиз Азяродига боришга журъат қилмади, шунингдек биронтамизни ўзининг ҳовлисига ҳам яқинлаштирмади. Онам иккимиз ҳам худонинг ғазабидан қочиб қутула олмадик: унинг ақли қайта жойига тушмади, шаҳардан қочиб келаётган пайтимизда йўлда жон таслим қилди. Кейин мен кунлардан бир кун авлиё Ханна ибодатхонасининг дарвозаси ёнида ҳушимдан кетиб йиқилдим. Ушанга қадар Вильно кўчаларида тиланчилик қилдим. Уша кун кучли жала қуйгани, тўшйўлларда дарё бўлиб оққани, вужудим дам музлаб, дам аланган оташ бўлиб ёнгани хотирамда қолди. Қошимда Азяродида яшаган пайтимиздагидек ҳушчақчақ ва гўзал онаизорим ўтиргандек туюларди. У тўзғиган сочларимни силар ва мушук ва сичқон ҳақида қандайдир қўшиқни хиргойи қиларди, қўлларим тегиб турган ғадир-будир тош девор эса кулбамизнинг илиқ ёғоч девори бўлиб туюларди...

Шу асно на ёмғирни, на совуқни ва на иссиқни сезмасдан ўлаётгандим. Аммо ўлмай қолдим. Мени совуқ қотган ва очликдан ўлаётган ҳолда олиб кетдилар. Ҳалоскорим мени дуолари билан даволади, кейин табибни олиб келди. Мени беватан бир гадо эмас, катта бир амалдордай кўришди. Кейинчалик эса авлиё Ханна ибодатхонасида олиб қолди. Унга қаршилик қилишга ҳатто епископ ҳам журъат эта олмади, ахир қиролнинг руҳоний отаси, диний Академнянинг ректори Петер Скарга ҳазратларининг амрларига итоат этмасликка кимнинг ҳам ҳадди сиғарди!



Кейинчалик, ул жаноб мени қирол Сигизмунднинг ўзига қарашли Вислицкий ибодатхонаси хорининг регенти — машҳур Жеронимонинг ҳузурига йўлладилар. Шундай қилиб мен ўзим учун кечаю кундуз миямда чалинадиган мусиқа таълифоти қонунларини кашф қилдим.

Мусиқамни шахсан қиролнинг ўзи ҳам бир неча марта тинглаган! Аммо бу кейинроқ содир бўлган эди. Унга қадар ибодатхонага пан ректор жаноблари ташриф этиб, муваффақиятларим билан қизиқиб турардилар — эмишки, асарларимдан илоҳий мусиқа учун муносиб бўлмаган омилиқнинг ҳиди келиб турар экан. Айбдорлигимни ўзим ҳам билардим, аммо онамнинг қўшиқларидан воз кечиб бўлармиди? Улар ҳатто тушларимга ҳам кириб чиқардилар...

Кундузи эса, арғанун чалаётганимда, тушимда эшитган «Авлиё Ян кунн эрталаб», «Кўм-кўк хмель экардик биз эса», «Ййловда бор қизил бодрезак» қўшиқларини гимн, хорал ва фуганинг қудратли товушлари орасидан қаттиқ ер қатламни ёриб чиқувчи баҳорги жавдардек деярли шарнасиз чиқиб келарди.

— Я-а-а...— қалб қўшиқларининг товушлари бутун ибодатхона бўйлаб таралар, юқорига кўтарилар, гўё қалбим ҳам улар билан қўшилиб парвоз қиларди.

Тўғри, улардан мағрурликни ва дабдабани ҳам ўргандим. Хоҳласам пан бўлиб олишим, машқларимни тинглагани келадиган кишилардек бўлишим мумкин эди, албатта. Аммо менга бунинг нима ҳожати бор?

Пулларим — ўзимдек бошпанасиз болаларга сарф бўлаверсин. Киши бу бевафо дунёга не учун келганини ҳис қила олса бахтли бўлади. Бунинг ҳис этиш учун кўн нарсанинг кераги йўқ.

Бу йиллар мобайнида мен жуда кўп ибодатхона гимнлари, хораллари ва муножотларини ёздим.

Аммо мен учун энг севимли бўлган, қалбимни илитадиган ва дилдан фахрлантирадиган нарса — менинг тоат-ибодатга дахли бўлмаган хоралларимдир.

Мен уларни епископ эшитиб қолмаслиги учун маҳфий равишда ёзаман — ва чаламан. Аммо ким учун ёзаётганимни, уларни кимлар тинглашини, нота белгиларини кимлар ўқишини билмайман.

Мусиқаларимдан ҳам уяламан, ҳам фахрланаман, ҳаммадан яшираман — ва ҳар кимга берилганга тайёрман, зеро улар ҳамма учун ёзилгандир; устозимдан миннатдорман, баъзан эса нафратланаман...

Шундай қилиб, ибодатдан сўнг Вильнонинг четидаги уйимга тезроқ етиб бориш учун шошиламан. Эскигина клавесиннинг қаршисига ўтирган пайтимда, мўъжаз хонам унутилган оҳанглар билан, онам айтган қўшиқларнинг мангу товуши билан тўлганда қалбимни ўртагучи, телба қувонч эгаллайди.

### III. АЛВАСТИГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ...

Қроши вилоятида темирчини ким ҳам танимасди! Паннинг ўзи у билан қўл бериб кўришар, ксендз эса ўзининг ваъзларида унинг меҳнаткашлигини, босиқлигини, итоатгўйлигини, атрофидагиларга меҳрибонлигини ва хотинига меҳр-муҳаббатини ўрناق қилиб кўрсатади. Кейинги фазилатидан, тўғриси, баъзилар мийиғларида кулиб қўярдилар, бунинг сабаби бор эди: темирчи ўзига фарзанд бўлишга ярайдиган ва муҳими қариқиз бўлиб ўтириб қолишдан қўрқмайдиганларнинг сирасига кирадиган қизга уйланганди. Мабодо бундай офатижонга қўл кўтарилгудек бўлса, фақат унинг момиқ елкаларидан силаш ва эҳтирос билан эркалаш учунгина кўтарилган бўларди! Нафсиламрини айтганда, нега ҳам уларнинг оилаларида тинчлик бўлмасин? Ҳамманинг оғзида қизнинг омади чопгани; шундай қўли гул, уддабуру усгани топишнинг ўзи бўладими? Шундай уй қурдики, часпаклари ва эшиклари ёғочдан ясалган турли ҳайвонлар ва қушлар билан безатилган, қарасанг кўзинг қувонади. Гўё бу ерда оддий темирчи эмас, пан яшаётгандек.

Нега ярим кечада, яхши одамлар аллақачон ухлаб ётганларида темирчи Багримнинг уйида чўпчиروқнинг шуъласи милтиллайди?

...Куз ёмғири узлуксиз савалайди. Дарё узра қари зирк дарахтлари бўғиқ ғижирлайди, шамол дудбўрон кўтариб увиллайди, дераза остидаги яйдоқ буталарнинг шитир-шитири эшитилади.

Темирчи Павлюк эски жун ёмғирпўшини кийиб, ёпқичи билан бошини беркитганча ташқарига чиқади.

Бундай тунда уйдан нарироқда бўлиш ваҳиманинг ўзи, яхши хўжайин ҳатто итини ҳам аяйди, уни панароққа олади. Иссиқ уйдан чиқишга темирчини нима мажбур қилди экан? Балки димиққандир, тоза ҳаводан нафас олишга чиққандир?

У ишонч билан тўғри дарёнинг бўйига боради, йўғон, эгри шохи ёмғирдан аранг паналаётган самбиттолнинг остига чўкади ва шу кўйи узоқ ўтиради... Танасини ҳис

қилмай қолгунча, совуқдан кўкариб кетгунга қадар ўтиради.

Ёмғир аралаш шамол бутани энтиктиради, ўт босган қирғоқларга сув шалолаб урилади ва Павлюкнинг вужудини қандайдир тушуниқсиз, вас-васага ўхшаш нарса эгаллайди. Ниҳоят кўз ўнгида аста-секин тасавури жонлана бошлади: болалар йиғлайди, аёллар уввос тортади, қишлоқда «чўтир» деб аталадиган йўл-йўл устуннинг ёнида эса тол навалари билан бир қулваччани савалайдилар. Павлюк шишиб кетган, ҳаммаёғи кўкариб қон талашган белни кўради. Мана излардан бири ёрилди, қон сизиб чиқди ва Павлюк юраги санчиб кетганини ва кўз олдида қизил ҳалқалар жимирлаётганини ҳис қилди.

Келажақда бундай манзараларни ҳали жуда кўп марта кўришга тўғри келишини, вақти келиб ҳатто кўникиб қолишини, кўзининг олдида инсонни тол чивиги билан ўлгунча савалашларига бефарқ бўлиб қолишини ўша пайтда у ўйлаган дейсизми?

Бир пайт у ўзига келиши билан пичанхонага кириб беркинди ва тонгга қадар ўтириб чиқди, кейин уйига югуриб келди-да, туни билан қийнаб чиққан ва энди ҳам қийнашда давом этаётган ва қоғоз сатҳида қоғиялашган сатрларга айланаётган кечинмаларини, ўйларини ёза бошлади.

У шеърларни Павлюк ҳозир эслолмайди, фақат ёвуз одамлар ҳақида, улардан қочиб кетишни истагани, адолатсизлик ва қайғу-аламни кўрмаслик учун бирон жойга яширинишни истагани ҳақида ёзмоқчи бўлгани хотирасида қолган.

Аммо қаерга қочади, қаерга яширинади?

Дунё поёнсиз, йўллар ҳудудсиз, бироқ, қани ўша — эзгулик ва адолат масканига олиб борадиган ягона йўл? Уни қандай топиш мумкин?

Шеър — инсоннинг азоб тортиши ҳақида, жафо чекиши ҳақида, аммо Павлюк уни аллақандай илҳомбахш кучнинг таъсирида осонлик билан ёзган эди. Унда шундай бир сезги уйғондики: гўё у якка тоғнинг қоқ чўққисиди тургандек, ва бу ердан туриб ер юзининг барча минтақаларини кўра оладигандек, энди унинг учун инсон қалбининг барча дарвозалари ланг очикдек ва шу тобда у бир сўз айтса — ҳамма эшитадигандек, бир наъра урса — тош-харсанглар золимларнинг бошига дўлдек ёгиладигандек эди.

Буларнинг барисидан боши айланиб, юраги кўкраги-

дан чиққудек бўлиб шундай патирлардики, гўё кимдир катта дўмбирани чалаётгандек бўлиб ёноқлари қизариб кетарди, ҳар битта пайи таранг тортилиб, гўё у — Бағрим Павлюк ўта нозик қаттиқ симдан тўқилгандай жанрларди.

Энди эса қалби бўлакча бўлиб қолган, энди уни на қайғу ва на қувонч осонликча забт эта олмайди: у тошга айланган, дағаллашиб қолган, бир пайтлар осонгина тўқилган шеърлар вужудга келмай қўйган.

Эҳтимол Павлюк қалбини ўша олис ўтмишга, болалигига қайтариш учун, бақувват қаддини буккан йилларни устидан сидириб ташлаш учун тунлари дарё лабига бораётгандир?.. У қирмизи шафақнинг ғарам орасидан товланиб кўринишларини, яланг оёқларининг шабнамда жунжукканларини эслашни хоҳлар? Аммо хотираси Павлюкни гапириш қобилиятидан маҳрум қилган ўша ёвуз куч билан тил бириктириб олгандек бўлак нарсаларни эсига солади...

Қўзига қўрқинчли манзара кўринади: мана, у қаддини «ғоз» тутиб ўзидек янги олинган хуркак аскарлар сафиди турибди, паст бўйли, малларанг унтер эса укки кўзлари билан еб қўйгудек тикилганча сафнинг олди-дан ўтади, сўнг навбатдаги қурбони олдида бир неча сония тўхтайди ва кўрингани давом эттиради. «Худойим ўзинг сақла! Худойим ўтказиб юбор!» нола қила бошлайди Павлюк унтернинг яқинлашаётганини кўриб ва аъзои бадани музлаб, эзилиб кетаётганини ҳис қилади... Ваҳима иродасини, онгини сусайтиради. У бирон нарса ни англаб етишга, чап беришга улгуролмай қолади... мушт зарбидан карахт бўлиб қолади, аммо сўнги лаҳзада нафрати қўзиб, «Нима учун» деб тишлари орасидан ғулдирайди, аммо иккинчи зарба оғзини қонга тўлдириб тилини тийишга мажбур қилади...

«Нима!»—«А!»—Қани?»— дейди взвод командири илжайиб.

Ва яна мушт ёғдира бошлайди, лекин у энди ҳушёр: бошини хиёл оғдириниш билан зарбанинг кучи камаяди ва унтернинг мушти ёш аскарнинг атиги лабларини ва ёноқларини сриб қонатади. Бу кунма-кун, ҳар кун давом этади... Қўл остидаги маҳкумнинг бардошли сукутида унтерни ғаблантираётган ва кундан-кунга нафратини ошираётган инмадир борлиги ва унтер буни ичдан сезаётгани кўриниб турарди.

Мана, у йўл-йўлакай шинелининг илгакларини қадаганча плац бўйлаб лўкиллаб югуради. Бир давра, ик-

кинчи, учинчи... йигирманчи. Ёнидаги аскарнинг силласи қуриб, муз устига чўзилади, аммо уни оёққа турғизиш мумкин эмас. Қўпол сўкиниш изгирин шамолга қўшилиб елкасидан туртади. У зилдек этикларини базўр кўтарганча ҳамон югуради шўртанг тер кўзларига ва бурун паракларига оқади, ёқасининг ичига дарёдек қуйилади...

Шу асно — ниҳоятда дармонни қуритиб ташлайдиган, инсонликдан асар ҳам қолдирмайдиган бениҳоя узун 25 йил ўтади. Даҳшатли, ўлакка йиллар!

У даврлардан нафрат ва қўрқувдан бошқа хотирасида ҳеч нарса қолмаган. Яшайсан, аммо яшамаётгандек, ҳис қиласан, айни пайтда ҳисдан маҳрумсан, фикрлайсан, аммо ўй фикрларинг ҳам сенга мансум эмас, уставда кўрсатилганидан бошқача фикр юритишга ҳақинг йўқ! Сен ўзгалар истагининг, руҳингга бегона ва жирканч бўлган истагининг ижрочиси, қулисан...

Шеър ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, унутишга тўғри келади. Дастлабки йилларда кечалари айрим-айрим сатрларни ёзишга, эслаб қолишга уриниб кўради, аммо, кейин қўлини силтайди: ким учун, нима учун ҳаракат қиляпти, яширяпти — ким билсин, эртага тирик қоладими ёки баъзиларга ўхшаб ўзини солдат камарига осиб қўядими...

Вақти келиб, ниҳоят ватанига қайтади, Кроши кулбаларини кўриб оёқларига титроқ киради, ўнкаси тўлиб йиғламоқдан бери бўлади. Аммо йиғламайди. Қалби қуриб тошга айланган.

Мана, ҳозир ҳам — у дарё лабида ўтирибди ва назарида: шу онда, яна бир оздан сўнг ўша унутилмас, «ўша нарса» шиддат билан келади ва кўзга кўринмас қанотларига олиб ер узра, дарахтлар узра, ҳўл томлар узра кўтарилиб ҳув ўша юксакликка, ўша чўққига элтади. Аммо у яна ҳеч нарсасиз кулбасига қайтишга мажбур бўлади.

...Павлюкнинг орқасида эшик қаттиқ ёжирлайди. У шошилмасдан ҳўл ёмғирпўшини ва кўйлагини ечади ва бурчакка илади. Сўнгра жинчиروқни пуфлаб оташдоннинг устига чиқиб олади. Баданига ёқимли илиқлик югуради, уйқу элта бошлайди. Аммо ярим уйқусида ҳам олис ўтмиш манзараларидан қутула олмайди. Ана у энди муаллими, ксендз Магнушевскийнинг юзини кўради! У қандайдир қоронғилиқдан туриб Павлюкка сўзсиз тикилиб туради, кўзларида ғазаб, гина ва ҳамма нарсани тушундим деган ифода йилт этиб кўринади

ва шу заҳоти узоқлашгандек, ўз ўйига чўмиб узоқлашгандек бўлади. Магнушевский кўп ўйларди ва жуда кўп нарсани биларди, у оддий ксендзга ўшамасди. Шаҳар ва сарой панлари уни «мужикларнинг руҳоний отаси» деб аташарди, баъзилар эса ҳатто уни девона бўлиб қолган деб уқдиришарди. Акс ҳолда мужикчасига сўзлайдиган бўлиб қолишининг боиси нима, ахир у илгари шахсан князнинг болаларига таълим берган эди-ку?..

Қавм мактабининг деразаси ортида аёз шамоли қировдан оқарган дарахтларни тебратадн. Оташдонда арча шохлари шўхчан чирсиллайди. Муаллим вазмин овези билан Эзоп масалларини ўқийди, болалар нафасларини ютиб уни тинглайдилар. Уларнинг орасида Багрим Павлюк ҳам бор. У ҳозиргина кўчадан чоққиллаб келган: қизарган ёноқларини ишқалайди, ўзи эса хаёлан олисолисларда... Қадимги Юнонистоннинг кўчаларида сандироқлайди, Суқротни тинглайди, Эллада фожияларининг қудратлилигидан ҳайратланади...

О, ўша пайтларда у илмга шундай ташна эдики, кўпроқ билишни, барча нарсаларни билишни шу қадар истардики! Тақдир Павлюкнинг пешонасига ҳаётда қандайдир ғайриоддий, мўъжизакор иш қилишни ёзиб қўйганига ишончи шу қадар кучли эдики...

Пан Магнушевский буни сезарди, тез-тез тилга олиб турарди, барча ўқувчилар орасида унга кўпроқ эътибор бериб:

— Қобилиятингни хор қилма, уни авайла. Эҳтимол, орамизда, ўз халқи тўғрисида биринчи бўлиб бутун дунёга сўзлаб бериш худди сенга насиб этар,— дерди.

Бир куни эса уни камтарона хонасига таклиф қилди. Ўша куни кўп нарсаларни кўрди ва билиб олди. Пан Магнушевский унга кўҳна китоблар билан лиқ тўла узун токчаларни кўрсатади, улуғ одамларнинг ҳаётлари ва қилган ишлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Сўнг шеърларидан ўқиб беришни сўради. Кейин узоқ сукут сақлади ва бирдан шогирдининг бошига ер ва бухўр ҳиди келиб турган дағал қўлини қўйди-да, алам билан деди:

— Сени дунё билан таништиряпман, бўтам, аммо шуни ҳам биламанки, улушинг оғир бўлади. Қўшиқларнинг учун қаттиқ зарбаларга, қувғинга учрайсан...

Башорат қилиб айтилган сўзлар тўғри чиқди, Павлюк уларни кўп эслаб юрди. Аммо бу кейинроқ... Ўша пайтда эса, кароматни эшитиб такаббуруна жилмайиб қўйди. Ғайрати баданига сиғмасди ва кслажакдан қўрқ-

масди; зеро кекса ксендзчалик доно ва ҳаёт аччиг-чучугини кўрган эмасди. Қишлоқ узра аллақачон фалокат чарх ураётганидан ҳам хабарсиз эди. Бунга — атроф ерларнинг ҳоқими князь Мацейнинг ёлғиз ворисаси панна Антонина Радзивилл билан шляхтич Станислав Юраганинг тўйлари сабаб бўлди... Унинг ёввойиларча харислиги ксендз Магнушевскийга маълум эди.

Баҳор пайти. Яшил яйловлар баланд, кўм-кўк ўтлар билан қопланган, Шчара дарёси узра ёввойи ўрдаклар тўдаси ўчиб ўтарди. Шаффоф, тоза ҳаво кўкракларни тўлдирадди.

Ҳориган, жиққа терга ботган Павлюк ўтин юкланган аравага ўтириб отини қишлоққа қараб ҳайдади. Дастлабки кулбалар кўриниши билан қулоғига йиғи овозлари эшитилди. Болалар йиғларди, эркаклар ва аёллар югургилаб юришарди. Маълум бўлишича, Юрага князь қизи билан никоҳдан ўтиши биланоқ крошиналикларни қўлга олишга жазм қилибди: улар рафиқасининг еридан ҳақ тўламасдан фойдаланаётган эмишлар. Юраганинг тухматига қаандай қилиб зарба бериб бўларди, — унинг божаси, князь Радзивилл Новогрудск шляхтасининг сардори бўлса! Крошилиқлар воситачисининг судма-суд юришлари бекор кетди — оқибатда унинг ўзини фитначи сифатида қамоққа тиқишди, Крошина қишлоғига эса, Юраганинг илтимосига кўра солдатлар юборилди.

Павлюкнинг кўз олдида мужикларни ўласи қилиб калтаклай бошладилар ва Юрага болаларни ўзбошимчалик руҳида тарбиялаётган «мужикларнинг ксендзи»нинг ҳам тақдирини ҳал қиламан, деб қасам ичди. Унинг кичкинагина мактабига ҳам кўз олайтира бошладилар.

Солдатлар кетишди. Ҳовлилар ҳувиллаб қолди, ҳатто итларнинг ҳуришлари ҳам эшитилмасди.

Павлюкнинг юраги кечинмалардан тўлиб кетди. Уткир миясида жуда кўп фикрлар туғилар, бу фикрлар қаҳрли сатрларга айланар ва Павлюк уларни дарҳол қоғоз парчаларига ёзиб қўяр, кейин эса кўздан нарига яшириб қўярди. Аммо бир кун сабри чидамади — таҳдидли, алам ва нафрат билан суғорилган шеърларини ўқиб берди. Уларни келиб-келиб мактабни текширгани келган кишиларга ўқиб берди. Бу дадил гапларни у кимнинг юзига отаётганини биларди, аммо у қўрқувни эмас, балки ғалати, умидсиз бир қувончни ҳис қиларди...

Унутиб бўладими буларни?!

У ўрнидан туради, кўмирнинг чўғи билан жинчиरोқни ёқади ва столга ўтириб эски, тўзган дафтарни олдига суради: йўқ, қошида мулойим, ишнинг кўзини биладиган, меҳнатсевар хотини борлиги, уйи эса қишлоқдаги унча-мунча уйлардан қолншмаслиги билангина кифоя қилиб бўлмайди...

Дағаллашиб қолган бармоқлари қаламни бугун бошқача ушлайди. Сўзлар — тошни-тошга ишқалашдек машаққат билан сатрларга айланади.

Йўқ! Йўқ! Чиқмади? Яна чиқмади!.. Ноумидликдан темирчининг юзи буришиб кетади: шу пайтда у қўрқинчли тусга киради.

Дераза ортидан ўтиб кетаётган синчков қўшнисн эҳтиёткорлик билан ичкарига мўралайди, темирчининг юзига кўзи тушиб қўрққанидан чўқинганча, жуфтагини ростлайди.

...Шундан сўнг ювош Павлюкнинг жодугарга ёки эҳтимол алвастига айлангани тўғрисида қишлоқда мишмиш тарқалди. Негаки у тунлари ухламайди ва то хўроз қичқириғига қадар ўтиб бўлмас ўрмонларда ва ботқоқликларда дайдиб юради... Гарчи худонинг ибодатхонасига бениҳоя ажойиб жирандоль — гулдор қандил ясаб берган бўлса ҳам, барибир ушнинг гуноҳидан ўтиб бўлмайди...

## ИЗТИРОБ

— Буни қара-я, Степанинг анави билан ғарамда донлашиб ўтирибди!..

Ульяна қўлидаги ёғоч куракни бир томонга қийшайтирган эди, хамир қизиб турган ғишт устига лоп этиб тушди-да, печкада шаклсиз кулранг зувалага айланди-қўйди.

— Алдамаяпсизми, хола?

Ульянанинг овози бамисоли ошиб турган хамиртурушга текканда чиқадиған товушдек писиллаб қолди. У шакли бузилган нонга эгилганча иссиқниям сезмагандек турар, меҳмон бўлса айтган гапидан қўрқиб кетгандек, алланарсаларни валдираб, бир қўли билан Ульянани ёниб турган печка олдидаи нари итариб, иккинчи қўли билан қурум босган қопқоқни ўчоқ оғзига сурарди.

— Куйиб қоласиз-ку, чақимчи. Қариб қуйилмаган аҳмоқ экансиз! Тепамга келиб айтасизми шу гапни! Нонни буздингиз-ку! Қизлар, қизлар деяверасиз. Ҳар



ким билан юраверадиган суюқлар каммидики!.. Мана олинг, Авдотьянинг... Тимофейини... ўтган ҳафта...

Холаси бамисоли келин-куёвга остонада сули сепгандек қарғиш сўзларини ёғдира кетди. Қиз у бу сўзлар худди юзлари билан қўлларини тимдалаб тушаётгандек бир ҳиссиётни туйди. Ульянага туюлди, бахти бамисоли довулга тўқнаш келиб қолган қайиқчадек дунё остинустун бўлиб кетаётгандек, омонат кўриниб кетди. Лекин, ўзини босиб олишга ҳаракат қилиб, собит турарди. Ниҳоят у оёғини ерга қаттиқ босиб, ҳалитдан бери чакаги тинмаётган холасига ғазаб билан деди:

— Ёлгон айтаётган бўлсангиз, кампир, бўғиб қўяқоламан!

Холаси кетгач, Ульяна секинлик билан ўчоқ қопқоғини сурди, қўлларини ювиб, онасидан қолган шалоғи чиққан «Зингер» машинаси ёнига келиб ўтирди.

Степаннинг кўйлаги бамисоли қўлга тушган қушдек тўлғанар, Васька — мушук бўлса қайчида шарт-шурт қийилаётган сатин қийқимларини илиб олиб, ўйин топилганидан севиниб ўткир тирноқлари билан поропора қиларди. Қип-қизариб пишган ноннинг ўткир ҳиди отқулоқ, заранг барглари иси билан омухта бўлиб, хонанинг ҳаммаёғига тарқалган, сийқаланиб сарғайиб кетган остона тўсинидан ташқарига ўрмалар, қизил бурчакдаги «Гуноҳкор ўғлон» сурати осифлиқ сийқа бутнинг тепасидаги оппоқ сочиқни шамол билинар-билинемас сипқорди.

Арина деган кўшни хотин Ульяновнинг экинзоридан товуқларини киш-кишлаб ҳайдаркан, ҳайратини изҳор қилиб бақирди:

— Ҳа мазахўрак, Степаннинг донини чўқишга хўб ўрганибсан-да!

Товуқларининг охиригиси ям-яшил марзадан чопиб ўтиб кетгандан кейингина унинг саси ўчди.

Оқшом туша бошлаганда Степан уйга келди, эшикка қопқоқ бўлгандек остонада тўхтаб, Ульянага тиржайди, лекин шу ондаёқ унинг кўзига кўзи тушиши биланоқ қўрқиб қаддини ростлаб қотиб қолди: хотинининг юзи даҳшатли, нотаниш бир ҳолатда бўлиб, кўкиш кўзлари нимқоронғиликда ялтирарди.

— Нима гап ўзи, нима бўлган сенга, а? Авроқи илондек менга тикиласан?..

Степан стол олдига келди-да, яшил рангга бўялган курсининг бир чеккасига вазмин ўтирди, кейин хотинига қарамасдан буйруқ қилди:

— Қани, овқатингни опке. Очққдим.

— Ҳа, ўйнашинг тўйғизмадими қорнингни,— мўғом-бирона, сал эркалагандек қилиб сўради Уляна, унинг ҳам овози бегонаникидек, ғайритабний чиқди — бу эса қалбида гумбирлаётган бўроннинг сезилар-сезилмас акс-садоси ҳамда кўз қорачиғига ёриб чиққан қалб шўъласининг ожизгина жилоси эди холос.

— Қанақа ўйнаш? Нима деб вайсаяпсан?

Степаннинг ғазаби қайнаб, бақириб бермоқчи бўлди-ю, кўзларида хижолат учқуни йилт этиб ўтди, эрига диққат билан тикилиб турган Уляна стул томонга шундай чўзилдики, Степан тебраниб кетди.

— Қанақа ўйнаш... Қанақаси бўларди?!— нафаси қисиб, хириллади Уляна.— Наҳотки эсингдан чиққан бўлса! Балки исмини ёдингга солиб қўяйми! Ёдингга солишнинг ҳожати ҳам йўқ — бутун қишлоқ билади! Кўзга тиканак! Балки сенга ўхшаб, унга ҳам қонунийси жонига теккандир...

— Жонга тегди.

Степан бу гапни хотиним эшитмасин деган умидда секингина айтган бўлса ҳам, бу калон дарахтга урилган болтадек тушди-ю, шартта кесиб фарёднинг унини ўчирди.

— Жонингга тегдимми?!— қулоқларига ишонмай қайта сўради Уляна, сўнг бирдан столга гурс йиқилди-да: «Э-э-э! Сатқан одам!..»— дея дод солди.

— Э, бақирма, э!— деди Степан алам билан ва шу он унинг қизларникидек мовий, тиниқ кўзлари атрофига ажинлар йиғилди, офтобда қизарган териси янада қирмизи тусга кирди, лаблари чирт юмилди.— Хўш, раиснинг олдига борасанми? Ё биратўласи райкомгами?— У башарасини бужмайтириб тиржайди.— Комбайнини ололмайди. Мавриди эмас. Айни иш қизиган палла!

— Нима деяпсан ўзинг, Степан? Нима деяпсан?..

Уляна саросима ичра бу сўзларни такрорларкан, айтилган гапларнинг маъносини тушунмагандек, эламагандек эрининг метиндек юзидан кўзини узмасди, баланд, кучли қоматига ярашмаган табассум юзларида ўйнардди, Степаннинг кўзларида меҳр учқунлари йилт этгандек бўлди, хотини буни сезиб унга ўзини отди-ю, қучоқлаб олиб:

— Қўйвормайман? Ҳеч кимга бермайман, нимани хоҳласанг, шуни қил, лекин сени бермайман? Ҳеч кимга

бермайман!— дерди ҳиқиллаб эрининг пиижига тобора ёпишиб.— Яхшиси... ўлдираман!..— Кейин чийиллаган товуш чиқариб ингради:

— Стё-е-о-па-а а!..

Кечқурун Ульяна фермага одатдагидан жойроқ келди. Ишга қовушмасди: қайсар сигирларнинг эмчагини соғиш аппаратининг ичагига қайта-қайта суқарди, оёғига паншахани бир неча марта тиқиб олди, энг ёмони кўп сут берадиган говмуши Зорька калта тўмтоқ шохлари билан беҳосдан Ульянага ирғишлаганда унга найзадек чўпни тиқиб олди.

Бундан ҳуркиб кетган сигир ўзини докага ташлаган эди, алюмин сувдонга бориб урилди-ю, соғувчига таъна қилгандек мунгайиб боқаркан, ҳазин маъради. Ульяна тескари ўгирилди, лекин Зорьканинг унсиз шикояти худди унинг юрагини эзиб юборгандай бўлди, уйда дилидан отилган ожизона фарёдини эсига солди. Ёноқлари қип-қизил Анютка бўлса, гулханга хас ташлагандек, бақариб берди:

— Бечорани ранжитдинг-да! Эртага сенга сут бериб бўпти!..

— Сен нега иржаяпсан?!— узиб олди Ульяна эринчоқлик билан секин юраётган транспортер лентаси устида қатрон бўлиб қолган гўнгни тасур-тусур қираркан.— Энди ярим йилгача хурсанд бўлиб юрсанг керак, а?!

Анюта яна бир нарса демоқчи бўлувди, Ульяна унга қўлини силтаб деди:

— Бор, бор, йўлингдан қолма, сенсиз ҳам бошим оғриб турипти ўзи?

Анютка Ульянанинг гўнгни қиртишлашини бир муддат индамай томоша қилиб турди, кейин кулиб юборди-да, бўш челагини лапанглатиб, ўт ва сувдан сирғанчиқ бўлиб қолган тахта тўшама узра ўз сигирлари томон йўрғалаб кетди.

Кўп ўтмай соғувчилар аппаратларини йиғиштириб, замбаракининг ўқидек оғир, иссиққина сутнинг ҳовури кўтарилиб турган бидонларни четга териб қўйишиб, илгичларга халатларини осишди-да, Ульянанинг ўлиб-тирилиб ишлаётганига ҳайрон бўлишиб қишлоқларига ошиқишди:

— Ҳой, ойнмқиз, бўш келма, кучинг борида ишлаб қол!

Биринчи бўлиб ишини тугатган, сепкилдор ёноқларига упа суриб, бўлалари кўкракларига орасига «Қизил Москва» шишасидаги атирининг салкам учдан бирини селиб, ороланиб бўлган соғувчи бурнини жийирди:

— Улиб-тирилаяпти-да, орден оламан деб.

— Сигирлари билан бирга ётиб қолса ҳам ажаб эмас, эртадаб уйдан келиб юрадим!— дея ачитди қўллари узун-узун Гапуля.

Анютка ҳам жим ўтирмади. Қишлоққа етгунларича бу сокин далалар узра қиз-жувонларнинг шўхчанг, жўшқин, беғараз ҳазил-мутойибалари янграб борди.

Ульяна ҳамон транспортерни қиртишлаш билан овра бўларкан кулги ва қийқириқларни эшитиб турди, ниҳоят ҳаммаси жим бўлиб қолгандан кейингина лентани тўхтатди-да, мажолсизланиб остонага яқинроқ турган бўш бидонга ўтирди.

Илиқ, дим, хушбўй ҳидлар эсаётган нимқоронғиликдан сувдонларнинг тарақ-туруқи, кавш қайтараётган сигирларнинг қасир-қусури, бир-бирига урилаётган шохларнинг тақир-туқири эшитилиб турарди. Ҳеч нимани кўрмаётган Ульянанинг кўзлари эшик ўймасига тикилганди — унда эса, уфқда шом шафағининг оқиш ҳошиясига туташиб кетган зангори кўл сатҳи ялтираб турарди.

Шудринг туша бошлади. Намхуш ер иси ўтган куннинг илиқ қуруқ ҳавоси билан омухта бўлиб кетди. Қоронғи, ойсиз тун бошланди, илк юлдузлар ялт-ялт этиб, вақти-вақти билан тимқора само кўксига чизгиларини битардилар. Қишлоқ уйларида ёқилган чироқлар милтиллаб кўрина бошлади, тобора ингичкалашиб бораётган шом ёғдусининг ҳошияси тугай-тугай деган жойда қўшни Подберёзиха қишлоғининг кулбалари элас-элас кўринади. Ульяна ана шу қишлоқдан ўн уч йил муқаддам келган бўлиб, ўшандан бери бир марта ҳам она қишлоғига меҳмон бўлиб ҳам бормаганди.

Подберёзиха кулбаларининг орқасида, йўлнинг чап-роқ томонида баланд дарахтлар тўдаси кундузи кўзга ташланади — бу қишлоқ қабристони... Ульяна зўр бериб бўйинини чўзиб, уфқ томон тикилди. Рўмоли елкасига сирғаниб тушди, эрк олган бир ўрам зулфи бўйинини қитқлагандек бўлди.

«Илондек» — ўйлади беихтиёр Ульяна эти жунжиб. Шу ондаёқ бу сўзни айтишиб қолганларида Степан беғаразлик билан, ҳар кун айтиб юргандек, шунчаки айт-

ганини эслади. Кўришганларида онаси севинч ёшларини тўка-тўка дашном бергани ёдига тушди:

— Уйда дийдорингни кўрсатмай қўйдинг, қапишиб қолгур! Ё сенга бир ёмонлик қилдимми? Намунча онангга бемехр бўлиб кетдинг, сувилондек?!

Онаси йиғлади, сиқтади, қаргади, кўзлари эса мехр билан жавдирарди. Қўллари бир майин, юмшоқ, аммо юраги... Йўқ, юраги ҳеч нарсани эшитмайдиган кар бўлса керак-да. Ахир у Ульяновнинг нима учун Подберёзиха қишлоғига келмай қўйганини пайқамасди-ку! Онаки билмадими — бошқа ҳеч ким ҳам билмайди. Озмунча вақт ўтдимми келганига, энди бировга айтсанг — ҳамма кулади...

Қишлоқ қизлари уларнинг иккаласи ҳам — Ульяна ҳам, Полина ҳам — гарчи азалдан қадрдон дугона бўлишса ҳам, Степанни яхши кўришларини билишарди. Полина бир тасодиф билан тўсатдан ўлиб кетгандан кейин Ульяновнинг бахтига ҳеч ким хуруж қилмади. Кейин Полинанинг қандай қилиб муштлашув гирдобига бирдан тушиб қолганию, қандай қилиб пичоққа рўбарў келганини аниқлаш мақсадида узоқ тергов, суриштириш, тафтиш ишлари олиб борилди. Кўрганлар аллакимга пичоқ ўқталиб югуриб келган Генканинг оқариб кетган юзини, нурсиз, ҳеч нарсанинг фарқига бормайдиган кўзларини эслаб қолишган холос. Охирида уни қўлидан ушлаб қолишганди: унинг зарбаси кучсиз бўлса-да, Полинани тамом қилганди.

Ҳамма «оҳ-воҳ» қилиб, таассуф қиларди, фақат Ульяна, ёлғиз унинг ўзигина бу шўришнинг сирини биларди, сезарди...

Ульяна Полина ҳалокатига ўн йил бўлганини ўйлаб кетди. Полина дафн этилган жой кўркемгина: қабристоннинг шундоққина четида, арғувон дарахтининг тагида, шу жойдан пастга, водийга, Оқдарёга олиб тушадиган сўқмоқ бошланади. Арғувон гуллаганда унинг ўткир ялпизсимон ҳиди Подберёзиха қишлоғигача анқийди, ҳатто энг жазирама кунларда ҳам қуёшнинг ўтли найзалари Полинага етиб бормайди, бир вақтлар қишлоқнинг бу саркаш, эрка ва қувноқ бу қизи Полинага жон бағишлай олмайди. Наҳотки Ульяна бир вақтлар шу дугонасидан рашк қилган бўлса, наҳотки Степан ростанам шу Полинанинг кетидан арғамчига боғланган бузоқдай кетаверган бўлса?

Юрган, юрганда ҳам қандоқ! Полинанинг ҳар қандай қилиқларига, ҳазил-мазахларига чидайдиган бечора

Степан кўм-кўк йирик кўзларини пириллатиб, шўх қизнинг тийилиш онларини кутарди. Кейин Полина ҳеч нима бўлмагандек Степаннинг ёноғидан чўлп этиб ўпиб, сочларини тортқилаганда йигит бамисоли шамдек эриб кетарди. Бу ҳолатни кузатган Ульяна бўлса ич-ичидан куйарди.

Баъзи пайтларда ҳатто Ульянадек одам ҳам чидай олмай ўзини қўйгани жой тополмай қоларди, Степан бўлса, парвойи фалак!

Полина дугонасининг куйиб изтироб чекаётганини кўриб ҳам ҳазил-мазахини қўймас, нима бўларкин деб қилғилиғини қилаверарди.

— Ульяна, хоҳласанг агар, Степанни сенга берақоламан, майлими?— деб қолди у бир куни тўсатдан оқшом базмига йиғилганларнинг ҳаммаси эшитадиган қилиб.— Умрбод фойдаланишга!

Полина ёрқин рўмолини елкасига ташлаганча жавоб кутиб тураверди.

— Мен унга буюрсам — бас, олдингдан кетмайди!

Ана ўшанда Ульяна босиб турган илк бор ер титраб кетгандек бўлганди, лекин у ўзини босиб, ҳамма хотиржам бўлишини кутиб турди — турди-да, кейин тишлари орасидан сиздириб деди:

— Буйруқни мен ўзим бераман!..

Атроф жимжит бўлиб қолди. Қизлардан аллақайси қиқиллаб кулиб юборди. Улар иккови — Ульяна билан Полина бир-бирига рўбарў бўлиб туришганди, Полина қўнғир қошини чимириб, ҳайрат билан дугонасига тикилганча туриб қолганди...

Бу ҳол бир неча секунд давом этди, кейин Полина кулиб юборди-да, кимнидир итариб юбориб, Степанни ўйин тушишга судраб кетди.

Уша оқшом Ульяна уйига кетдию, уйининг олдидаги пештахтада эрталабгача ўтириб чиқди, қўлида олиб келган шумурт навдасини кемириб, тамомлаб қўйибди. Эртасига кечқурун Черногостидаги Захарихаларникига борганди...

Ульяна ўшанда Захариханикига бир эмас, икки эмас, уч эмас, кўп марта борди. Фолбин хотин аввалига унинг гапини тинглашни истамай, бунақа ишлар билан анчадан бери шуғулланмайдиган бўлиб кетганман, дея ҳайдаб солди. Кейин юмшади. Бир сафар ловияни дуккагидан ажратаётган фолбин Ульянани ёнига ўтқизди-да, дарду ҳасратини эринмай тинглагач, қуръа очишга рози

бўлди. Фол очишдан олдин узундан узоқ дийдиё ўқиди.

Бу дийдиёдан Ульянанинг эсида қолган фақат авлиё Всеславнинг оти бўлди. Захариха жазавага тушиб, афсун ўқий бошлаганда Ульяна титраб кетди, боши айлашиб, кўз олдидан ҳар нарсалар ўта бошлади. Кейин, бир оз муддат ўтгач, косадаги сувнинг тиниқ юзи доиралар бамисоли қайнаб чиқиб варақалаётганини, бирдан олтин ҳалқа ичидан сузиб чиққан башарани элас-элас хотирлайди...

— Ушла!

Захариха Ульянанинг биқинига туртиб, қўлига пичоқ тутқизяпти.

— Бу гуноҳни ўз устимга ола олмайман... Ўзинг ур!.. Ур, қани!

Шу гапдан кейиноқ ҳалқанинг нақ ўртасига ингичка ялтироқ пичоқ санчилди.

Бир ойдан кейин Полина Генанинг пичоғига рўбарў бўлган эди...

Ульяна тўйдан кейин Подберёзихада бўлмагани, бу жойдан Полина қабри узра юксалган арғувон кўрингандек, июль ойининг иссиқ кунларида Касачи қишлоғининг асаларилар ўша арғувон гулини эмиб, бол ташиётгандек бўларди, шунинг учун Ульяна тўйдан кейин бир қошиқ ҳам асал емагани... Ульяна асални нақадар севарди! Ҳаммадан ҳам қуюқ, арғувон асалини. Қуёш нурларидек живирлаб турувчи асалдан бир товоқ стол устига олиб келиб қўйилса борми, бутун уй ёп-ёруғ бўлиб кетади-да ўзиям. Ульяна унинг рангини — жигаррангроқ тусда ялтирайдиган сариқ рангини яхши кўрарди; қарағай елимининг ранги ҳам, қандағоч бутаси ҳўллигида кесилган жойининг ранги ҳам худди шундай бўлади.

Яхши кўрарди... севарди... қизлигида...

Ульянанинг димоғига пишган ғалланинг бўйи, ялпизнинг ҳиди урилди. Узоқ-узоқларда, бағри кенг, бепоён далаларда бунёдга келган шамолнинг ожизгина нафаси кўлнинг нарғидаги дарахтларнинг учларини бесаранжом қилади, самонинг пуштиранг чеккасига қора, эгрибугри булутларни ҳайдайди, пастликдаги буталар узра туманнинг оқ пардаси ястанади.

Ульяна елкалари титраб, икки қўли билан бошини маҳкам қисиб олди, гўё боши устида аллақандай соя чарх урарди — назарида уни марҳума дугонасининг ар-

воҳи таъқиб қилаётгандай туюлди. Ана шундай дақиқаларда ҳамиша кела қоладиган қўрқув аста-секин унинг сийнасини тўлдира бошлади...

Ульяна сув юзидаги тиниқ ҳалқага пичоқ урганида ўз ҳаётидаги алланимани бир зарб билан йўқ қилиб юборганини, энди ўша нарса ўзиники эмаслигини, уни бошқара олмаслигини, муқаррар қасос олиш соатини кутиб яшашини билмаганмиди, ҳис қилмаганмиди?

Мана, қасос онлари келяпти! Бугун Степан уйда қолди, лекин эртага уни нима кутяпти? Қандай ҳодиса юз беради? Уни қандай тутиб туриш мумкин?

Шайтоннинг ўзиб ўлганида-ку, қонини ичириб тўйдирарди, бир минут ҳам ўйламай жонини унга берарди-я, қани ўша иблис!

Шуларни ўйлар экан, Ульяна изтироб ичра кулиб қўйди.

Эвоҳ, ўша сув солинган косанинг ўзи бўлганмиди? Бу нарсаларнинг ҳаммаси туш эмасмикин?

Йўқ! У туш эмас! Гап ўша косада ҳаммас... Захарихада ҳам эмас! Полнининг тақдири ўзи шунақа бўлса, пешонаси-да, Ульяна бўлса ана шу тақдирнинг кушод бўлишига кўмаклашган холос, унинг ўрнига ўзи жонини бера олмаган-да, унинг айби шунда; шунинг учун ҳам юраги ғаш. Ўша пайтда жон кўзга кўринармиди, Степани ёнгинасида бўлса!.. Тўйдан кейин ҳаммасини унутди, Захарихани эсламасликка олт очди, жон-пон тўғрисида ўйламай қўйди. Нимага келиб-келиб энди оғрийди бу сабил, бамисоли ичроқ билан кесаверади, кесаверади, кесаверади... Ваҳоланки, унинг — жоннинг ўзи йўқ нарса, кампирлар ўйлаб чиқарган нарса, дейишади; шундай бўлса, қалбини изтиробга солиб, фарёд чекишга мажбур қилаётган нарсанинг ўзи нима бўлдикин?!

— Ҳой, қизим-ов! Тирикмисан ўзинг ёки ухлаб қолдингми?

Ульяна чўчиб товуш келган томонга қаради. Қолхоз ҳисобчиси Федот Трофимович фермага яқинлашиб келарди. Ульяна қадам ташлаган сари озгин, букилмас қомати уёқдан-буёққа бориб келаётган чолга қараб анғрайиб қолди. Чол унга яқин келмасиданоқ чанг босган брезент плаши билан ўткир спирт ҳидидек териси Ульянага гуп этиб урди.



— Худди Шемаха маликасидек нималарни орзу қилиб ўтирибсан бу ерда? Степан сигирларнинг думидан тортиб боғлайман, деса, бу сочини ўриб доғлайман, дейди-я!

— Мен-чи, Федот тоға, жамоатчи назоратчиман-ку!— ҳазилга ҳазил билан жавоб берди Ульяна.— Бидончани қаерга яширганингизни билмоқчиман-да, қизингиз говмуши Рогулканинг эмчакларини ҳадеб чўзгилайвермасин тагин!

— Бир гап айтиб бўлмайди-я, бу вабо ургурга!— тўнғиллади Федот блокнотини пештахта устига тап этиб ташлаб, сут тўла бидонларни эпчиллик билан сураркан. Федотнинг виждони покиза бўлмагани учун Ульянанинг гапига шартта жавоб беришга ботинмади, фурсати ўтгач, бир нарса дея олмади, шунинг учун жим қолиб, Ульянанинг ҳақлигини тасдиқлаганидан ўзини-ўзи койирди.

— Хотин эмас, бу, чекистка!— деди зорланиб эшикка қараб, Ульянанинг бу сўзларни эшитмаслигига амин бўлиб.— Шундай хотин билан Степан қандай мураса қиларкин, а?! Бунақалар сал гап бўлса кўзингни ўйиб олади, ҳа, ҳеч нимадан тоймайди! Шу бидончани кўриб қола қолганига ҳайронман, а?..

Ульяна бу вақтда совуб қолган резина этиги билан шудрингни бир-бир босиб, қишлоққа эмас, фермани айланиб ўтиб, чеккасида қайинлар саф тортган, кўлга олиб тушадиган катта йўлдан бораётган эди. У гоҳ орқасидан биров қувиб келаётгандек илдамлаб юрар, гоҳ худди кўринмас суҳбатдоши билан баҳслашаётгандек гапга тушиб, қадамини секинлатар, шамол эса тобора кучаяр, дарахтлардаги япроқларнинг шитирлашлари борган сари даҳшатлироқ эшитилар эди.

Ульянанинг юпқа капрон рўмоли бошидан сирғаниб тушди-да, учи ҳўл бўлиб, бутага осилганча ҳилпираб қолди. Ҳозир ҳамқишлоқларидан бирови Ульянани кўрганида танимаслиги аниқ эди: кўхликкина чехраси бамисоли муштдек тугилган, қамчиндек ўрилган сочи елкаларини савалаётгандек, кўзлари эса қоронғида чўдек ёнарди.

Ульяна йўлнинг фарқига бормай юраркан, кўл бўйига етганда қўққисдан ўт-ўлан босиб ётган ариққа оёқ қўйиб юбориб, йиқилиб тушди, юзларининг оловини чиқариб бораётган шудрингга шўнғиб бораркан, энди тамом бўлдим, Степанни ўзимдан бездириб қўйганим

учун беҳисоб азоб-уқубатларга гирифтор бўлдим, бундан қочиб қутулиб бўпман, деган ўй кечди хаёлидан. Унинг гаранг бошида: «Нега бундоқ бўляпти?» деган савол айланарди. Нима учун ўз онасидан воз кечди? Нима учун фолбин Захариханинг олдига бориб имонидан айрилди? Нима учун жонини жабборга бериб, ишлаб-ишлаб мол-дунё орттирди?

Шу оқшомдан бошлаб Ульяна ўзгариб қолди. Илгарилари ҳам сергап бўлмаса-да, энди чурқ этмас бўлиб олди. Авваллари уйқуни роса оларди, энди ўринга ётиш нималигини унутгандек, қишлоқда биринчи бўлиб печкага ўт ёқиб нон ёпади, сигир соққани оғилхонага чиқади. Лекин унинг сигирлари сутни камайтириб юборишди, бунинг натижасида Ульяна колхоз бўйича Анята Меньшовани ўзидан олдинга ўтказиб юборди. Степан худди бир нарсани сезгандек хотинига айбдорларча боқар, машқи паст бўлиб қолганди. Зиғиркор Галина билан уни энди бирга бўлганини кўрмаган бўлишса ҳам бари бир, Ульяна стол нарёғида ўтирган эри томон сўник нигоҳ ташлаганда, унинг ўзига нисбатан совуқ лоқайдлигини ва хоҳлаган пайтда лов этиб кетишга тайёр турган, ҳозирча пинҳоний нафрати сезилиб турганини кўрқа-писа кузатарди.

Ульяна илгари мўмин-маъқул бўлган Степанининг вақти-вақти билан ғазабни қайнаб кетишига сабаб нима, деб ҳайрон бўларди; бунақа пайтда ўтинни одатдагидек бир текис, ўйин қилгандек эмас, балки болтани дамисоли тўнғизни бўғизлаётгандек шундай гурсиллатиб урардики, зарбининг зўридан иккинчи қаватдаги меҳмонхонанинг деразалари зириллаб кетарди. Ҳайрон бўлса ҳам кошки эди, шунга ҳам мажоли келмайди-да. Йўқ, юрагининг соғ жойи қолмаган, кечасию кундузи юракбағри алангаю оташ бўлиб ёнади, балки титраб-қақшаб совуқ қотаётганига сабаб шудир. Ульянанинг ҳатто иссиқ, жазирама кунлари ҳам бадани исмасди.

Кунлар елдек ўтиб борарди. Азондаги шабнамлар тобора шаффофлашиб, дарёдан кўтарилаётган туманлар қуюқлашиб, совиб кетяпти. Энди сигирлар бир-бирларини сузиб, ғужғон ўйнаб ташқарига отилмайдилар, балки эшикда чиқаверишдаги пайҳон этилган ўт-ўланларни босиб-янчиб, ялқовланиб, битта-битта боришади, кўл томондан эсаётган тонг шамоли олиб келган тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб симириб, мунгли маърашади. Энди пишиб етилган ғалла, ялпизнинг иси келмайди, балки

стилган картошка ҳовури, шудгор қиллинган галлазор ҳидлари анқийди, ерни ағдариб, жўяк, марзаларни текислаб кетаётган тракторларнинг гулдуриси эшитилади.

Сентябрь ойининг иккинчи якшанбаси тонгида дала-лар жимжит, қишлоқ шовқин-суронли эди. Правление биноси олдида алвон шиорлар билан безатилган автобус, юк машинаси турар, эшиклари ланг очиқ клуб ичидан ғалла боғламлари билан байроқларни олиб чиқин-шарди. Машинадан ҳайдовчилар дам-бадам йиғилганларга бетоқат бўлиб қараб-қараб қўйишар, сигналларни босишарди, тартибсиз чалинган сигнал садолари қулоқни қоматга келтириб қишлоққа таралар, мол-холни, товуқ-хўрозларни чўчитиб юборарди. Анюта Меньшова гурур билан узун қисқичли каҳрабо зираklarини ўйнатиб, кремплин юбкаси остидаги тиззаларини кўз-кўз қилиб, машина кабинаси олдига келди-да, фармономуз бошини силкиб: «Хўшт!» деган эди, Петька, ҳали болалардек ёшгина йиғит, янгигина, чарм қопланган ўриндиқдан сирғаниб тушди-да, қизга эшикни очди. Қиз кабинага чиқиб ўтиргач, Петька унинг жиғига тегиш учун баланд «платформа» туфли кийган, қовушимсиз Анютанинг юришини масхаралаб уёқ-буёққа юраркан, ўғринамо кўз қисарди. Анюта кўз қирини ташлаб, буни сезган бўлса-да, ғазабни келганидан қувноқ, кўм-кўк кўзлари чақнаб турган юзини бужмайтирди: ахир бугунги район байрамида Анютага етадигани йўқ-да. Райком столларидан бирининг мовут ёпиғи тагида Фахрий ёрлик билан мукофот уни кутиб турибди, унинг тиззалари ҳар қанча хунук бўлмасин, бари бир район Маданият уйига йиғилганлар курсилар қатори оралаб минбар томон бораётганида унинг шарафига қарсак чаладилар, ажойиб хонанда Эдуард Волосевич бастакор Пахмутова хонимнинг асарини хониш қилади! Ахир: «Қандай қўшиқни сева-сиз?» деб сўраб кетишганим бежиз эмас-да.

— Ульянага нима бўлдийкин, кечикиб қолди-я? — сўради раис хавотирланиб. Шу ондаёқ кимдир югиргилаб қишлоқнинг энг четидаги, собиқ илғор соғувчининг уйига бориб келди-да, Ульянанинг тоби келишмай турган экан, эри биринчи автобустаёқ марказга кетган экан, менсиз бораверинглар, деб илтимос қилганини айтди.

Анютка бу гапларни тингларкан, «Ульяна енгилганини тан олишга қийналяпти-да», дегандай мийинида кулиб, ғолибона керилиб қўйди.

Анюта кўзлари олазарак бўлиб, хомуш, кўккўз қиз Галинани топди-да, ҳатто Эдуард Волосевич севимли «Нафосат» қўшигини ижро этаётганида ҳам ундан кўз узмасликка аҳд қилди. Унинг бундай аҳд қилишидан мақсади эртага фермада Ульяна билан рўбарў келиб қолишганда виждонан унча қийналиб юрмаслик эди.

Қуёш худди сидирға оч-кўкимтир булутлар орқасига яшириниб олиб, эриб кетгандай туюлган дамдаги тонг туманли бўлиб, ердан ҳовур кўтарилиб турарди. Бундай дамларда ҳамма нарса ҳарорат эмиб мириқаётгандек туюлади: осмон ҳам, сариқ қум тўшалган йўл ҳам, йўл четидаги пуштиранг тарам-тарам моғор қоплаган улкан тош ҳам мириқиб исинмоқда, ўт-ўланларни қуруқшаб қолаёзган ботқоқликдаги энг майда найчалар ҳам ҳаводан нам сўриб жон кириб, кўз олдингизда кў-кара бошлагандек туюлади.

Машиналар ҳали кетмабди — буни Ульяна қишлоқ билан ўрмон четини ажратиб турган даладан яширинча чопиб ўтганида сезганди. У кўзларигача босиб сатин рўмолини тангиган, резинка этигини бекитиб турган кенг қора юбкаси устидан Степаннинг шарти кетиб-парти қолган футболкасини кийиб олганди. Ульяна юмшоқ батқоқ ердан лойга бота-бота яқинда бунёд этилган ўрмон оралаб борарди.

Нима учун худди маъна шу пайтда, ҳозир мева териш учун ўрмонга бориш иштиёқи туғилиб қолганига Ульянанинг ўзи жавоб бера олмасди. Бугун, у ерда, район марказида уни минбарга чиқаришиб, мукофот топширишарди, майли бу сафар мукофотнинг энг каттаси Анютага берила қолсин, ҳамма гап ҳамқишлоқлари, дугоналари кўтаринки, байрамона кайфиятда бўлишларида, уларнинг ҳасадли боқишларида. Нотаниш эркаклар унга — Ульянага қандай қарашаркан — ҳамма гап шундада. Ульяна ўзининг ўктамлигини, ҳатто мана шу кенг тўқ-қизил кўйлагига ҳам лобар кўринишини, қалин қилиб ўриб орқасига ташланган сочи ярашиб туришини билади, лекин бундай ороланишларнинг барчаси биттагина Степанга аталганини, шу Степанни деб ўлиб-тирилиб юрганини булардан битта яримтаси кошки билса! Хотинининг қанақалигини Степан билармикин?! Кўплардан яхши бўлса борки, ёмон эмас. Уттизга кирса нима қипти, анави лаънати Галина кошки дурўст бўлса?

Ульяна биров эшитиб қолиб, сиримни ошкор қилади

деб хайнқишнияма хаёлига келтирмай, худди ўзини бир нарсага ишонтиришга уринаётгандек қаттиқ-қаттиқ сўйлаб борарди...

У ерда ҳамма бўлади: Анюта ҳам, Степан ҳам, раис ҳам... шундай тантанали кунларда киярман деб атайлаб олган янги локланган туфлиси шкафининг энг тагида, картон кутичанинг ичида, шилдироқ қоғозга ўралганча ётипти!..

Ульянанинг кўксида бирдан туғён кўтарилди — орқага қайтиб, уйга кираману наридан-бери кийиниб, югуриб етиб оламан... ҳали машиналар кетмаган, улгурарман деган қатъий истак кўнглидан ўтди...

Шунга қарамай Ульяна торф похоли солинган сўқмоқдан кўл сари бораверди: у ердан эса сўқмоқ чапга бурилиб, Горелие Мхи орқали қарағайзорга олиб чиқарди. Қарағайзордан салгина нарида, пастда (Ульяна бу жойларга бириңчи марта келаётгани йўқ) клюква қизариб қолган бўлса керак, бу йил клюква ҳосили мўл бўлган. Ўтган йили қарағайзорда оқ замбуруғларни кўп топишганди, бу йил эса ғалла мўл бўлди, онасининг: «Кўзиқорин мўл бўлди, ғалла беҳосил бўлди»,— дея такрор-такрор айтгани эсига тушди. Онаси ҳечам янглишмасди. Ульяна клюква, журавина каби меваларни ҳаммадан олдин терарди, лекин бундай мевалар энди пиша бошлаганда узилса ҳам, махсус ёғоч челақларда совуқ сув билан май ойигача сақланарди. Бунақа уддабуронликни у онасидан ўрганганди, шунинг учун ҳам доимо челаги шай, ичига қуруқ барг, шох, дарахт пўстлоғи тушмасин деб дока ёпилган бўларди.

Ўрмон ичи дим эди. Ёқаси бўғиқ футболка-майкада исиб кетди. Ульяна кўлга етиб келгунча терлаб, шилтаю шалаббо бўлди. Дам олиш учун тўхтади, челақни тўнтариб, устига ўтирди-да, футболкани еча бошлади,— мева терадиган жойгача ҳали уч километрча бор, улгурари!— қўлини энди кўтарган ҳам эдики, чўчиб орқасига тисарилди: сувда, ундан икки қадам нарида бадани қора хол-хол бўзранг илонни кўриб қолди. Илон ўзи билан ўзи овора — ҳеч нарсадан қўрқмайди, гўё бу ерда — Горелие Мхида ҳеч ким чўмилмаслигини, бунинг устига чўмилиш мавсуми эмаслигини билгандай. Одамларгина эмас, ҳар хил паррандаю даррандалар ҳам совуқ ейди-ю, бу бўлса мириқиб чўмилиб ётибди, қара-я!

Ульяна энди шу гапни кўнглидан ўтказиб турган ҳам эдики, ёнидаги бута орасида алланима шитирлаб қолди.

Уёқ-буёққа олазарак бўлиб қараган эди, бир-бирини қувиб ўрмон ичкарасига кириб кетаётган иккита илонни кўриб қолди. Ҳали ўзига келмасиданоқ онасининг бир гапи эсига тушди: бугун Воздвиженье байрами-ку! Бу байрам кун, деган эди онаси, илонлар қиш уйқусига киришдан, инларига бекиниб олишдан олдин ҳамниша тўда-тўда бўлиб олишиб, базм қуришаркан, ана шундай кунлари одам боласи ўрмонга келмаслиги керак.

Ульяна дик этиб туриб кетди, апил-тапил футболкасини кия бошлади — вищ-ш-ш-ш! — илон йўғон лентадек танасини унинг оёқлари остидан сирғантириб, Ульянанинг катта қадамича бўй кўрсатиб, ердан бошини кўтарди-да, сиртмоққа айланди.

Ульяна газанданинг қимир этмай турган кўзларига тикиларкан, титраб, орқага тисарилди. Қимир этмас совуқ кўзларда истеҳзоли учқунлар ялт-юлт этди: «Биламан, сингилгинам,— дегандек бўларди бу нигоҳ,— шундай кунда нима учун яккаю-ёлғиз келганингни! Худди сени кутиб турувдим-да, ўзим!»

— Синг-ил-жо-о-он!

Ульяна қўққисдан аллақимга аччиқ қилгандек, англаш қийин бўлган дарғазаблик билан қўлига илинган қуруқ хивинчни юлқиб олди. Тирсиллаб турган олачипор вужуд бу хипчинни бамисоли гугурт чўпидек синдириб ташлади-да, аёлнинг кафтига катта очилган оғзини яқинлаштирди, лекин газанда мўлжални тўғри ололмай, қуруқ ёғочни тишлаган эди.

Ульянанинг сабри-тоқати тугаб ичини алланима тирнаб кетгандек бўлди, ота-боболардан қолган удумга кўра, бор кучини йиғиб, хуруж қилган илонга чап бериб, оёғи тагидаги йўғон таёқни шартта олди-да, оғзини очиб келаётган заҳарли бошни бор кучи билан туширди, аммо мўлжални тўғри олмаган экан таёқ бошдан икки кафт нарига тегди. Яна илоннинг боши билан таёқ тиккайди. Бамисоли этик қўнжини қамчи билан савалагандек бўлди. Ульяна қаддини зўрға ростлаб қолди, аммо қуролини қўлдан туширмади. Газанданинг ғазабдан ёнаётган кўзлари этигининг ўнг пойига қадалди, вишиллаган товуш ҳавони ларзага солди. Таёқ учи қисиб турган илоннинг боши пастда, тўпиқда талвасага тушиб, қутулиб кетишга ҳаракат қиларди, ана шундагина нохушлиқдан муз бўлиб кетган Ульяна бирдан оғирлашиб қолган оёғини даст кўтариб, ғазаб билан оғиз очиб вишиллаётган газанда бошини таппа босди.

Ульяна шу кўйи, оёғини кўтаришга ва ердан сал-пал қимирлаётган мажолсиз махлуққа қарашга журъат этолмай узоқ туриб қолди; назарида нари кетса, илон тирилиб, яна ҳужум қиладигандек эди. Ульяна баланд ўсган ўт-ўланлар орасида тураркан, чаккасидаги қони секин-аста, гупиллаб урилаётганини сизди. Юрагини чангаллаб изтиробга солаётган дард ҳам тарқалгандек бўлди, кейинги ойларида биринчи марта Степаннинг кўзларига тик боқини хоҳлаб қолди, қўрқувнинг ёпишқоқ тўрларини тилка-пора қилгиси келди — уёғи нима бўлса бўлар!

Энди унинг олдидаги тавбаси қўрқинчли эмас, балки заруратдай туюлди. Одамларнинг гап-сўзи, маломати билан иши нима! Уларнинг ҳукмидан қўрқмайди, энди унга ҳеч нима, ҳеч нарса қўрқинчли эмас: кечалари кўз олдидан кетмайдиган Полинанинг кўзлари ҳам, ҳар оқшом сув юзидаги ҳалқага санчиладиган пичоқ ҳам — ҳеч нарса қўрқинчли эмас унга!

Ёлғиз ана шу чекинмас, тийилмас фикрдан қувват олган Ульяна қанақа қилиб ҳовури кўтарилиб турган сўқмоқдан орқасига қайтиб, уйига қайтиб келганини, кийимларини ўзгартирганини, колхоз идораси томон югурганини эслолмайди.

Районга борадиган автобус бир соатдан кейин жўнайди. Кутишга тоқати йўқлигидан Ульяна катта тош йўлгача яёв кетди. Биринчи учраган машичага қўл кўтарган эди, шофёри тўхтатиб уни олиб олди.


Ҳали ёшгина, она сути оғзидан кетмаган йигитча Ульянага ҳайрат билан тикилиб-тикилиб қўярди. Лекин аёл буни пайқамасди.

«Айтаман... ҳаммасини айтаман... Кетаман, барини ташлаб кетаман. Холамникига, Карелияга жўнайман. Полинани бўлса қайта тирилтириб бўлмайди. Тезроқ кетсам эди!» Шунча чеккан азоблари, беҳисоб изтироблари Полина олдидаги гуноҳини ювиб кетмаганмикин, ахир?

— Тезроқ юрақолсайди!— дея пичирларди унинг музлаган лаблари.

— Ҳозир!— йигитчага жон кирди.— Ҳозир, учириб, бир лаҳзада еткизаман!

Километрлар учгани сайин Ульяновнинг қалби ҳам Степан сари талпинаяпти, мана ҳозир борадию, жазосини кутиб, кўнглидаги изтиробларидан халос бўлиш учун ҳаммасини айтиб солади...







# ҚУДРАТНИ ЗАМИНДАН ОЛАМИЗ

## Қисса

Уркачдор булутлар жуда пастқам бўлиб, қандайдир улкан қўл қўнғир пластилин парчаларини осмонга ёпиштириб чиққандек туюлар, бир жойда қуюқ, бошқа жойда сийрак ва хилвиноқ эди. Деразада эса қиров йилтирар, синфда ғайритабиий жимлик ҳукм сураб, география ўқитувчиси Анфиса Павловнанинг тиниқиб айланаётган пилдиноқникидек зувиллоқ овозигина бу осойишталикни бузиб турарди.

Дераза ёнида ўтирган Виня Рижик ташқарига ўйчан тикилиб қолди — қари эманнинг энг юксак шохидаги сўнгги япроқлар беҳолгина ҳилпирарди. Утган йили у ана шу япроқлар то яшил тус олгунча озмунча ҳаяжонланганмиди. Ушанда эманнинг яшилликка бурканишини нима сабабдан бу қадар орзиқиб кутганини у ҳозир аниқ эслолмайди, фақат шуни биладики, бу дарахтни машҳур поляк адибаси Элиза Ожешко эккан. Гўё ҳали ер юзида мамонт ва динозаврлар мавжуд бўлган даврлар хотиротини ҳам ўзида озми-кўп мужассамлаштиргандек кўринувчи бу эманда яшай олиш қобилияти ҳануз сақланиб қолгани кишини ҳайратга соларди...

Чўзинчоқ билаклар партадан осилиб турар, гавдасининг бир қисми бесўнақай ястаниб, иккинчи қисми сунчиқ орасида майишиб қолган — хаёлга берилиб кетган Виня ўзининг кулгили ҳолатда эканини сезмасди ҳам.

— Ҳў, Оқпоя, манавини Стасяга узатвор! — шивирлоқ товуш эшитилди орқадан.

У эҳтиёткорликни унутганича бамайлихотир ортага ўгирилди-да, қоғозни икки бармоғи орасига қистириб олди, сўнг уни олдиндагиларга узатишга шайланди.

— Рижик!

Виня сесканиб кетди: география ўқитувчиси газаб билан унга яқинлашиб келар, унинг оқиш ва тўзғоқ сочлари қирқ бошли илондек тўлғанарди.

— Қўлингиздаги нима? Қани, кўрсатинг-чи!

Ен томондан кимдир ҳамдардлик билан пичирлади:

— Анқайма! Шартта оғзингга тиқ!

Довдираб қолган Виня ирkit қоғозни шоша-пиша оғзига солди-ю, ирганиб чайнашга киришди.

Ўқитувчи тўхтаб қолди. Ҳамма ҳайратга тушганди.

Винянинг қоғозни чапиллатиб чайнаётгани бу сокинликда янаям аниқроқ эшитилаётганди.

— Хатни унга ким узатди!— Анфиса Павловна синфдагиларга дарғазаб кўз югуртирди.— Нима, нафасларинг ичларингга тушиб кетдими? Бари бир билволаман!— у қайтиб, яна столнинг ёнига борди.

— Сиз эса, Рижик, синфни бўшатиб қўйинг. Бундақанги жасоратдан кейин албатта дам олишингиз керак.

Винянинг қадам олишига монанд таралаётган ҳиринглашлар болалар орасида энг дароз ва бақувват саналувчи Валерка Антоникнинг қаққаҳасига кўмилиб кетди.

— Оббо партизан-ей! Худди сўроқ пайтидагидек шаппа оғзига солди-қўйди. Қоғоз ямланди-ю, излар босилди. Ха-ха-ха!

Винянинг юраги изтиробли дукулларди: ўша лаънати хатни узатган ким денг — Валерканинг партадоши ва қиблагоҳи Герман Ковальский. Интернатдагилар уни «Валерканинг йўлбошчиси» дейишади. Инсоф юзасидан айтганда, Винянинг синфдан ҳайдалишига сабаб бўлган ўша айбнинг бир қисми Валерканинг зиммасига тушиши лозим...

Лекин қиз Валерка томон ўгирилиб ўтирмади, ўта новчалигидан уялаётгандек қимтинганича эшик сари юришда давом этди, оғзидаги жирканч нарса кўнглини беҳузур қилиб, қадамни янада тезлаштирди. Ташқарига чиқиб, коридор бурчагидаги тулука ахлатдон тарафга отилди, лунжидагини туфлаб ташлагандан сўнг, кафтини рўмолчага артиб, нохуш кайфиятда ортга бурилди. Сўнг, кўнгли баттар айний бошлаганини сезиб, шалвираганича дераза, токчасига келиб ўтирди.

Мактабдан интернатга олиб борувчи чизиқсимон қорамтир йўл бу ердан — иккинчи қаватдан аниқ кўриниб турарди. Кечаси қор бўралади: пастқам уйлар томида эриётган сарғиш доғлар кўзга чалинар, сувнинг ингичка, тиниқ толалари тарновлардан сизиб тушарди. Йўлдаги қорлар аллақачон топталиб бўлган, йўловчилар оёғи чилпилдоқ лойдан оғирлашиб кетганини шу ерда туриб ҳам бемалол сезиш мумкин эди. Шаҳарда азалдан шу аҳвол. Болтиқ денгизи бу ердан унча узоқ эмас, қалин ва диққинафас туман, ёз оқшомларидаги намхушлик ўша тарафдан келади. Аёзни юмшатиб, унинг ўрнига ёмғир ва намчил қор ёғдирадиган ҳам ўша денгиз. Қорлар суйри жойлардаги кандикларни тўлдирад, бу ҳолат қалъа деворларидаги тўпчилар

туйнугини эслатарди. Бир неча юз йилларни кўриб қўйган шаҳар кўчалари тор бўлиб, улардан ўтган ҳар бир машина бундай кунларда йўловчилар юрагига гулгула солар — ғилдиракдан сачраган совуқ томчилар оёқ ёки кийимларни лойга беларди...

Винянинг кўчага чиққиси келмаётганди. Гарчи география сўнги дарс экани, синфдошлари ундан сал кейинроқ етиб боришларини билиб турган бўлса-да, интернатга қайтишни истамаётганди. Уша хат можароси шу тобда подадан адашган қўзичоқ ҳолига тушган Винянинг дарсдан қувилиши билан тугамаса-чи, яна давом этса-чи? Анфиса Павловна шаштидан осонгина қайтадиганлардан эмас, хат ким томонидан ва кимга аталиб ёзилганини билиб оламан дедими, сўзининг устидан чиқмагунча тинчимайди. Лекин, Виня ҳам бўш келмайди, ўқитувчи уни яхшиликча йўлга солиши мумкин эди, дағдаға билан иш битириб бўпти.

Сўнг у Валерканинг кулгиси ҳақида ўйлади. Қандайдир бегона кулги! Валерка гўё Германга қўшилиб Винядан ҳам, хатдан ҳам тонаётгандай. Балки унга аталган хат Герман томонидан ёзилганини Стася тан олар, ҳарқалай ўқитувчининг қаҳрини юмшатган бўларди.

Совуқ ойнага елкасини тираганича дераза тоқчасига ўтирволиб дарснинг тугашини тоқат билан кутаётган Виня шу тобда ана шу масалани ҳал қилиш ҳақида ўйлаётганди.

Муз парчалари томдан пастга чўзилган тарнов ичидан даранглаб тушаётгани, қарсиллаганича ерга урилиб, майдаланиб кетаётгани эшитилиб турарди. Дақиқалар ўтиб боряпти. Бугунги кундек жозибасиз ва бешиддат дақиқалар! Виня эса ҳамон ўзича шивирлаб, ўз-ўзини оқлайди, ҳаяжонланади.

Бировга зарари тегмай жимгина ўтирганди-я. Кутилмаганда география ўқитувчисининг қаҳрига дучор бўлди. Борди-ю, Герман ёки Стася айбини тан олмаса-чи? Бўш пайтда кўнгли тусаганича гаплашишлари мумкинлигига қарамай, география дарсида мактуббозлик қилишни истаб қолган бу ошиқ-маъшуқларни фош этмаслик учун наҳотки бундан кейин ҳам жим юришга мажбур бўлса?

Винянинг алами орта борди. Ниҳоят, қўнғироқ жаранглади-ю, у жанг шай қиёфада дераза тоқчасидан сакраб пастга тушди. Ана, ўқитувчи синф журчаланин қўлтиқлаганича хонадан чиқди. Виняга бир

Ўқрайиб, йилтироқ қорамтир пайпоқдаги ориқ оёқларини дикиллатганича ундан олислаб кета бошлади. Стася Забалоцкая хонадан Катя Лагун билан шошиб чиқиб келди. Стася гўё ҳеч нарса бўлмагандек ўзини хотиржам тутаётганини кўриб, унга яқинлашишга негадир Винянинг юраги бетламади. Бири биридан шошқалоқ эгизак Колотушқолар ўтиб боришаркан, «Куюнаверма, Винька!» дея унга далда берган бўлишди.

Ниҳоят Герман билан Валерка кўринди. Валерка шоша-пиша ниманидир уқтирар, Герман бўлса чет элга кетган ота-онаси юборган зарҳал кўзойнагини ярқиратганича калондимоғлик билан жимгина тинглаб келарди. Виня уларнинг йўлини тўсди.

— Герман!! Сен...— тўлиқиб турганидан аввалгина керакли сўзни тополмай дудуқланиб қолди у, сўнг оғзига келганини қайтармай чалама-чакки сўзлашга киришди:— Биласан-ку... ахир... охириги марта огоҳлантиришган мени. Уқитувчимиз айтганди... агар «уч»лар... огоҳлантиришлар бўлса... Бундайларни таътилда Ленинградга олиб боришмасмиш. Бугунги ишни кўрмайсанми энди!

— Хўш, нима бўпти?— қўлларини ёйиб деди Герман.— Сени Ленинградга юборишлари шундайинам гумон эди. Энди бўлса... Наиллож, бу сафар бормасанг, кейин борасан.

— Кейин?!

— Ҳа-да!— масхараомуз кўз сузиб гапга аралашди Валерка.— Ленинградда сенга нима бор ўзи? Бирқвни кўзи учиб турибдими?

— Бу нима деганинг?— деди бундай сурбетликдан гангиб Виня.

— Тўғри-да, нима бор сенга у ерда?— яна қитиғига тегди Валерка.

— Ҳаяжонланмасанг-чи, Виня,— энди Герман ҳам мазах оҳангида сўз қотди.— Ленинградга бир йўла ишлашга борарсан. Умуман, ҳозирча шу ерда дам олганинг дуруст. Сафда диққинафас бўлиб юрасанми... бизга ўхшаб.

Бу — янаям оғир гап бўлди. Ҳамма биладики, Винянинг кўпдан ўйлаб юрган орзуси — «Эрмитажни томоша қилиш. Шу орзун деб у энг сеvimли машғулотти бўлган расм чизишдан ҳам вақтинча воз кечиб, «уч»ларини тузатиш учун дарсларни мунтазам ўзлаштириб келаётганди.

Ҳа, у расм ишлашни жудаям ёқтирар, дуч келган

нарсага хоҳлаган одамни чизиб кетаверарди. Герман дераза токчасига безовта кўз ташлаб қўйгани ҳам бежиз эмас, у ерга навбатдаги карикатура чизиб қўйилган бўлиши мумкин эди, Виня бунақа нарсага уста. Бир сафар уни бошлаб карикатура қилган. Синфдагиларга роса кулги бўлганди. Доимо ўзига бино қўйиб юрадиган Герман ҳам буни унутгани йўқ. Шу туфайли ҳозир у атайлаб тантанавор оҳангда сўзлаяпти. Лекин, ҳар ҳолда чакки бўлди — Винянинг бирдан ранги бўзариб, лаблари пирпирай бошлади:

— Бундан чиқдики... нима, Анфиса Павловнага бирон нарса демайсизларми?

— Биз?— ҳайратланди Герман.— Нега?

— Бу қанақаси? Сизларнинг айбингиз учун жавобни мен беришим керакми?

— Нима, сен жавоб бер, демоқчимисан?— саволга савол билан муружаат қилди Герман.— Ахир мен эмас, сен қўлга тушдинг-ку. Оддийгина ишни удалолмай ўтирибсан-а.

— Хўш, Стася-чи?— сўради Виня, гарчи бу аҳмоқона саволлигини ўзи сезиб турган бўлса-да.

— Бунга Стасяни нима алоқаси бор?— елка қисди Герман.— Уни бу ишга аралаштирма. Мабодо Стася қўлга тушганда...

— Унда, Ленинградга мени юборишарди,— гапни илиб кетди Виня.

— Балки шундайдир. Лекин, Стася қўлга тушганда ёмон бўларди.

— Мени тутишса майли экан-да?

— Сени ҳеч нарса қилишмайди.

— Нега?

— Чунки, Анфиса опанг сени кечиради. Кўрасан, ҳеч кимга чақмайди сени.

Виня синфдошлари унга ниманидир очиқ айтолмаётганларини сезиб турарди. Уларнинг кулимсираётган-дек чақнаётган кўзларидан бу гапнинг нима эканини уқиб ололмади, ўша гап унинг наздида эътироф этиб бўлмайдиган ҳақиқатдек туюлаётганди. Бу «ҳақиқат»ни уларнинг юрагидан суғуриб олишга тиришиб, деди:

— Нега энди ўқитувчимиз Стасяни кечирмайди-ю, мени кечираркан?

— Вой, бошгинам-ей,— кулшга ҳаракат қилди Герман.— Валерка, мен бунақалар билан ортиқ гаплашолмайман. Очигини ўзинг айта қол.

— Чунки,— дея, кулгисини тийиб, иложи борича

жиддий қиёфада сўзлади Валерка,— сен маликан Хуснобод эмассан, шу боисдан география ўқитувчиси сени ёқтиради. Ахир у сенга термулган сайин руҳан дам олади-да, Оқпоя. Дунёда фақат бир ўзи кўримсиз эмаслигидан қувонади... Бўлдими. ё дурустроқ тушунтирайми?

Виня ниҳоят тушуниб етди. У кутилмаган ва адолатсиз зарбадан нафаси қайтиб, Валерканинг оғзига тикилганича карахтланиб қолганди. Валерканинг лаблари ҳануз қимирлар, у кишининг бадан-баданидан тешиб ўтувчи ҳақоратомуз сўзларни худди синфдошига дарсни тушунтираётгандек бемалол гапиришда давом этар, қиз эса ҳозир унинг товушини эшитмаётганди.

Болалар бу ўнғайсиз ҳолдан қутилиш учун тарқалишга ошиқдилар.

— Йўқ, ҳаммаларинг тўхтанглар!— деди Виня ва эндигина ортга ўгирилаётган Германиянинг этагидан тортди.— Ахир сен билишинг керак... Бу инсофдан эмас!

Бутун умидини боғлаб кутган суҳбатнинг тугаб қолганига қизнинг ишонгиси келмаётганди. Наҳотки ҳеч ким ўзини айбдор сезмаётган бўлса, наҳотки Ленинградга борадиган йўл унга беркитилганича қолаверса? Нима учун?

Герман пиджагини қизнинг қўлидан осонгина бўшатиб олди.

— Мана бун тирноқ деса бўлади! Сиртлон бўпкет-ей!— дея бамайлихотир хитоб қилди у, болалар эса гўё оламда Виня Рижик ҳам, у билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқдек кулимсираганларича кета бошладилар.

Буларга кўнглидагини тушунтиришга яна бир бор уриниб кўришдан ҳеч қандай фойда чиқмаслигини, сўзи яна ерда қолиб кетишлигини, улар бари бир ҳеч нарсани ўзгартирмасликларини Виня шу тобда дафъатан тушуниб етди. Ҳа, бунақаларга дил изтиробларининг ҳам, киприкларга ина бошлаган кўзёши сабабларини ҳам тушунтириш амри-маҳол. Лекин у кўзёшлар ҳам унинг қалбидаги аламларни тўлиқ ифода этолмайди, фақат кишининг дәрдини енгиллатгандек бўлади. Шу туфайли Виня кўзини артишни ҳам унутиб, унсиз йиғлай бошлади. Шундай унсизки, ҳозиргина унинг ёнига келиб тўхтаган Яня унинг йиғлаётганини сезмай, ҳазилкашлик билан гап ташлади:

— Оббо Винька-ей, ҳақиқатан ҳам сўроқ қилинаёт-

ган партизан бўпкетдинг. Қоғозни чайнаш енгил кечмагандир дейман?— Шу дам дугонасининг қизариб кетган кўзларини кўриб қолди-ю, дарҳол суҳбат оҳангини ўзгартирди.— Вой, эсипастгинам! Қўйсанг-чи! Ишонавер менга — Анфиса сени яхши кўради, фақат бу вазиятда бошқача иш қилолмасди у. Кўрасан, у бировга ҳеч нарса айтмайди. Қолаверса, у хатни ким ёзганиниям, кимга ёзилганиниям билади. Чунки, Германияга шунақаям ўқрайиб қарадики!

— Анфиса сени яхши кўради, дедингми?— яқин дугонаси бўлган Яня Сапеганинг олранг ёноқларига ҳўмрайиб боқаркан, аламзадалик билан сўради Виня.— Балки, нима учун яхши кўришини ҳам биларсан?

Яня хазонрезги фаслидаги япроқ рангини эслатувчи сочларини орқага ташлай туриб хотиржам елка учирган пайтда унинг ёноқлари янада олранг, айна пайтда юзи янада бефарқ кўриниб кетди:

— Қизиқ, у мени сира ёқтирмайди, сал нарсага жеркиб беради. Нега бундай, а?

— Мен ҳам шуни сўраяпман-да,— истехзо билан деди Виня.— Стасяни ҳам ҳеч сиғиштирамайди дарсда.

— Тўғри, униям суймайди,— дугонаси гапни қаёққа бураётганини унчалар англаб етмай, оппоқ ва мустаҳкам тишларини кўрсатиб, хиёл жилмайиб қўйди Яня.— Юр, яхшиси уйга қайтайлик. Бирам очқадим-ки!

«Ҳар сафаргидек ошпаз хотин сенга ҳам овқатдан сал кўпроқ қуяди-ю, «хусндан худо берган-да» деб ҳомуза тортиб қўяди,— дея ўзича ўйлади Виня.— Стасяни эса ҳамширамиз ёқтиради, доимо унга глюкоза олиб келади. Бошқаларниям севишади. Мени бўлса... Менга фақат раҳм-шафқат қилишади... Хунуклигим учун!»..

— Яня,— дея дугонасининг елкасидан қучиб, унинг шахло кўзига тикилди Виня.— Ростини айт, жудаям хунукманми?

Яня синфдошининг чўзиқ рангпар юзига, беўхшов қошлари сари осилиб тушган сийрак сочларига, саросимали кўзларига, асабий қимтилиб турган каттагина оғзига кўз югуртириб, иккиланган қиёфада гап бошлади:

— Винька, сен... ҳар қалай маликаи Ҳуснобод бўлмасанг-да...

— Яна ўша гапми?— Винянинг ҳали кўзёши қуриб улгурмаган юзи тиришиб, нигоҳи ўчкор чақнади.— Бор, жўна, Янька!



— Ҳой... нима бўлди сенга?— Яня гарчи қўрқиб кетгандек туюлса-да, унинг луччак шафтолига ўхшаш ёноғи ўз рангини ўзгартирмай, юзи аввалгидек осойишта кўринарди.— Нималар деяпсан? Сенга нима ёмонлик қилдим?

— Қилдинг-да!

— Ҳеч нарсага тушунмаяпман...— гўё шу чоғда Янянинг ҳам йиғлагиси келаётганди.— Уйга борайлик.

— Ўзим ҳам боравераман.

— Нега энди?

— Шунчаки ёлғиз кетмоқчиман. Ахир мен ҳам бирор нарсани хоҳлашим мумкин-ку.

Улар мактабдан ташқарига чиқиб келишганини ҳам сезмай қолишди. Муз парчалари тарновларни даранглатиб пастга тушар, Яня негадир қалтираётган эди. У дугонасининг юзига бир зум илтижولي тикилиб тургач, чуқур уф тортиб, портфелини елкага ташлади, йўлга чиқиб олгандан сўнг аввалига суст одимлаб борди, кейин қадамини тобора тезлаштирди. Виня унинг ортидан хомуш термулиб тураркан, ўз портфелини синфда унутиб қолдиргани қўққис эсига тушиб, зинапоядан яна юқорига кўтарила бошлади. У эшик ёнидаги каттакон кўзгу қаршисида тўхталиб, ўзига разм солди. У қанчалар тикилмасин, кўзгудаси акси бирдек ўзгармай турар ва бу акс шу қадар беўхшов эдики, шўрпешана Анфиса Павловна оламда бир ўзи тавия қилиб яратилмаганидан бемалол қувонса бўларди.

Аммо... нега у бу қадар хунук, ахир? Нега у буни олдинроқ сезмади? Хатлар нима сабабдан унга эмас, бошқаларга ёзилиши, кишилар ҳар кимга алоҳида муомала қилишларининг сабаби билан нега шу пайтгача қизиқмади? Уни ҳеч ким суймайди — тарбиячи ҳам, ҳамшира ҳам, ўқитувчилар ҳам. Шу дамгача уни ҳеч ким қучоқлаганми? Нега бундай?

Кечикиб келган бу аянчли уялишдан Винянинг бағри ёниб, бошини қуйи солди, сўнг қандайдир хасисларга хос ташналик билан яна аксига кўз қадади: бурун ҳақиқатан ҳам қандайдир... бесўнақайроқ... лекин кўзлари кичик бўлса-да, қоп-қора. Новча ва ориқлиги эса... шундай туғилган бўлса, нима қилсин? Шу туфайли унга «Оқпоя» деб лақаб қўйинган. Лақабини айтиб чақиришса, у сира хафа бўлмас, бамайлихотир жавоб қайтарарди. Нега? Наҳотки у шунчалик анқов бўлса?

Умуман, Валерка унга ҳалиги даҳшатли ва шафқатсиз сўзларни айтмагани маъқул эди. Айб ўзида. Эз-

малик қилмаса, бу аччиқ ҳақиқат билан ҳеч қачон юзма-юз келмаган бўларди.

Фаррош синфга кириб келган пайтда Виня портфелини олиб, шошганича чиқиб кетди. У эзғиланган қор йўлакдан хомуш юриб борди, ариқча устига ташланиб, ҳўл оёқлар изидан қорамтир тус олган тахта кўприкчага етган чоғда тўхталиб, яна аста ортга ўгирилди.

Интернатда нима бор унга? Ким кутяпти уни? Саккизинчи группа тарбиячиси Антоля Ивановнами? Виня ўз тарбиячисининг қартайган думалоқ юзини, унинг тушликдан кейин дарс тайёрлашга мўлжаллаб жиҳозланган хонасини кўз олдига келтирди. Бу хонада қўшни столдан жой олган Валерка ва Герман билан ёнма-ён ўтириш керак бўлади. Демак, бутун бир машғулот давомида уларнинг қув кўзидан маъно ахтариб кунинг ўтади, бундай пайтда ҳатто ерга қараб олганиндаям бари бир уларнинг шивирлашаётганини сезиб турасан — балки сен ҳақингда гапиришаётгандир. Маълум бўлдики, Герман унинг хунуклигидан азал нафратланиб келган, шу туфайли бугун гапни пардозлаб ўтирмади. Масалан у Стасяга ҳеч қачон бу тахлитда гапиролмаган бўларди. Стася қоматдор, кўккўз, ҳатто устки лабидаги кичик тилинчоқ изи ҳам унга ярашиб туради. Демак у шунинг учун ҳам ўзини бепарво тутишга, унга ёзилган хатни деб Винянинг жабр тортаётганига ҳеч қандай алоқадор эмасдек ёнида ўтиб кетишга ҳаққи бор.

Нима бўлгандаям, энди ортга йўл йўқ. Интернатдан бўлак қаёққа ҳам борарди? Виня, ариқ ёнида гангиб турар, гоҳ тахта кўприкчага, гоҳ нарироқда уюлиб ётган бетон устунларга маъносиз кўз ташларди. Сувга пала-партиш ташлаб қўйилган бу устунларни Городничанка дарёси устига яқин-орада қурилиши кутилаётган кўприк учун келтиришганди. Бу устунларнинг биридан-бирига сакраб дарёдан ўтиш жуда хавфли, лекин ҳозир Виня таваккал қилишни истаётганди. У ҳўл ва сирғанчиқ устунлардан бирига сакради, елкасидаги портфели силкиниб, мувозанатни бузди, бир эгилди-ю, яна қаддини ростлаб олди ва навбатдаги устунларга сакрашда давом этди. Пальтосининг қўлтиқ остидаги чоклари сўкилаётганини сезса-да, Виня бунга эътибор бермади — кейин тикиб олади.

— Аनावини кўринглар, ўлгиси келяптими, а?— деган товуш эшитилди ён томондан.

— Интернатдагилардан бу,— қичқирди ёшроқ се-

миз бир киши.— Тарбияни бўшаштириб юборишган-да.  
— Айрим хотинлар интернатга ишониб, туғишдан ташвишланмай қўйди,— дея қўшни аёлларга ҳазиллашди қорасоч йигит.

— Бунақа болаларни худди сенга ўхшаганлардан орттиришадн,— гижинди аёллардан бири.

— Вой, ҳозир йиқилади,— дея чинқирди бошқаси.

Иўқ. Виня йиқилмади. У соҳилга чаққон сакраб, тўсиқлар орасидан ўтиб олди, бу интернат ошхонасига олиб борадиган энг қисқа йўл эди.

— Мени куйдираверсанг онасиз қолиб, охири ана шунақа қаровсиз бўп кетасан,— деб беш ёшлар чама-сидаги болакайга дағдага қила кетди яна бир аёл. Бола эса интернатлик қизнинг ортидан ҳасад билан тикилиб турар, онасининг гаплари унинг қулоғига кирмаётганга ўхшарди. Дарё соҳилида тўхталиб қолган аёллар бўйишларини ёқа орасига чўктирганларича, яна ўз ташвишларига берилиб кетишди. Осмондан сийрак булдуруқ, ёғилаётганди. Одатда бунақа майда қор ерда узоқ сақланиб турмайди, лойгарчиликни келтириб чиқаради, холос.

Виня ошхона яқинига келиб тўхтади. Қайнатилган карам ва поннинг одатдаги ҳиди ҳозир унга алдамчидек туюлди. Унинг бу туриши ўлжа иси бурун катакларини қитиқлаётган бўлишига қарамай, қопқонга тушишдан чўчиётган йўлбарсчанинг аҳволини эслатарди. Охири очлик устун келиб, у ошхонага кирди, тарбиячиси Антоля Ивановна билан кўз уриштирмасликка тиршиганича ошпаз аёлнинг оқ рўмолли боши кўриниб турган дарчага яқинлашди. Барча ғам-ташвишларни вақтинча унутиб, унга тарелкани узатди.

— Рижик!

Бу Антоля Ивановнанинг овози эди. Виня тарелкани маҳкамроқ ушлаб, жимгина ортга бурилди. Тарбиячининг осилинқираган юзига қарамасликка интилди. Сирасини айтганда пакана ва биққигина бу аёл унчалар баджаҳл эмасди. Аксинча, у аксар ҳолларда ўта кўнгилчан, хушмуомала... Лекин Антоля Ивановнанинг юмшоқ кўнгиллигига унинг иккита «илоҳи» раҳна солиб турарди — тартиб ва интизом! У ўзи раҳбар бўлган саккизинчи группадагилардан тартиб ва интизомга бўйсунишни қаттиқ талаб қилишга мажбур.

— Қаёқларда юрибсан? Охирги дарсда иш кўрсатибсан деб эшитдим?

Виня ўзининг бурчакдаги жойига бориб ўтирди,

бармоқларини куйдира бошлаган тарелкани столга қўйиб олгандан кейингина жавоб қилди.

— Охирги дарсда бўлган гапни сизга ким етказа қолди?

Антоля Ивановна дув қизариб кетди. Тарбияланувчилардан биронтаси сўзини икки қилгудек бўлса, у доимо шунақа қиёфага кирарди. Энди у қандай бўлмасин, голиб келмагунча қўймайди. Чунки тарбияланувчилар олдида ҳар соҳада бир пағона юқори турилмаса, обрўйи тўкилишини яхши билади. Узоқ йиллар давомида машаққат билан қўлга киритилган обрў масаласи эса унинг учун учинчи илоҳ, бу илоҳга у астойдил синади.

— Саволга савол билан мурожаат қилишни қаёқдан ўргандинг? Қимдан нима эшитганим билан ишинг бўлмасин. Қайтариб сўрайман: охирги дарсда нима бўлди?

Ёндош столларда ўтирганлар Винянинг кутилмаган бу қайсарлигидан ҳайрон бўлганларича жимиб қолишди, нимага эришмоқчи бўляпти ўзи? Тарбиячига уни ким чаққанлиги масаласи, балки, кеча уни заррача ташвишлантирмаган бўлиши мумкин эди, аммо бугун у ўзгариб қолди, энди буни тагига етиш жуда муҳимдек кўриняпти. Группадошлари буни қаёқдан ҳам билишсин?

— Йўқ, аввал ўзингиз айтинг, мени ким чақди? Ахир мен ҳам сизга ўхшаган одамман. Ёки сўрашга ҳаққим йўқми?

Антоля Ивановна аланглаб, худди оғзи қуруқшаётгандек тили билан остки лабини ялади. Сўнг тантанавор ва пича қаҳрли оҳангда деди:

— Овқатланиб бўлибоқ, директорнинг хонасига кирасан!

Виня овқатланишга тушди. Энди буёғи аниқ — қолган ишлар рисолада ёзиб қўйилгани бўйича кетади: аввалига директорнинг ҳузурида пича насиҳатбозлик бўлади, сўнг бу томоша тарбиячининг хонасида давом эттирилади. Ленинградга бориш аллақачон чиппакка чиққанлигини сезиб турсанг-да, буларнинг ҳаммасига тоқат қилмай иложинг йўқ.

Негадир унинг томоғидан овқат ўтмаётганди. Синфдошлари дарсдан қайтишганига ҳали ўн минут ҳам бўлгани йўғу кимдир уни сотишга улгурибди. Антоля Ивановна юрак ёрсанг бўладиган аёллар тоифасидан эмас. Демак, унга мен ҳақда гапирган одам бундан қандайдир шахсий манфаат кўзлаган. Қандай манфаат?

Сўнги дақиқаларда унинг кузатиш ва эшитиш фаолияти кескин ривожланиб бораётгандек эди. Наҳотки Валерка ва Герман билан бўлган бугунги можаро бунга сабаб бўлган бўлса? У энди бундан буёғига атрофда бўлаётган воқеаларни беғам ва бефарқ кузатишни, ҳамма нарсага бирдек қониқиш билан қарашни, яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам сокин муносабатда бўлишни истамаётган эди.

Наҳотки у ҳамма нарсага бефарқ бўлса? Ҳозир тарбиячининг пандларига қулоқ тутганича директорнинг кабинети сари бораркан, беихтиёр ўзи ҳақида ўйлай бошлади. Винянинг огоҳлантиришлардан қўрқадиган жойи йўқ, ўн тўрт йил ичида уларнинг озмунчасини кўриб қўйдими. Ана шу ўн тўрт йилнинг барини у болалар уйида ўтказди. Бу ерга уни туғилган пайтдаёқ ташлаб кетишганди, сўнг интернатга олишди. «Ташлаб кетишганди...» Кулгили сўз.

Деярли ҳамма болаларнинг кимидир бор. Стасяни қандайдир ҳоласи келиб, таътил даврида олиб кетади. Верадан акаси хабар олиб туради. Валерканинг онаси ўгай бўлса ҳам, отаси ўзиники. Фақат Толик билан Винягина ташландиқ. Ташландиқ! Шуям сўз бўлди-ю! Бунақа сўзни одамларга эмас, майда-чуйда буюмларга нисбатан ишлатиш керак. Лекин баъзан майда-чуйда буюм ҳам кимгадир керак бўлади, уни қидиришади. Толик билан Виняни эса ҳали ҳеч ким сўраб келмаган. Аксинча, уларни ташлаб кетишди: Толикни — хилват боққа, Виняни — Болалар уйи остонасига. Ташлашди-ю, ҳеч бир куйиниб ўтирмай, ўз ҳузурларини ўйлаб, жўнаб қолишди.

Агар ўша кеч совуқ заптига олса ёки Толикни кимдир ўз вақтида топиб олмаганда нима бўларди? Винячи? Остонада ҳеч кимга кераксиз ётган ўша кечада ўлиб қолиши ҳам мумкин эди-ку. Умуман олганда, Толикка нисбатан унга анча одамгарчилик қилишганди: биринчидан, жуда қулай жойда қолдиришган, иккинчидан қоғозга унинг исми-шарифини ёзиб кетишган — Виня Рижик. Исм ҳам, фамилия ҳам бир пулга қиммат! Бу бемаъни сўзларни қоғозга қалтироқ қўллари билан ажн-бужн қилиб ёзган ўша шахснинг кимлигини билолса эди. Қанийди!

Улар директорнинг кабинетига кириб келишди. Директор Савватейя Викторовна қаттиққўл эканига қарамай, шу тобда Виняга диққат билан меҳрибонона кўз қадади. Қора кўзойнак унинг ориқ юзини янада мунг-

ли кўрсатар, қайиш тасма белни пича сиқиб тургани учун битта қилиб ўрилган йўғон сочи унинг бошини орқага тортиб кетаётганга ўхшарди. Гўзал аёл... «Нима учун менда унга ўхшаган она бўлмаслиги керак экан? Ахир кимдир уни «ойи» деб чақиради-ку? Нега мен эмас!»

— Хўш, ўзи нима гап. Рижиқ?— сўради Саввatea Викторoвна.— Гуноҳни қилиб қўйиб, ҳисоб беришдан бош тортганинг нимаси?

— Айтнинг-чи, болаларингиз борми?— жавоб бериш ўрнига директорни саволга тутди Виня.

— Нима?— ҳайрон бўлиб боқди директор.— Ҳа, бор, албатта. Нега сўраяпсан бунни?

— Болангиз ўғилни ёки қизми?

Директорнинг ёнидаги эскича нусхада ясалган стулнинг камалакдек эгилган оёғига йўғон тиззасини тираганича яллаиб ўтирган Антоля Ивановна ташвишли қиёфада қош учуриб, унинг сўзини бўлди:

— Ҳозир сен биздан эмас, биз сендан сўрашимиз керак. Қани, айтгин-чи...

Саввatea Викторoвна тарбиячига маънодор имо қилиб қўйиб, худди тенгдоши билан гаплашаётгандек Виняга жиддий тарзда жавоб қилди.

— Қизим бор. У анча катта. Хўш, нимаиди?

«Янглишмасам, қизингизни ҳеч қачон икки кишилашиб сўроққа тутишмаган бўлсалар керак. Айниқса, қандайдир Антоляга қўшилишиб... Сизнинг қизингизни тунда остонага ташлаб ҳам кетишмаган... Шак-шубҳа йўқки, у чиройли онасига тортган. Сиз қизингиз учун бунчалар даҳшатли ҳам эмассиз, тарбиячининг гапига кириб, унга дағдаға қилмайсиз. У сизни истаган пайтда яйраб қучоқлаши мумкин...»

Виня директорнинг тимқора кўйлагига зеб бериб турган тўқима оқ ёқага беихтиёр кўз ташлади. Наҳотки уни кимдир суйиб қучоқласа, ўпса?! Бунни тасаввур қилиш қийин! Ҳоятда бахтли экан ўша нотаниш қиз!

— Нега жимиб қолдинг?

Виня жавоб қилмади. У на Антоля Ивановнанинг ўқрайиб боқишига, на Саввatea Викторoвнанинг қатъий оҳангда айтилган сўзига эътибор қилар, аёлларга сархуш тикилишидан унинг қандайдир хаёллар билан бандлиги кўриниб турарди.

— Кўряпсизми аҳволни?— Антоля Ивановна асабий қиёфада сочига оро бера бошлади. Сартарошхонага яқиндагина борганди, сочи эса яна тўзғиб кетяпти.

Унинг кўзлари қизғиш тус олди.— Тунов кун Толик сурункасига икки соат томда ўтирди, энди буниси ўзини овсарликка соляпти. Сиздан илтимос қиламан, таътилда Ленинградга боришдан маҳрум қилинг уни. Шу ер ҳам бўлаверади унга!

— Шошманг, шошманг!— унинг сўзини кесди директор.— Рижик, сен чиқиб тур,— энди у илтимос қилаётгандек юмшоққина гапирди.— Бирпасга чиқиб тургин...

Виня коридорга чиқди.

— Унга нима бўлдикин. Хўш, фикрингиз қандай?— бу Савватей Викторовнанинг овози эди.

— Менимча, бу шунчаки... балоғатга етиб бораётганлик балоси. У Анфиса Павловнанинг гапига кирмагани етмагандек, менгаям қўполлик қилди. Агар вақтида олдини олмасак, таомнинг таъми бузилди деяверинг.

— Лекин у анча иқтидорли қизча. Дурустгина сураткаш. Сиз нима дейсиз, уни баттардан қайсар қилиб қўймайлик яна. Бунақаларнинг кўнгли нозик бўлади...

— Нозик? Шу сўтакнинг кўнгли-я? Кўрасиз, яхши-лаб жазо берилса, ипакдек мулойим бўлади-қолади. Ўзи-ку нуқул «уч»га ўқийди, қаққайишига бало борми? Йўқ, мен қатъий илтимос қиламан. Ахир, ҳурмат-обрўини...

Қулф тешиги томонга хиёл эгилиб, хонадаги суҳбатга қулоқ солиб турган Виня эшикдан аста узоқлашиб, уни яна чақириб қолишлари мумкинлигини унутганича ташқарига қараб юрди.

Демак, янги йил таътилини шу ерда, бўм-бўш интернатда ўтказишга тўғри келади. Бировлар Ленинградга жўнайди, бошқаларни қариндошлари олиб кетишади, сўтак қиз эса ипакдек мулойимлашиб, ҳувиллаган ётоқхонада ўтираверади.

Ҳавонинг шашти ўша-ўша — қор ҳануз майдалаб турибди, сийрак томчилар ёққанида эриб, этни жупжиктирганича бўйнингдан кураклар томон оқиб туша бошлайди. Осмон ҳамон рангини ўзгартиргани йўқ — қўнғир пластилиннинг ўзгинаси...

Виня кўлмакда ётган гишт парчаси устига сакради, гишт ағдарилиб, пальтосига лой сачради, ўнг оёғидаги туфлиси балчиққа беланди.

Шу пайт ён тарафдан: «Нима бўлди, Оқпоя, сениям қийнашяптими дейман?» деган товуш эшитилди. Герман ёқали курткасини бошига ёпинганича клубдан.

чиқиб келди. Қандайдир сўзлар ёзиб қўйилган чет эл курткаси. Йирикроқ томчилар гўё сарғиш аврадаги кирларни тозаласанмидек тинимсиз оқиб турибди. Германнинг қорамтир кўзлари тийрак чақнайди, силлиқ тери ли ингичка юзи завқли ва дилкаш кўринарди.

— Герман!— Виня кўлмакни ҳам унутиб, Герман сари яқинлашиб бораркан, иккинчи туфлиси ҳам оғирлашиб кетганини сизди, оёғига совуқ, ўтиб, титрай бошлади.

— Нима дейсан?

— Мени... Ленинградга юборишмайдиганга ўхшайди. Юборишмайди мени, тушуняпсанми?!

Ади-бади айтишиш учун топган жойингни қара-я...— Германнинг юзидаги завқ йўқолиб, худди қаламда чизилгандек текис қошларини учуриб қўйди.— Шундай бўлса-да, айтиб қўяй, сен бекордан-бекорга фожиа тўқияпсан.

— Нега бекордан-бекорга?

— Тагин, Стася иккаламизни айблаяпсан. Стася бугун директорнинг олдида кирмоқчи эди.

— Ростданми?— қувонч билан қичқирди Виня.

— Кирмоқчи эди. Рухсат бермадим.

— Нима учун?

— Нега тушунмайсан ахир?— аччиқлана бошлади Герман.— Бу билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Ҳеч нарса! Сен Анфиса Павловнага итоат қилмаган пайтингдаёқ тарбияни бузиб бўлгансан. Хатни унга бериш ўрнига, қаҳрамонларча чайнашга тушдинг — бу сир. Иккинчидан, Антоля Ивановнага ҳисоб беришдан бош тортиб яна бир марта итоатсизлик қилдинг. Буни билмай қилдингми ёки атайлабми, энди аҳамияти йўқ, бари бир тартиббузарсан. Хуллас, ўз қайсарлигинг билан Анфиса Ивановнанинг обрўйига раҳна солдинг.

— Тартиббузар эмиш! Худди шоҳнинг қасрини бузиб юборганимдай гапирасан-а!

— Шахснинг обрўси олдида шоҳнинг қасри нима бўпти!

Герман тўғриси ни гапиряптими, ҳазиллашяптими — буни сезиш қийин эди. Винянинг наздида у гўё қизнинг жигига тегишни истаётганди.

— Обрўга путур етказилмаса, бас, ҳамма иш жойида бўлади,— давом этди Герман.— Қолаверса, тушунгин-да, кимгадир урилиши лозим бўлган шапалоққа айнан сени юзинг тўғри кепқолишидан сақланишнинг керак эди.



— Қанақа шапалоқ?

— Шапалоққа дуч келган экансан,— дея, курткаси-га яхшироқ бурканиб, сўзини давом эттирди. Герман,— ҳадеб ҳиқиллайверма. Энди ўша тарсаки менга тасодифан тушди, дейиш билангина ўзингни овутишнинг мумкин. Нима бало, ҳалням тушунмаяпсанми? Айтмоқчиманки, кейинги сафар тасодифий шапалоқларга охирги дақиқаларда бўлса-да, чап беришга ҳаракат қил. Вақтида чап беришни ўрганиш керак... Ҳа, бу жиддий масала. Мана ҳозир синаб -кўрамиз... Қани, кутилмаган ҳолатда ўзингни қандай тутишингни кўрайлик-чи...

У курткани бир қўлида ушлаб, иккинчисини чўнтакка тикди. Виня нима бўлаётганини пайқаб улгурмай қандайдир юмалоқ, юмшоқ нарса учиб келиб қоқ пешанасига урилди, кўзига ёпишқоқ нарса сачради. Нима бу? Кафтига юмшоқ ва илиқ бир нарса илинди.

— Картошка! Бор-йўги оддий картошка!— дея ортга бўрилиб кетабошлади Герман.— Мана, тажрибани ҳам ўтказиб бўлдик, ҳозиргина уқтирган бўлишимга қарамай, вақтида чап беролмадинг. Майли, боравер. Қуён шўрликлар сени деб оч қопкетишмасин, картошка ўшаларга аталган,— дея қичқирди у ёрдамчи хўжалик биносининг эшигидан кириб бораётиб. Бу бинода тарбияланувчилар тасарруфидаги ўрдак, қуён сингари ҳайвон ва паррандалар боқиларди. Бир оз вақт ўтгач, сарғиш куртка бинонинг иккинчи қаватидаги деразадан бир кўришиб, яна кўздан ғойиб бўлди, чамаси, Герман иккинчи қаватда жойлашган устахонага кирди.

— Тажриба эмнш!— пешанасини артаётиб, ўзига гудранди Виня.— Йиртқич! Мана сен кимсан!— кейинги сўзларини у дераза тарафга тикилганича қичқириб айтди. Картошка унинг қаттиқ қисилган кафтида бутунлай эзгиланиб кетди.

— Хў, Оқпоя, кимни бўралаяпсан?— қаёқдандир пайдо булган Валерканинг мазахловчи товушини эшитиб, Виня баттар жазавага тушди:

— Мен «Оқпоя» бўлдимми ҳали? Сен... ўзинг пўкаксан-ку! Ювиндихўр! Германга тувакбардор бўлишдан уялсанг-чи, ҳой!— у бир сакрашда кўлмакдан чиқиб келиб, эзгиланган картошкани болакайларга хос бесўнақай ҳаракат билан Валерканинг юзига суртди. Кутилмаган бу вазиятдан эсанкираб қолган Валерка ёнида бир зум қотиб турди, сўнг ҳушини йиғиб олиб, кенгурудек ирғишлаганича Винянинг ортидан югурди.

Лекин қиз чаққонлик қилди: интернатни янги қурилаётган микрорайондан ажратиб турувчи девордан ошиб, кўздан ғойиб бўлди. Бу кўҳна бионинг интернат деб атала бошлаганига кўп бўлгани йўқ, илгарилари у биринчи сон болалар уйи дейиларди, ундан ҳам аввал урушдан кейинроқ ташкил этилган дастлабки пайтларда эса гўдаклар уйи дейиларкан.

Қиз бир-бирига ўхшаш, ҳали совуқ ҳиди анқиб турган риштин уйлар оралаб нафаси бўғзига тиқилгудек бўлиб чошиб борарди. Валерка эса қуёнлар боқиладиган жойда Герман уни кутаётганлигини эслаб, девор олдида тўхтаб қолди, юзидаги ёпишқоқ суюқликни артиб ташларкан, бўшлиққа тикилганича мушт дўлайиб қўйди.

Виня нафасини сал ростлаб олиб, подъездлардан бирига аста кириб борди. Яқинда қуриб битирилган бу уйдан мой, қовурилаётган картошка ва куюнди иси келаётганди. Кираверишдаги эшик ёнига ўриятилган батареяда қуйқа доғлари кўзга ташланар, қаердандир озгина сув томчиларди. Виня ҳузур қилиб қўлини батареяга қўйди, кейин ҳоргин гавдасини чўян қобиргаларга босди.

Гўё у сўнгги соатлар ичида ўз-ўзидан чўкиб, кичрайиб кетгандек эди. Айниқса, Германиянинг «тажрибаси» бағрини иширтдек тилди. Бундан бир неча кун олдин бўлсайди, у бунақа нарсадан ранжиб ҳам ўтирмасди: худди кучукчадек Германия бошдан-оёқ мўлтиллаб қараб қўярди-ю, секунггина юзини артиб кетаверарди ёки қалбида пинҳона ҳасад уйғонганига қарамай, у ёзган хатни Стасяга жон-жон деб узатган бўларди. Панлож, илгарилари Герман гўёки у ҳали тушуниб етолмайдиган нарсаларни биладиган доно кишидек қизга доимо димоғида муомала қилар эди. Нега энди бирдан унинг сўзларини тинглашга тоқат қилолмай қолди? Наҳотки у шу пайтгача қуруқлиги, калондимоғлиги, бошқаларни менсимаслиги билан болаларни ўзига бўйсундириб келган бўлса? Қойил қоладиган нима-си бор унинг?

Герман интернатда пайдо бўлган биринчи кун ҳамон эсида. Виня у пайтда Валерка билан эндигина озмоз дўстлаша бошлаган эди, гоҳ узилган тугмасини қадашга ёрдамлашарди, гоҳ қўйлагининг ситилган жойини тикиб берарди. Аста-секин унинг қалби дўстликдан кўра, Валерканинг унга кўмаклашишга доимо тайёр туришидан кўпроқ ҳарорат оладиган бўлди. Тўғри,

аслида бу майда-чуйда ёрдамлар эди: улар одатдагидек ошхонада бирга навбатчилик қилишганида, ишнинг энг қийинларини Валерик бажарарди — нон ташийди, идиш-товоқларни ювади. Бир кунни машғулот хонасида ёлғиз қолишганда китобдаги бир воқеани эндигина айта бошлаган эди, Антоля Ивановна кириб қолиб, гаининг белига тепди.

Бошқа бир сафар, Винянинг кўнгли нимадандир безовта бўлиб, коридорга чиқди. У ерда Валерка қулогини батареяга тутганича унсизгина ишқиллаб ўтирарди. Ушанда Виня навбатчи тарбиячини безовта қилиб ўтирмай, табобатхонага қараб югурди, сув қайнатиб, горелкага қуйди-да, тезда орқага қайтди. Пича вақт ўтгач, ўзини анча яхши сеза бошлаган Валерка аста бошини кўтариб: «Нима бўлгандаям, ўзимизникисанда, Оқпоя!» дея жилмайиб қўйди. Қиз бундан шу қадар қувониб кетдики, кўнгли енгил тортиб, баданига илиқлик ёйилгандек туюлди.

Энди эса ўша Валерка бутунлай бегона, сизинган ошнаси Герман каби у ҳам Виняга панжа орасидан қарайди. Кичкинагина шу учқуннинг тафтидан ҳам бенасиб қолгани қизни анча пайтгача қийнаб юрди.

Виня ҳозир ҳам ана шундай изтиробни бошдан кечирмоқда эди — бир неча йиллар битта парта, битта иш столида ўтириб, унга сирдош бўлиб келган Яня ҳам бугун кўзига бегонадай кўриниб кетди. Яня — яхши қиз, лекин шу тобда юзи бир лаҳза жиддийлашиб, кўзлари аввалгидек маъносиз ва безавол тус олган Винянинг кўнглида нималар кечаётганини у ҳам англаб етишга ожиз... Балки яна ҳам Валеркага ўхшаб ким кучлироқ кўринса, ўшанга қараб интилишни хоҳлаб қолгандир? «Уч»дан боши чиқмайдиган Винянинг уларга тенглашишига йўл бўлсин...

Герман интернатга келган дастлабки кун гўё хотирага бутунлай михланиб қолгандек туюлаётганди. Сурункали ёмғир ниҳоят тажовузкорликдан чарчаб, фаслнинг қонуний ҳукмдори саналмиш бобо қуёшга жой бўшатишга мажбур бўлган ёз куйларининг бири эди. Намхушликдан синиққан оққайинлар аста-секин қаддини ростлар, майсазордан буғ кўтарилиб турар, томларга ёпиқлан қизғиш сополлар хўроз тожидек товланиб кўринарди.

Интернатнинг ёзги ошхонасида тушлик қилиб олган болалар ташқарига чиқишган, чоғда оёқизи чуқурча-

ларда сувлар йилтираб кўринаётган ялангликда иккита машина келиб тўхтади. Биттасидан тушиб келган қандайдир бошлиқ тўғри директорнинг кабинетига қараб юрди! Нарироқда турган юк машинасини қизиқувчан болалар дарҳол ўраб олишди: одатда озиқ-овқат, газета ва хат ташийдиган бу машинада баъзан болалардан биронтасининг қариндоши келиб турарди. Йўқлайдиган ҳеч ким бўлмаса-да, Виня ҳам болаларга қўшилиб машина тарафга югурди. Йўқлаш нимаси, у билан Толликка ҳатто бирон марта хат келмаган...

Герман ҳўл брезентни қайириб, машинадан тушиш учун оёқ қўядиган жойни мўлжаллаётган пайтда қиз биринчи марта кўрганди уни. У ўшанда жигарранг терили куртка кийган, анча уннаган, ҳатто қандайдир ямоғи бор тор кўкиш шимли озғингина ўсмир эди. Қизлардан бири унинг шимидаги қора чарм ямоқни кўрсатиб, ҳиринглаб қўйганди.

Шу пайт болалар орасидаги Валерканинг Виняга таниш бўлган овози эшитилди:

— Нима, бу ерга у гадоёйликка келганми ўзи?

Ўсмир юқорида туриб, дўстона қиёфада, лекин ўдағайловчи оҳангда жавоб қилди:

— Қизиқ экансан-ку, отахон! Янгиликни вақтда илгаш учун одамзод кузатувчан бўлиши керак. Мен сенга айтсам, машҳур инглиз қўшиқчиси Элвис Пресли саҳнага охирги марта худди мана шунақа сарупода чиққан.

— Агар ўша... Треслий деганинга тупурсам-чи?— яна қичқирди Валерка. Герман эса машинадан дангал сакраб, етти ухлаб тушига кирмаган рақибининг олди-га келди. Валерка ғижиниб мушт тукканича олатасирга шайланиб турарди.

— Жинсийимни нимаси ёқмаяпти ўзи сенга?— сўради Герман.

Уша пайтгача интернатдагиларнинг биронтаси «жинси» дегани нималигини билмасди, Валерка ҳам бир оз анграйиб қолди.

— Бунақа ҳақорат учун тумшуғинга қаратиб битта тортаман, ана унда нимани ёқтирмаслигимни дарров билиб оласан.

— Йўқ, сен менга айт-чи,— бўш келмади Герман,— айнан нима маъқул келмаяпти сенга, буюмми ёки шаклими?

Рақибни ундан нақ бир қарич пакана эканлигига қарамай, жанжалкаш Валерканинг негадир дами ичига

тушиб кетди. Германнинг бўлса, бундан руҳи кўтарилди:

— Мени жинсийим,— деди у шимини кўрсатиб,— ўта охорсизлиги туфайли сенга ёқмаётганга ўхшайди. Ёки ўзларининг ажойиб ва анъанавий шимларига ўхшатиб тикилмагани, қандайдир тушунарсизлиги бонс жанобларига манзур бўлмаётими?

«Ажойиб» эмиш... Бу сифат Валерка ўша пайтда кийиб юрган иштонга сираям мос келмасди: кир, эски чўнтаги оқ ип билан пала-партиш чандилган.

Валерканинг юзлари титраб, янада тўнглик билан деди:

— Фараз қилайликки, омборчимиз бетоблиги учун янгироқ шимни ҳозирча ололмай турибман...

(У алдаётганди. Унинг пўрим кийинишга тоқати йўқлигини, ҳар гал кийим алмаштиришда омборчи аёл уни зўрлагудек бўлиб янги уст-бош беришини ҳамма яхши биларди).

— Хўш, ўзингдан келайлик,— давом этди Валерка.— Қариндошларинг сени кузатаётиб битта шимга ҳам олишмабди-да?

Ҳа, оғир гап бўлди. Унинг бу ерга нима сабабдан келгани ҳали номаълум, балки шўрлик болакайнинг ҳатто биронта қариндоши ҳам йўқдир. Валерка ғанимлик билан тикилиб турган бўлса-да, нотаниш ўсмир унга жилмайиб боқди, сўнг гўдакка муомила қилаётган қиёфада тушунтира кетди:—

— Мен сенга айтсам, отахон, дунёдаги ёшларнинг аксар қисми эндиликда чиройли буюмлардан совий бошлади. Киши чиройли, қимматбаҳо буюмларнинг қулига айланиб қолади, аслида эса буюм инсон учун хизмат қилиши керак, деб ўйлашяпти улар. Мен ҳам кўнглим маъқул топган бу назариянинг тарафдорлариданман. Янглишмасам, сен бу фикрга қаршига ўхшаясан, лаббай?

— Роса опқочяпти-ку!— қичқирди кимдир, ҳамма кулиб юборди.

Шу пайт Антоля Ивановна машина олишга келиб, янги келган ўсмирни ортидан юришга имлади, Виня эса Яня билан Стася ўзаро илжайиб қўйишганини сизди: демак янги бола уларнинг группасига қабул қилинади. Валерка негадир Антоля Ивановна билан Германнинг (тарбиячи уни Герман деб чақирганди) ортидан эргашди: у довидираб қолгандек кўринар, чамаси Германдаги ўзига ишонч ва босиқлик унга қаттиқ таъсир қил-

ганди. Бунн Виня ҳам, уларни қизиқувчанлик билан кузатиб қолган бошқа болалар ҳам пайқаб туришарди.

Тўғри, ўшанда қандайдир нохуш бир сезги ёки мавҳум чигалликдан қизнинг юраги вазлангандек туюлганди. Кейин бирдан атроф қоронгилашиб кетганини ҳис қилди, қурй бошлаган кўлмакларда яна ёмғир томчилари «сакрай» бошладн, ҳамма бир зумда тарқалиб кетди, қиз эса пастга шўнғишга ҳозирланаётган улкан қушдек тажовузқорона бостириб келаётган қора булутлар остида ёмғирдан ивиб, бўш машина ёнида бир ўзи ҳамон сўппайиб турарди. Ҳушини йиғиб олиб у ҳам ўзини панага урди, янада кучайган ёмғир айниқса охириги қадамларда қизни бадан-баданига ўтадиган даражада савалади. У кечгача кўрпада ўраниб ётишга мажбур бўлди, қолаверса бундай пайтда ўзининг ҳам ҳеч қаёққа чиққиси келмаётганди.

У эртасига уйқудан уйғонгач, ҳамма нарса яна ўз жойига тушгандек туюлди. Фақат... кечки овқатдан сўнг Валерка ундан хабар олмади, ваъда қилган китобини ҳам олиб келмади. Нима қипти? Сакраб туриб, ҳали бутунлай қуриб улгурмаган кўйлагини кийди-да, бинодан секингина ташқарига чиқди.

Тунбўйи ҳавоси тамоман бузилиб бўлган осмоннинг фарб томонн очилиб, ўрмон узра қуюқ қизғимтир шафақ яллиғланиб турар, оламни мунаввар этишга тарадудланган нурлар бу шафақ ортидан ёйилган елпиғичдек элас-элас кўзга ташланарди. Эшик ёнидаги дарахтлар ёмғирда чўмилиб олишиб, тўқ-яшил тусда товланишар, қарағайларнинг шохларидаги ўргимчактўрлар кумушдек ярқираб кўринарди. Ҳарёқдан унча олис бўлмаган ўрмондан, дарёнинг нариги соҳилидаги ўтлоқдан шаҳар биноларининг сиқувию, химия корхоналари тазйиқига парво ҳам қилмай, қуёш нури остида ўз эрки билан ўсган майсалар иси димоқни ёргудек уфурарди.

Виня оппоқ сочиқ ва ичига олранг совун солинган пластмасса қутича билан ариқ ёқасига келганида, кўнгли равшан тортди.

Ҳали ҳамма уйқуда. Биргина ошпаз аёл йўғон белига катакгул фартук боғлаб, қандайдир сабзавотларни пичоқда чаққонлик билан майдаларди. Баъзан у оёқларидан биричи ишга солиб, товони билан иккинчи оёғини қашлаб қўяр — чивинлар уни ҳол-жонига қўймаётгани сезилиб турарди. Виня тахтага тирмашиб деворга чиққач, мувозанатини йўқотиб, ердан бўртиб тур-

ган қарағай томирларидан ўзини сақлаб, совуқ қум устига сакради.

Кўчган чимлар ариқда ўзига хос тўғончалар ҳосил қилган, сув яшил кўзалараро осойишта оқиб турганга ўхшар, қирғоқдан тошгани эса тахта кўприк ёнида кичик кўл ҳосил қилганди — интернатдагилар бу ерда ҳатто чўмилишар эди. Кўлнинг энг чуқур жойи новчароқларнинг томоғидан ҳам келмас, шунга қарамай, болалар чўмилаётган пайтда тарбиячилар сув юзасида кўриниб турган бошларни ўзларича қайта-қайта санашиб, атрофда жонсарақ юришарди.

Ун йилдирки, интернатдагилар ёзда дала лагерига кўчиб ўтишади, саккиз йиллик мактаб биносига бориб жойлашадилар. Бу ердаги ҳамма нарса тўғон устига эгилган зирк дарахти, қарағайлар оралаб ўтган қумлоқ йўлак, қирчинзор ортидан бошланувчи кенг дала Виняга ёдаки бўлиб кетган.

Ҳозир соҳил кимсасиз эди, Виня йўл-йўлакай ачиниб, борасолибоқ сувга шўнғиди. Бир неча ёввойи ўрдак ғағиллаганича қирчинлар орасидан ҳавога кўтарилди. Виня сув юзасида пайдо бўлган пайтда силкиниб кетган зирк дарахтидан унинг бошига шабнамсимон томчилар ёғилди. Виня уч-тўрт қулоч отишда кўприкча ёнига сузиб бориб, сирганчиқ тахта устига чиқди, пича эгилиб совунни қалтираётган баданига сурта кетди. Сўнг сувга яна бир шўнғиб чиққач, момиқсиз сочиқ билан баданини арта бошлади, бундан танасига қизиллик югуриб, кўксига илиқлик тўпланаётгандек бўлди. Дурқунлик, эркинлик ва яна қандайдир ғалати бир ҳисдан унинг кўнгли тобора яшнаб бораётганди. У кўзларини юмиб, қаддини ғоз тутганича кўприкча устида сархуш турарди.

...Шу тобда илиққина подъездда тураркан, ўша сонияни афсусланиб ёдга олди. Афсусланиш ўша бахтиёр онларнинг эндиликда ўтмишга айлангани туфайли эди. Лекин уни қийнаётган нарса айнан нима эканлигини у аниқ билмасди: қирчинлар орасидан пўлатдек ярқираб оқаётган шаффоф сув ёки майсалар иси ҳақида нега эндигина ўйлаб қолди? У нимани йўқотганини ҳозир аниқ билмас, чўян батарея куракларини куйдира бошлаган бўлишига қарамай, танаси негадир баттардан қалтираётган эди. Улғайиш ўзи билан бирга йўқотиш олиб келганди — қиз ҳали бу оддий ҳақиқатни тушуниб етиши ва бунга дарровда кўнмаслиги, унга қарши исён кўтариши ва ниҳоят, бундай жараёни бошдан кечириб

бўлган барча жабрдийдалар каби изтиробу аламзадалик ила тақдирга тан бериши лозим бўлади. Одам пайти келиб ҳамма нарсага: ўлимнинг ҳақлигига ҳам, келишувчанлик заруратига ҳам кўникиб кетишлигини у ҳали билмасди. Ҳа, кўникади, лекин, агар у ҳақиқий инсон бўлса, охирги кучи қолгунча курашиб кўникади. У улғая боради, кўп нарсаларни англай боради, ҳозир эса подъезддаги сукунат ичра ўзини танҳо ва йўқотилган нарсадек ҳис қилиб, дилдираб турибди...

Кунлар ўтаверди, қишки таътил бошланиб, Ленинградга борувчи группа Винясиз йўлга тушди. Чамаси, Антоля Ивановна тарбияланувчилар олдида обрўйини сақлаб қолишга қаттиқ ҳаракат қилганди. Эшикдан кираверишдаги улкан биллур қандил; гўё қўли гул мусавирлар истеъдодини шивирлаб ҳикоя қилаётгандек кўринувчи жозебадор, такрорланмас суратлар; олтин, ёқут, чинни андозалардан таралаётган нурлар сеҳрини ўзида акс эттираётган ярқироқ пол; беғам ва шовқинбоз муҳожирларнинг таржимон елкаси оша бу буюмларга ҳайрат билан тикилишлари; ана шуларнинг ҳаммасини бағрига мужассам этган Қишки саройдаги ғаройиб хоналарни кўриш унга насиб этмади. Бундан кейин ҳам ажойиб нарсаларнинг бир қанчаси унинг нигоҳидан панада қолади. Ҳозир эса — яна бир йўқотиш! Лекин, келгусида топиш мумкин бўлган йўқотишга ўхшаб туюляпти. Э, йўқ! Ҳар бир қувонч, ҳар бир ўкинч ва қалб талпиниши ҳеч қачон такрорланмайдиган ўша ягона дақиқалар оғушида қолиб кетади. Қачон униб чиқишини ўзи ҳам билмайдиган уруғлардек хотирада йилма-йил сақланиб тураверади: Виня неча-неча даврлардан бери ўзи сезмаган ҳолда кўп нарсаларни сансалорликка солиб келганидек тураверади. Катталардан биронтасини қучоқлаш, унга эркаланиш хоҳиши нима учун шу пайтгача уни безовта қилмади? Бунга жавоб топиш қийин. Бошқа қизлар тарбиячига яқинроқ ўтириш, кучукчадек суйқаниб, унинг қўлини ушлашга тиришардилар, болалар уйи атрофида ишлаётган кишилар ёнида яширинча ивирсиб юришарди. Буни тушуниш осон — улар кимгадир суюкли, керакли бўлишни истардилар. Ахир, Виня ҳам худди шуни хоҳларди-ку. Лекин нега доимо четда юрарди?

Бунинг сабаби шу эдики, ўн бир ойлик пайтида ёшгина қўйкўз ҳамширага дил-дилдан меҳр қўйиб қолганди. У группага кириб келган вақтда «онажон» деганича югуриб бориб уни қучишга тиришар, бошқаларни



рашк билан нари туртар эди. Балки ҳали қўлини артмай туриб, оппоқ халатга чанг солувчи ёпишқоқ ва бесўнақайроқ бу қизчага ҳамширанинг меҳрибонлиги тарбиячиларнинг ҳазилларидан кейин туғилгандир. Аммо бир куни Виня ким биландир суҳбатлашиб турган ҳамширани кўриб, қоқина-туртина унга талпинди. Борибоқ, одатига кўра унинг оёғидан қучган пайтда, ҳамшира беихтиёр уни туртиб юборди, Виня думалаб кетиб, боши билан столнинг оёғига урилди. Ҳамшира қонни кўриб бирдан бўзарди, шоша-пиша қизалоққа қўл чўзди. Лекин Виня қийқириб йиғлаганича, ўжарлик билан ўзини олиб қочди. Бу ҳол кейинчалик ҳам, токи ҳамшира улардан бутунлай кетмагунича давом этди.

Аста-секин ҳаммаси унутилди, унинг хотирасида ўша вақтдан деярли ҳеч нарса қолмади. Аммо қиз эндиликда уни эркалатмоқчи бўлганларга доимо безиллаб боқадиган, ўзини ҳаммадан олиб қочадиган бўлди. Бу меҳрибонликлар остида кутилмаган кўнглисизликлар яшириниб ётганга ўхшарди!

...Баҳор эди. Апрель ерлардан қиш кўрпасини йиғиб бораётганди, қорлар ўрмоннинг қуюқ жойларидагина жон сақлаб туришарди. Музлар кишанидан халос бўлган сувлар жилғаларда куйлаганича, кўприкни ювиб кетгудек жўшиб оқаётган Городничанка дарёси томон чопқиллашар эди. Соҳилдаги толларни макон қилган қарғалар тўдаси ҳаво илиқлашиб бораётганидан норозидек эрта саҳардан қўлоқни қоматга келтириб қағиллашга тушардилар. Соҳилнинг совуқ шамоллардан панароқ жойларидаги еамбиттоллар шохида эса аллақачон хўппаккина сарғиш исирғалар кўрина бошлаганди.

Ўша куни Виня дугонаси Яня билан соҳил ёқалаб роса қувалашиб юрди. Ўшанда охирги дарс бўлмади, синфдагиларнинг ҳаммаси Городничанка бўйига чиқишиб, баҳор офтобида исинишди, баъзилар эса тўзғоқгуллар онда-сонда пайдо бўлиб, кўкатлар эндигина ниш ураётган майсазорда тинмай чопқиллашарди. Саккизинчи синф! Энди улар ҳам бўлажак имтиҳонлар, келажакда уларнинг тақдирини белгилайдиган янгича ҳаёт йўли ташвиши билан яшардилар. Мактабларда янгича ислоҳатлар бораётган пайт эди. Авваллари уларни тўққизинчи синфда ҳам шу ерда қолдириш ҳақида гап юрганди, энди эса улар битириб чиқувчиларга айландилар. Ун йиллик мактабга эса улардан бир синф пастда ўқиётганлар илнинишди. Қаёққа боришни

ҳал қилиш керак эди — ўқув юртларига кириб, келажакка катта умид билан қараш мумкинми? Умуман, кира олишадими у ерга? Қирганда ҳам, қайси касб бўйича қирган маъқул?

Виня бу ҳақдаги баҳсларга аралашмасди. Ундаги одамовилик тобора кучайиб борар, синфдошларидан четроқда бўлишга тиришар, бошқалар ҳам энди уни безовта қилмай қўйишганди. Балки, синф ҳукмдорлари бўлмиш. Герман билан Валерка унинг олдида гуноҳкор эканликларини салгина бўлса-да, ҳис қилишиб, ундан четроқ юришга тиришаётгандирлар; балки, қизнинг кўзларида пайдо бўлган ҳақгўйлик, аллақандай ғазабноклик ва келишмовчилик аломатлари у билан бошқалар ўртасида девор ҳосил қилгандир?

Уша кунини у ҳамма нарсани унутиб, Яня билан росям қувнади, ариқдан сакраётиб ҳатто сувга ҳам тушиб кетди. Интернатга қайтиб, пойабзалини алмаштиришга ҳам улгурмади, комсомол йиғилиши бошланаётган эди. У ҳўл туфлиги суқилган оёқларини бир-биринга қаттиқ чирмаганича ўтираркан, чидаб бўлмайдиган совуқлик бадан-баданини қақшатаётгандек туюлди.

Кечки пайт группадагилар дарс тайёрлаб бўлишгач, Антоля Ивановна меҳрибонона қиёфада гап бошлади:

— Кечки овқатгача ярим соат бор. Хоҳласанглар, юракдан чиқариб бир чақчақлашиб олсак.

— Юракдан чиқариб!— дўриллади Валерка, лекин Германнинг хўмрайиб қўйганини кўриб, дарҳол бўйинни қисди.

— Мен ўқимоқчиман,— саргузашт китобни очиб, диванга ўтираркан, аста гап қистирди Катя.

Бошқаларда ҳам чақчақлашишга мойиллик сезилмаётганди. Улар шундайин ҳам бир-бирларининг ипидан игнасигача билишади, қолаверса бугун Городничанка соҳилида ўтириб, мактабни битиргач ким нима қилмоқчи эканликлари ҳақида пича гаплашиб олишди.

Герман ҳар галгидек тарбиячининг фикрини қувватлади:

— Нима қипти? Гаплашсак, гаплашаверамиз-да!— Унинг сўзи — сўз! Стася Катянинг қўлидаги китобни юлқиб ёпиб, йўғон ўрилган тилларанг сочли бошини одатдагидек мағрур тутганича тарбиячига яқин бориб ўтирди. Виня бир хомуза тортиб, эндигина расм чиза бошлаган қоғозни иш столи ёпингичининг остига тўқди.

— Хў-ў-ш, азизларим,— бирон янгилик очаетгандек

маънодор жилмайиб, гапга киришди тарбиячи,— мана, мактабниям тугатяпсизлар. Энди ёш бола эмассизлар. Келинлар, бир гаплашайлик, орзу қилиб кўрайлик!— унинг товуши тобора кўтарилиб бораётганди.— Масалан, ўн йилдан кейин... Сизлар ким бўлар экансизлар, а? Хўш, тасаввур қиляпсизми? Қани, кимдан бошлаймиз? Стасядан бошласакмикан?

— Ҳеч шундан қутулмадик-да,— Винянинг қулоғида иссиқ лабларини теккизгудек бўлиб шивирлади Катя. У ора-сира қўлидаги китобни очиб, яширинча кўз ташлар, ўқилмаган саҳифаларга боқиб қўйишнинг ўзи унга ҳузур бағишлаётгандек эди. Виня ҳам остида тугалланмаган сурат турган стол ёпинғичига тез-тез қараб қўярди.

— Хўш, Стася ким бўларкин ўшанда?

Стася кимнингдир қочириғини кутаётгандек, гажакдор бошини мағрур тутганича ҳамон жим турарди. Унинг устки лабида тирналишдан қолган оқиш из — ота-онаси ва укасининг ҳалокатига сабаб бўлган автомобиль ҳалокатидан ўчмас бир хотирот.

— Хирург бўлади!— шанғиллади Валерка.

— Яхши,— дея маъқуллади Антоля Ивановна,— бу Стасяга жуда муносиб. Уни оппоқ халатда тасаввур қилиб кўринг. Ярашадими?

Ҳамма баб-баравар тасдиқлай кетди. Стася гурпулда эътибор қозонганлардан. Фақат «тўрт» ва «беш»га ўқийди, босиқ, ҳамиятли, қандайдир ҳазинроқ.

— Ундан дурустгина хирург чиқади,— деб қўйди Герман.

— Бўлмасам-чи! Тасаввур қилинг — унга оғир беморни олиб келишади, уни зудлик билан қутқариш керак. Шунда Стасямиз дарҳол операция қилиб, инсон ҳаётини сақлаб қолади.

Стасянинг жиддий қиёфаси сал тундлашиб, лабларини қимтиди. Гўё бу ҳолатда у бошқалар фикрини сиполик билан маъқуллаётгандек туюлса-да, унинг қалбига нимадир азоб бераётганини Виня бирдан сезиб етди. Албатта-да! Бу суҳбатдан унинг юрак-бағри эзилиб бораётганди; ахир ўша оқ халатли врачлар қанчалар тиришмасинлар, на отасининг, на онасининг, на укажонининг ҳаётини сақлаб қолишолди! Шифокорлардан ўпкалашга унинг ҳаққи йўқ, лекин нима бўлгандаям, ўзининг тирик қолганини ҳис қилиб турган ўша даҳшатли сонияларда у оппоқ кийимли кишиларнинг муъжиза кўрсатишларига қаттиқ ишонган эди.

Винянинг: «Бас қилинглар!» деб қичқиргиси келди, лекин суҳбат мавзуи аллақачон ўзгариб, энди гап Валерка хусусида кетаётганди. Стася индамайгина четроққа чиқиб ўтирди.

— Ўзинг ким бўлишни ўйлаяпсан, Винька?— дея пичирлади Катя. Яня кўйлагини эҳтиёткорлик билан текислаб, Винянинг бу ёнига келиб ўтирди, суҳбатга қўшилди. У бугун ўзи тўқиган оппоқ гулдор ёқани тикиб олган, бундан унинг тўқ-жигарранг формаси жуда очилиб кетганди. Яня турли нарсалар ўйлаб топишга устаси фаранг: рўмолчалари ҳам попуқдор, баъзан сочини шунақанги ўхшатиб турмаклайдики... гоҳо оддий лентадан кўрган кишининг юрагини жизиллатадиган қилиб галстук тақади. Айниқса сочига алоҳида оро беради. У кўзгу қаршисида узоқроқ ўтиришдан зерикмас, ундан доимо саранжом-сарашталиқнинг иси келиб турарди.

— Ким бўлмоқчисан, ахир?— қистовга олишда давом этди Катя. Виня Янянинг эркинроқ ўтиришига шаронт яратиб сал сурилиб оларкан, жиддий қиёфада жавоб қилди:

— Ажинна бўлмоқчиман!

Қизлар хиринглаб қўйинди.

— Ҳазиллашаётганим йўқ,— шивирлади Виня.— Чунки, сизлар шунчалар хуштаъмсизки, озгина аччиқ қўшиб қўйилмаса бўлмайди. Сизлар шу қадар сулув, ва бежиримсизки, орангизда сизларни чўчитиб турувчи полиз қўриқчиси ҳам бўлиши зарар қилмайди.

— Секинроқ, ҳой,— Виняни ордан турткилади Толик.— Эшитайлик-да энди.

— Нимани эшитмоқчисан?— баланд товушда жавоб қилди Виня.— Германдан ихтирочи чиқишиними?

Герман шу чоғда, ҳақиқатан ҳам, бўлиқ қўлларини кўксига чирмаштирганича унинг сўзларини тинглаётган Антоля Ивановнанинг диққат марказида эди. Винянинг товушини эшитиб, унга кўзларини чақчайтириб боқди:

— Рижик, яна исён кўтармоқчимисан?

— Исён қаёқда, шунчаки гаплашяпман.

— Э-ҳа, гаплашаётганмидилар? Унда чиқиб кетақолинглар... Сапега билан бирга.

Яня Сапега қизишганича сўзга оғиз жуфтлади-ю, индамади.

— Чиқинглар, чиқинглар,— ўз сўзида туриб олди Антоля Ивановна.— Бировларга халақит бермай, ўша ёқда гаплаша қолинглар.

Виня ўз вужудида нафрат ва порозилик туйғулари алангаланаётганини ҳис қилди. Умуман олганда, тарбиячи бу сафар ҳақ эди, индамайгина чиқиб кетаверса бўларди. Лекин туйғулар исён кўтарди-ю, Виня уларга эрк берди:

— Германдан ихтирочи чиқишини тўғри башорат қиляпсиз. Фақат у машина ёки асбоблар кашф этмай... Менимча, у осонроқ яшаш йўлини ихтиро қилади. Тўсиқларга қандай чап бериш, ўзгаларнинг обрўсига пуртур етказмаслик усулларини ўйлаб топади.

Хонага бирдан жимлик чўкди. Виня ҳақоратланишдан чўчиётгани йўқ. У нима демоқчи бўлаётганлигини группадонларини тушуниб етишларига эришишни истаётганди. Йўқ, у эски аламзадалик учун Германдан ўч олмоқчи ҳам эмас. Фақат у бир нарсага ҳайрон — наҳотки баландпарвоз сўзлар билан бирга кирдикорларни яшириш мумкин бўлса? Германиянинг жозибадор ва оқилона туюлувчи сўзлари ортида унинг ўзигагина маълум бўлган тамоман бошқа нарсалар беркиниб ётганини наҳотки болалар тушунмаётган бўлишса?

— Ахир, ҳар қандай обрўни деб хизмат қилавериш ҳам тўғри эмас, — у худди дарс пайтида савол-жавоб бўлаётгандек беихтиёр ўрнидан турди. — Аввал ўша обрўнинг қанақалигини текшириб туриш керак... Ишонч ҳосил қилиш керак!

— Демак, сен ўзинггагина ишонаркансан-да? — деди Герман. — Нима, сенингча ҳамма нарсани текшириб кўриш, ҳаммага шубҳа билан қараш керакми? Хўш, ўзимиздан аввал ўтганларга-чи? Унда Сократ, Платон, умуман, фан ва фалсафанинг ҳоли нима кечади?

Герман бу гал ҳам тутқич бермасликка тиришиб. ўзи ҳақидаги гапни Виня учун анча мужмал бўлган фалсафазорлик мавзунга буриб юборди, энди у билан баҳслашиш қийин бўлади. У гапни аввалги ўзанга қайтаришга уринди, лекин Герман ҳозир уни сафсаталар тўлқинига ғарқ қилиб юборишини, бари бир енгилишини сезиб турарди. Антоля Ивановна тартиббузарларни ташқарига ҳайдаш умидида эндигина сўзга оғиз жуфтлаётган вақтда Виня қизиққонлик билан сўзини давом эттирди:

— Мен ўзимга ишонаман... Мен сенга, Валеркага ҳам шуни айтмоқчиманки, агар киши ўз атрофидагилар қандайдир қўғирчоқлар эмас, балки одамлар эканлигини юракдан англаб турса, демак у — инсон!

— Тушунмадим, — илжайди Герман. — Инсонми, инсонмасми, булар — ҳаммаси одамлар... Умуман нима демоқчи бўляпсан?

Виня пайқаб турибди: Герман унинг нима ҳақда гапираётганини яхши билса-да, билмаганга оляпти, болаларнинг бу баҳсдан тоқатсизланиб, «каллаварам, Оқ-поя, ўзининг яхши тушунмаган нарса ҳақда тортишиб нима қиласан», дейишларини кутиб, гапни атайлаб чалғитяпти.

— Шуям баҳс бўлди-ю, — норози оҳангда деди Антоля Ивановна. — Сен, Рижик, кейинги пайтларда ҳеч нарсани ёқтирмай қолдинг. Вақтни беҳуда ўтказдик, овқат вақти бўлди.

— Йўқ, шошилманг энди! — Винянинг товуши қалтираб чиқди. — Сиз ўзингиз ҳам... Германга ўхшаганлардансиз.

— Виня!

Бу Катянинг огоҳлантирувчи товуши эди. Яна кўрқиб кетиб, дугонасининг қўлидан тутди:

— Винька, нима бўлди сенга? Юр ошхонага...

— Гапиравер, гапиравер, — дея бидирлади Герман.

— Гапираман ҳам! Сиз музюрак ва жоҳилсиз. Сиз бизнинг қиёфамизда ҳар биримизни эмас, бутун группани кўрасиз. Сиз учун оламда биз эмас, группа деган нарса бор холос.

— Сизлар, азизим, ўттизтасизлар, — ҳаяжонланиб жавоб қилди тарбиячи. — Мен — бир ўзим.

— Мен ҳам ачинаман! — таъкидлади Виня. — Сиз эса, мендан ҳам, бундан ҳам, — у Янани кўрсатган пайтда дугонаси ундан қўлини шартта тортиб олиб, кўзларига чўчинқираб тикилди, — анави Верадан ҳам, яъни бизнинг ҳар қайсимиздан ўша ўттизнинг бир бўлагини ясамоқчисиз. Мен ўттиздан бир улуш бўлишни истамайман!

— У ягона бир сон бўлмоқчи, — масхараомуз гап ташлади Герман, сўнг гўё ҳеч нарса рўй бермагандек буйруқ оҳангида деди: — Қани, биродарлар, овқатланайлик энди.

Ҳамма енгил нафас олиб, ўрнидан тура бошлади.

— Менга қаранглар, ҳой...

Антоля Ивановна Винянинг куюниб бошлаган бу гапини заҳархандалик билан бўлиб, деди:

— Етар! Эшитдик гапларингни! Қонинг бузилганга ўхшайди. Зарари йўқ, ҳар қандай дарднинг ҳам давоси бор.

Виня шу тобда ўзини уммонга тушиб қолгандек ҳис қилар, тўлқин унинг устига ёпирилиб, кўймоқчи бўлар, у чўкмасликка жон ҳолатда тиришиб, тўлқин билан бирга юракни ларзага соладиган даражада қалқирди — баландга, баланддан пастга! Лекин у бундай аҳволда эканлигини ҳозир ҳеч кимга сездирмаслиги лозим.

— Сиз яхшиси Германни даволанг,— давом этди Виня.— Ахир уни жудаям ёқтирасиз: у иззатингизни доимо жойига қўяди. Сизни ҳурмати билан ҳам, яна... совғалар билан ҳам сийлайди.

Антоля Ивановна кейинги сўзни эшитгандан сўнг чинакамига бўзариб, титраб кетди: ҳа, группадагилар бу ҳақда кўпдан бери ўзаро шивирлашиб юришар, Виня ҳам бир куни Германнинг қўлида аллақандай сирли тугунча кўрган ва бу тугунча тарбиячининг сумкасига тушиб ғойиб бўлган эди. Германнинг икки йилга чет эл хизматига кетган ота-онаси унга доимо камчил парсалар юбориб туришлари, баъзан Антоля Ивановнага ҳам алоҳида совға жўнатишлари ҳақида группада «миш-миш» гаплар юрарди. Кейинги йил ичида тарбиячи анча пўрим бўлиб кетди: ғалати бурмали чет эл кофтаси, тоза қўлқоп, хушбўй атир...

Эшикка яқинлашиб қолган Герман бирдан ортга ўгирилди. Унинг кўзларида нафрат учқунлари яллиғланиб, Виняга яқин келди:

— Ҳей... ташландиқ! Агар овозингни ўчирмасанг...

— Герман!— унинг сўзини бўлди тарбиячи.— Бу яхши эмас!

— Мен ташландиқ... ташландиқ...— такрорлади Виня.— Сен эса... Сен...

Жанжал пайтида ерга сочилиб кетган қоғозларни йиғиштираётган Толик бир сакрашда Германнинг олдида пайдо бўлиб, унинг ёқасидан қандай тутамлаб олганини ҳеч ким сезмай қолди:

— Ким ташландиқ? Ким! Аблаҳ, ҳозир сени...

Валерка Германга ўз вақтида ёрдам беришга ошиққан пайтда улар аллақачон жангга киришиб, йккаласи бир бирларини мушукталаш қилганларича полда юмай кетдилар, қизлар қий-чув кўтариб уларни ажратишга тиришарди. Портфеллар ағанаб, китоблар сочилар, қаердадир сиёҳдоннинг полга тушиб, чил-чил сингани эшитилди. Муштлашаётганлар шиша парчаларини ғижирлатиб эзишар, Антоля Ивановна қўрқув ва ғазаб билан дераза тоқчасини тинмай шапиллатарди.

Ниҳоят уларни ажратишди. Герман уни ўзидан нари туртишга ҳаракат қилса-да, Стася унинг қўлидан қўйиб юбормай, Виня тарафга тортқилади:

— Бу ҳаммаси... сени ишинг! Аҳволини кўряпсанми?

Виня томирлари тортишаётгандек туриб қолди. У аллақачон хопани тарк этган Яняни кўзлари билан қидира бошлади. Лекин кутилмаганда бошқа бир ҳимоячи топилиб қолди — Вера Кривель. У Виняни ўзининг елкаси ортига суриб, баланд товушда уни оқлашга киришди:

— Нотўғри гапиряпсан, Станислава. Германияни бизга сўфи қилиб кўрсатма. Ҳамманинг оғзига уришга ўрганиб қолган. Ўргилдик бунақанги билимдондан!

— Ҳой, отинча!— Германияни ёноғини сийпалаётиб, иситмадан алжираётгандек қичқирди Стася.— Сен аралашма. Илгарилари бунақа ишлардан панада юрадинг, энди бурун суқяпсанми?

Виня ўгирилиб, Стася ўзини ёмон ҳис қилаётганидан бетоқат бақираётганини сезд: унинг юзи оқариб кетган, кўзлари саросимали, гўё ҳозир батамом ҳушини йўқотадигандек.

Группада бўлиб турадиган турли машмашаларга аралашмай, ҳақиқатан ҳам доимо ўзгалар паноҳидан боқишга одатланиб қолган Вера эса, энди руҳи кўтарилиб, катталарга хос ишонч ва қатъият билан Винянинг қўлидан тутди.

— Стасяга эмас, аввало ўзингга раҳминг келсин,— пиллапоядан Виняни пастга етаклаб тушаётиб уқтирди у.— Антоля холангдан кўрадиганингни кўрасан энди. У тўғри қилади ҳам. Кейинги пайтларда сенга нима бўл-япти ўзи?

— Нега улар... ўзлари бунақа қилишади? Нега? Дам оқноя дейишади, дам — ташландиқ! Нима, ўз исмим йўқми?

— Бор... албатта бор... Юр овқатлангани, қайсарлик қилма... нўхтасиз тойчоққа ўхшаб,— дугонасини сўзлашга ҳам қўймай, бодиллаганича таскин бера бошлади Катя. Виня эса ари чаққандек қўққис тўхталиб қолди.

— Ростини тан олганда, ахир менинг ўз исмим йўқку. Фамилиям ҳам. Тўғримми?

— Валдирама, исминг ҳам бор, фамилиянг ҳам,— Вера бошини ёнга қийшайтириб, кўз қирини четга ташлади. Кўкиш кўзлари катта-катта, истарасизроқ кўринувчи пакана, озғин бу қиз группадагилардан ёши кат-



тароққа ўхшарди. Унинг чеҳрасида қудратли бир босиқлик акс этиб турарди. Виня эса унга янада маҳкамроқ суянгиси келиб, юрагидагини тўкиб сола бошлади:

— Ахир, шуям исм бўптими? Ви-ня. Бунақасини ҳеч эшитганмисан? Эшитмагансан!

— Нега энди, эшитганман. Қўшнимиз пани Аглая бир пайтлар гимназияда ўқирди. У менинг акам — ҳа, акам қўғирчоқдай чиройли йигит эди — ҳақида гапириб, шундай деганди: худди Цезардек келди, кўрди, голиб чиқди. Бунинг лотинча айтилиши: «Вини-види...» хуллас яна бир нималар... уёғи эсимдан чиқибди, лекин «Вини» сўзи борлиги аниқ ёдимда.

— Бундан чиқди, исмин лотинча экан-да? Ҳатто исм деб ҳам бўлмайди. Бу, менимча, «келди...» дегани бўлса керак. Балки, «келгинди»дир?

Виня тўхталиб қолди.

— Аниқроғи... «келгувчи»,— дея тузатди Вера ва улар юришда давом этишди.— Адашмасам, шунақа бўлиши керак. Ҳа, шунақа...

Виня ошхона олдида яна тўхталди.

— Вера, ҳалиги гапларни тўқиб айтдинг шекилли. Ахир... улар...—«ота-оналарим» дейишга унинг тили бормаётганди,— лотинчани билишларига ишониш қийин. Сен... ичингдан тўқиб айтдинг, тўғрими?

— Нима, қасам ичайми, Виня? Ишонмасанг, бошқалардан сўраб кўр. Фақат Цезарь ҳақда биладиганлардан сўра.

— Менга шунчаки тасалли беряпсан,— маҳзун гапирди Виня.— Ҳар қалай, шунисигаям раҳмат. Исмим лотинча деб энди ўзимни овутишим мумкин. Лекин улар... мени ташлаб кетганлар кўпроқ ичиб қўйиб, мастликда оғзига келган исмин ёзиб кетган бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

— Бунча ўзингни қийнайсан?

Веранинг юзида раҳмдиллик ва ҳамдардлик яққол акс этиб турарди.

— Қимман, нимага керакман, деб эзилаверма. Ҳаммамиз ҳам одамзоддан тарқаганмиз. Ҳар биримизнинг ҳаётда ўз ўрнимиз бор, агар нимадир бизга насб этмаган бўлса...

— Менга қара, Вера! Кампирларга ўхшаб гапирясан. «Насиб» эмиш! Худди ҳамма нарсани кечиришинг шартдек... «шундай бўлиши керак эди», «бўлмагани бари бир бўлмайди». Айт-чи, ота-онангни ҳам батамом кечириб юборолдингми?

Очлик ва совуқдан чалажон ҳолга келган Верани интернатга динга телбаларча берилган ота-онасининг қўлидан қутқариб олиб келишганди. Бошқалар каби Виня ҳам ўша телбанамо кимсаларни ғайриинсоний қиёфада тасаввур қилар, ҳозир у ана шу кучли қурол воситасида Верани тамоман карахт қилиб қўйишни ўйлаганди. Вера эса бепарво ва самимий оҳангда жавоб қилди:

— Нега кечирмас эканман? Умуман, буни ўйлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Улар мангу фароғатимни ўйлашарди. Айниқса, отам. Ҳа, сени албатта ўз даргоҳига қабул қилади, дерди у.

— Ким... қабул қилади?— анграйганича сўради Виня.

— Яратганининг ўзи,— дея осмонга ишора қилди Вера.

Винянинг бирдан эти жимирлаб кетди ва улар бўйинларидаги рўмолларини тутамлаганларича анчадан буён ошхона олдида туриб қолишганини сезди. Аллақачон қоронги тушиб қолган, шамол яланғоч бутоқларда хуштак чалиб ўйнарди. Болалар аллақачон ошхонага тўпланиб бўлишибди, чоғи, уларнинг ёнларидан ўтишганини ҳам пайқашмабди. Винянинг юрагида қандайдир қўрқув пайдо бўлиб, совқотаётгандек титраб кетди.

— Маҳшарни назарда тутяпсанми? Йўқ, уёққа боришни ҳозирча истамайман! Очигини айтсам, Вера, бунақа нарсаларни аллақачон каллангдан чиқариб ташлагансан, деб юрардим. Сен бўлсанг...

— Менга нима бўпти? Ахир ҳеч ким билан дардлашим келмаса, нима қилай?— дея хомуза тортиди Вера.— Баъзан менга қанчалар оғирлигини билсайдинг...

Виня пальтосига тузукроқ бурканиб олди. Совуқ шамол унинг очиқ бўйни ва яланғоч қўлларини чимдилаётган эди. Лекин у шу ҳолатда ҳар қанча миқ этмай туришга тайёр: одатда биров билан сирлашмайдиган тошбағир Вера ҳозирда Виняга кўнглидагини тўкиб солаётганди. У на Стася, на Герман, ҳатто Яня билан ҳам бу тарзда сўзлашмаган...

Қизик! Бундай чиқдики, Вера ҳануз ўша эски нарсалар ҳақида ўйларкан-да, Виня унинг ўрнида бўлса, бунақанги хотираларни хаёлидан аллақачон чиқариб ташлаган бўларди. Ахир Вера Интернатга келгандан буён уни мана шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келишди: область «Билим» жамиятининг лектори ҳафтасига бир марта у билан алоҳида машғулот ўтказиб турди; атайлаб унинг учун пионерлар хонасида «Фан

ва дин» деган стенд ташкил этишди (тўғри Вера пионерлар хонасига деярли кирмасди). Бир кун ҳатто Антоля Ивановна ҳам менга қарши маъруза ўқиганди. Гарчи тарбиячи ўшанда турли авлиёлар исмини чалкаштириб юбориб, бир неча бор қизаринқираб, дафтарига қараб-қараб қўйган бўлса-да, ҳар ҳолда уринишлари зое кетмади, Вера диндан юз ўгириб, комсомолга кирди. Шундан сўнг лектор интернатга келмай қўйди, Антоля Ивановнанинг ҳам кўнгли тинчиди, пионерлар хонасидаги стенд вақт ўтиши билан бутунлай сарғайиб кетди.

— Ахир, ота-онам бир йилдан кейин уёқдан... қутулиб чиқишади,— гапида давом этди Вера.— Мен уларнинг кўзига қандай қарайман?

Веранинг ота-онаси художўйликни суинистеъмол қилганликлари туфайли маълум муддатга жинойий жавобгарликка тортилганини Виня яхши билар, улар қамоқдан чиққач, қизи қаердалиги ҳақида ортиқча қайғуриб ўтирмасликлари мумкинлиги Верани унчалар ташвишга солмаса керак деб ўйларди.

— Лекин... ота-онанг сени нақ бўлмаса...— дудуқланди ҳайрати ошиб бораётган Виня.

— Нима қипти?— Виня йирик кўзлари билан ҳазин боқди.— Улардан кечолмайман-ку. Кечолмайман, вассалом. Отамни яхши кўраман. У илоҳий афсоналарни шунақаям ўхшатиб ҳикоя қилардики...

— Наҳотки... шунақа нарсаларга ишонсанг?

— Ҳа!— мулойим, аини пайтда сал илтифотсизлик билан жавоб қилди Вера.— Эҳ, Винька! Бирон нарсадан воз кечишдан олдин нима учун юз ўгиришнинг кераклигини озгина бўлса-да мушоҳада қилиш керак бўлади. Сен эса, буни тушунишни ҳам истамайсан. Лекин, биласанми?..

У хиёл эгилиб, худди бошқатдан ҳушини йиғиб олган кимсадек Винянинг қулоғига шивирлади:

— Биласанми, кўпроқ нима ҳақда ўйлашимни: Тавротда баён этилишича, худо борлиқни яратгандан кейингина, бунинг яхшилигини англаган. Демак, яратаётган олами яхшими, ёмонми — буни ҳатто ўзи ҳам билмаган. Бу одамларинг эса... улар бунёд этган нарсаларнинг ҳаммасига ишонавериш тўғримиқан? Хўш, сен нима дейсан?

Тунги навбатчи ҳаммани уйқуга ётқизиб, кабинетига чиқиб кетгач, Виня секингина ўрнидан турди. Уни нимадир қийнар, пешонаси гўё алангада ёнар, бутун вужуди

пай-пайдан тобора бўшашиб борар, қалбида гоҳ қувноқликка мойиллик, гоҳ сабабсиз зерикиш ўрин алмашиб турарди. У адёлни ёпиниб, қаравотлар оралаб аста одимлай бошлади; Веранинг ёнидан ўтаётган пайтда, у кўзларини катта очиб, дугонасига синчиклаб тикилди, кейин яхшироқ ўраниб, девор томонга ўгирилиб олди — чамаси, ўз хаёллари билан банд эди. Дарча ёнида ётган Стася ҳам уйғоқ бўлиб, иккала қўлини боши остига қистирганича хонага оёнинг кумуш ёғдусини олиб кирган деразага тикилиб ётарди.

— Винька, нега арвоғга ўхшаб ивирсиб юрибсан? — нариги бурчакдан товуш қилди Яня.

— Ажина десанг-чи! — шу қочириқни кутиб тургандек, Вера ҳам гапга аралашди.

— Бўлди-да, эндигина кўзинг уйқуга кетганда жаврай бошлашади, — дея ўгирилиб олди Стася.

— Сен негадир дағаллашиб боряпсан, Стася, — янаям баландроқ товушда гапирди Вера. — Бунинг сайин сенга Антоля Ивановнанинг тобора меҳри ошяпти.

— У ҳеч кимга меҳр қўймайди, — хотиржам жавоб қилди Стася.

— Юрагида меҳр деган нарса борми, йўқми — билмадим-у, лекин кўп йиллардан бери педагогликнинг ноини еб келяпти, уни ҳеч ким ҳайдамоқчи эмас шекилли, — дея қаравотига ўтиб олди Яня.

— Қандай қилиб ҳайдашсин? — кесатди Вера. — Кекса хизматчилардан, интизомда унга тенг келадигани йўқ.

Виня кичик группادا тарбияланувчи жингалаксоч Валечканинг қаравоти қирғоғига ўтириб, суҳбатга қўшилди.

— Директоримиз Савватейя Викторовна бир куни бу кампирдан қўтулишнинг ягона йўли — уни пенсияга узатиш, дегандек бўлувди.

— Буни қаёқдан эшитақолдинг?

— Айтишганди-да.

— Уғринча эшитган бўлишинг керак. Ҳар сафаргидек!

— Балки шундайдир, Стася. Буни тақиқламоқчимисан? Ёки Антоля Ивановнага чаққинг келяптими?

— Виня, худо ҳаққи, кейинги пайтларда вайсақи бўп кетяпсан. Буни бошқалар ҳам сезиб туришибди.

— Қизлар, бас қилинлар жанжални, — мулойим товушда гапирди Вера. — Хўш, давом эттир-чи, Винечка.

— Ушанда директор завучимиз билан гаплашиб тур-

ганди. Агар Антоля Ивановна болаларни севолганда эди, Рижик билан боғлиқ можаролар ҳам бўлмасди, деди... Кейин эса, қари тарбиячини ишдан бўшатоилмаслик сабабини гапирди. Сўнг шундай деди: «Педагогларнинг меҳнат дафтарчасига «болаларга муҳаббат» деган қўшимча катакча чизиб қўйилса, ёмон бўлмасди...»

— Демак, уни йўқотишнинг иложи йўқ!— аччиқланди Яня.— Қасал бўлиб ётганимда, онам мени кўргани келган экан. Тарбиячи уни ёнимга киритмай, қайтариб юборди. Ана, болаларга меҳр!

— Қасал бўлганмидинг?— эслашга ҳаракат қилди Стася.

— Қасали юқумли, деб онамга бақриб берибди. Менга эса бор-йўғи иситма чиққанди. Онам шўрлик уч кунгача беҳуда қатнабди. Ўзи ногирон бўлса!

— Эсларингдами,— ҳиринглади Виня,— Толик унинг стулига босмамихни тесқари қўйиб қўйганди.

— Унга жин ҳам урмайди,— ғудурлади Яня.— Шунча йилдан бери ўтиравериб, кетига без битиб кетган.

— Азинларим, бу безлар сизлар туфайли битган!— бу товушни эшитиб, қизлар бирдан типирчилаб қолишди; Антоля Ивановнанинг бу пайтда эшик олдида туриши ақл бовар қилмайдиган ҳол эди. Ахир у бугун навбатчи эмас-ку.

— Вой!— биринчи бўлиб ўзига келган Яня шоша-пиша кўрпа орасига кирди, кейин бошқалар ҳам.

Бир дақиқадан сўнг гўё Антоля Ивановна сираям ёқтирмайдиган тартибсизлик умуман рўй бермагандек хонада сокинлик қарор топди. Тарбиячи индамасдан қайтиб чиқиб кетди, фақат ҳавода қимматбаҳо атирининг исигина қолди. Чамаси, Антоля Ивановна кино ёки концертдан қайтаётиб эрини ташқарида қолдирган-у, у ҳар эҳтимолга қарши ичкаридан хабар олиб қўйиш учун берга кирган. Авваллари ҳам бунақанги текширишлар бўлиб турган: ахир, сал нарида офицерлар уйи, шаҳардаги энг яхши янги кинотеатр бор.

Қизлар Антоля Ивановнанинг оёқ товушига диққат билан пича қулоқ солиб туришгач, яна баҳслаша кетдилар. Виня эса адиёлга ўранганича юқори қаватдаги ишхонага чиқиб кетди.

Ой энди кўринмасди, у кўчанинг охиридаги бутхона ортига беркиниб улгурганди. Орқа томонидан ёғду таралиб турган гумбазлар шу чоқда яна илоҳийроқ кўриниб кетди.

Эндиликда интернат болалари қароргоҳига айланган кўҳна бино гўё сирли ҳаёт кечирришда давом этар: унинг зинапоялари ўз-ўзидан ғижирлаётгандек туюларди. Вера сесканиб тўхтади-ю, бу ғижирлаш қия очиқ қолган деразанинг шабадада аста очилиб ёпилишидан таралаётганини сезиб, ўзига келди. Дераза остида ўсган каштанининг яланғоч шохлари ойнани тиндалар — бу дарахт қийғоч гуллаганда олранг булутдек кўзга ташланган дамлар беихтиёр ёдга тушарди. Зинапоя панжаралари илиққина бўлиб, бу тафт ёғочнинг ичидан чиқиб турганга ўхшарди — ахир бу силлиқ тутқични қанчадан-қанча қўллар силаб ўтган.

«Қанчалигини санаб бўларканми?» — дераза гирдига ўтириб, хаёлга чўмди Виня. Бошқалар сингари у ҳам яхши билардики, 1939 йилги воқеаларга қадар бу жой саришталик мактаби бўлган. Аёллар бунда саришталикдан ташқари, гигиена, қандолатчилик бўйича ҳам билим олардилар, ҳақиқий уй бекалари бўлишни ўрганишарди. Бинодаги кенг деразали узун коридорлар, пиллапояли даҳлизчалар, қуруми бутунлай тозаланиб битмаган ўчоқли хоналардан ҳанузгача аллақандай хонакилик иси келиб турганга ўхшарди. Еттинчи группа меҳмонхонасининг қачонлардир нақш ўйилган, кейинчалик таъмир талаб бўлиб қолгач, бутунлай шуваб ташланган деворлари ўтмишда кимлардир бу ерда ўз орзу-ташвишлари билан ҳаёт кечирганини ҳикоя қилаётгандек туюларди... Шаҳар кўчаларидаги сийқаланиб кетган тош плиталар, кўҳна мозордаги ёдгорликлар (мозор интернатнинг ёзги ҳовлисига яқин бўлиб, Виня дугонаси Яня билан у ерга тез-тез чиқиб туришарди) ҳам бора-бора Винянинг хотирасига ўтмишга эҳтиром ва ҳайрат сифатида муҳрланиб қолди. Айниқса, қадимий қабрлардан бирига ўрнатилган мармар ёдгорлик сира кўз ўнгидан нари кетмайди. Қолхоздаги болаларнинг айтишларича бу мармар Италиядан келтирилган эмиш. Оппоқ мармар юзасида қизчанинг икки ўрим сочини эслатувчи қоп-қора ингичка чизиқлар бўлиб, пастда очилишга мойил ғунчанинг тасвири туширилганди.

Виня дераза гирдида ўтириб, ана шулар ҳақда ўйлади. Унинг боши тобора оғирлашиб бораётганга ўхшарди, қалбидаги оғриқ ҳали кетмаганди. Валерка уни хунуликда география ўқитувчисидан баттарроқ эканлигига шама қилиб эрмаклагандан кейин бу гап бутун мактабга ёйилди. Қиз ўзини айбдордек ҳис қилар, гўё унинг

айби дунёда ҳеч кимга кераксиз бўлиб туғилгани эди.

«Хўп, майли, балки унга керак бўлмагандирман,— дея ўз онаси ҳақида ўйлади. у,— лекин наҳотки, менда буви ҳам бўлмаган бўлса? Лоақал тоғам ёки холам бўлгандир ахир? Улардан биронтаси фарзандсиз бўлса, мени асраб олақолишарди, вассалом. Қариндошларим шу яқин атрофда яшаётган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас, афсуски, улар мени танишмайди, мен эсам уларни. Балки холам ёлғиз яшашдан зерикиб, уйда аллақандай кучук ёки мушукни асраётгандир? Балки бувим ҳозир қаердадир хасталаниб ётгандир, агар мен ёнида бўлсам, уни парвариш қилмасмидим? Йўқ, онам — ҳақиқий жиноятчи! У фақат мени ўз бағридан бенасиб қилибгина қолмади, қариндошларимдан, меҳрибон суянчиқларимдан ҳам жудо қилди. Қизиқ, мен туғишганларимдан қай биринга ўхшаш эканман: онамгами, бобомгами, балки катта энамгадир?»

Виня қоронғиликка тикилиб тураркан, бирдан кўзлари чақнаб, титраб кетди: унинг назарида қизғиш қовоқлари осилган, башараси совуқ бир киши қора кийимга бурканганича девордан аста ажралиб чиқиб, масхраоумуз тиржайгандек бўлди:

— Хоҳласанг айтишим мумкин, сен бувингга ўхшайсан.

— Ким ўзи бувим?

— Буни нима аҳамияти бор? Қариндош-уруғларнинг кўзи сенга учиб турибдими? Уларнинг ҳар бири ўзини алоҳида сайёра ҳисоблайди, бегона жисмнинг уларга кераги йўқ.

— Мен ниҳолман, ўз томирим қаердалигини билиб олмоқчиман холос,— дея шивирлади Виня.

— Алаҳсирама! Туғишганлар, қариндошлар, оила... буларнинг бари аҳмоқона гаплар. Сен ўзингни ўйла, бугунги ташвишларинг билан яшайвер.

— Йўқ, аҳмоқона гап эмас бу. Менда озгинагина истак бор: дарахтдан кесиб ташланган шохча бўлишни хоҳламайман.

— Озгина деганинг шуми? Бу — кўп, бу — жуда катта истак. Бу истак йўлида одамлар бутун ҳаётини қурбон қилишга ҳам тайёр. Чунки бу истак замирида оёқ остингдаги она тупроқ тафтини юрак-юракдан ҳис қилиш сезгиси ётибди. Бу сезги эса шохлари булутга туташган кўҳна эманга ўз томирларининг қаердалигини

эслатиб туради ва бундай дарахт учун энг ёвуз довуллар ҳам даҳшатли эмас.

Қорага бурканган шарпа энди Винянинг кўзига бошқачароқ кўрина бошлади. Балки қўрқувдан шундай туюлгандир. Шарпа ҳануз сўзлашда давом этарди:

— Аслида инсон туғилишдан олдин бир марта жон таслим қилади, яъни ўзи пайдо бўлган она қорнини тарк этиш ҳам бир ўлим-да. Кейин у ёруғ дунёда қайтадан кўз очади, янги маконда яшай бошлайди. Унинг ердаги ҳаёти тугаган кун иккинчи ва охирги ўлимдир. Лекин одам ҳаётда руҳан бир неча бор ўлиб-тирилиши мумкин. Ҳаёт — жасорат дегани. Жасоратни эса инсоннинг ўзи яратади. Сен шундай жасорат яратишга қодирмисан?

— Мен... билмадим... бу шундай чалкаш масалаки...

— Ўйла! Дунёга нима учун келдинг? Қелишга-ку келибсан, нима қилмоқчисан энди?

— Бу ҳақда ўйлашимга ҳали эрта.

— Йўқ, эрта эмас. Сиз, ҳозирги ёшлар мулоҳаза қилиб кўришни жуда кечиктириб юборяпсизлар, негадир кеч етиляпсизлар. Бунинг оқибати яхши бўлмайди. Токи ўзларингизга четдан назар солиш, сизларнинг хатти-ҳаракатларингизни бошқариб турувчи куч нималигини ҳис қилдим, бир бутунликнинг бўлаги эканлигингизни англаб етиш қобилиятига эга эмас экансиз, қандай қилиб сизлар билан ҳаёт ҳақида баҳслашиш мумкин? Сизлар дарёда сузиб юрган балиқларга ўхшайсиз: балиқлар сувнинг оқимига қараб, унга ўз ҳаракатларини мослайдилар, қачон юзага чиқиш, қачон пастга шўнғиш кераклигини баҳоли қудрат ўрганиб олишган. Улар учраган ўлжани тутиб ейишни билишади-ю, бу нарсалар қаердан келаётганини, дарё қирғоғидан нарида нималар борлигини ўйлаб ҳам ўтиринмайди.

— Мен ҳали ўйлаб кўраман, буларни тушунишга астойдил тиришаман. Лекин... билмадим, тушуна олармиканман?— Винянинг боши тобора оғирлашиб бораётганди, у пешонасини силаб қўйди.

— Тушунишга ҳаракат қил... келгиндисан... ўткинчисан... ҳаракат қил тушунишга...

Бу сўзларни Виня худди тушда кечаётгандек эшитди. У лабларини беҳол қимирлатиб, нималардир дейишга тиришар, аynи пайтда аста-секин сирғаниб, тубсизлик қаърига фарқ бўлиб бораётганга ўхшарди...

Эрталаб ётоқхонага кирган навбатчи тарбиячи Винянинг каравоти бўшлигини кўриб, шоша-пиша юқори-



даги ишхонага кўтарилди. Тепага чиққач қизнинг полда чўзилиб ётганига кўзи тушиб, «тез ёрдам»га қўнғироқ қилиш учун яна пастга қараб югурди.

Эртаси куни Антоля Ивановна ишхонага кириб келганда тарбияланувчилар уни жим ва совуқ қарши олишди. Янядан нима гапчилигини сўраган эди, у индамай юзини ўгириб олди. Бугун нонуштада Герман билан биринчи марта жанжаллашиб қолган Стася ҳам тарбиячига жавоб қилмади. Фақат Герман кўзини четга олиб, ўнғайсизланган қиёфада деди:

— Булар... негадир... ҳаммасини сиздан кўришяпти. Қисқаси... Виня ўлим тўшагида ётибди... Бунга сиз сабабчисиз... дейишяпти.

Антоля Ивановна ишдан қайтгач, ошхонасида сархушланганича узоқ ўтириб қолди. Қозончадаги бўтқа аллақачон қайнаб тоша бошлаганини ҳам сезмаётган эди.

— Овқатинг бугун пийшадими ўзи?— тоқатсизланиб ошхонага мўралади эри. У шошиб турганди: кечки маданият университети машғулотига ўз вақтида етиб бориши керак, ёш кимёгар қиз билан учрашиб, суҳбатлашишга келишиб олишган. Бу туфайли у бугун галстугини алоҳида диққат билан боғлаб, қимматбаҳо француз атирини ўзига аямай пуркаган.

— Ҳа, қўрқаман, улардан қўрқаман!— аёлнинг елкалари титраб, пардозланган нам кипригидан юзига бўёқ оқди.— Сен уларни деб жон куйдирасан. Улар эса... яхшиликка ёмонлик.

— Доим айтаман-кў, педагогликни сенга ким қўйибди!— Эр тезроқ кетишни истар, ҳозир хотинининг арзини тинглаб ўтиришга вақти йўқ эди.

— Нима, заводда ишлайми энди?

— Болалар билан ишломасанг... Ана, кутубхоначилик бор...

Буни эшитиб Антоля Ивановна баттардан ҳўнграб юборди.

— Кўп йиллик меҳнатимга оладиган устама ҳақ нима бўлади? Пенсиям-чи?

Антоля Ивановна кейинги йилларда пенсия ҳақида тез-тез гапирадиган бўлиб қолганди. Бу тўғрида у гўё мансаби оширилаётгандек ғурур билан сўзлар, бундан негадир эрининг ғаши келарди. Ҳозир ҳам бу гапни эшитиб, унинг байрамона кайфияти бирдан бузилди.

— Шуям ҳаёт бўлди-ю,— аччиғланиб бақирди у.— Уйда доим ҳасрат... Буёқда, ана, овқат куйиб ётибди... Саранжомлик деган нарса йўқ...

У хотинининг стул суюнчигига осилиб ётган халатини олиб, шкафга отди, сўнг спортчилардек текис одимлашга тиришганича эшик томонга юрди.

Антоля Ивановна эри кетгандан кейин ҳам узоқ йиғлаб ўтирди. У эрини илгари жуда севарди, шу боис доимо унинг айтганини қилиб, унинг учун яшаб келди, ҳатто унинг хоҳишига қараб фарзанд кўришдан ҳам воз кечди. Энди эса афсуслангани сайин юраги баттардан ёниб борапти. Бунинг устига, ишхонасида ҳам...

Виня касалхонанинг торгина гижирлоқ каравотида беҳол ётар, болишнинг оппоқ жилдида қотиб қолган крахмал қўқиндилари унинг бўзарган юзини таталаб, гашига тегарди.

Бемор кўзини очган пайтда, нигоҳидаги хиёл тетикликни кўрган навбатчи ҳамшира енгил нафас олиб, ўрнидан турди. Винянинг игна изидан моматалоқ бўлиб кетган қўлига навбатдаги дорини юбориш учун шприцни олгани кетди, чамаси. Бу ҳамшира негадир қизга раҳми келиб, унинг ёнидан жилмай парваришлади, дам олиш керак бўлган пайтларда эса барча беморларга қувноқ латифачи сифатида таниш бўлган Сиренага тайинлаб кетарди.

Виня қовоқларини очди-ю, нурдан кўзлари қамашиб кетди. Нақадар кучли нур! Гўё унинг қувватини кўздан тортиб олаётгандек! Бир оздан сўнг кўникиб қолгач, атрофдаги нарсаларга қизиқувчанлик ва боқиб тўймаслик ҳисси билан назар сола бошлади.

— Ҳайрият, анча ўзингга келдинг. Жонинг омон қолганига шукур қил, қизалоқ.

Ҳамширанинг товуши Винянинг қулоғига ёқимли муסיқадай кириб борди. Виня ҳали саккиз ойлик пайтида гўдаклар уйидаги хонада дунёнинг ишларига батамом бефарқ ётган бир дамда қайсидир дикторнинг девордаги радиодан таралган товуши унинг қулоғига ана шундай донатор ва мулойим эшитилганди. Болаларнинг бири йиғлар, бошқаси ким биландир ўйинчоқ талашар, Виня эса нима ҳақда гап кетаётганини тушунса-да, меҳрибон овозга маҳлиё бўлганича жимгина қулоқ солиб ётарди. Бу овозни эшитганда, у тўполончи болаларнинг шовқинсуронини ҳам, уларни тергай бошлаган энаганинг дағдағали товушини ҳам бутунлай унутар, дунёда қандайдир лаззатли бир нарса — инсоний меҳр борлигини мурғак онги билан элас-элас сеза бошларди...

Анча ўзига келиб қолган Виня, худди куйлаётгандек ҳар бир сўзга алоҳида урғу бериб гапираётган ҳамшира-

нинг юзига диққат билан тикилди. Қиз бу юзни яхшилаб эслаб қолишга, аини пайтда нотаниш аёл нима сабабдан унга бунчалар меҳрибонлик кўрсатаётганини тушуниб етишга тиришаётган эди. Атрофда нима бўлаётганидан беҳабар ҳолда беҳуш ётаркан, бу ҳамшира етимхона қизининг қайта кўз очинини ўзи сезмаган ҳолда худодан астойдил тилаб, атрофида тинмай парвона бўлганини, парварниш давомида беморнинг юзигина эмас, баданидаги ҳар бир кичик нишона унга таниш бўлиб кетганини қиз ҳали билмасди.

Виня ўзини ғалати ҳис қилар, гўё аввалгидан батамом бошқача бир дунёга келиб қолгандек эди. Шу дамда ҳатто қуёшнинг қизғиш нурлари ҳам унга бўлакча кўринди, нур танасини эзиб келаётгандек туюлди. Деворнинг тўқ-сарғиш ранги ҳам асаб торларини таранглаштиргандек бўлди. Виня хонадаги буюмларга ҳайратомуз кўз ташлай бошлади. Унга аввалдан маълум нарсаларнинг номи хотирасида қайтадан тикланаётганди: оппоқ тумбочка, остки қисми кўм-кўк девор, тонг нури... Аини пайтда кўнглида бошқа бир тушунча кечаётганди: тумбочканинг ёғочлари оқ бўёқ остида димиқиб кетган бўлса керак; совуқ деворлар ўзгаларнинг дардига бунча бефарқ бўлмаса!

...Унинг янада сезгирлашиб кетган қулоқлари ҳамширанинг ёқимли товушини қабул қилиб олган пайтда унинг дили енгил тортиб, аста жилмайиб қўйди. Виня кулар, янги кун тонгини майин кулги билан қарши олаётганди. Саҳрода ҳолдан тойган кишига тутилган бир қултум сувдек қувватбахш бу шодлик ҳаётга қайтиш тугайли туғилган қувонч эди.

Унинг атрофида рўй бераётган воқеаларга бўлган ҳайрат ва ҳаяжони кун сайин ошиб борди. Виня ўзини гоҳ ундай, гоҳ бундай ҳис қилар, тузалиши секин ва оғир кечаётганди. Врачлар менингит унинг на хотираси, на асабига таъсир этгани, қарийб ўлимга маҳкум бемор хавfli дардни енгиб тузала бошлаганидан ҳайрон бўлганларича елка қисиб қўйишарди.

Баҳор охирлаб бораётганди. Унча узоқ бўлмаган чакалакзорлардан жонсарак бир булбулнинг сайраши тун бўйи эшитилиб турар, дарахт шохларидаги барглар кун сайин қуюқлашиб борар, аллақачон қуруқшаб, ўз поясини тарк этган тўзғоқлар енгил шабада билан бирга очиқ деразадан палата ичига кириб қолар эди. Виня тоза ҳавони қониқиш билан симирар экан, ҳар бир гиёҳнинг исини алоҳида туюб турарди. У каравотида ётиб

деразага термилганича қоронғи тушишини орзиқиб кутар, кундузги бўзранг осмоннинг аста-секин кўкиш тус олиб, сўнг шафақ нуридан нафармонлапа бошлашини, кейин эса яна кўкиш тусга кириб, тобора тўқлаша боришини шавқ билан кузатиб турарди. Шу алфозда ётиб, осмонда юлдузлар пайдо бўла бошлагани, охири кўзни қамаштирадиган даражада чарақлаб кетганини ҳам сезмай қоларди.

Ойлар ўтгани сари бу юлдузлар унга шунчалар таниш бўлиб кетдики, у энди ҳар бир юлдузнинг жойланиши, ҳатто рангини ҳам айтиб бера оладигандек эди. Табиат унинг кўз ўнгида ўзгариб борар, ҳар бир ҳафта, ҳар бир ой унга ўз кўркини намойиш қилишга тиришаётганга ўхшарди.

Виня эндиликда анча ўзиға келиб қолган бўлса-да, ортиқча ҳаракат қилишга юраги бетламас, тунлари ўзининг шу донишманд одамдаги кичик зарра экани ҳақида хаёл суришдан ҳам, кундузлари атрофдагиларнинг гурунгини тинглашдан ҳам зерикмай, каравотда жимгина ётаверарди. Бу орада касалхонага кимлар келиб-кетмади: Унинг ҳозирги қўшнилари ҳам ўзича алоҳида-алоҳида бир одам: қари Любимовнанинг оғзи на гапдан, на овқат ейнишдан қарчарди; Неля Амбросимовна — химия комбинати лабораториясининг илмий ходими; қўйкўз Лида ҳали студент. Сирена бўлса, бу ерга иккинчи марта келиши. Ғалати аёл, бир дақиқа ёлғиз туролмайди, доимо ўзича ниманидир хиргойи қилади, кўзгу қаршисида эшилгани-эшилган.

— Ахир, дўконда сотувчиман-да,— дея жонсараклиги сабабини тушунтирарди у.— Одамларсиз туролмайман. Улар билан сира зерикмайсан: гоҳ бирон янгиликни эшитасан, гоҳ жанжалашишга тўғри келади. Ҳалиги сўтак зиёлилар бўлса дарровда виждонга ёпишишади, мен бўлсам уларнинг ёқасидан оламан. Ҳа, қўрқмайди-я!

Лекин Сирена (уни эркалаб Рена ҳам дейишарди) қайси мавзуда бошлаган бўлмасин, гапнинг охири бари бир эркакларга келиб тақалаверарди. Одамзоднинг бошқа бир бўлағи ҳақидаги бундай даврийлик ҳатто Менделеевни ҳам ҳасадда куйдириши мумкин, дея ҳазиллашарди Неля Амбросимовна. У эркакларнинг иқтисодий аҳволи, хулқ-атвори, маданият даражаси кабиларни бир қарашдаёқ аниқлаб олиб, ўзининг даврий жадвалларидан унга муносиб ўрин топиб берар, деярли ҳеч қачон янглишмасди.

— Бунақа бўлмағур гаплар билан қиз шўрликнинг бошини айланторманг,— палатага кириб келган ҳамшира Винянинг ёнини олган бўлиб, Сиренага танбеҳ берди.— Радиони ҳам ўчиринг, Реня Қазимировна, ҳадеб музыка эшитавериш ҳам кишини толиқтириб юборади.

— Музыка-я?— таажжубланди Сирена.— Қўйсангизчи! Масалан, эрим худо урган жирраки, лекин қўшиқ эшитди дегунча попуги пасаяди қолади. Айниқса, қадимий қўшиқлар уни бирпасда мулла қилиб қўяди, баъзан бошини кафтлари орасига қисиб олиб ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушади. Бундай пайтда уни ҳақорат қилсанг ҳам, миқ этмай ўтираверади. Шунақа қўшиқни эшитган пайтда у ўзини саҳрода ёлғиз юргандек ҳис қилармиш. Серғалва бу дунёда шундай саҳролар борлигидан бағоят мамнунман, деб қўяди баъзан. Гоҳида эркаклардан ҳам ақлли гап чиққанини кўриб ҳайрон қоласан киши.

Любимовна ҳам қизни ўзича овунтиришга тиришарди. Винянинг тумбочкаси ёнига ўтириб, уни қишлоқда тайёрланган қўлбола ҳасип билан сийлар, у-бу нарса-лар ҳақида эзмаланиб гапира бошларди:

— Кеча сенга ялмоғиз кампир ҳақида гапириб берувдим, эсингдадир? Ана энди десанг, қизнинг акалари келиб сўрашибди: «Мунчаям кундан-кунга озиб кетяпсан, сингилжон? Сенга нон етмаяптими ёки бирон дардинг борми?» Қиз шўрлик... ҳм... сенга ўхшаб шалвирганича акаларига мўлтилла-а-б тикилибди. «Биласизларми, акажонларим,— дебди у.— Сизлар эшикдан чиқиб кетишларингиз биланоқ бир жодугар кампир келади: оёқлари ҳам, панжалари ҳам темирдан. Кейин у мени нуқиб-нуқиб қийнашга тушади, охири қонимни сўра бошлайди...»

— Любимовна! Нима бало, қизчанинг қон босимини яна пастлатмоқчимсиз!— ҳамшира Анна Герасимовна эшикдан мўралаб кампирга ҳам танбеҳ беради.— Ялмоғиздан бошқа нарса қуриб кетганми? Кулгилироқ эртаклардан айтсангиз-чи!

— Нима, ялмоғиз қизик эмас экан-да? Қара, қиз бечора шундоққина қуриб қолибди, эртаклар айтиб уни оёққа тургизамиз. Ургилдим ўша дори-дармонларингдан! Ана, қара, Винянг кулиб ётибди.

— Кулдираверинг!— дея далда берган бўлади ҳамшира.— Яхши гап ҳозир унга дорилардан ҳам зарурроқ. Фақат ваҳимали гаплар камроқ бўлсин.

Даволовчи врач Вячеслав Степанович эрталабки на-

зорат пайтида унинг олдида узоқроқ тўхталиб қолди. У сезгир бармоқлари билан қизнинг сарғиш терисидан бўртиб турган қобиргаларига дукуллатиб уриб кўрди, юрак тегишини диққат билан тинглади, пешонасини тириштирганича пича хаёлга чўмди.

— Ғалати қиз экансан,— деди у ниҳоят.— Негадир кўп ўйланасан. Буни нима кераги бор? Кеча китобимни қайтариб бердинг. Уқиб бўлдим, деб ёлгон гапириб ўтирибсан-а. Мени алдаёлмайсан.

— Ҳа... ўқимадим...— иқрор бўлди Виня.— Бунақанги хўрозқандга тобим йўқ.

— Хўрозқандмиш! Уша китоб болаларники бўлсаям, жаҳон адабиёти дурдоналаридан ҳисобланади.

— Нима бўлгандаям, бари бир болаларники-да...

— Аҳа! Демак, каттасан! Ваҳоланки катта бўлиб қолган экансан, тезроқ соғайишинг доимо кўтаринки кайфиятда бўлишингга боғлиқлигини тушунишинг керак эди. Сен эса бундай қилишга уриниб ҳам кўрмаяпсан. Хўш, нега?

Виня врачдан кўзини олиб қочиб, четга ўгирилиб олди. Чамаси, қизнинг касалхонадан кетгиси йўқлигини Вячеслав Степанович тушуниб етганди. Ҳа, биргина у! Соғая бошлагандан сўнг қизнинг кўз ўнгида туғилган янги одам уни ўзига шу қадар маҳлиё қилиб олгандики, энди у группага қайтиб, яна дарс тайёрлаш, навбатчилик қилиш сингари майда-чуйда нарсаларга кўмилиб қолишни истамас, бедор ўтказилган тунлар эвазига топиб олган гўзал одамини йўқотиб қўйишдан қўрқаётганди.

У асосан кундуз куни тўйиб ухлаб оларди. Тунда эса қоронғиликка тикилганича мишжа қоқмай жим ётар, на ўзига, на туғишганларига керакли бўлган Виня Рижик исмли бир қиз нима сабабдан айнан мана шу кўчалари тор кўҳна шаҳарда туғилганлиги сабабларини англаб етишга тиришиб, тонггача хаёл суриб чиқарди. Унга ҳаёт берган, ҳаёт билан бирга ўзларининг феъл-атворлари, одатлари ва ташқи қиёфаси нишонларини ҳам қисман мерос қолдирган ўша номаълум кимсалар ҳам бу қиз ҳақда ҳеч нарса билишмас, балки билишни исташмасди. Унинг учун энг яқин кишилар ҳисобланиши лозим бўлган ўша зотлар Винянинг наздида заминнинг нариги томонида истиқомат қилувчи африкаликлардан ҳам бегонароқ эди. Одамга янги тирик жон инъом этиш қудратига эга бўлган ўша икки зот эндиликда оддий насл қолдирувчига айла-

нишган, инсоният ҳаётининг чексиз занжирга ўзлари қўшган ҳалқанинг қаердалиги ва қандайлигидан тамоман беҳабар эдилар.

«Йўқ, мен дунёга бекордан-бекорга келмаганман,— юлдузлар туркумига синчиклаб тикилганича ўйлади Виня.— Бу олам шундай мукамалки, унда ҳеч нарса ортиқча эмас, ҳамма нарсанинг ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Модомики шундай экан, нега энди мен ўз орзумидларим, мавжудлигим ва ҳаракатларим билан ортиқча бўлишим керак?»

Сирена бир кунни Виняни уйқуга ётқизаётиб шундай деганди:

— Кейинги пайтларда биз жоҳил бўлиб кетяпмиз. Фақат ўзимизни ўйлаймиз, латта-путталар, пул ҳақида ташвиш тортамиз. Агар касал бўлиб қолсак, кўзимизга фақат жонимиз кўринади-ю, бирдан одамлар ҳақда ўйлаб қоламиз, уларнинг орасида бўлсак, улардан далда эшитсак, дардимиз енгиллашганга ўхшайди... Мана, сен етимсан. Ҳеч кимнинг йўқ. Ахир биз — атрофдагилар сен ҳақингда қайғуришимиз керак-ку. Бу — ҳамманинг бурчи эмасми?

— Бунақа фалсафани қўйсангиз-чи, Реня, — ўз каравотидан туриб гап қистирди Целя Амбросимовна.— Ҳар кимнинг ўз калласи бор. Яхшиси, у бошқаларнинг раҳм-шафқатига умид қилмай, ўз оёғида маҳкам туриб яшашни ўргана қолсин.

— Ўзи билганича яшайверсин, демоқчимисиз? — фалсафасини давом эттирди Любимовна.— Хўш, унда бу қизни ким тўғри йўлга солади, ким ақл ўргатади? Айниқса бундақангиларга... кўряписиз-ку, зўрлаб берсанг — ейди, бўлмаса ётаверади. Озиб-тўзиб кетганини қаранг. Сиз бўлсангиз, «ҳар ким ўзича» деб...

— Ҳой, қўйсаларинг-чи шу гапларни. Қиз шўрлик сал дам олсин...

Шундан кейин Виня ҳақиқатан ҳам дам ола бошлади. У эшикнинг кўршапалак товушига ўхшаб гий-қиллашини ҳам, деразада ғужғон ўйнаётган заррин қапотли капалакчаларнинг шувиллоқ товушларини ҳам эшитиб ётар, яқинлашаётган сонияларнинг иси гўё димоғига урилаётган эди. Буларнинг ҳаммаси уни заминда ушлаб турганга; меҳр ва оламини, ташвиш ва ўлим даҳшатини ҳис этишини истаётганга; ундан ниманидир кутаётганга ўхшарди.

Баъзан чексиз зулумот қаъридаги эркин ва бепарқ юлдузларга термилиб ётаркан, унинг миясида яна ўша

тушкун хаёллар чарх ура бошлар, уни «уйга» — поёнсиз қоронғилик тубига чақирмасларидан олдин қодир табиат бойликларидан пала-партиш фойдаланаётган масъулиятсиз ва ўткинчи бир бандадек ҳис қиларди ўзини ва бундан нафаси тобора қисила борарди. Наздида зулумот тобора пастлаб кела бошлар, бунинг саяин умри лаҳзалик чақмоқдек қисқа бўлган ўзи ва барча одамларга нисбатан хўрлиги ошиб борарди. Бундай пайтларда унсиз йиғлар, йиғлаб-йиғлаб, беихтиёр ухлаб қоларди.

Бир куни Виня чўчиб уйғониб кетди: Сирена унинг каравотидан сурилиб тушган адёлни тўғрилаб қўяётиб, кимгадир гапираётганди. Қиз фақатгина «шўринг қурсин, безовтагинам» деган сўзнигина илғаб ололди.

Беаёв, лекин ҳаққоний бу сўз шу тобда меҳр билан айтилганини сезиб турган бўлса-да, унинг туб мазмунини илк бор чуқур ҳис этиб, юраги зил кетди. Пича ўйланиб ётгач, ҳамма уйқуга кетган пайтда секингина бошини кўтариб, каравотига ўтириб олди, ўзини овуштириш мақсадида ойнадан ташқарига тикилди.

Янги ойнанинг ўроғи шаҳар узра хира ёғду сочиб турар, уйларнинг қўққайган шаклигина элас-элас кўзга чалинарди. Яқинроқдаги тўққиз қаватли уйдаги хоналардан бирида чироқ милтиллаб кўринарди.

Винянинг юраги баттар қисила бошлади. Бошқалар безаволгина ухлашар, улар на шўрпешана қиз ҳақида, на ташқарида зорланаётган мушукча ҳақида қайғуришни хоҳлашмаётганга ўхшарди. «Безот!» — бу сўз гўё акс-садо бўлиб, бутун ер юзига тарқалиб кетгандек эди.

Қиз бирдан ҳушёр тортиб, аста ўрнидан турди. Коридордан қандайдир шарпа келгандек туюлди. Пича қулоқ солиб тургач, адёлга ўранди-да, ориқ оёқларини дағал шиппакка суқди, бориб палата эшигини очди.

Қачонлардир бутхона бўлган бу бинонинг бўм-бўш коридори шу тобда унга ўрта асрларни эслатди. Суваб ташланган тош деворлар, ёй шаклида эгиб ишланган шифт унга дағдаға билан боқаётгандек туюлди. Деворни сувоғи кўчиб кетган кичкина қисмида тошга бўрттириб ишланган бутнинг шакли яққол кўзга ташланиб турар, нарироқда ертўлага олиб тушувчи панжара эшикли йўлак бор эди.

Виня олазарак аланглаб, жимликка қулоқ тутганича имиллаб юриб борди. Ҳожатхона ёнига ётганида бирдан тўхталиб, эшикни очди. Ичкарида узун халат



кийган аёл қўлларини юқори чўзиб деворга суянганича турар, нимадандир қаттиқ эзилаётганга ўхшарди. Аёл ўгирилган пайтдагина Виня уни таний олди — Неля Амбросимовна: кўзларида қўрқинч аломати, сочлари гўё биров шафқатсиз юлқигандек тўзғин.

— Нима керак сенга?— дея қизга ўқрайиб қаради у.

— Мен... ҳеч нарса...

Виня беихтиёр орқага тисарилди. Неля Амбросимовна ҳануз унга тикилиб тураркан, ҳозиргина изтироб ва нафрат акс этиб турган кўзлари бирдан меҳрибон чақнаб кетди. Чуқур хомуза тортиб, пича эгилди-да, совуқ сувда юзини чайди.

— Қўрқма,— дея бир қараб қўйди у.— Мен... шунчаки... ваҳимачироқ бўлқолдим шекилли. Умуман олганда, ваҳима қилса қилгудек — яна қанча яшашим номаълум. Балки бирон ой ўрмалаб турарман, балки эрта-индин...

— Нималар деяпсиз!— Винянинг бадани музлаб кетгандек бўлди.— Доктор айтди-ку... энди анча енгил тортасиз, деб.

— Бўлмасам-чи! Энди бир йўла ҳаммасидан қутуламан. Иштиёқим кун сайин сусайиб, бадан-баданларим бўшашиб боряпти, тақдирга тан бера бошладим шекилли. Бу — ўлим дегани. Э, қуриб кетсин!— бирдан унинг товуши баландлади.— Илгарилари ҳеч қачон бу ҳақда ўйламасдим, қўрқмасдим, арзу-дод қилиб ўтирмасдим. Бугунги ишимни қойиб қилишни-ю, эртанги кун сари дадил одимлашни билардим. Эҳ, ҳеч бўлмаса икки йилгина, лоақал бир йилгина жоним ичимда турсайди, ундан кейин беармон кўз юмардим. Бекорга яшамганимга, ортимда нимадир қолдириб кетаётганимга имопим комил бўлиб, тинчгина жон берардим.

Неля Амбросимовна илгари пойтахтдаги радиацион химия кафедрасида ишлагани, лейкамия касалига чалинган, онаси истиқомат қилаётган ўз шаҳрига даволанишга келганини Виня яхши биларди. Собиқ касбдошлари Неля Амбросимовнага хат ёзиб туришар, ўзи гоҳи ҳазиллашиб «икки қуёни қувган биттадан ҳам қуруқ қолади» дегандек, бутун умрини фанга бағишлаб, турмуш қуролмай ўтаётганди. Собиқ синфдошлари эса уни кўргани тез-тез келиб туришар, у ўзини улар қаршисида донмо бир хилда қувноқ беғам тутар: кўрган киши унинг ўлими яқинлиги ва бу ҳақда ўзи ҳам билишлигини сираям хаёлига келтирмасди.

Ҳозир эса унинг аламнок овози касалхонадаги жим-

ликка раҳна солар, гўё кимдир унинг арзини эшитиб, ўша бир-икки йил умрни ҳада этиши мумкиндек зорланиб гапираётганди.

— Энди билсам, дунёда ўз ўлимингни кутишдан оғирроқ, даҳшатлироқ нарса йўқ экан. Тасаввур қилгинки, қўл-оёқларинг аллақачон боғлаб қўйилган. Сўнг томоғингга ўткир пичоқни авайлаб ишқалай бошлашди. Пичоқ аста-секин ботиб бораверади... Вой, сенга нима бўлди?— Винянинг юзи мурдаларникидек оқариб кетганини у эндигина сезди ва унинг елкасидан қучиб, оқиб турган сувга ҳовучини тутди. Сўнг совуқ кафтини қизнинг пешонасига босди.

— Мени кечир, қизалоқ! Кечиргин мен аҳмоқни! Мени қандай жин урди ўзи?

— Ҳечқиси йўқ, Неля Амбросимовна. Мен ўзим...

— Юрақол палатага.

Неля Амбросимовна шиппагини линолеум йўлакда шапиллатганича Виняни хона сари етаклади. Палата олдига етгач, тўхталиб шивирлаганича деди:

— Шошил, қизалоқ. Яшашга, ишларингни тезроқ битиришга шошил. Ҳаётга ҳазиломуз қарама, унинг неъматларидан юз ўгирма. Уни сев, унинг қувончларига таъзим қил, эшитяпсанми гапларимни? Сен унинг таъминини тотиб кўр, эшитиб кўр, ҳис қил...

У шундай дея бошини Винянинг елкасига қўйди:

— Жонгинам Виня... Сенга қандай ҳавасим келяптики...

Виняга октябрнинг бошларида жавоб беришни мўлжаллашганди. «Кейинчалик яна бирон қилиқ кўрсатмаслигига нишонч ҳосил қилишимиз учун сени тағин бир ҳафтага ушлаб туришимизга тўғри келади», деб қолди профессор, сўнг лотинчалаб ўзича ниманидир дўриллаб қўйди.

— Нега жимсан? Хурсанд эмасмисан дейман?— бирдан саволга тутди у.

— Хурсандман,— дея жавоб қилди Виня. У профессорни ўраб турган медик студентларга, «ҳали эртароқ» деб қўйиб, қўлидаги касаллик тарихи варақасини ҳамширага узатаётган Вячеслав Степановичга бирма-бир бефарққина кўз ташлади. Даволовчи врач палатадан ҳаммадан кейин чиқиб борар экан, одатдагидек, оқ халатининг кўтарилган ёқасига бўйинини яшираётиб, Виняга бир қараб қўйди.

Эрталабдан буён ёмғир, касалхона олдидаги қизилсарғиш тусга кирган боғ эндиликда қариб қолгандек

кўринарди. Туклари этни қитиқловчи қалин адёлга ўраниб олган Виня асфальт йўлкачадан шитоб юриб бориб, боғнинг ичкари томонига бурилди, толнинг тагига етганда, ивиган шохлар томига осилиб тушган шийпончага кирди. Нима учун айнан шу бугун боққа чиқишни истаб қолганини Виня ўзи ҳам тушунмасди: касалхонадан ташқари чиқмаслик ҳақида қаттиқ тайинлаганликларига қарамай, ташқарига қандай йўл топган бўлса, худди шундай моҳирлик билан ичкарига кириб олишни мўлжаллаб навбатчининг ёнидан сездирмай ўтиб кетди.

Адёли унинг ингичка оёқларини атайлаб яланғоч кўрсатмоқчидек елкасидан тинимсиз сирғалиб тушар, юзи совуқдан бўзара бошлаган бўлишига қарамай, палатага қайтишни истамас, манзарага термилганича жимгина ўтирарди. Энага уни ахтариб топган пайтда елкадаги адёл аллақачон намиқиб, оғирлашиб кетганди, оёқлари эса юпқа шиппақда совуқ қотганди. Энага қочоқ қизни аёлчасига бўралаб, кабинетида қандайдир қоғозларни титкилаб ўтирган Вячеслав Степановичнинг ҳузурига судрагудек бўлиб олиб кирди. Доктор уларни кўриб, қоғозларни четга сурди, Виняни ўтиришга таклиф этиб, бир неча фурсат унга индамай тикилиб турди.

— Бирон кимсанг борми?.. Ҳм... ҳеч бўлмаса узоқроқ қариндошинг,— деб сўради у ниҳоят.

— Нима, мени бу ердан кетгиси йўқ деб ўйлаяпсизми?— саволга савол билан жавоб қилди Виня.

— Кетишни истамаяпсан, азизим, истамаяпсан,— бармоғини бир-бирига ишқаб, қарсиллатиб қўйди доктор.— Уйлайсанки, агар яна тобнинг қочиб қолса...

— Аксинча!— терслик билан унинг гапини бўлди Виня.— Қасалхонангиз жонимга тегди. Масалан, анави энага мени қанчалик ҳақорат қилганини билганингда эди...

Виня тўлиқиб гапиролмай қолди. Ҳа, Вячеслав Степанович бари бир ҳақ эди. Унинг ёшлик барқ уриб турган силлиқ юзида қизга нисбатан ачиниш туйғуси акс этаётгани учун ҳам ҳақ эди.

— Энага ҳақорат қилган бўлса, демак сени манфатингни ўйлаган,— давом этди доктор.— Сен ўзингга ўзинг куйишинг керак, оёққа турғазиб қўйдик, қолгани ўзингга боғлиқ. Ҳаёт — ғоятда подир нарса. Бошинг омон бўлса, орзуларингга етиш учун ҳали кўп ишлар қилишинг, кўп куч сарфлашинг лозим бўлади. Балки, машҳур рассом бўларсан... ахир, чизишга анчагина қўлинг келиб қолибди, янглишмасам...

Винянинг яна нафаси қисилгандек бўлди, юзи аста секин қизара бошлади. Вячеслав Степанович бўлса унги самимий қарашда давом этарди. Наҳотки расмларни кўриб, хафа бўлган бўлса? Қиз чизган суратлар орасидан Вячеслав Степановичнинг бармоқ қирсиллатиш, бўйинини ёқа ортига яшириш сингари одатларига киноя қилиб ўтилган бир нечта шархлар ҳам бор эди. Қизиқ! Расмларни қаёқдан кўра қолди экан, ахир уларни найча қилиб ўраб, ип билан боғлаган, тумбочканинг ичкари бурчига яшириб қўйганди-ку? Виня бу расмларни ҳақиқатдан бошқаларга сездирмай чизган, бу сирни бундан беш йилгача ҳафта илгари соғайиши умидсиз бемор сифатида онасининг уйига жўнатилган. Неля Амбросимович биларди холос.

— Расмларни энага топиб келди, энага!— унинг фикрини уқиб олгандек, тушунтирди доктор.— Сўнг билан у билан ўзига хос ижодий баҳс ўтказдик. Энага этикадан дарс олди — чунки бировларнинг буюмни титқиллаш одобдан эмас; мен эса — эстетикадан...

У чуқур хомуза тортиб, пича индамай тургач, гапни тамоман бошқа мавзуга буриб, деди:

— Афсус, кап-катта бўп қолибсан. Бўйинг етиб қолибди...

— Нима?— Виня ниҳоят Вячеслав Степановичнинг кўзига қарашга журъат этиб, унга ҳайрон бўлиб боқди.

— Якшанба кунлари сени уйимга таклиф қилиб туришим мумкин эди,— ўйчанлик билан изоҳ берди у.— Яшаш тарзингга ўзгартиш киритмоқ керак, азизим, ҳеч бўлмаганда, кимникигадир меҳмонга бориб туришини зарур. Меникига борсанг... хотиним олайibroқ қараримикан сенга... Мана шунақа!..

Виня энди ўзининг даволовчи врачига ёш қизчага хос бўлмаган назар билан нигоҳ солди ва доктор унинг кўзига одатдагидан қарироқ кўриниб кетди: озгин юзида — ҳорғинлик, қоғоқ остида — солинчоқ, кичик ажинлар... Чамаси қизга ўхшаб унинг ўзи ҳам меҳр ва ҳароратга ташна эди. Унинг бошқаларга номаълум бўлган ўз сирли ҳаёти мавжуд эди. Қанақа ҳаёт у? Уни уйда ким, қандай кутиб олади, ҳатто Винядек ҳимоясиз ва асаби толиққан бир қизга олайиб қараши мумкин бўлган ўша аёл қанақа экан ўзи? Интернатда улғайган ёввойи табиат қиз билан ҳеч қачон маслакдош бўлолмаслиги, иккаласининг мавқен ва йўли ҳар хил эканини тушуна туриб, худди қалбига ҳамоҳанг кишини топган-

дек нима учун Виняга ўзини яқин туттишга уриняпти бу доктор?

Қиз қалбини қандайдир алам қўққисдан қамраб олгандек бўлди: яна бир номаълум йўқотиш! Яна ўша даҳшатли ёлғизлик! Виня шу тобда йиғлаб юборадигандек эди, лекин Вячеслав Степановичнинг жилмайиши улар орасида эндигина пайдо бўлган ҳамдардлик ва яқинлашув иппини беаёв узиб ташлади:

— Борақол, азизим, борақол. Бунақанги жанжаллардан кейин дам олишинг керак. Гапларимни эсдан чиқарма — ўзингни эҳтиёт қил!

Қиз бош эгганича хонадан югургудек бўлиб чиқиб кетди. Доктор унинг ортидан беихтиёр бир талпинди-ю, сўнг қўл силтаб қўйиб, касаллик тарихи варақаларини ўқнишга тушди. У ўзини Виня олдида нима учун айбдордек ҳис қилишини ўзи ҳам тушунмас, ҳозир бу ҳақда ўйламасликка тиришиб, бошини кафтига тираганича яна ишга шўнғиб кетганди.

Виня тушлик қилиб бўлгач, даҳлизга чиқиб, пиллапоядан ора-сира уёқ-буёққа қатнаб турган энага ва ҳамшираларга бепарво тикилганича анча фурсат хомуш ўтирди. У озғин бўлгани, бунинг устига қунишиб ўтирганидан худди ёғоч тувакда ўстирилиб, бурчакка ўрнатилган ёш пальмага ўхшаб кўринарди.

Бўйчан ва қоқсуяк бир кампир аста келиб қизнинг ёнидаги креслога чўкди ва кенг ойнадан ташқарини кузата бошлади. Унинг оддий ип пайпоқдаги оёғи тинимсиз қалтирар, оқ рўмол остидан сирғалиб чиққан пиликсимон сочларининг бир қисми қонсиз ёноқлари сари осилиб тушган, қолгани буришқоқ бўйнини яширишга интиларди гўё. Виня бу кампирни авваллари ҳам ташқарида бир неча бор учратган, у деярли ҳеч ким билан гаплашмас, бир четда жим ўтириб кеч бўлишини сабртоқат билан кутарди.

Яқинда Яня дугонасини кўргани касалхонага келганди. Улар ташқарида сайр қилиб юришганда шу кампир йўлиқиб қолди-ю, Яня негадир жунжикиб кетди.

— Худо ҳаққи, бу кампирдан ялмоғизликнинг иси келяпти!— деганди ўшанда Яня.— У билан гаплашмасликка ҳаракат қил, Виня. Улай агар, бундақалар яшашга бўлган иштиёқингни бир зумда пасайтиради-қўяди.

Яня эндиликда техникумда ўқиётганди. Баланд пошнали туфлини умрида биринчи марта кийган бўлишига қарамай, пойабзал унинг капрон билан «зирҳланган» оёғига бинойидек ўтирганди. Ташқарида уни доимо

кимдир: гоҳ «стилягалар» деб ном қозонган тор шимли олифталар, гоҳ кўзойнак таққан сипо йигит кутиб турарди. Орадан ўтган бир ярим йил ичида дугоналари батамом ўзгариб кетганлигини Виня энди яққолрок сеза бошлаганди: Янянинг юриш-туришидаги пўримлик ноз-карашма унинг бўйи етиб қолганидан дарак бериб турарди. Виня эса ҳануз ўша-ўша; ҳаракатлари қўпол бадқовоқ бир ўсмир. Ўзи орзиқиб кутаётган пенсия сари жуда яқинлашиб қолган Антоля Ивановнанинг назоратидаги саккизинчи синф ўқувчиларидан деярли фарқи йўқ.

Виня ҳозир касалхона даҳлизининг бурчагида қунишиб ўтираркан, ҳаёт ҳақида шунча нарсаларни билиб олган: баъзилар итоаткорона, айримлар эса Неля Амбросимовна каби исёнкорлик билан ўтишга мажбур бўлган йўқлик дарвозасини эндиликда бутун даҳшати билан тасаввур қила бошлаган бир қиз ғўр ўсмирлар билан бир партада ўтириб, Антоля Ивановнанинг дарсларини тинчгина тинглай олиши энди мумкин эмаслиги ҳақида ўйлаётганди. Ҳеч ким учун севимли бўлмаган ва бундан доимо эзилиб юрувчи Антоля Ивановнага ҳам, ўзининг оловдан куйишини ҳали билмаган ҳолда унга борлиги билан талпинаётган парвонани эслатувчи Яняга ҳам, ҳаёт билан вилолашишга кўзи қиймаётган Неля Амбросимовнага ҳам шу дамда унинг раҳми келиб кетди. Неля Амбросимовна қорайиб кетган лабларини жонжаҳди билан тишлаб, ҳаво етмаётгандек чуқур-чуқур нафас олар экан, камгап ва чўпдек қуриб қолган онасини қучиб, шундай деганди: «Истамайман, онажон! Истамайман! Яна ҳеч бўлмаса бир ой, ақалли бир ҳафтагина яшагим келяпти!!!»

— Сенга нима бўлди, болам? Нега йиғлаяпсан?

Енидаги креслода ўтирган кампир Виняга ўша жиддий нигоҳ билан боқиб турар, лекин юзида сезилар-сезилмас ҳамдардлик аломати пайдо бўлганди.

— Мен... шунчаки ўзимча...— пиқиллаб жавоб қилди Виня ва мушти билан кўз ёшларини артди.

— Хафа бўлаверма, яқин орада жавоб бериб қолишар. Онангни соғиндингми, дейман?

— Мени онам йўқ!— Виня кенг халатининг тугмаларини қадай бошлади, сўнг қўшиб қўйди:— Мен болалар уйида катта бўлганман. Интернетда ўқийман.

Кампирнинг жодугорона кўзлари қизчага бирпасда бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Кейин ўрнидан туриб,

совуқ қўлларини Винянинг хиёл эгилган боши устига қўйди.

— Сени бир эшитиб кўрмоқчиман... Фақат, қўрқма, бўлганими?

Виня аввалига боши устида қўл эмас, оғир тош турганини ҳис қилди. Сўнг бу тошдан аллақандай илиқлик оқаётганини сезиб, ҳайратга тушди. Бошидаги тош ҳам тобора енгиллашиб бораётгандек эди.

— Хўш, кўнглинг енгил тортдимми?— жилмайиб сўради кампир.

Қизик! Унинг тишлари ҳали мустаҳкам ва оппоқ эди. Юзларини ажин қоплаган шундай қари кампирда-я! Лекин бу юзлар энди Виняга аввалгидан қўрқинчли кўринмаётганди. Аксинча, истараси иссиқ, кулгиси самимий. Таажжуб, Янияга унинг нимаси ёқмаган экан?

— Нима, сиз... табибмисиз?— қизиқувчанлик билан сўради Виня.— Бунақа иш ҳатто Вячеслав Степановичнинг ҳам қўлидан келмайди.

— Эҳ, болам-а, бунақа кучни фандан эмас, заминдан олиш керак,— хаёлчан жавоб қилди кампир.— Бунга қандай қодирлигимни ўзим ҳам ўйлаб, тагига етолмайман. Ахир мен олим эмас, шўрпешана бир одамман, бунақа нарсаларнинг сабабини ўйлаб топиш... биздақангиларга йўл бўлсин...

Даҳлиз қоронғилашиб қолган пайтда қаёқдандир пайдо бўлган Вячеслав Степанович девордаги улагични шақиллатиб босиб, қувноқ товушда деди:

— Хўш, кечки муолажадан қочиб юрган беморларим кимлар экан ўзи?

— Мен аллақачон беркинмай қўйганман,— салгина қовоқ уйиб жавоб қилди Виня. Кампир эса Винянинг касалхонадаги ёш, нўноқ сартарош сочини деярли сипсийдам қилиб қўйган бошидан шоша-пиша қўлини тортиб оларкан, ноқулай аҳволга тушиб, серрайиб туриб қолди. Вячеслав Степанович уларга халақит берганлигини англаб етди.

— Шошилманг, Печурко,— дея, кетишга шайланган кампирни тўхтатди у.— Айтгандай, исм-шарифингиз қанақа эди? Мариля... ҳм...

— Чапанироқ қилиб Мариля хола деявернинг,— кампир одатдагидек консиз лабларини чмириб қўйди.

— Яхши, яхши... Кўриб турибманки, сиз билан гаплашиб Виня анча енгил тортганга ўхшайди. Кўзлари чакнаб турибди. Шундай бўлгандан кейин, энди уни ёлғиз қолдирманг.

— Мени қўлимдан нимаям келарди? Мана, сизлар дўхтирсизлар...

— Яхши гап баъзан ҳар қандай дори-дармондан ўкироқ таъсир қилади кишига. Қаранг, Виня нимас биландир ҳатто сизга ўхшаб ҳам кетади. Сизларни авалдан билмаганимда эди, ўлай агар, яқин қариндошларсиз деб ўйлаган бўлардим.

Мариля холанинг қайтадан ёввойиларникидек қўнқинчли тусга кирган кўзларида чўчинқираганга ўхшаган аломат балқиди. У Виняга бир қараб қўйиб, ҳаяжонли нигоҳини докторга қадади.

— Ҳеч қанақа қариндош керак эмас менга!

— Афсуслар!— ҳафсаласи бир бўлди докторнинг. Чамаси у бошқа гапни кутганди, шу боис энди қуруққин қилиб деди:— Сиз ҳам етимларга меҳрибонлик қилишни хоҳловчилардан бўлсангиз керак деб ўйлагандим. Модомики ундай эмас экан... Умуман, болаларингиз борми ўзи? Нега сиздан ҳеч ким хабар олмайди?

— Болаларим бор-йўқлиги билан ишингиз нима?— Мариля хола шошилганича нари кета бошлади.— Менгиз ҳеч нарса керакмас, ўзимнинг ғамим бошимдан ошиётди.

Винянинг юрак-бағри алам ва уятдан ўртаниб кетди. Мариля холага ёпишиб олаётгани йўқ-ку, балодан хазар қилгандек намуноча ўзини олиб қочмаса? Виняга шундайин ҳам икки-уч кундан кейин жавоб беришади: кетади, ҳеч кимга ёпишиб олмайди. Аксинча бугун кампирнинг ўзи унинг ёнига келиб... Эҳ, Вячеслав Степанович алланарсалар ҳақда алжираб, ҳамма говгани ўзи қўзғади.

Қиз шахд билан ўрнидан қўзғалиб, кампирнинг ёнидан чопқиллаб ўтди-да, даҳлиздан чиқиб кета бошлади. Бир бошландими, кўнгилсизлик устига кўнгилсизлик келиб чиқаверади. Виня шошилишда ҳамшира қиз Зояга урилиб кетди: чил-чил бўлган шишаларнинг жаранги ҳамширанинг қўрқиб қичқиргани унинг қулогини қоматга келтирди.

— Жинни бўп қолмадингми?— дея бақирди Зоя.— Ахир бу дориларни кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсан! Қидириб-ялиниб зўрға топган эдик.

— Топасизлар-да!— жавоб қилди Виня.— Чунки беморингиз министрликда ишлайди. Бунақаларга ҳамма нарсани муҳайё қиласизлар.

Ҳамон алам ва уятдан ўртанаётган Винянинг дағал товуши ҳатто ўзи учун ҳам бегонадек эшитилди. У Си-



рена қачонлардир қулоғига қуйган гапларни ҳозир бе-  
ихтиёр такрорлаётган эди.

— Нима, нима?— мингиллади Зоя.— Кимга нимани  
муҳайё қилибмиз, хўш? Қалланг жойидами, мишиқи?

Вячеслав Степанович уларга яқин келиб, ҳамшира-  
ни тинчлантиргач, Винянинг елкасидан ушлаб, меҳри-  
бонлик билан палата сари бошлади. Винянинг оқариб  
кетган юзи худди кунгабоқар қуёшга талпингандек ал-  
лақандай умидворлик билан доктор томон ўгирилди.  
Ҳа, дунёда меҳрибон кишилар топилади, уларнинг бор-  
лиги нақадар яхши!

Виня тунда ғалати туш кўрди: у осойишта ва илиқ  
дарёда сузиб юрар, онда-сонда кўзини очиб, зилол сув  
остидаги қумлоқни томоша қиларди. У ерда кумушсимон  
жажжи балиқчалар одам шарпасига парво ҳам қилмай  
бамайлихотир сузиб юришар, Винянинг яланғоч елкаси-  
га юқоридан урилаётган олмосранг қуёш нурлари уни  
қиздириш ўрнига, танасини тобора совутаётганга ўхшар-  
ди. Қиз тун қаъридан туриб ҳайратланар, чунки у ин-  
тернат ҳақидаги энг бўлмағур хотираларни тиклашга  
қанчалар уринмасин, унинг хаёлида нуқул яхши тасав-  
вурлар жоғланаётганди. Мана, Янянинг онаси ўз қизи  
ва Виняга тиллақоғоз билан ўралган каттакон шоколад  
узатяпти. Виня қоғозни авайлаб оча бошлаган эди, у  
бирдан балиқчага айланиб, бир типирчилашда қўлидан  
сирғалиб чиқиб кетди...

Уйғониб кетган Виня ўз ёнида кимнингдир ўтир-  
ганини сизди. Диққат билан нигоҳ қадади: Мариля хола  
бамисоли алвастидек тош қотганича миқ этмай ўти-  
рибди.

— Қўрқма, болам,— Виня қўлининг адёл устида эка-  
нини эндигина сизди. Қўли ҳўллигини пайқагандан ке-  
йин эса, нима учун тушида дарёни кўргани ҳам ойдин-  
лашди.— Қўрқма... Кечир мени. Баъзан ёвузлашиб ке-  
таман. Умуман, меҳрибонлигим кимга ҳам керак, кимга  
ишлатаман уни... ёлғизгина бўлсам? Ёлғизман!

Палатадагилардан бири енгил хуррак отиб ухлар:  
узоқдаги қизил чироқли телеминора шамолда тебрана-  
ётганга ўхшаб кўринар; куз қоронғиси касалхона девор-  
ларини сиқиб келаётгандек туюларди.

— Сендан бир нимани сўрамоқчи эдим: сени ким  
етимхонага топширган, ота-онанг қаерда!

Винянинг кўзлари қоронғиликка кўника боргани  
сайин Мариля холанинг қиёфасини ҳам тобора аниқроқ  
кўра бошлади. Балки бу кампир ҳақиқатан ҳам унга ўх-

шашдир? Балки хаёлпараст ва омадсиз докторнинг меҳрибонлиги қўзиб, бу гапни шунчаки тўқиб чиқаргандир? Чамаси, у, агар одамлар нимагадир ишона бошласа, охири улар бу ишончга кўникма ҳосил қилиб, ўз-ўзларини овута бошлайдилар, деб ўйларди.

— Ҳеч кимим йўқ,— нохуш жавоб қилди Виня.— Болалар уйнга ташлаб қочишган мени, кимлиги номаълум. Фақат исм-фамиллямни ёзиб қолдиришган. Буниям тўғриси эзишганми, йўқми — худо биледи.

— Худо билса ҳам, бари бир айтмайди,— қоронғиликда кулди Мариля хола.— Энг ёмони сен ундан сўролмайсан ҳам, пайти келиб унинг ўзи сени сўроққа тутеди. Шунақа, болам... Демак, туғишганларинг тўғрисида ҳеч нарса билмайсан?

— Йўқ... Буни сизга нима қизиғи бор ўзи?

— Қизиғи... Докторнинг айтишича бизлар ўхшаш эмишмиз. Аввалига қизишиб, уни талагудай бўлдим, кейин ўйлашиб қолдим: ахир у на сенга, на менга ёмонликни истагани йўқ-ку. Қолаверса, сен беҳудага...

— Нима беҳуда?

— Ганимни бўлма, болам. Айтмоқчиманки, сен ҳам ёлғизгина экансан. Уйлаганим сари қалбимни нимадир кемираверади, кемираверади. Илгарилари юрагим бутунлай тошга айланган, деб юрардим, энди билсам, ундай эмас экан. Эзила бошлаган экан, демак юрагим бор... Эҳ, биласанми, менинг Василийимни кўзимнинг олдида ғалвир қилиб ташлашган, ўшандан буён юрагим борлигини сезмасдим. Ортиқ яшай олмайман, бу дунёнинг юзига бошқа қаролмайман, деб ўйлагандим ўшанда.

— Василий... ким уни...

Ким бўларди, анави газандалар-да — эсэсчилар. Бечорагинамнинг қўлларини боғлашиб, «қани югур!» деб бақаришди. Югура бошлаган эди... улар яқиндан туриб ўққа тута кетишди. Ҳар бир ўқ менинг юрагим орқали ўтиб борган бўлса-да, мен эмас, Василий ҳалок бўлди. Уша ўқлар худди «инсон яшаса арзийди» деган сўзни менга такрор ва такрор эслатиб туриш учун қалбимга бир умрга санчилиб қолгандек туюлади. Аслида яшаш арзимади, дегим келади, болам. Баъзан ўйлаб қоламан: нодон Василийгинам гуноҳ иш қилмаганмикан... бирон бир қиз билан... Балки, ундан бола ҳам қолгандир-у... Сен мабодо қирқ учинчи йилда туғилмаганмисан? Йўғ-е, ёш бўлсанг керак, а?

— Эллик иккинчи йилман... Эллик иккинчи йилда туғилгансан дейишади ҳар ҳолда.

— Билувдим-а, шундай бўлса ҳам, сўрагим кела-верди. Бор, сўраб кўр, дейман ўзимча, сўраганинг айби йўқ деган гап бор ахир. Эрталабгача кутишга ҳам тоқатим етмади. Кечир, безовта қилдим сени...

Виня оёғи увиша бошлаганини ҳис қилиб, чўзинқираброқ ётишга тиришди. Мариля холанинг эса кетгиси йўқ эди, чамаси. Виня яна ўтириб олди. Кампир каравотни ғижирлатиб безовта қиёфада ўғирилди-да, қизга бир зум бемаъно нигоҳ қадаб турди.

— Онанг ким ўзи? Улмаганми, ишқилиб?

— Айтдим-ку сизга ота-онам ҳақда ҳеч нарса билмайман деб. Буни билишга ўзим ҳам қизиқаман. Қизиқшимнинг сабаби — шунчаки билиб қўймоқчиман... деворнинг тагидан чиққан қандайдир майса эмас, одам боласи эканлигимга ишонч ҳосил қилгим келади.

Улар жим туриб қолишди. Сўнг Мариля хола инқилаб ўрнидан қўзғалди.

— Қачон жавоб беришмоқчи сенга?

— Икки кундан кейин.

Виня бўшашиб, ёстиққа ястанди. Унинг ҳасратлари гўё қалб зорланиши бўлиб отилиб чиққан, энди эса қандайдир Мариля хола деган ғалати кампирга — тамоман бегона бир одамга шунча арзу-дод қилганидан уялиб, ўзини ноқулай сезаётганди. Кейин эса у ўзига таскин бера бошлади: ахир Мариля хола ҳам энг яқин кишисига айтилиши мумкин бўлган нарсани гапирди-ку унга. Нима бўлгандаям, улар орасида худди Вячеслав Степанович билан қиз ўртасидаги каби қандайдир боғлиқлик юзага келганди.

— Яна олдингга кираман,— пича сукут сақлаб тургач, Мариля хола ниҳоят тилга кирди ва оҳиста одимлаб, эшик тарафга йўналди.

Винянинг эса ундан ажрагиси келмаётганди. Қандайдир сирли бир яқинлик тушунчаси унинг қалбига илиқлик бахш этган, гарчи шивирлашишга мажбур бўлишаётган эса-да, кампир билан яна ва яна гаплашишни истаётганди. Умуман олганда, шивирлаб гаплашишнинг ҳам ўз гашти бор: бегона қулоқлардан асраб айтилган гапнинг қадри ошгандек, унинг маъноси ва моҳияти ҳатто ўзингга ҳам чуқурроқ аён бўлаётгандек туюлади.

— Наҳотки... наҳотки... бошқа ҳеч кимингиз қолмаган бўлса?

Мария хола худди шу саволга махтал тургандек тўхталиб, яна орқага қайтди, келиб табуреткага ўтирди.

— Қизим... қаердадир яшаб юргандир.

— Қанақа қиз?

— Аксиниям-да. Болаларим - иккита эди. Василий менга ўхшарди. Аксиня бўлса дадаси Аркадийга тортганди. Қизим... бало-қазонинг ўзгинаси эди, оёқ-қўли чаққон, тил-жағликкина. Охири, анавилар билан бўп кетди...

— Немислар биланми?

— Ҳа, ўшалар билан.

— Кейин-чи?.. Нима бўлган унга?— қўрқув аралаш сўради Виня.

— Нега ваҳимага тушиб қолдинг?— Мариля хола кўкрагини тўлдириб чуқур нафас олди.— Узинг айтдинг-ку эллик иккинчи йилман, деб.

— Гўё, мен... шунчаки... Энди немисдан тугилиш етмай турувди менга!

— Немислар ҳам ҳар хил бўлишган, болам. Қурилиха деган бир қўшним бўларди. Бир куни десанг, эрим партизан эканлигини немислардан биттасига шартта айтди-қўйди ер ютгур. Шундоқ олдимда безрайиб туриб гапирди-я. Тамом, деб ўйладиму, тошдек қотиб қолдим. Немис бўлса, тушуниб туриб ўзини гўлликка солди. Эртаси куни у менга қўшнимнинг уйи тарафни кўрсатиб «яман хатун» деб қўйди. Мана шунақа...

Кампир бир тамшаниб қўйиб, давом этди:

— Қизим... Аксиня илакишиб қолган Ганс эса азроилнинг ўзгинаси эди, одамларни худди қуён овлаётгандек пинагини бузмасдан отарди. Бир куни нима бўлиб ҳам уни қарғаб берган эканман, милтигини олиб бирдан пешанамга тўғрилади. Аксиня унинг қўлидан ушлаб тортдию, менга аталган ўқ эшикни тешиб ўтди. У мочағар чамаси онасининг кўз ўнгида отишларини кўришни истамадими, ё бўлмаса, ҳақиқатан ҳам менга жони ачидими — билмадим. Қайси гуноҳларим учун бундай кўргиликларга гирифтор бўлдим экан, деб ўйладим. Қандай гўзал қиз эди-я! Аксиня! Ақли-ҳуши ҳам жойида эди. Уша лаънати Ганс уни йўлдан оздирди, бир кўрди-ю, ёнидан кетмай қолди...

Мариля холанинг овози бўғилиб, қўллари билан юзни беркитди. Қия очиқ эшикдан чироқ нури ичкарига тушиб турар ва Виня ўзининг ёнидаги каравотда ётган студент Лиданинг уйғониб кетиб, диққат билан уларнинг суҳбатини тинглаб ётганини аниқ кўрди.

— Болалари отиб ташланган бошқа аёллар тақдирга тан беришиб, тез орада кўникиб қолишди. Анеля деган

дугонам: «Болагининг арвоҳини безовталантириб гуноҳга ботаверма, қўй энди, ернинг тагида тинчгина ётаверсин фарзандларимиз», деб менга таъна қилиб қўярди. Мен эсам, бошим ёстиққа тегди дегунча Василий ҳақда ўйлай бошлардим, болагинам ўлганига қарамай, қуёш аввалгидек чиқиб-ботиб тургани, ерда ҳаёт давом этаётганига сира ишонгим келмасди.

Кампир пича жимиб тургач, титроқ овозда сўзига яқун ясади:

— Ўғлини яқиндагина кўмган бўлса ҳам бошқалардек бемалол сайраб юргани, гуппа-гуппа овқат ейишини кўриб Анелядан кўнглим совуб кетарди баъзан. Кейинчалик у дилига таскин қидириб бутхонага қатнай бошлади. Мен эсам яратганга қанчалар ялиниб-ёлвормайлик, энди у бари бир ўғилларимизни тирилтириб бермаслигини ўйлаб даҳшатга тушардим. Даҳшат: жигарбандларимизнинг дийдорини ҳеч қачон қайтиб кўролмаймиз энди. Ҳеч қачон!!!

Кампир балққандай енгил ўрнидан кўтарилиб, пича қотиб турди, сўнг аста-секин чўка бориб, полга узала тушиб ётиб қолди. Лида сакраб ўрнидан туриб унинг қўлтиғидан ушлади. Виня иккаласи кампирни каравотга ётқизишгач, ҳамширани чақирди. Палатадагиларнинг ҳаммаси уйғониб, чироқни ёқишди, кампирни бир зумда ўраб олишди.

Укол тездаёқ таъсирини ўтказиб, кампир секин кўзини очди, Винядан ёрдам беришини сўради, Лида икковлон унинг қўлтиғидан тутишиб, ташқарига етакладилар. Уни ўзи палатасига олиб киришиб, каравотига ётқизишди, бошини меҳрибонлик билан ёстиққа яхшироқ ўрнаштириб, устини қалин адёл билан ўраб қўйишди. Кампир эса гўё ҳеч нимани сезмаётгандек ўз кўмакчиларига бирон оғиз ҳам гапирмай жимгина ётарди.

Эртаси куни у ошхонага ҳам худди шундай кайфиятда кириб келди. Фақат юзи янада осилинқираб ва қорайиброқ кўринар, бурни аввалгидан катталашиб қолганга ўхшарди. Виня тортинибгина саломлашган эди, Мариля хола худди кечаги «дилкашлик»дан уялгандек совуқ жавоб қилиб, ўгирилиб олди, дераза ёнидаги столга бориб, ҳорғин хаёлга чўмганича узоқ ўтирди. Нонушта қилиб бўлгандан кейин кутилмаганда ўзи Винянинг олдига келиб, унинг қўлига аллақандай қоғозни қистирди.

— Бу... адресим. Балки, менга хат ёзгинг кеп қолар... почта шундоққина ёнгинамизда, хатни дарров олиб ки-

риб беришади менга... йўқотишмайди. Ўзингни адресингни ҳам қолдириб кет, болам.

Виня уч кундан сўнг интернатга қайтиб кетар экан нима учун одамлар бирдан яқин бўлиб қолишлари, сирлашишга интилишлари, меҳр-оқибат кўрсатишлари ҳақида ўйлаб борарди. Нима учун инсон ёлғизликка чидай олмайди, нима учун ёлғиз яшаш шу қадар қийин? Баъзан оддий гурунгда кўнглинг енгил тортади, айниқса суҳбатдошинг самимий бўлса. Ўзининг меҳрибонлиги билан ҳатто Сирена ҳам Винянинг қалбида илгари совуқ ва шип-шийдон туюлиб келган ҳаётга меҳр уйғота олди, дунёда самимият борлигига ишонтирди. Нотаниш кишилар ҳам ундан хабар олиб туришди, кўнглини кўтаришди, баъзилари совға ҳам беришди. «Нима учун?» дея ўз-ўзига савол берарди Виня, лекин жавобини тополмасди.

Куз бу йил ҳам ёғин-сочинли келди. Бадқовоқ тонг ҳавосидаги сарғишлик, дераза ойналаридаги ёмғир зарралари мангу қолаверадигандек туюлиб кетарди.

Ҳатто шундай бетароват кунлар ҳам эндиликда Винянинг ҳаёт тарзига айланиб қолган кўтаринки кайфиятни сусайтира олмади. Унинг янги даврадаги осойишта ҳаёти кўпларни ҳайратга солганди. У группадагиларнинг энг каттаси эди. Антоля Ивановна ўз-ўзидан гоҳ аввалгидек талабчанлик билан, баъзан илтимос қилган оҳангда Винядан ёрдам сўрайдиган бўлиб қолди. Антоля Ивановна анча ўзгариб кетган, пича озган, босиқ ва мулоҳазалироқ бўлиб қолганди. У энди ҳар бир гапни тарозига солиб гапиришга тиришар, бўлар-бўлмасга ҳар кимнинг ишига аралашавермас, болаларни илгаригидек «гаҳ» деганда қўлга қўнадиган қилишга интилмасди ҳам. Интернатни битириб кетган тенгдошларидан баъзилари бу даргоҳга гоҳида келиб туришарди. Улар ўзларининг мустақиллигини намойиш этишиб, гердаиброқ туришар, бундан беҳад хурсандликларини яширишга ҳаракат ҳам қилишмас, Виня эса учрашганда ўзини оғир ва хотиржам тутишга уринарди. Айни пайтда у собиқ интернатдошларига аллақандай ташналик билан тикилар — мустақил ҳаёт нега уларни бирдан бегонадай қилиб қўйганига тушуниб етолмасди. Ахир олдинлари у ана шу йигит-қизларнинг ҳар бирини ипидан-игнасигача билар эди-ку. Ўз навбатида ҳамма учун ипидан-игнасигача маълум бўлган Виня ҳам улар билан эндиликда бошқачароқ муомала қилишга тиришарди. Вақт ўтиши билан Виня ҳам ўзгарган: чуқурроқ қарайдиган, диққат

билан эшитадиган, дардлироқ ҳис қиладиган бўлиб қолган эди. Авваллари унга қувонч бахш этадиган расмчишилар ҳозирга келиб азоб ва изтиробга айланганди. Кечалари пионерлар хонасига кириб олиб, кунбўйи у билан мулоқатда бўлганларнинг асл қиёфасини яратиш истагида ёниб ишларди. У бир нарсани ўзича кашф этганди: кишининг юз тузилиши унинг инсоний қиёфасини белгиламайди. Унинг юз тузилиши ёш ўтган сайин аста-секин ўзгара боради, лекин қиёфаси ҳар бир дақиқада ўзгача тус олиши мумкин. Буларнинг барини тасвирга тушириш осонми?

Кафтдаги қумнинг оёғинг остидаги бегона, лекин ўзига ўхшаш қумлар бағрига тезроқ жо бўлиши учун бармоқлар орасидан шувиллаб тўкилиши; тўқ-кўкиш кўлдаги кўпикли тўлқиннинг қаергадир урилиб тўхташи, бирдан зангори тус олганича яна орқага қайтиб, сўнгра тубсизликка фарқ бўлиши учун зўр бериб қирғоққа интилиши; шамол ҳовлига олиб келган далалар нафаси гуллар атрига қоришиб, бир зумдаёқ ўзгариб қолиши — мана, нималарга таққослаш мумкин инсон қиёфасини. Бутунликнинг бир бўлагини ҳаққоний тасвирлаш учун ўша лаҳзаларни тутиб ола билмоқ керак. Қандай қилиб?

Виня чизган расмларини бегона кўзлардан четда сақлашга қанчалик тиришмасин, ҳамма доимо бирга ҳаёт кечирадиган интернатда ўзгалардан бирон нарсани сир тутиш амримаҳол эди: унинг жавончасидан билдирмай олиб қўйилган суратлар кўп ўтмай директор Савватей Викторовнанинг столида пайдо бўлди. Директор Винянинг енгил қаршилигин енгиб, бундан буён чизганларини бировларга кўрсатишдан уялмасликка кўндирди. «Аксинча, шу вақтга қадар сенга ёрдам бермаганимиз учун биз уялишимиз керак», деди у. Кейин рассомлар союзининг шаҳар бўлимига қўнғироқ қилди. Кўп ўтмай улардан вакил келди: этик ва оддий иш костюмидаги сочи тўзғиган бир йигит. У суратларни сезилар-сезилмас ҳуштак чалганча кўздан кечириб чиққач, Виняни пионерлар хонасига чақиртириб, унинг озғин қад-қоматини диққат ва қониқиш билан томоша қилди.

— Сени айнан шундай тасаввур қилгандим,— деди у.— Сочига кўм-кўк шойи боғлаб юрадиган таманнолардан эмас экансан, хайрият. Меҳнатсеварлар тонфасига мансублигинг шундоқ кўриниб турибди.

Виня аввалига бу гапларнинг мазмунига яхши тushунмай, ранжиган қиёфада туриб қолди. Йигит унинг елкасига қоқиб, чизилган суратлар, услуб ҳақида бери-

либ гапира бошлагандан кейин Виня аста-секин эриб, у билан баҳслашишга тушди. Шу билан бирга, йигит Винянинг ҳали кўп нарсаларни ўрганиши лозимлигини айтиб, унинг асосий камчиликларини бир зумда кўрсатди-қўйди.

Рассом йигит кетгандан сўнг қиз ҳаёт унга инъом этиши лозим бўлган қандайдир ғаройиб бир нарсани қалбдан ҳис этди-ю, ҳеч кимдан сўраб ўтирмай, боғ тарафга югуриб кетди. Узун асфальт йўлакчалар қировдан йилтиллаб кўринар, ёз давомида сийқаланиб кетган курсилар энди ёлғизликдан дилдираётганга ўхшарди. Боғдан кеч қайтганига қарамай, уни ҳеч ким тергамади ва бу эркинликдан кўнглига аллақандай сархушлик келиб қуйилди.

Энди интернатдагилар Виняга бошқача кўз билан қарай бошладилар — унинг кейинги суратлари, рассом йигитнинг мақтовни ўз таъсирини кўрсатаётганди. Кейинги пайтларда Антоля Ивановна ҳам гўё бу қиздаги аллақандай ўзига хосликни илғаб олишга уринаётгандек сновчан ва эҳтиёткорона нигоҳ ташлар, мулоқот вақтида гапи қовушмайроқ чиқаётганга ўхшарди. Винянинг синфдошлари эса унинг ёши катталиги ва баркамолроқ эканини сўзсиз тан олишган, ҳаяжонли ва ғаройиб туюлувчи тамоман янгича бу ҳол унинг ўзига ишончини янада ошириб юборганди.

Янги йил ҳам кириб келди. Бу байрам интернатдаги барча болалар қатори Виня учун ҳам жуда сеvimли эди. Чунки бу байрам билан бирга таътил кириб келар, маданий ҳордиқ, коллектив равишдаги сайру томошалар бошланарди. Шодийна кунларда оталиқ ташкилот — область театри артистлари келишар, роль ижро этган пайтда қандайдир сирли туюлувчи артистлар интернатдаги болалар билан учрашганда оддий одамларга айланиб қолишар: бирининг тумовдан бурни шилинқираб кетган бўлса, иккинчисининг ажиндор қовоқлари сўлқиллаб кўринар, бошқаси эса чоки сўкилган қўлқоп кийиб олган бўларди. Интернатда ҳар бир артистнинг ўз сеvimли болалари бор эди. Виня келишини доимо орзиқиб кутадиган — кўпинча ўғил болалар ролини ўйновчи қотмагина ва унчалар ёш бўлмаган Алла Андреевна столда деярли ҳеч нима емасдан ўтирар, расмий совғалардан ташқари қизга ўзи ҳам бирон нарса олиб келарди: баъзан гулдор қўлқоп, гоҳи ярқироқ сочпопук ёки кулгили қўғирчоқ... Ёлғиз яшагани учунми, у ўзига келиб суйканган болалар билан қандайдир раҳмдил,



таъсирчан овозда гаплашарди. У билан мулоқотда бўлган болалар афишалардан Алла Андреевнанинг номини кузатиб боришар, аммо кейинги пайтларда унинг исм-шарифи негадир тобора кам учрайдиган бўлиб қолганди. Виня илк марта Алла Андреевнанинг ўзига ҳам нимадир совға қилиш кераклиги ҳақида ўйлади. Балки қувонар. У қувонган пайтда катта кўк кўзлари шунақаям чиройли бўп кетадики! Қиз Алла Андреевна ҳали ёш ва гўзал бўлган даврида ижро этган роллардан биридаги фаришталардек оппоқ кийимга бурканган ҳолатини чизди (унинг ана шундай қиёфадаги суратини театр фоесиди кўрганди) ва бу расм эгасига ёқиш-ёқмаслиги ҳақида ўйлай бошлади. У таътилда Герман билан Валерканинг ҳам келишини кутар — тери орасига кириб қолган зирапча суғириб ташланишини талаб қилаётгандек, уларнинг келишини азобли ва қасоскор бир туйғу билан кутаётганди.

Лекин Валерка кутилмаганда бир ўзи, ҳамма уйқуга ётиб, навбатчилар ўз вазифаларини бажаришга киришган пайтда келди. Виня йўлак ва пиллапояни ювиб бўлиб, юқоридаги ишхонага чиқиб борди. Эшикни очган чоғда елвизак ичкаридаги шкафнинг эшигини ҳам очиб юборди-ю, янги йил карнавалига атаб тикилган крахмалланган оқ костюмлар шамолдан зўр бериб ҳилпирай кетди. У бориб кийимларни тартибга солишга киришган пайтда кумушранг сочқи елимлаб ярқиратилган бир костюм эътиборини тортди. Чамаси, бу кийим Таняники — у Оққуш малика этиб тайинланганди. Виня карнавал костюми кийишдан бош тортганлигини эслади. Шу дамгача у карнавалларда доим жодугар кампир бўлиб келган, гарчи ўзини бундан бошқа ролга муносиб эмаслигини яхши билса-да, негадир яна ўша қиёфада кўришни истамаётганди. У пол юваётганда елкасига ташлаб олган чанғичилар костюмини четга отиб, йирқироқ кийимни кийди ва аста кўзгуга қаради, тамоман нота ниш, нозик ва ҳуркак қиз унга кўзгудан боқиб турарди...

Виня бир хомуза тортиб, энди осойишта қиёфада диққат билан ўзига тикилди. Ёқимли куйга маҳлиё бўлгандек бошини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бир текис буриб, нозик эшилди, кўпдан бери эзиб турган юкни елкадан ташлагандек енгил тортиб, шкаф эшигидаги кўзгудан нигоҳ узмаган ҳолда ўзича жилмайиб қўйди. Сўнг ўзини қушдек енгил ва сархуш ҳис этиб хонада рақс тушиб айлана бошлади.

Қия очик қолган эшикдан боқиб турган Валерка

унинг ҳаракатларини аввалига кулимсираб кейин эса ҳайрат билан кузатди. Охири сабри тугаб, хонага кирди. Унга ўгирилган Винянинг юзида ўзини ҳамда шу тобда қалбини жунбушга келтирган барча нарсаларни ҳимоя қилишга шайлик акс этиб тургандек эди.

— Таниб бўлмайдиган бўп кетибсан-ку, Оқпоя!— У ичкарига кириб, чамадонини эшик ёнида қолдирди-да, бориб диванга ўтирди.

— Лекин сени дарровда таниб олиш мумкин — ўша ўша иприндиллигингча қолибсан.

Валерка бир титраб кетди-ю, индамади. Виняга ажабланиб кўз тикди. Сўнг айтилган гап унга эндигина этиб боргандек жавоб қилди:

— Бу қанақаси? Ҳали саломлашиб улгурмасимиздан ипринди деб қолдинг.

— Ўзинг-чи? Нега Оқпоя дейсан? Оқпоя энди йўқ, азизим. Бундан кейин ҳам учратолмайсан уни! Тушундингми?

— Йўқ бўлса йўқ-да! Шунга шунча ғалвами?

Валерканинг товуши ўзининг оламда мавжудлигини билдириб қўйиш учун тонгда деворга беўхшов қўниб олиб қичқира бошлаган ёш хўрознинг товушидек пича ҳирқироқ эди. Виня ҳануз саккизинчи синфда, Валерка эса алоқа техникумида ўқиётганлигига қарамай қиз ўзини ундан каттароқдек ҳис қилди шу тобда. Ота-онаси чет элдан қайтгач, улар билан бирга яшаш учун пойтахтга қайтган Германдан айрилиб қолган Валерка ниҳоят ўзига ўзи хўжайин бўла бошлаганди. Унинг илгари Германиянинг ҳар бир ҳаракатини итоткорона кузатиб турувчи кўм-кўк кўзлари эндиликда самимийлашган, қалин лаблари безавол кулгига мойил кўринарди. Виня қачонлардир Валерка унга болғача ясаб бериб, меҳнат дарсидан баҳо олишга кўмаклашганини эслади. У ўшанда қизнинг ёнига кирлашиб қолган қора коржомда югуриб келиб, болғачани аста унинг қўлига қистирган ва яна чопқиллаганича группадаги болалар олдига қайтаркан, орқага бир қайрилиб худди шундай самимий жилмайиб қўйган эди. Шуларни ўйлаб Виня бир оз юмшади:

— Шундай қилиб, келдим дегип?

— Келдим. Энди соғина бошладим... интернатни. Олдинлари қадрига етмаган эканман. Бу ерда ташвиш деярли йўқ — овқат донмо тахт, кийим-бошинг тайин. Эсингдами, янгини беришга қизғангани учун омборчи

аёлга тиш ғижирлатардик. Ботинканинг таги ейилиши ҳақда ўйламасдик ҳам. Энди бўлса...

У қизга тикилиб, гўё тамоман бошқа нарса ҳақда ўйлаётгандек ғалати қиёфада сўзларкан, Виня Оққуш малика костюмини кийгач, елкалари батамом яланғочланиб қолганлигини эндигина эслади.

— Винька, сен ҳақиқатан ҳам... етилиб қолибсан, — деди Валерка. У ўз одатига кўра тишлари орасидан «чирк» этказиб тупуришга чоғланди-ю, кейин уялгандек бўлиб, диванга янада ястаниб олди. — Нега туриб қолдинг? Утир. Бир гурунг қилайлик энди.

Валерка ўзининг безовталанаётганини тиришиб, кейинги сўзлари дангалроқ гапиришга ҳаракат қилди. Ундаги безовталиқ ва довдираш Виняга бирдан эрк бахш этди. Қиз қалбида хотиржамлик ва ўзига ишонч пайдо бўлди: Валерка энди уни ранжита олмаслиги ва бунга умуман хоҳиш йўқлигини тушуниб етди. Шундай экан, бундан буёғига у билан ўчакишиб юришга ҳожат йўқ. аксинча унинг ёнига ўтириб, осойишта ва дўстона гаплашган маъқул. Кичкинагина ютуқ! Майли-да!..

Анча ювош тортиб қолган Валерка янги йил байрамини ўтказибоқ яна йўлга чиққан кунинг ўзида Виня чизган суратлар республика конкурсда биринчи ўринни олгани ҳақида интернатга хабар келди. Кетидан умирида биринчи марта посилка олди. Бу — мукофот эди: ҳар хил мўйқаламлар ва санъат тарихига оид қалин китоб. Булар Винянинг омборчига қайтиб топшириши шарт бўлмаган дастлабки шахсий буюмлари эди. Расмларга бой, муқоваси ялтироқ бу китобни энди ҳеч ким ундан бесўроқ ололмайди, чунки бу ўзининг буюми.

Кўп ўтмай, унга хатлар кела бошлади: даставвал эндиликда районга ўтказилган Янядан, сўнг Валеркадан, кейинроқ — Мариля холадан...

Мариля хола ҳақидаги аянчли хотиралар оғриги қиз касалхонадан чиққандан кейин ўтган ҳафталар мобайнида аста-секин юмшаб бораётганди. Ўша оғриқнинг яна зўрайишидан безиллаганича конвертни очган Виня хатни ўқий бошлади-ю, сатрма-сатр чеҳраси ёриша борди. Ишхонадан чопқиллаб тушиб, ётоқхонага кирди ва каравотига ўтириб олиб, хатни бошқатдан ҳузур қилиб ўқиб чиқди. Қўшни кампирнинг сигири ҳаром ўлганлигини билдирувчи «таъзиянома», ўғли Василийнинг қабрига ёдгорлик ўрнатмоқчи бўлишгани тўғрисидаги қувончли хабар, Винянинг чўчқа ёғини ёқтириш-ёқтирмаслиги ҳақидаги савол бир-бирига қоришиб кетгандики, уни

Ўқиб, кулгидан тийилиб туришнинг сира иложин йўқ эди. Агар кўнглинг тортса, келгуси сафар чўчқа ёғидан юбораман, бошқа кимга ҳам илинардим, деб ёзганди Мариля хола.

Виня жавоб хатини узоқ ва куймаланиб ёзди, фақат чўчқа ёғи ҳақида ҳеч нарса демади: қандайдир ноқулайда. Ахир у интернатда оч қолаётгани йўқ-ку...

Бир ҳафтадан кейин Мариля холада бари бир посылка келди.

Виня группадоларини ҳаётида илк бор меҳмон қилди... чўчқа ёғи билан.

Қизиқроқ янгиликларни тўплаш учун пича муддат керак бўлди шекилли, Мариля холанинг навбатдаги мактуби икки ойчадан кейин келди. Виня сатрлар орқали гўё кампирнинг турмуш ташвишларига чуқурроқ кириб бораётгандек эди. Нотаниш қишлоқ ҳақидаги тасавури ўзи сезмаган ҳолда бойиб борди: кўм-кўк кўл соҳилларини қуршаб олган мўъжазгина уйлар, озода ҳаммомлар, Мариля холанинг кулбаси яқинида қад кўтарган ойналари кенг почтахона...

Уша бегона қишлоқ унинг хаёлини тобора ўзига кўпроқ жалб этиб, Виня эндиликда ҳатто печни ёқишга кампирнинг дармони етармикан, деб безовталанишгача бориб етганди. Куз ёмғирлари асфальтда аллақачон музлай бошлаган, қаҳрли қиш жуда яқинлашиб қолган эди. Аслида печ ёқиш нималигини у аниқ билмас, тасавурида бу юмуш шанба кунлари клубга бориб кино кўриш ё бўлмаса, дардан кейинги ҳордиқ чиқаришга ўхшаб кўринарди.

Кунлар ва ҳафталар навбати билан бир текис ўтиб борар, Винянинг қонига ўрнашиб олган ҳаяжон эса тобора авжга минаётганди. Оқшомлари қия очиқ дарчадан навқирон қишнинг чимчилогич шабадаси бостириб кирар, тун шўхчан юлдузларнинг кўкиш нурларига чулғанар — борлиқдан ҳали нигоҳига ҳорғинлик чўкиб улгурмаган ёшликнинг нафаси уфурарди гўё. Бундай пайтда ташриф буюриши муқаррар бўлган баҳорни эслайсан беихтиёр. Дераза ёнида ўсган каштан дарахти аёзга матонат билан дош бериб, ўша серфайз фаслда шохларида куртак чиқариш учун қувват сақлар, бу куртаклардан эса гўзал барглар ҳосил бўлишига қатъий ишонар эди. Виня шу тобда ўзини улкан дарахтнинг битта куртагига таққослаётганди: у ҳам яқинлашаётган файзли даврини кутиб олишга, гарчи моҳиятини тўлиқ тушуниб

етмаса-да, ўз баргини ёзиб, унга, ҳа, фақат унга аталган ҳаётда яшаб кўришга тайёргарлик кўраётганди...

Утиб бораётган қишининг шамоллари кучсизланиб ҳаво илиқлаша бошлаган кунларнинг бирида Савватея Викторовна уни ҳузурига чақиртирди. Виня кириб борган пайтда каттақон шол рўмолни елкасига ташлаб олган директор илиқ печининг деворига курагини тутиб, исиниб турганди. Шишинқираган қовоқлари остидан кўзлари самимий чақнаб турарди. У қўлидаги кўкиш қоғозга мамнунлик билан қараб қўйгач, бу қувончининг сабабини талабасига маълум қилиб, деди:

— Мана буни кўряпсанми?— бу — рассомлик билим юртига йўлланма. Имтиҳонсиз қабул қилишадди. Бориб ўқишни хоҳлайсанми?

Виня ниманики орзу қилган бўлса, ҳаммаси биринкетин рўёбга чиқаётганлигига ишонгисен келмай, бу кутилмаган ҳолдан пича анграйнб турди, сўнг аста бош ирглади.

— Жуда соз. Беҳад хурсандман, қизалоғим. Шунинг учун ҳам хурсандманки, интернатимиздагилар аста-секин ҳаётда муносиб ўринларини топиб олишяпти. Сени имтиҳонсиз қабул қилмоқчи бўлишгани адолатли иш деб ўйлайман. Унақа жойда сен ўқимасанг, ким ўқийди?

— Раҳмат, Савватея Викторовна.

— Қўйсанг-чи... Тарбияланувчиларимиз назарга тушса, бу биз учун катта фахр. Ўзинг биласан, бизда шароит анча оғир, бирон корҳол бўлмасмикан деб доимо ташвишда юради киши.

Директор у билан ўзини тенг тутиб гаплашаётгандан кўнгли кўтарилган Виня ўзи ҳам кутмаган ва ҳозир Савватея Викторовна унинг илтимосини ерда қолдирмаслигига ишонган ҳолда сўради:

— Таътилда бир ҳафтага жавоб беролмайсизми? Бир жойга... таниш бир аёлникига бориб келардим.

— Ҳа-а! Анави сенга посилка юборганникигами?

— Ҳа, ўша ёққа. Биламан, одатда фақат қариндошларникига боришга рухсат берасизлар, менда эса... Ўзингиз биласиз... Утиниб сўрайман Сиздан!

— Бунча ҳаяжонланмасанг,— кулимсиради директор.— На илож... Майли, истисно тариқасида рухсат берамиз. Қап-катта қиз бўлқолдинг. Тўрт кундан кейин таътил бошланади, кейин кетаверасан. Фақат, билет масаласи...

— Янядан пул сўрай қоламан,— шошиб гапирди Виня.— Биламан, у йўқ демайди.

— Пулни айтаётганим йўқ. Билетни олдиндан олиб қўйиш керак, демоқчиман. Чамаси, менда...

Савватея Викторовна қип-қизил бўялган тирноқлари билан амиркоң сумкачасини очиб, ичини титкилади.

— Мана, йўлқирага бемалол етади,— дея қизга пул узатди у.

— Вой, қўйинг-е... Қелиб-келиб Сиздан...

— Эртага бухгалтернинг ёнига кир, сенга яна пича пул тўғрилаб берамиз. Меҳмондорчиликка қуруқ қўл билан бориб бўлмайди, ахир...

Олти соатли йўл Виняни эзиб юборди. Унинг рейсига шалоғи чиққан автобус тушиб қолган, бунинг устига энг орқадаги ўриндиқдан жой теккани учун йўлнинг ўнқир-чўнқир жойларида бошқаларга нисбатан кўпроқ жабр тортди. Охири уйқу элитди. Кўзини очган пайтда йўл четндаги нарсалар кўзга элас-элас чалинадиган даражада қоронғилик тушиб қолган, улкан лоларанг ой автобусга эргашиб югураётганга ўхшарди. Минутлар ўтгани сайин тун қуюқлашиб, автобуснинг чироқлари йўлга кўпроқ нур сачрата бошлади, ой ҳам тобора орқада қола бориб, охири сувдаги пақирдек сезилар-сезилмас чайқалганича само қаърига чўкиб кетди. Кўп ўтмай автобус майдон ўртасида бетон ва ойнадан ишланган тўрт қиррали устуни бор кичик автостанцияга келиб тўхтади. Виня уйқусираганича пастга тушаётиб, ёмғир сувлари асфальтда ҳосил қилган кўлмакка ботиб қолди.

Мариля хола яшайдиган қишлоқ бундан тўрт чақирим нарида эди, дастлабки автобус эса у томонга яна уч соатдан кейин жўнар экан. Виня пича иккиланиб тургач, уйқудан безовта қилинган аёл чавра-тўсиқ ортидан туриб кўрсатган йўлдан дадил одимлаб кета бошлади.

Республиканинг жануби ҳисобланган бу ерларга баҳор эртароқ келар, тоқлар аллақачон барг кўрсатиб қолганди. Отиб келаётган тонг илиқ, ҳузурбаш эди. Кичик ва озода бу шаҳарча автостанциядан бир чақиримча наридаёқ тугаб, дала бошланар, ерга кўкиш тус беришга улгурган майсазор оралаб кетган заҳ йўл узун жигарранг тасмадек ястаниб ётарди. Уфқдаги кўкиш туман олисроқдаги ўрмон олдига тутилган ҳарир пардага ўхшаб кўринаётганди.

Қўлида юки борлигига қарамай Виня қушдек енгил одимларди. Унинг сумкасида кийим-бошлардан ташқари, директорнинг рухсати билан омборчидан олган совғала-

ри ҳам бор эди, дудланган колбаса, уч банка консерва, йилтироқ қоғозли конфетлар ва оппоқ нон.

Тонг осойишталигида узоқда мўъраётган сигирларнинг овози яққол эшитилиб турар, гўнг ва кўпчий бошланган тупроқ ҳиди анқирди. Эндигина ниш урган ёш майсаларнинг исси алоҳида ажралиб турар, буларнинг ҳаммаси шаҳардан келган кимса учун гайритабиий туюлиши таажжубланарли эмасди. Бир оздан сўнг Виня боши айлана бошлаганини ҳис қилиб, йўл ёқасида синиб ётган дарахтга бориб ўтирди. Унинг боши дармонсизликдан эмас, вужудига бостириб кирган ёввойи бир сархушликдан айланаётганди. Шу тобда атрофдаги мусаффо ҳавога тўзғинлик киритадиган; шамолларга қўшилиб, юксак-юксаклардан акс-садо берадиган; қишда чирий бошлаган сомонларни томлардан учириб юборадиган даражада телбаларча қичқиргиси ва бошини қамраб олган сархушлик таъсирида майсага думалаб, оёқ-қўлларини тинимсиз типирчилатгиси келаётганди унинг. Лекин у бундай қилмади, фақат мазасини тотмоқчидек тўйиб ҳаво симирди, сўнг ўрнидан туриб, ҳозиргина хаёлидан кечган ўша тутқич бермас хоҳишларга жилмайиб қўйганича йўлда давом этди.

Қуёш энди анча кўтарилиб қолганди. Йўл ёқасидаги симёғочлар тинимсиз гувиллар, оққайинлар сочпопук чиқара бошлаганди. Жарликдаги сувдан буғ кўтарилиб турар, қарғалар гердайганларича юмшоқ майсаларни тепалаб юришарди.

Қишлоқ унинг қаршисида шунчалар тез пайдо бўлдики, ёшлик кучи ва Мариля холани кўришга бўлган юксак иштиёқ унга гўё қанот бахш этганлигини Виня тушуниб етди. Яна бир оз юргач, почтахона ҳам кўзга ташланди. Ёши ўтинқираб қолган қора юбкали жувон калитни тинимсиз қитирлатар, қулф эса ҳадеганда очилмаётганди. Почта ортида иккита кичик деразаси хўмрайган қулбача кўринди. Пиллапоясининг тахталари дағалроқ ташланган қадамдан майдаланиб кетадигандек туюлувчи бу қулба нимаси биландир Мариля холани эслатарди. Виня эҳтиёткорона одимлаб бориб, журъатсизлик билан эшикни тақиллатди. Гарчи бундай чекка қишлоққа тўрт кун илгари ёзилган хатнинг етиб келишига ишониш қийин бўлса-да, кампир унинг йўлини пойлаб тургандек, ичкаридан дарҳол овоз қилди.

Мариля холанинг аввалига қувонч чақнаб, сўнгра тиниқ ёш йилтиллаган кўзлари ҳам; ўтин чарсиллашдан гоҳ алангаси кучайиб, гоҳ яна сусайиб ёнаётган

кўҳна печ ҳам, худди қанот қоққандек кампирнинг панжасида сандиқдан учиб чиққан оппоқ дастурхон ҳам меҳмон келишини орзиқиб кутганга ўхшарди. Бу ердаги ҳар бир буюмга боққани сайин қизнинг томоғига нимадир келиб тиқилар ва у тинимсиз равишда ютинишга мажбур бўлаётган эди. Қиз ўзини олис сафардан сўнг кадрдон уйига қайтгандек ҳис қилди.

— Кеча ўт қаламаган эдим,— печга ўтин ташлаётиб гапирди Мариля хола.— Ҳаво иссиқ бўлгани учун бугун ҳам ёққим келмагани-ю, кейин фикримдан қайтувдим. Умуман олганда, овқат пиширмасанг, печни ёқишгайм ҳожат йўқ. Менга бир бурда нон билан, озгина чарви ёғ бўлса, бас.

— Мендаям у-бу нарсалар бор,— сумкани очиб, ичидагиларни столга олиб қўя бошлади Виня.

— Вой, болагинам-ей, нималар қилиб юрибсан? Мен қарияга конфет сўришни ким қўйибди?— Фартуғи билан қизарган кўзларини артаётиб, мамнун қиёфада гап қотди кампир.— Яхшиси, ертўлага тушақол. У ерда ҳамма нарса бор: қўзиқорин дейсанми, тузланган бодринг дейсанми... Бўзага эса ўзим чиқиб келаман.

— Қанақа бўза?— ҳайратланди Виня.— Мен... ичмайман мен!

— Бу ерда сен ўзингни тартибингни ўрнатмай қўя қол, ойимқиз. Бир қултум ичсанг, ҳеч нарса қилмайди. Менга жодугар деб бекорга лақаб қўйишмаган.

— Нега шундай дейишади?

— Кўзларим қандайдир сирли хотиротга ўхшармиш. Бу гапда жон бор — узоқ гина сақлайман. Лекин яхшилик ҳам сира эсимдан чиқмайди. Бундан ташқари, майда-чуйда дардларни гиёҳлар билан даволайман. Э-э, бунақа бўлмағур гапларни сенга айтиб ўтиришимдан нима фойда? Келақол, қизим, ертўлага тушиб чиқ, мени оёқларим нобоп, зинадан ағанаб кетмайин тагин.

Кулбадан аста-секин носаришталик ва сўққабощлик руҳи йўқолиб бораётганди. Чўян қозонда шўрва қайнар, столга қовурилган чўчқа ёғи тортилиб, ичида қирмизи ичимлик товланиб турган шишанинг оғзи очиб қўйилганди. Шу пайт пахтали нимча, узун кўйлак кийган кампир жонсарақлик билан хонага кириб келди.

— Шу ердамидинг ўзи?— кирибоқ бобиллаб гапира кетди у.— Кечқурун уйингдан на чироқ кўринди, на тун. Бирор ёққа кетдимкан деб турсам, бирдан мўрнинг тутаётганини кўриб қолдим. Галька келгандир деб ўйладим — Хвесковани айтаман-да. Ке, бир кирай, агар чин-



дан ҳам Галька келган бўлса, ундан Зосенкагинам ҳақида сўраб кўрай дедиму...

У столда нурдан ярқираб турган шишага, қовурмага, мис идишдаги қўзиқоринларга кўз қирини ташлаб қўйди.

— Модомики кирибсан, биз билан ўтирақол энди, Лиза. Бу мени набирам бўлади.

— Набирам? Ҳм... Қайси...

— Жуда эзмасан-да. Набирам дедимми — гап тамом! — аччиғланди Мариля хола. — Дастурхонга яқинроқ кел деяпман сенга.

— Бўпти, бўпти, хафа бўлма, — Лиза хола стулга ўтириб, ўзига қиттаккина бўза қуйганига қараганда, у текин ичимликдан эмас, башанг дастурхондан хурсандлиги кўриниб турарди. — Печингни бир зумда иситворганигни қара-я, набирангни совқоттириб қўймасликка тиришибсан-да?

— Совқоттирмайман ҳам! Нима, эринади деб ўйлайсанми? Хоҳласам, кунга икки маргалаб ёқишим мумкин.

— Буни қара-я... Сени кўпдан бери бундай қувноқ кўрмагандим. Мариля, адашмасам, худо раҳмат қилгур қизинг уруш бошланиши олдидан мактабни битирган кунда сени шунақа кайфиятда кўрувдим.

— Худо раҳмат қилгур, дема. Тирик бўлса, гуноҳга ботасан.

— Ўлган, шаҳардан хат ёзишди, демаганмидинг?

— Ҳеч қанақа хат олмаганман.

— Унда... демак... Ҳой, Аксинянг бирдан келиб қолса-я!

— Нима қипти? Келса келавермайдими...

— Уни оқ қилганман, келса яна оқ қиламан, деб айтмаганмидинг?

— Афсонавий Святогор ҳам дунёда мен кўтара олмайдиган нарса йўқ деганди. Оқибатда нима бўлди, хўш?

— Тушунмаяпман, — тийрак кўзлари билан тикилди Лиза хола. — Святогорнинг бунга нима алоқаси бор?

Виня нақш солиб ишланган қадимий сандиқни қизиқниш билан кузатаётгандек кўринса-да, қулоқларининг қилиб, суҳбатни тинглаб турарди.

— Эсингдами, Лиза, болалигимизда Апанас ота бизни йиғиб олиб эртақлар айтиб ўтирарди. Жуда кўп эртақ биларди у. Айниқса, улардан биттаси — кучининг

кўплигидан мақтаниб юрувчи Святогор ҳақидагиси ёдимда яхши сақланиб қолган.

— Святогор...— пешонасини қашлаб, ўйланиб қолди Лиза хола.

— Ҳа, Святогор. Наҳот эсингда бўлмаса? Унга до-нишманд чол йўлиқиб, ердаги оғзи бойлаған халтани кўрсатади-да, қани, паҳлавон бўлсанг, шунни кўтар-чи, дейди.

— Хўш, кейин-чи?

— Хў, нималар деяпсиз, мен уни синчалоғимда кўта-раман, дейди Святогор. Сўнг отдан тушиб, синчалоғида тортиб кўради, лекин кўтаролмайди. Шунда халтанинг тугунчагидан бир қўлида ушлаб, силтайди. Яна кўта-ролмайди. Жаҳли чиқиб, тугунчакдан икки қўллаб қат-тиқ тортган пайтда ўзи тиззагача ерга ботиб кетади-ю, халтани бари бир қўзғатолмайди. Чунки ўша тугунчак-да ернинг борлиқ кучи жамланган экан.

— Қанақа... куч?

— Заминни ушлаб турган ҳамма кучлар-да: инсон-ларнинг самимияти, севинчи, орзу-умидлари... Буларни кўтариш ҳатто Святогорнинг ҳам қўлидан келмаган экан.

— Ортиқча дополик қилвордингми дейман, Мариля. Бу гапларнинг тагига етолмай турибман-да.

— Тушунмадим дегин? Унда ўтирган жойингда ўти-риб, яхшилаб ўйлаб кўр, мен эсам сизларга яна озгина-дан бўза қуйиб бораман. Кейин мени афв этасан, Лиза... Набирам йўлдан келган, ҳаммомни ёқиб, уни яхшилаб чўмилтиришдан керак бўлади.

— Ҳаммомингни каламушлар аллақачон илма-тешик қилворган бўлмасин. Ёқмаганингга неча йил бўлди ўзи?

— Аниқ билмайман... жуда кўп йилдан бери иситилма-ган. Доимо қўшнилاردан биронтаси ҳаммомга таклиф қилиб қоларди. Бугун — менинг куним туғди. Бирон нарсани хоҳласам, албатта қиламан. Ёқаман деган экан-ман, демак, гапим — гап!

Йўлдан толиқиб келган Виня сандиқда ётавериб сарғайиброқ қолган оқ чойшабга ўранганича ширин ух-лаб ётган пайтда Мариля хола захлаб кетган ҳаммомга қаддини тикроқ тутишга ҳаракат қилганича шошилмас-дан сув таширди. Унинг ошпоқ сочлари дид билан та-ралган, юбка устидан хўрознинг сурати кашталанган фартуғ тақиб олган эди. Сувни етарли ғамлаб, марҳум эри қурган печ устидаги қозонга оққайин шохчасидан тайёрланган савалагични солиб қўйгач, кулбага қараб йўл олди.

Виня шарпадан уйғониб, каравотда ётганича кўзларини ишқалаб кампирга тикилди.

— Ҳаммомни иситаман дегандингиз...

— Иситамиз, болам, иситамиз. Қалай ухладинг, тушингда нималарни кўрдинг?

— Туш кўрмадим шекилли. Жуда тиниқиб ухлабман.

— Яхши ухладинг, кеч киришнгаям оз қолди.

— Эҳ, бу ерда қандай яхши-я!

— Бўлмасам-чи, қизалоғим. Юрақол, қандай печ ёқишни ўргатиб қўяман. Шаҳарликлар бунақа ишларни билишмайди. Аслида печ ёқиш ҳаётдаги энг муҳим нарсалардан биттаси ҳисобланади.

Ҳаммом ичида оққайин барги бўй таратиб турарди. Ургимчак қозик арқончасига осилиб, шоша-пиша юқорига кўтарила бошлаган эди, Мариля хола уни кўрибоқ, чаққонлик билан супуриб ташлади. Ҳаммомнинг ҳатто полдан ҳам тупроқ нси келаётгани қизни таажжублантирди. «Илиқ сув пол ёриғидан оқиб, ерни захлатиб юборгани учун шундай бўлса керак», деб ўйлади Виня. Бу ерда ҳаммаёқда тупроқ, ҳа, ҳаддан зиёд кўп. Шаҳарда эса улар асфальт ва бетонлар тагида қолиб кетган, фақат дарахт ёки гул экилган жойлардаги кичкина катакчалардагина қолган. Бу ердаги уйлар шаҳардагига ўхшаб баланд пойдевор устидан бошланмай, аксинча ер бағридан қад кўтариб чиқади, кишилар тупроқнинг қалбига қулоқ тутиб яшашади.

— Аввал тутантириққа кичикроқ чўпларни тер,— Мариля хола нўноқ ҳаракат қилаётган Виняга ёрдамлашар экан, ўтин унинг хоҳишига бўйсуняётгандек печ ичига бежирим тахлана бошлади.— Кейин каттароқ ўтинларни мана бундоқ бир-бирига мингаштириб териш керак. Гугурт қани? Қани, ёқ-чи? Бўлди. Яна ўтиндан ташла.

Печ оғзидан тутун буруқсаган чоғда Виня юзини ўгириб, йўтала кетди.

— Тутундан кўрқма. Ўз кулбангнинг тутуни ҳам ширин бўлади, қизалоғим,— Мариля хола кўзи хиёл ёшланганича Виня ташлаган ўтинларни тартибга келтира бошлади. Тутун бирдан ичкарига қайтиб, мўрига қараб оқди. Аланга тобора зўрайиб, печ остидаги полни ва қиз билан кампирнинг оёқларини қиздираётганди. Улар пича орқага чекинишиб, полга ўтириб олишди. Баҳор оқшоми ташқарига чимматини ташлаётганди. Бунинг сайин печ оғзидан тошиб чиқаётган ялин ҳаммомни кучлироқ ёритар, ҳатто инидан чиқиб, эски ёғочни зўр бериб қиртил-

латишга тушган тахтакананинг гимирлаётгани ҳам яққол кўзга ташланиб турарди.

— Бу дунёга келиб, мана шундай шавқли ўтиришнинг ўзи катта гап,— хаёлчан гапирди Виня.

— Ёқаётган бўлса, шу ерда қолавер. Иккаламиз яшайверамиз,— деди Мариля хола фартуғига тикилган хўроз тасвирини кафтида текислаётди.

— Қололмайман,— ҳомуза торти қиз.— Рассомлик билим юртига ўқишга киришим керак. Тағин қаерда ўқийман денг — нақ пойтахтда-я. Ҳали у ерда бирон мартаям бўлмаганман. Кўрибсизки, бир неча ойдан кейин ўша ёққа жўнайман.

— Жўнайман дегин? Кейин ҳаммомни кимга иситаман?— Мариля холанинг ўтин ушлаб турган қўли қалтирай бошлади. Бу сафар ўтинни печга беўхшовгина ташлади.— Ишқилиб, яна келасанми?

— Бўлмасам-чи! Билмадим, менга бу ер нима учун бу қадар ёқиб қолдийкин? Аввалига бегонадек туюлардингиз, энди эса кўнгил узишим қийинлигини ҳис қиляпман. Худди туғишганимга ўхшаб қолдингиз. Нега бундай бўляпти экан, а?

— Менимча, бу шунинг учунки, болам, одамзот деганининг кимидир бўлиши керак. Инсон севишга, ташвиш тортишга, безовталанишга, тунларни бедор ўтказишга қодирлиги билан улугдир. Бизни заминда булардан бошқа нима ҳам ушлаб тура олади? Ернинг тортиш кучиям шу бўлса, ажаб эмас. Бу куч билан ҳисоблашмай ҳам яшайвераман деган киши чиранчиқ Святогор каби қаттиқ янглишади. Уни на кўтариб бўлади, на улоқтириб. Ана шу кучга эш бўлмасдан, ёлғиз яшай оламан деб ўйлама. Бир пайтлар мен ана шундай ўйлагандим — қайғу изтиробларни ҳам, танҳолик даҳшатини ҳам бир ўзим енгиб ўта оламан дегандим. Қаттиқ янглишган эканман — энголмадим. Аниқроғи тугунчакни ушлаб, роса чирандиму, юкни ердан узолмадим, кучим етмади. Бунга қайтам хурсандман. Шу боисдан ҳам хурсандманки, юрагимда яна тафт пайдо бўлди, дунёда қайтадан яшай бошладим, энди мен кимнидир кечира оламан, кута оламан. Яна шу туфайли бахтиёрманки, болагинам, ҳаётимда сен пайдо бўлдинг!

Кампир Винянинг сочини беўхшовгина силаб қўйди, у ҳақиқатан ҳам суйинни қайтадан ўрганаётганга ўхшарди.

— Мен ҳам доим қўрқиб яшардим,— секингина шивирлади Виня.— Қўрқишимнинг сабаби, мен ҳам ўша

сиз айтган ернинг тортиш кучи борлигини билардим. Билардиму ҳис қилолмасдим, чунки мени ҳеч ким, ҳеч нима ушлаб турмасди, ҳеч кимга кераксиздек эдим. Мана, энди эса...

Ялин кучайиб-пасайган сайини девордаги соялар енгилгина ирғишлар, эшик ёнига осиб қўйилган оққайини савалагичидан май оқшомларининг ҳузурбахш бўйи барқ ураётганди.

— Мен ҳеч ким билан бунақа гапашолмайман, — печининг оғзига тикилганча давом этди Мариля хола. — Ҳеч ким билан. Сен эса ҳамма гапимга тушунасан. Томирларингда менинг қоним оқмаётганига ишонмай қолдим ҳатто. Балки сен... сен... Эҳ, Аксиня... қизалоғим. Агар сен тирик бўлсанг... Агар мени йўқлашдан қўрқатган бўлсанг... Уни туққанинг, ёруғ дунёга келтирганинг, уни ўлдириб, гуноҳга ботмаганинг учун ҳам сени қарғамасликка тайёрман. Балки, ундай эмасдир. Лекин мен бунга ишонишни истайман. Ахир зурриёдим ер юзида тугаб кетмайди-ку, кимимдир орқамда қолади-ку...

Ўша куними ёки эртасими — Виня туш кўрди: у кўлнинг қудратли тўлқинлари ювиб турган сарғиш қумлоқли соҳилдаги улкан қарағайлар оралаб кезиб юрарди. Асрий оққайинлар соясига бурканган кенг йўл, ёввойи мевачаларини кўз-кўз қилувчи турли мускулдор жингалалар билан қопланган қуюқ ўрмоннинг такрорланмас нафосати унинг нигоҳини тортарди. Қалин тераклар оғушига кўмилган осойишта қишлоқда деворлари ўқ ва снарядлардан жароҳатланган, гумбазига қарғалар ин қурган кўҳна бутхона сукут сақлаб турарди. Қадимий сув ҳавзаларининг асл кўриниши замонавий усталар қўли билан қайта тиклана бошлаган, оқсуяклар яшаб ўтган асрий саройлар шу тупроқда туғилиб, яшаб ўтган донишманд меъморлар сирини истаб-истамай сўзлаб беришга мажбур бўлаётганди.

«Ахир бу менинг ерим-ку! — дея ҳайратдан қони жўш урарди Винянинг. — Илгари мен у ҳақда ўйламасдим ҳам, на унинг тарихини билардим, на бошқасини. Энди ҳаммасини билишни истайман! Менинг мунис ва индамас она тупроғим, сенинг бағрингга қўл солишни, бошингдан нималар кечгани, сени нималар кутаётганини билишни хоҳлайман! Энди мен кучлиман, мени ернинг тортиш кучи — буюк меҳр ушлаб турибди. Энди у мени қўйиб юбормаса, бас!»

Мариля хола эса ўша кеч ҳам, эртаси тунда ҳам мижжа қоқмай, қачонлардир ундан ранжиб юз ўгирган

митти қария — уй жини эндиликда кулбадаги ўзгача бир файз ҳамда илиқликка маҳлиё бўлганича печ супа-часига чиқиб келгани ва унга қолдирилган товачадаги буғдойдан эҳтиёткорлик билан тотиб кўраётганини эшитиб ётарди... Мариля хола Винянинг нафас олишини ҳам тинглаб ётар, тинглаган сайин кўнгли тобора енгил тартаётганди...

## МУНДАРИЖА

Ҳаёт қарзи.- Илҳом Султонов таржимаси . . . . .	4
Немезида ҳузурида йигирма дақиқа. Ёдгор Обидов таржимаси . . . . .	19
Оёқларимиз остида. Маҳкам Маҳмудов ва Абдулҳаким Муҳаммадиев таржимаси . . . . .	43
Изтироб. Маҳмуд Яҳёев таржимаси . . . . .	64
Қудратни заминдан оламиз (қисса) Анвар Обиджон таржимаси . . . . .	82

На узбекском языке

**Ипатова Ольга Михайловна**

**ДВАДЦАТЬ МИНУТ С НЕМЕЗИДОЙ**

Рассказы и повесть

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент, 1985.

Редактор **Х. Даврон.**

Рассом **А. Мамамонов.**

Расмлар редактори **Р. Зуфаров.**

Техн. редактор **Н. Мирзаева.**

Корректор **Б. Бахромова.**

ИБ № 1608.

Босмахонага берилди 22.10.84. Босишга рухсат этилди 28.01.85. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. № 3 босма қоғозига «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 5,0. Шартли босма листи 8,40. Шартли кр.-отт. 8,82. Нашр листи 9,0. Тиражи 25000. Буюртма № 5029. Шартнома 84—84. Баҳоси 55 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, ГСП, Тошкент, «Правда Востока», 26.